Ўзбекистон Республикаси
Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги

Наманган Муҳандислик-Иқтисодиёт институти

“ Молия” кафедраси

“Молия”

фанидан маърузалар матни

Наманган– 2006

Аннотация

Хозирги замон бозор иктисодиёти шароити иктисодчи мутахассислардан молия тизими хамда кредит-пул муносабатларининг мохияти ва табиатини хар качонгидан хам чукур билишни талаб этади. Шу нуктаи назардан ушбу маъруза матни талабаларнинг молия, кредит ва пул муомаласи тизими сохасида назарий билимларини мустахкамлаш билан бирга унинг утиш даврида Узбекистон Республикасидаги узига хос хусусиятлари ва кирраларини очиш имкониятини беради.

Маъруза матни молия ва кредитнинг мохияти, асосий вазифалари, келиб чикиш тарихи, унинг режали ва бозор иктисодиётидаги роли, товар-пул маблагларини шакллантириш ва кредитнинг мухим жихатлари, молиявий менежмент ва режалаштириш, давлат бюджети, ташки иктисодий алокаларда молия ва кредит-пулнинг роли тулик уз аксини топган.

Тузувчилар: **кат.ўқ. Собиржанов Ю.**

Тақризчилар: **НамМПИ, и.ф.н., доц. А.Юлдашев.**

НамМИИ, «Молия» кафедра мудири и.ф.н., доц. Қодирова Х.

Маърузалар матни “Молия” кафедрасида муҳокама қилиниб тавсия этилди.
Баённома № _____

1-Мавзу: Молия ҳақида умумий тушунча (2 соат).

Режа:

1. Молия фанининг предмети ва вазифалари.
2. Молиянинг объектив зарурлиги ва унинг функциялари.
3. Молия муносабатларининг таркиби, шакллари ва уларни бошқариш хусусиятлари.

Таянч иборалар:

- ***Молия;***
- ***Молиянинг функциялари;***
- ***Молиянинг тақсимлаш функцияси;***
- ***Молиянинг назорат функцияси;***
- ***Давлат молияси;***
- ***Давлат бюджети;***
- ***Бюджет муносабатлари;***
- ***Умумдавлат молиявий назорати;***
- ***Маъмурий молиявий назорат;***
- ***Ички хўжалик молиявий назорати;***
- ***Жамоат молиявий назорати;***
- ***Бирламчи молиявий назорат;***
- ***Жорий молиявий назорат;***
- ***Якуний молиявий назорат;***
- ***Бюджетдан ташқари фондлар;***
- ***Давлат кредити.***

1. Молия фанининг предмети ва вазифалари.

Бозор муносабатларига ўтиш – ҳозирги кунда кўпчилик давлатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурининг асосий мазмунини ташкил этади. Бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишга, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эгалик туйғусини қайта тиклашга имкон беради. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, республиканинг ғоят катта бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади.

Шу борада муҳим масалалардан бири: давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли, янги пайдо бўлаётган нодавлат, яъни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган хусусий, акционерлик, коллектив ва бошқа корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан аралаш, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришдир. Мамлакатимизда молиявий муносабатларнинг ижтимоий аҳамияти катта. Тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ташкил этиш, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда бўлиб, инвестицияларни жалб этиш ва бошқалар молия муносабатларининг бевосита вазифаси ҳисобланади.

«Молия» тушунчаси қисман пул муносабатларини билдиради. Бироқ, молия ва пул айнан бир нарсани билдирса, у ҳолда савол туғилади: айнан бир моҳиятга нима учун иккита мустақил тушунча мавжуд?

Бунинг учун мазкур категориянинг ривожланиш тарихини кўриб чиқамиз. «Молия» ибораси (ит. Finansia) XII-XV асрларда Италиянинг савдо шаҳарларида пайдо бўлиб, аввалига ҳар қандай пул тўловини билдирган. Кейинчалик бу ибора қандайдир жараённи субъектлар ўртасидаги муносабатларни, аниқроғи пул муносабатларини билдирган ва халқаро кўламга ёйилган, лекин уни ишлатиш соҳаси умумдавлат пул фондларига пул тўловлари билангина чегараланган.

Шундай қилиб, молиянинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Пул муносабатлари, яъни пул молияни мавжуд бўлиши ва амал қилинишини моддий асоси ҳисобланади (пул йўқ жойда молия ҳам бўлмайди).

2. ислоҳотларнинг бош ташкилотчиси бўлмиш давлатнинг мавжудлиги.

3. Пул муносабатлари жараёнида умумдавлат пул фондларини шаклланиш жараёни амалга оширилади. Айтиш мумкинки, молиянинг алоҳида белгиси унинг фондли характеридир.

4. Бюджетга маблағларнинг доимий тушиши солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларга давлатнинг мажбурий тазйиқи хусусиятини ўз-ўзидан бермайди ва бу ҳолат давлатнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратишга қаратилган ижодий фаолияти воситасида ҳамда бунга хос фискал аппаратнинг яратилиши билан таъминланади.

Мазкур белгилар бўйича молияни барча пул муносабатлари йиғиндисидан хатосиз ажратиб олиш мумкин. Мисол учун фуқаролар ўртасида, фуқаролар ва чакана савдо ўртасидаги (ҳаттоки, чакана нархларни давлат томонидан тартибга солиш шароитида ҳам) юзага келадиган пул муносабатларини фуқаролик – ҳуқуқий усул билан тартибга солади.

Пул муносабатларининг бошқа гуруҳи – бу жисмоний шахслар тмонидан даромад солиғини тўлаш. Бу ерда молиянинг барча белгилари аниқ иштирок этади: солиқни тўланиши пул шаклида амалга оширилади; иккита тенг ҳуқуқли бўлмаган субъектлар иштирок этади (жисмоний шахс ва давлат); давлат мазкур муносабатларнинг барча элементларини аниқлаб беради, уларни қонун кўринишида расмийлаштиради, назоратни амалга оширади, қонунбузарлик учун жазолар белгилайди. Мазкур тўловлар натижаси умумдавлат пул фонди – давлат бюджетининг даромадлар қисми шаклланади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, молияга биринчи таърифни қуйидагича бериш мумкин:

Молия – бу давлат томонидан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий масалаларни бажариш учун мўлжалланган умумдавлат пул фондларини шакллантириш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган пул муносабатларини йиғиндисидир.

1. Айнан Марказий Европада биринчи буржуа инқилоблари натижасида умумдавлат пул маблағлари фонди – бюджет юзага келди, ҳеч қайси давлат ҳукмдори унга ёлғиз ўзи хўжайинлик қила олмайди.

2. Бюджетни шакллантириш ва ишлатиш тизими алоҳида хусусият касб эта бошлади, яъни давлат даромадлари ва харажатлари тизими таркибий ва қонуний бирикмалари билан юзага келди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бюджетнинг харажатлар қисми асосий гурухлари бир неча юз йилликлар деярли ўзгармай келди. Ўша даврдаёқ харажатларни тўртта йўналиши белгиланган эди: Харбий мақсадларга, бошқарувга, иқтисодиётга, ижтимоий заруратларга. Давлат харажатлари структурасидаги ўхгаришлар XX асрнинг иккинчи ярмида юз берди. Улар баъзи /арбий Европа мамлакатларининг харбий харажатларни сезиларли қисқартириб, ижтимоий мақсадларга, иқтисодиётга харажатлар қилишга кўпроқ эътибор берганликларида намоён бўлди.

3. Пул шаклидаги солиқлар бирмунча афзал хусусият касб этдилар. Аввалги давлат даромадлари асосан натурал тўлов ва инъомлар ҳисобга шаклланган.

Шундай йўсинда, давлатчилик ва пул муносабатларининг фақат мазкур босқичида яратилган маҳсулотни қиймат кўринишида тақсимлаш имкони туғилди.

Тақсимлаш жараёнлари – жамиятдаги иқтисодий муносабатларининг бир қисми ҳисобланади. Молия ҳам иқтисодий категория ҳисобланади. У қиймат ҳаракатининг муҳим шакллари ёрдамида давлат пул фондларини шакллантириш ва ишлатишда намоён бўлади.

Ҳар қандай давлатнинг пул даромадлари ва фондларининг асосий моддий манбаи ялпи ички маҳсулот ва унинг асосий қисми – миллий даромад ҳисобланади. Моллия ёрдамида унинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши амалга оширилади, шу билан бирга ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмолга тўғридан-тўғри таъсир ўтказилади.

Молия шу билан бирга тарихий категория ҳам ҳисобланади. У ўзининг пайдо бўлиш, ривожланиш босқичларига эга, яъни вақт давомида ўзгариб боради. Молиянинг ривожланишини иккита асосий босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич – молиянинг ривожланмаган шакли. У, биринчидан, молиянинг ноишлаб чиқариш хусусияти билан характерланади, яъни пул маблағларининг асосий қисми (2/3 қисм бюджет) ҳарбий мақсадларга сарфланган ва деярли молия қтисодиётга ҳеч қандай таъсир ўтказмаган. Иккинчидан, бир бўғиндан ташкил топган бюджет ва молиявий муносабатларни чегаралаш миқдоридан, яъни молия тизими қисқалиги ва кенг қамровли эмаслигидан. Уларнинг барчаси бюджетни шакллантириш ва ишлатиш билан боғлиқ бўлган.

Топар-пул муносабатларининг, давлатчиликнинг ривожланиши билан умумдавлат пул фондларига ва шунга мос равишда, уларни шакллантириш ва ишлатиш бўйича пул муносабатларининг янги гуруҳига зарурат пайдо бўлди.

Ҳозирги вақтда молия муносабатлари сиёсий ва иқтисодий тузумнинг даражасидан қатъий назар ўз ривожланишининг иккинчи босқичига ўтди. Бу босқич молия тизимининг кўп бўғимлилиги, уни иқтисодиётга таъсир даражасининг юқорилиги ва молиявий муносабатларнинг турли-туманлиги билан хусусиятланади.

Давлат молияси билан бир қаторда маҳаллий молиялар, бюджетдан ташқари фондлар, давлат корхоналари молияси ривож топди. Давлатлараро ҳамжамиятлар молияси каби янги молиявий муносабатлар соҳаси пайдо бўлди. Мисол учун Европа ҳамжамияти мамлакатлари қишлоқ хўжалигини молиялаштириш, мазкур давлатларнинг алоҳида режаларида интеграцион жараёнларнинг салбий оқибатларини бартараф қилишга ишлатиладиган давлатлараро пул фондларини ташкил қилдилар. МДҲ давлатлари ҳам шундай фондларни ташкил этиш йўлида турибдилар. Молия муносабатларининг янги соҳаларидан бири хусусий тансмиллий корпорациялар молиясидир.

Пул фондлари ва шунга мос равишда уларга тегишли молиявий муносабатларнинг турличалиги уларни даражаларга бўлишни асослайди. Умумдавлат пул фондлари марказлашган пул фондлари ҳисобланади, қолган барчалари эса – марказлашмаган пул фондларидир. Марказлашган фондлар ҳисобидан жамиятнинг макродаражадаги масалаларининг ҳал этилишини таъминланади. Бу, аввало, умумдавлат аҳамиятидаги эҳтиёжларни таъминлашга, мамлакат мудофаасига, марказий давлат ва бошқарув органларини сақлашга, миллий аҳамиятга эга бўлган халқ хўжалиги тармоқларини қўллаб-қувватлашга, алоҳида ҳудудларнинг ижтимоий ва иқтисодий ва ривожланиш даражаларини тенглаштиришга, атроф муҳит муҳофазасига, фундаментал изланишлар ва фан-техника прогрессини қўллаб қувватлашга сафарбар этилади.

Буларнинг барчаси, молиянинг мазкур босқичида ижтимоий такрор ишлаб чиқариш элементлари – моддий бойликлар, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқаришга таъсир қилишнинг муҳим қуролларидан бирига айланишини исботлайди.

Конкрет иқтисодий ва сиёсий шароитлар, давлатнинг роли ва табиатига боғлиқ ҳолда молия деярли бир хил институтларга эга ҳолда, кўпинча сифат жиҳатидан турли мазмунга эга бўлади. Мисол учун, яқин вақтгача дунёда икки сиёсий ва иқтисодий тизим амал қилиб келди. Ҳозирги кунда эса фан-техника тараққиёти давлатларни тараққиёт даражасига кўра фарқланишини келтириб чиқарди. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, молияга яна ҳам кенгроқ таъриф бериш мумкин.

Молия – бу давлатнинг ўз вазифа функцияларини бажариш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шакллантириш жараёнида юзага келадиган, давлат томонидан ташкил қилинадиган пул муносабатлари йиғиндисидир.

2. Молиянинг объектив зарурлиги ва унинг функциялари.

Молиянинг моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади.

Жамият тараққиётининг турли ижтимоий-иқтисодий босқичларида, турли молиявий тизимлар амал қилади, баъзи ҳолларда мавжуд иқтисодий муносабатларни муваффақиятли объектив намоён қилади, бошқа ҳолларда эса, муваффақиятсизроқ, бироқ молия ҳар доим тақсимлаш функциясини бажаради.

Молиянинг бошқа муҳим функцияси назоратдир. У тақсимлаш функцияси билан узвий боғлиқдир. Молия муносабатларининг турли таркиби орасида пул фондларининг шаклланиши ва ишлатилиши назорати билан боғлиқ бўлмаган бирорта ҳам муносабат йўқдир. Шу билан бирга фақатгина назорат билан боғлиқ бўлган молиявий муносабат ҳам йўқ.

Молия ёрдамида давлат ижтимоий маҳсулотни натурал-моддий шаклдагина эмас, қиймат шаклида ҳам тақсимлашни амалга оширади. Шундан келиб чиқиб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида қиймат ва натурал-моддий нисбатларнинг таъминланиши устидан назорат қилиш мумкин ва зарур бўлади.

Молия ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни шакллантириш, тақсимлаш ва ишлатишнинг барча босқичларида назоратни амалга оширади. Назоратнинг бош мақсади ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида ишнинг сифатини яхшилаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларидан оқилона фойдаланишга эришишдир.

Молиянинг назорат функцияси корхоналарнинг барча хўжалик фаолиятларида намоён бўлади. Сўм орқали назоарт қилиш ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари устидан устидан, бу харажатларнинг даромадларга мос келиши устидан, асосий фондлар ва айланма маблағларнинг шаклланиши ва ишлатилиши устидан амалга оширилади. Мазкур назорат маблағлар айланишининг барча босқичларида – молиялаштириш ва кредитлашда, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда, бюджет ва молия тизимининг бошқа бўғинлари билан ўзаро алоқаларда амал қилади. Сўм орқали назорат ёрдамида маҳсулот реализацияси жараёнига, шартнома бўйича шартларни бажарилишига, рентабелликка, фойдага, фонд қайтимига, айланма маблағлар айланишига таъсир ўтказади.

Шундай қилиб, сўм орқали назоратдаромадлар ўсишини, маблағлар ва моддий бойликлар оқилона сарфланишини рағбатлантирилади, корхоналарни камчиликларини бартараф этишга, хўжалик фаолиятини яхшилашга, унинг самарадорлигини оширишга, хўжасизлик а исрофгарчиликка йўл қўймасликка мажбур қилади. Сўнг орқали назоратнинг мухим хусусияти шунда намоён бўладики, пул маблағлар келиб тушиши ва ишлатилиши жараёнида ўзликсиз давом этади ва махсус текширув хамда кузатишлар Билан бевосита боғлиқ бўлмайди, мустақил ахамият касб этади. Молиянинг назораьт функцияси объекти-корхоналар,ташкилотлар, муассасалар фаолиятининг молиявий кўрсатгичлари хисобланади. Молиявий назоратнинг самарадорлигининг ошириш кўпроқ корхонада бош ҳисобчи, молия бўлимларининг ходимлари томонидан ишни қай даражада йўлга қўйилганлиги, молиявий ахборотларнинг хаққонийлиги, молиявий назоратнинг натижалари халқ хўжалигида холатни тахлил қилиш ва объектив бахолаш хамда такрор ишлаб чикиш жараёнини бўлишини муваффаққиятлаштиришга қаратилган қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Молиянинг назорат функцияси амалга ошириш шакли молиявий назорат хисобланади, агар молиянинг назорат функцияси молиянинг ўзининг хусусияти

бўлса, молиявий назорат эса алохида мазкур назоратни амалга оширувчи назорат органларининг фаолияти хисобланади.

Молиявий назоратни амалга ошириш субъектлари бўйича молиявий назорат умумдавлат, маъмурий , ички хўжалик, жамоат ва мустақил (аудиторлик) назоратларига бўлинади.

Умумдавлат молиявий назоратини хокимиятининг қонун чиқарувчи органи-Олий Мажлис хамда молия, солиқ, кредит муассасалари, давлат қўмиталари, махаллий бошқарув органлари бўлимлари амалга оширилади.Буларнинг мухим функцияси молиянинг холати устидан давлат маблағларининг сарфланиши устидан назорат олиб боришдир.

Маъмурий молиявий назоратни вазирликлари ва бошқармаларнинг назорат тафтиш бўлимлари амалга оширади. Бу органлар қуйи корхона ва муассасалар молиявий хўжалик фаолиятининг текширувини амалга оширадилар.

Ички хўжалик молиявий назоратини корхона, муассасаларининг молиявий хизматларини (муносибат, молия бўлимлари) томонидан амалга оширилади. Уларнинг функцияларига корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини хамда унинг таркибий бўлинмаларини текшириш киради.

Жамоат молиявий назоратини алохида жисмоний шахслар ихтиёрий равишда бажаради.

Мустақил молиявий назоратни аудиторлик фирмалари амалга оширилади. Назорат объекти бўлиб барча иқтисодий субъектларнинг фаолияти хисобланади.

Амалга ошириш муддатидан келиб чиқиб, молиявий назорат бирламчи, жорий ва якуний назорат турларига бўлинади.

Бирламчи молиявий назорат корхоналар молиявий режаларини, бюджет ташкилотларининг сметаларини, бюджетлар лойихаларини ва бошқаларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш босқичларида бажарилади. У хўжалик операцияларини амалга ошириш ва моддий, меҳнат хамда молиявий ресурслар норационал сарфланишнинг олдини олиш ва шу билан бирга фаолиятига бевосита, билвосита зарар етказилишини бартараф қилишга ёрдам беради.

Жорий молиявий назорат молиявий режаларнинг бажарилиши, хўжалик молиявий операцияларнинг бориши жараёнида амалга оширилади.Унинг вазифаси қилинган харажатлар, олинган даромадларнинг тўғрилиги, қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигини, бюджет билан алоқаларнинг тўлалиги ва муддатидалигини ўз вақтида назорат қилишдан иборат. Мазкур назорат молия хизматлари томонидан хар куни йўл қўйилган хатоликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ўтказилади. Оперативлик ва мослашувчанлик бу жараёнда биринчи даражали ахамият касб этади.

Якуний молиявий назорат амалга оширилган молиявий операцияларнинг тўғрилиги, қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигини текшириш ва тафтиш қилиш шаклида ташкил қилинади. Унинг асосий вазифаси моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланишдаги

камчиликлар ва хатоликларни аниқлаш, етказилган зарарни қоплаш, айбдор шахсларни маъмурий ва моддий жавобгарликка тортиш, келгусида молиявий интизомни бузиш хлларини олдини олиш бўйича чора –тадбирлар қабул қилишдан иборат.

Молиявий назорат механизми такомиллашиб ва ривожланиб бормоқда. Уларнинг олдига иқтисодиётни молиявий соғломлаштириш ва мамлакатдаги ўзаро молиявий алоқаларни такомиллаштиришга йўналтирилган янги вазифалар қўйилмоқда.

3. Молия муносабатларининг таркиби, шакиллари ва уларни бошқариш хусусиятлари.

Молиявий муносабатларнинг мухим таркибий қисми бюджет муносабатлари ҳисобланади.

Бюджет муносабатлари деб республика, регионал, ва махаллий давлат органларининг хўжалик субъектлари, шунингдек ахолии билан марказлашган пул фондларини шакиллантириш ва ишлатиш билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатларга айтилади.

Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида ” ги қонун лойихасида (Август, 1999 йил) давлат бюджетига шундай таъриф берилади:

Давлат бюджети -даромад манбалари ва улардан тушадиган тушумларни кўзда тутадиган, шунингдек харажат ҳажми ва йўналиши қайси мақсадларга ажратилиши ва муддатини кўрсатувчи давлатнинг марказлашган (Олий Мажлис томонидан шакилланиш ва ишлатиш режаси тасдиқланадиган) пул фондларидир.

Молиявий ресурсларни бюджет орқали бирлаштириш давлат молия сиёсатини муваффаққиятли амалга ошириш имконини беради. Бюджет орқали марказлашган пул ресурсларини тўплаш ва давлат органлари томонидан белгиланган мақсадларга харажатлар амалга ошиилади.

Бу бюджет орқали миллий даромаднинг маълум қисмини тўплаш ва уни қайта тақсимлашни билдиради. Шунинг билан молия тизимининг тақсимлаш функцияси амалга оширилади.

Республика ва маҳаллий давлат органлари бюджет муносабатлари орқали тақсимланган миллий даромадни ўз ихтиёрига олади ва аниқ белгиланган мақсадларга йўналтиради.

Бюджет молия ресурсларини керакли соҳа ва йўналишларда жамлаб давлатни иқтисодиётни бошқариш ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишга имконият беради. Бунда давлат ресурсларини даромад қисми бўйича шакилланиши, ундан самарали фойдаланиш назорат қилинади (молия тизимининг назорат функцияси). Тақсимлаш ва назорат функциялари орқали бюджетнинг иқтисодий категория сифатидаги мохияти юзага чиқади.Шу йўл билан бюджет давлат даромадлари ва харажатларини режалаштирувчи молиявий муносабатларни билдиради. Бюджет ижтимоий-иқтисодий

ривожланишга таъсир этувчи қудратли иқтисодий дастак сифатида юзага чиқади.

Давлат бюджети молия тизимининг мухим бўғини сифатида мамлакатнинг асосий молия режасини ташкил этувчи ва фойдаланувчи умумдавлат пул фондидир.У мамлакатни бошқаришда иштирок этадиган бошқа молиявий дастаклар ичида энг мухим ўринни эгаллайди. Аҳамиятли томони шундаки, у ўзида жамият даромадининг маълум қисмини мужассамлаштиради.

Бюджет қурилишининг мохиятининг очиб беришда биз бюджет тизимининг бўғинларини, уни ташкил этиш ва бошқариш, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг таркибини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Республика бюджети;
2. қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва махаллий бюджетлар;
3. Давлатнинг мақсадли фондларининг бюджетлари.

Давлат молияси давлатни керакли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий функцияларини бажариш учун пул маблағлари билан таъминлашга ундалган молия тизимининг мухим бўғинидир. Давлат молияси таркибига қуйидагилар киради:

Давлат бюджети.

Бюджетдан ташқари фондлар.

Давлат кредити.

Давлат корхоналари молияси .

Санаб ўтилган турли хилдаги функционал вазифаларни бажарадиган звенолар бўйича давлат иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг тармоқли ва ҳудудий муаммоларининг ечимлари кенг миқёсда таъсир кўрсатади.

Давлат молияси таркибида алоҳида ўринни эгаллайдиган бюджетдан ташқари фондлар тегишли ҳукумат органларининг бюджетига боғлиқ бўлмайди ва мустақил юридик шахс ҳуҳуҳига эгадирлар. Бюджетдан ташқари фондлар хукумат органлари қабул қилган қонун доирасида ташкил эилади.

Бюджетдан ташқари фондлар -умумдавлат молиясининг мухимбўғини бўлиб, уларнинг фаолияти қатъий белгиланган, манбаларни ташкил этиш йўллари кўрсатилган, пул фондлари билан фойдаланиш йўлларининг тартиби аниқлаб берилган, давлат ҳукуматининг юқори органларининг тегишли актлари асосида ўз фаолиятини амалга оширадилар.

Бюджетдан ташқари фондларни:

Консолидациялашган (бирлаштирилган) бюджетга қўшиладиган фондлар;

Консолидациялашган (бирлаштирилган) бюджетга қўшилмайдиган фондларга ажратиш мумкин.

Функционал жихатига кўра ва бошқарув даражасига кўра бюджетдан ташқари фондлар турли хил бўладилар. Уларни функционал жихатига кўра иқтисодий ёки ижтимоий фондларга бўлиш мумкин. Бошқарув даражасига қараб эса умумдавлат, республика ва регионал фондларга бўлиш мумкин.

Ўзгаришга бой иқтисодий шароит кўпинча бошқарув қарорларини тез қабул қилиш зарурлигини белгилаб қўяди, шу қаторда молиявий ресурсларни

қайта тақсимланишида ҳам. Бюджет маблағларидан фойдаланишни хукумат органлари қонун асосида қатъий тасдиқлаб берса, бюджетдан ташқари фондлар эса ижроия орқали белгиланади. қонун асосида тасдиқланган бюджет парламент томонидан назорат қилинади, бюджетдан ташқари фондлар эса қонун чиқарувчи органлар томонидан назорат қилинмайди. Бу ҳам бюджетдан ташқари фондларни иқтисодий шароитга оператив мослашишишни тезлатади.

Бюджетдан ташқари фондларни ташкил этилишининг мовофиқлигини таъминловчи Яна бир муҳим омил-бу бюджет тақчиллигидир. Харажатларнинг даромаддан ўсиб кетиши кучайишига молиявий ресурсларни фақат қидириб топишда эмас, балки корхоналар, ташкилотлар ва ахолидан тушган маблағларни қайта гурухланишини хам талаб этади. Ва нихоят, хўжалик юритишнинг ва хусусийлаштиришнинг кўп қиррали шакиллари, бюджет шакиллари билан бир қаторда жамиятда пул маблағларни қайта тақсимлашни Янги усулларини қўллаш заруриятини қатий талаб этади.

Шундай қилиб, бюджетдан ташқари фондла-бу, жамиятнинг айрим маблағларини молиялаштириш ва комплекс равишда оператив мустақиллик асосида сарфлаш учун, давлат орқали жалб қилинадиган молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ва фойдаланиш усулидир. ғарб мамлакатлрида бндай фондларнинг сони 30 дан 80 гачадир.

Бюджетдан ташқарм фондлар ўз мақсадли йўналишлари бўйича иқтисодий ва ижтимоийга, бошқариш даражаси бўйича эса давлат ва махалий фондларга бўлинади.

Бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг ижодий ва меҳнат салохиятини намоён қилишга, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эгалик туйғусини қайта тиклашга имкон беради. Фақат бозоргина махсулот ишлаб чиқаручининг хукмини бартараф этиб, республиканинг ғоят катта бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади.

Шу борада мухим масалалардан бири: давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли, Янги пайдо бўлаётган нодавлат, яъни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғилланаётган ва ахолига хизмат кўрсатаётган хусусий, акционерлик, жамоа ва бошқа корхоналарнинг қўллаб-қуватлаш блан аралаш, кўп тармоқли иқтисодиётни шакиллантиришдир. Малакатимизда бюджетдан ташқари фондларнингижтимои й ахамияти ката. Тадбиркорлиени ривожлантиришни, кичик ва ўрта бизнесни ташкил этиш, хорижий мамлакатлар билан хамкорликда бўлиб инвестицияларни жалб этиш ва бошқалар бюджетдан ташқари фондларнинг вазифаси хисобланади.

Санаб ўтилган турли хилдаги функционал вазифаларни бажарадиган звенолар бўйича давлат иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг тармоқли ва худудий муаммоларнинг ечимлари кенг миқёсида таъсир кўрсатади.

Давлат молияси таркибида алохида ўринни эгаллайдиган бюджетдан ташқари фондлар тегишли хукумат органларининг бюджетига боғлиқ бўлмайди ва мустақил юридик шахс хуқуқига эгадирлар. Бюджетдан ташқари фондлар хукумат органлар қабул қилган қонун доирасида ташкил этилади.

Бюджетдан ташқари фондларга тушадиган маблағларнинг фойдаланиш йўналишлари, бу фондларни мақсадларига, конкрет иқтисодий шароитга қараб

ишлаб чиқилган ва амалга ошириладиган режалар асосида белгиланади. Маблағларнинг бир қисми тасис фаолиятга йўналтирилади, ҳамда қимматли қоғозларни олиш учун хам йўналтирилиши мумкин. Бюджетдан ташқари фондлар инвестрлар ва молиявий бозорнинг қатнашчиси бўлиши мумкин, чунки:

Биринчидан, одатда пул маблағлари билан фойдаланиш вақти уларнинг вужудга келиши билан тўғри келмайди.

Иккинчидан, инвестицион фаолият натижасидаги даромадлар тегишли фондларнинг харажатларнинг молиялаштириш учун қўшимча манба бўлади.

Бюджетдан ташқари фондларни ташкил этиш ғуқуқига республика ва махаллий органлар эга. Республика даражасида ташкил этилган бюджетдан ташқари фондлар, одатда махаллий хукумат органлар ихтиёрига бир қисмини ажратиш билан характерланади.

Бу республика ва махаллий бюджетдан ташқари фондларга тушадиган солиқларнинг улушини аниқлаш йўли билан амалга оширилади.

Бундай йўл билан нафақа фонди, давлат ижтимоий суғурта фонди, ахолини бандлик фонди ва бошкалар ташкил этилади.

Махаллий манбалар эвазига махалла даражада ўз бюджетидан ташқари фондлар ташкил этилади. Уларнинг ичида махаллани ривожлантириш учун, кам таъминланган ахолии қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фондларни, табиатни сақлаш фондларни ва бошқаларни ажратиш мумкин.

Мақсадли бюджетдан ташқари фондлар одатда давлат хукумат органлари ихтиёрида бўлади, лекин улар оператив бошқарилиши турли ваш у қаторда махсус маъмурий аппарат орқали олиб борилиши мумкин.

Бошқарув тузилмалар, фондлар билан фойдаланиши учун қонун билан белгиланган маълум ҳуқуқларга ва мажбуриятларга эга.

Бюджетдан ташқари фондлар ёрдамида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

Корхоналар, ташкилотларга кредитлар, супсидиялар бериш молиялаштириш йўллари биланишлаб чтқариш жараёнига таъсир кўрсатади;

Умуман, ижтимоий инфраструктурани молиялаштириш, супсидия, песия ва нафақалар бериш йўллари ахолига ижтимоий хизмат кўрсатиш;

Чет Эл давлатларига шу қаторида хорижий партиёрларга заёмлар бериш ва бошқалар.

Бюджетдан ташқари фондларни ўзфаолиятини амалга оширишни ташкил этиш давлат хукумат органларининг ихтиёрида бўлади. Уларни жамлаш ва фойдаланиш тартиби эса тегишли қонунлар билан қатий белгиланади.

Инвестиция фонди (ИФ)-юридик шахс бўлиб, у кўпчилик капитал эгаларининг жамоа инвестицияларини бошқаради. Инвестиция фондлари кредит тизими ривожланган молия муассасаларининг жуда мухим кўринишларидан биридир.

Инвестиция фонди акцияларини бозордаги қиймати фонднинг барча қўйилмалари (Активлари) соф бозор қийматига (мажбуриятларни чегириб), ўзи иқарган акциялари миқдорига тақсимланган қийматга мувофиқ келади. Бошқача айтганда, инвестиция фонди эгалик қилаётган қимматли қоғозлар

қиймати қанчалик ўсиб борса, инвестиция фондига тегишли акциялар қиймати хам кўтарилади ва аксинча.

Давлат даромадларини молиявий йўл билан тўплашнинг Яна бир тури-бу давлат заёмларидан, яъни давлат кредитидан келадиган даромаддир. **Давлат кредити** бу шундай пул муносабатлари тартибики, унда давлат қарздор бўладиЮ кредитор бўлиб эса юридик ёкми жисмоний шахслар чиқадилар.

Давлат кредити биринчи марта капиталнинг дастлабки жамғарилиши даврида, яъни XVI-XVIII пайдо бўлган эди. Европа йирик мамлакатларининг харбий юришлари орқали давлат харажатлари, хазинага тушадиган солиқлардан анчагина кўпайиб кетди. Харажатларнинг даромадлар билан тенглаштиришда давлат кредити дастак бўлиб хизмат қилганди.

Хозирги замон ривожланган давлатларида эса давлат кредити ўзининг энг юқори даражасига кўтарилди, чунки хозирдавлатларнинг харажатлари ўсиб бормокда, уни қоплаш учун давлат доим солиқ билан биргаликда давлат кредитига мурожат қилади. Айниқса давлат кредити каби даромадлар хисобига бюджет камоматини қоплаш жараёнида кўпроқ мухтожлик сезилади.

Заёмларнинг ижтимоий иқтисодий мохияти худи солиқлар каби давлатнинг мухим молиялаштириш манбаи хисобланади ва давлат хазина мажбуриятларини ифодалайди. Давлат кредити орқали олинган маблағлар ривожланган давлатлар қаторидан фақат ўзи эмас, балки уларни фоизлари билан қайтариб бериш керак, яъни заёмлар, давлат қимматли қоғозлари сифатида майдонга чиқади. Лекин ривожланган мамлакатларда кредитни қайтариш учун уларнинг фақатгина бита манбаи-у хам бўлса солиқдан келадиган даромадлари мавжуддир. Шунинг учун заёмлар қаналик кўп чиқарилса, уларни қайтариш учун шунча кўп солив даромадлари талаб этилади.

Давлат кредити билан хусусий кредит ўртасидаги фарқни тушиниб олиш лозим,

Давлат заёмлари қанча кўп чиқарилса, давлатнинг қарздорлиги шунча ўсиб боради. Ривожланган мамлакатларда давлат харажатлари ўсиб бориши туфайли давлат кредитининг ахамияти хам ошмокда.

Юқорида кўрсатилган қарзлар фақатгина марказий давлат қарзларидир. Ривожланган мамлакатларда махаллий хукумат органлари хам ўз заёмларини чиқарадилар. Бу эса ўз навбатида давлат қарздорлигини янада оширади.

Давлат қарзларининг бу холдаги доимий ўсиши муомаладаги пул ва қимматли қоғозларнинг кўпайишига олиб келадики, бу мамлакат молиясига бевоситасига таъсир кўрсатади. Ривожланган мамлакатларда давлат қарзларининг, солиқларининг, пул эмиссиясининг ўсиб кетиши биринчи навбатда ижтимоий ахволга таъсир этади, борган сари уларни иш хақларини кўп қисмини давлатга, унумсиз харажатларининг қоплаш учун олинишига сабаб бўлади.

Ривожланган давлатлар қарзлари иккига бўлинади-**ички ва ташқи.** Йирик ривожланган мамлакатларда ички қарзлар кўпдир. Ташқи қарзнинг кўп бўлиши шу мамлакатнинг иқтисодий , сиёсий томонидан боғлиқ қилиб қўяди.

Ҳозири замон тарққиётининг хусусиятларидан бири йирик ривожланган давлатлар бир вақтнинг ўзида қарздор, кредитор ва гарант берувчи, яъни кафил бўлиши мумкин.

Давлатларнинг қарздорлик фаолиятларини биз юқорида кўрдик. Ривожланган давлатлар йирик кредитор сифатида ишлаб чиқаришга қарз берадилар, берилган қарз устама фоизи билан қайтариб олинади. Баъзида давлат кредитор сифатида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга хисса қўшади. Оқибатда давлат кредити орқали мамлакат ялпи махсулоти ва миллий даромадини кўпайишига озми кўп миқдорида таъсир этади.ривожланган давлат бу фаолиятини махсус кредит ташкилотлари орқали олиб боради.

Баъзи мамлакатларда капитал қўйилмалар учун қарз бериляпти, яъни уй жой қурилиши, маориф, соғлиқни сақлаш ва комунал хўжаликларни молиялаштиряпти чунки хусусий тадбиркорлар бу сохаларда иш олиб бормайдилар.

Францияда хусусий сектордаги саноат тармоқларига давлатнинг кредит бериши анчагина ривожланган.

Англияда давлат бюджети манбаларидан миллий иқтисодиёт тармоқларига кредит бериш кенг тарқалган.

АҚШда халқ хўжалигини электирлаштириш, қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига кредит бериш бошқа мамлакатларга нисбатан кенгроқ ривожланган.

Хозирги замон ривожланган давлатларида давлатнинг кафолатчи сифатидаги фаолияти хам ривожланаётир. Давлат кафил бўлиш орқали таркибини ўрганувчи айрим иқтисодчилар давлат кафиллигини яширин давлат қарзидир деб атаяптилар, чунки бу кафиллик жавобгарлик демакдир. Бозор иқтисодиёти шароитидаги махаллий хукумат органларининг, махсус кредит ташкилотлари ва банк кредитлари бўйича хам ривожланган давлат жавобгардир.

Шундай қилиб, давлат кредити бюджет камоматини қоплашга, ссуда капитали бозорини тенглаштиришга, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиялаштириш манбаларини вужудга келтиришда, ишлаб чиқариш куқларини жойлаштириш ва ривожлантиришга сарф этилади.

Назорат учун саволлар:

1. Молиянинг объектив зарурлиги ва иқтисодий мохияти?
2. Молиянинг функциялари ва вазифалари?
3. Молиянинг тақсимлаш функцияси амал қилишидаги тақсимот объектлари ва субъектлари?
4. Молиянинг назорат функцияси ва унинг туркумланиши?
5. Молия муносабатларининг таркибий тузилиши ва туркумланиши?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А., “Ўзбекистон – иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан”. Т.: “Ўзбекистон”, 1995, - 234 б.

2. Каримов И.А., “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, Т.: “Ўзбекистон”, 1997, -326 б.

3. Акрамов Э.А., Таиров А.Э., “Экономические реформы Республики Узбекистан” - М.: ТОО “Люкс-арт”, 1998. - 236 с.

4. “Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари”, 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий тадқиқот институти, Т.: 1997 – 2000й.

5. Родионова В.М., Финанс**ы**. М.: “Финансы и статистика”, 1995, – 432 с.

6. Гатауллин Ш.К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т.: 1996, – 304 б.

7. Ткачук М.И. Государственный бюджет. Уч.пос. Минск: «В**ў**сшая школа», 1995, – 240 с.

8. Лободенко Н.В. Аудит и диагностика банкротства. / / «Финансы», 1997г., №2.

9. Бункина М.К., Семенов В.А. «МАКРОЭКОНОМИКА (основ**ў** экономичес-кой политики)» Уч.пос. М.: АО«ДИС», 1996, - 320 с.

10. Т.Маликов. Молиявий қарор қилиш асослари. Т.: «Меҳнат», 1996.

11. А.Улмасов, Н.Тухлиев. Бозор иқтисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.

12. Ковалева А.М. Финансы. Уч.пос. для студентов экономических направлений и специальностей ВУЗов, М.: “Финансы и статистика”, 1996, – 280 с.

13. Дробозина Л.А. Об**ҳ**ая теория финансов. М.: «банки и биржи», 1999 – 527 с.

14. Сумароков В.Н. Государственные Финансы в системе макроэкономического регулирования. М.: “Финансы и статистика”, 1996, – 220 с.

15. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта тўғрисида»ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т.: 1993.

16. Ўзбекистон Республикасида «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун лоциҳаси. Август 1999 йил. Т.: 1999.

17. Страховое дело. Уч. под. ред. проф. Л.И.Рейтмана. М.: «Банковский и биржевой научно-консультационн**ў**й центр», 1992. – 340 с.

18. Краснова И.А. Страхов**ў**е фонд**ў** и финансово-кредитные отношение. М.: “Финансы и статистика”, 1993, – 120 с.

19. Финансы, денежное обраҳение и кредит. Уч. под. ред. В.К.Сенчагова и А.И. Архипова, М.: «Проспект», 1999. – 496 с.

20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н.В. Колчиной – М.: ЮНИТИ, 1998. – 325 с.

2-Мавзу: Молия тизими (4 соат).

Режа:

1. **Молия тизимининг мохияти ва фукциялари.**
2. **Молия тизими тараққиётини бошқариш юзасидан давлат сиёсати.**

Таянч иборалар:

- **Молия тизими;**
- **Молия тизимининг институционал таркиби;**
- **Умумдавлат молияси;**
- **Давлат бюджетини;**
- **Бюджетдан ташқари фондлар;**
- **Суғурта;**
- **Мулкий ва шахсий суғурта фондлари;**
- **Давлат кредити;**
- **Хўжалик юритувчи субъектлар молияси;**
- **Фонд бозори;**
- **Молиявий сиёсат.**

1. Молия тизимининг мохияти ва функциялари.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли шароитларда молиянинг ривожланиши қонуниятини тахлил қилиш молиявий муносабатларнинг мохиятида умумий белгилар мавжудлигидан гувохлик беради. Бу молияни амал қилишнинг обектив сабаблари ва шартларини сақланиб қолинганлигини билан таърифланади. Буларнинг орасида иккитаси ажралиб туради: товар-пул муносабатларининг ривожланиши ва бу муносабатларнинг субъекти сифатида давлатнинг амал қилиши. Бошқа қиймат категорияларидан фарқли равишда, мисол учун, пул, кредит, мехнатга хақ тўлаш фонди ва бошқалар, молия давлатнинг Билан органик боғликдир.

Бироқ, барча молиявий муносабатлар мохиятидаги умумий белгиларнинг мавжудлиги улар ўртасидаги маълум фарқларни рад этмайди.

Маълумки, **молия тизими** молия муносабатларининг турли бўғинлари йиғиндисини билдиради. Уларнинг хар-бири пул маблағлари фондларини

шакиллантириш ва ишлатилишидаги хусусиятлари, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги ролининг турличалиги билан хусусиятланади. Молия тизими молия муносабатларинингқуйидаги сохаларини ўз ичига олади: давлат бюджети, нобюджет фондлар, давлат кредити, мулкий ва шахсий суғурта фондлари, фонд бозори, турли мулкчилик шаклидаги корхоналар молияси.

Барча санаб ўтилган молиявий муносабатларни иккита кичик гурухга бўлиш мумкин. Булар-макро даражада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш эхтиёжларини таъминловчи умумдавлат молияси хамда микро даражада такрор ишлаб чиқариш жараёнини пул маблағлари билан таъминлаш учун қўлланиладиган хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Мазкур гурухлашни шартли тарзда схема орқали ифодалаш мумкин.

1-схема

Молия тизими

Умумдавлат молияси:	**Хўжалик юритувчи субъектлар молияси:**
-Давлат бюджети; -Нобюджет фондлар; -Давлат кредити; -Мулкий ва шахсий суғурта фондлари; -Фонд бозори:	-Давлат корхоналари молияси; -Жамоа корхоналари молиячи; -Хусусий фирмалар молияси; -Ҳиссадорлик жамиятлари молияси; -Ижара мулки заминидаги корхоналар молияси; -қўшма корхоналар молияси: -Жамоат ташкилотлари молияси ва бошқалар.

Молия тизимини алохида бўғинларига ажратиш хар бир бўғиннинг вазифаларидаги фарқланишга хамда марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шакиллантириш ва ишлатиш усулларидаги фарқланишга асосланади. Умумдавлат марказлашган пул фондлари моддий ишлаб чиқариш сохаларида яратилган миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли Билан тузилади. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдаги давлатнинг бажарилган мухим роли унинг ихтиёрида молиявий ресурсларнинг ката қисми марказлаштириш заруриятига олиб келади. Уларни ишлатиш шакиллари давлатбюджети ва нобюджет фондлари орқали намоён бўлади. Булар хисобидан давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий вазифаларини хал этиш эхтиёжи таъминланади. Пул фондларини ташкил вилиш ва ишлатиш шакиллари ва усуллари молия тизимининг кредит ва суғурта бўғинлари орқали қўлланаилади. Марказлашмаган пул фондлари корхоналарни ўзларининг пул даромадлари ва жамғармалари ҳисобидан ташкил топади.

Ягона молия тизимининг асоси корхоналар молияси хисобланади, чунки улар моддий ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этадилар. Марказлашган давлат фондларининг манбаи моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилаётган миллий даромад ҳисобланади.

Умумдавлат молияси халқ хўжалигининг барча тармоқлари ривожланишининг маълум суратларининг таъминлашда, молиявий ресурсларни иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат худудлари ўртасида, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш сохалари ўртасида хамда мулк шакиллари, ахолининш алохида гурух ва қатламлари ўртасида қайта тақсимлашда етакчи рол ўйнайди.

Молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш давлатнинг фаол молиявий сийсати асосидагина мумкин бўлади.

Молия тизими орқали давлат марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини, жамғариш ва истеъмол фонндларини солиқлар, давлат бюджети харажатлари, давлат кредитини қўллаш билан шакиллантиришга таъсир ўтказади.

Давлат бюджети молия тизимининг бош бўғини ҳисобланади. Удавлат бошқарув органлари функцияларини таъминлаш учун марказлашган пул фондлари шакиллантириш ва ишлатиш шаклидир.

Давлат бюджети мамлакатнинг асосий молиявий режаси хисобланади ва қонуний тарзда Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Давлат бюджети орқали давлат халқ хўжалиги тараққиётини, ижтимоий-маданий тадбирларни, мудафаани, давлат хокимият ва бошқарув органларини сақлашни молиялаштиради.

Нобюджет фондлар –бу давлат хукумати ва махаллий хокимиятларнинг бюджетга киритилмайдиган харажатларни молиялаштириш билан боғлиқ бўлан маблағларидир. Нобюджет фондларнинг шакилланиши оддий солиқ тўловчи учун солиқлардан хеч қандай фарқ қлмайдиган мажбурий мақсадли ажратмалар хисобидан амалга оширилади. Нобюджет фондларга ажратмалар сумасининг асосий қисми таннарх таркибига киритилади ва иш хақи фондига нисбатан фоизларда ўрнатилади.

Нобюджет фонндларнинг мақсадга мувофиқ амл қилиши мухим ижтимоий адбирларни молиялаштиришни аператив амлга ошириш имконини беради. Давлат бюджетидан фарқли равишда нобюджет фондлар маблағларининг сарфланишининг хокимият органларини томонидан камроқ назорат қилинади. Бу, бир томондан, уларнинг ишлатилишини енгиллаштиради, бошқа томондан эса, бу маблағларни тўла бўлмаган хажмда сақлаш имконини беради. Шунинг учун, нобюджет фондлар маблағларини сарфланишини маблағларини назоратини куфайтириш мақсадида нобюджет фондларини уларнинг сарфланишини босқичида мақсадли йўналишни сақлаган холда давлат бюджетига консодидация қилинди. (бирлаштирилди).

Суғурта –ишлаб чиқариш муносабатларининг зарурий элементидир. У ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги моддий зарарларни қоплаш билан боғлиқдир. Нормал такрор ишаб чиқариш жараёнинг муҳим шарти унинг узлуксизлиги ва тўхтовсизлиги хисобланади. Ишлаб чиқаришнинг доимий янгиланиб бориши инсонларнинг барча ижтимоий иқтисодий форматцияларда,

шу жумладан ривожланган жамичтда хам мавжуд эхтиёжларни қондириш учун зарурдир.

Агарда ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни табиий офатлар ёки бошва фавқулодда ходисаларнинг (ёнғинлар, портлашлар, эпидемиялар ва бошқалар) салбий оқибатларнинг таъсирида тўхтаси ёки бузилса у холда жамият аввало турли олдини олиш тадбирларнини амалга оширишга, мободо улар кўзлаган натижани бермаса, у холда етказилган моддий зарарни қоплашга, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг нормал шароитларини қайта тиклашга мажбур бўлади.

Инсон ва табиий офатар ўртасидаги қарама-қаршилик билан асосланган ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таваккалчилик характери, биринчи навбатда, табиий ва бошқа офатларнинг салбий оқибатларининг олдини олиш, бартараф қилиш ва локализация қилиш, хамда етказилган зарарни сўзсиз қоплаш бўйича инсонлар ўртасидаги муносабатларни юзага келтиради. Бу объектив муносабатлар инсонларнинг эришган хаёт даражасини сақлаб қолишга бўлган реал ва мавжуд эхтиёжини акс эттиради. Мазкур муносабатларни алоҳида хусусиятлар ажратиб туради ва уларнинг йиғиндиси ижтимоий ишлаб чиқаришни суғуртавий химоялаш иқтисодий категориясини ташкил этади.

Суғурта иқтисодий категори сифатида молия категориясининг таркибий қисми ҳисобланади. Аммо, молия тўлалигича даромадларни тақсимлаш билан боғлиқ бўлса, суғурта эса фақатгина қайта тақсимлаш муносабатларигина қамраб олади.

Суғуртанинг хусусиятлариниочиб берувчи белгиларни қуйидагича келтиришимиз мумкин:

1. Суғуртада тўсатдан, олдиндан кўзда тутилмаган енгиб бўлмайдиган холатлар, яъни суғурта холатлари эхтимоли мавжудлиги Билан асосланувчи қайта тақсимлаш пул муносабатларини юзага келади.

2. Суғуртада кўрилган зарарни суғурта иштирокчилари, яъни суғурталанувчилар ўртасида қоплаш амалга оширилади. Зарарни бундай қоплаш усули зарар кўрувчи хўжаликлар сони доим суғурта иштирокчилари сонидан кам бўлиш эхтимоллигига асосланади, айниқса иштирокчилар сони етарлича ката бўлганда.

Зарарни бундай қоплашни ташкил қилиш учун мақсадга йўналтирилган суғурта фонди ташкил қилинади. Бу фонд суғурта иштирокчиларининг бадаллари хисобидан шакиллантирилади. Суғурта фондининг маблағлари фақатгина уни ташкил вилган ўртасида ишлатилади, суғурта бадалининг хажми эса хар бир қатнашчининг зарарини қоплашдаги улушишини билдиради. Шунинг учун, суғурта қатнашчиларининг доираси қанчалик кенг бўлса, суғурта бадалининг хажми шунчалик оз ва суғурта хам самарали бўлади. Агарда суғуртада миллионлаб суғурталанувчилар иштирок этса ва юз миллионлаб объектлар суғурталанса, у холда минимал бадаллар хисобига максимал зарарларни қоплаш имкони пайдо бўлади.

3. Суғурта зарарларини қоплашни худудий бирлик ва маълум вақт давомида амалга оширишни кўзда тутади. Бунда йил давомида суғурталанувчи хўжаликлар ўртасида суғурта фондини худудлар бўйича самарали қайта тақсимлаш учун етарлича ката худуд ва анчагина суғурталашга тегишли объектлар талаб қилинади. Фақатгина мазкур шартга риоя қилиш билангина ката худудларни қамраб олувчи табиий офатлар етказган зарарларни қоплаш имкони бўлади.

Зарарни суғурта ёрдамида қоплаш маълум вақт давомида амалга оширилади, чунки ихтиёрий суғурта доимо муддат билан чегараланади.

Суғурта-бу унинг қатнашчилари ўртасида кўрилиши мумкин бўлган зараларни қоплашга мўлжалланган мақсадли суғурта фондларини бадаллар хисобидан шакиллантириш билан боғлиқ бўлган қайта тақсимлаш муносабатлари йиғиндиси.

Суғуртанинг иқтисодий мохиятига унинг функциялари мос келади. Улар суғуртанинг молия тизимининг бир бўғини сифатида хусусиятларни ойдинлаштиришни ташки шакиллари хисобланади.

Суғуртанинг тўртта функцияси мавжуд:

1. Таваккалчилик.
2. Олдини олиш.
3. Жамғарма.
4. Назорат.

Асосийси таваккалчилик функцияси хисобланади, чунки суғуртавий таваккал зарар эхтимоллиги сифатида талофат кўрган хўжаликларга пуллик ёрдам кўрсатиш бўйича суғуртанинг асосий йўналиши билан бевосита боғлиқ. Айнан таваккалчилик функциясини амал қилиш доирасида суғурта иштирокчилари ўртасида бўлиши мумкин бўлган суғурта ходисаларини оқибатлари билан боғлиқ пул шаклидаги қийматнинг қайта тақсимланиши рўй беради.

Олдини олиш функцияси суғурта фонди маблағларининг бир қисми хисобидан суғурта таваккалчилигини камайтириш бўйича тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган.

Хаёт суғуртасида суғурта категорияси кредит категорияси билан хаётни маълум муддатгачасуғурталаш шартномалари бўйича маблағларни жамғаришда анча яқинлашади. Хаёт суғуртаси орқали пул маблағларини жамғариш оилавий шароитда суғуртавий химояга бўлган эхтиёж билан боғлиқдир. Шу билан суғурта жамғариш функциясини хам бажариши мумкин.

Суғуртанинг назорат функкияси суғурта фондини қатъий мақсадли шакиллантирилиши ва унинг маблағларидан тўғри фойдаланишдан иборат. Мазкур функция юқоридаги уч специфик функциялардан келиб чиқади ва конкрет суғурта муносабатларида улар билан бирга намоён бўлади. Назорат функциясига мос равишда қонунчилик ва инструктив хужжатлар асосида

суғурта амалларини тўғри бажарилиши устидан молиявий суғурта назорати амалга оширилади.

Суғуртани амалга ошириш жараёнида суғурта иштирокчиларининг турли суғуртавий манфаатларини намоён бўлиши, суғуртага тегишли объектларни турличалиги, суғурта ходисаларининг кенг кўламлилиги ва бошқа омиллар Билан боғлиқ бўлган мураккаб специфик муносабатлар йиғиндиси юзага келади. Шу муносабат билан у ёки бу конкрет суғурта муносабатларнинг махсус терминология ёрдамида акс эттириш зарурияти табиийдир.

Суғурта терминологияси ёрдамида суғурталовчи ва суғурталанувчилар ўртасида бир тилда сухбат олиб бориш, суғурта шартларини тушиниш, шунда иштирок этаётган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш, шериклар билан амалий муносабатларни олиб бориш, реклама ва бошқа суғурта ишларини амалга ошириш мумкин бўлади.

Мулкий ва шахсий суғурта фондлари бахтсиз ходисалар ва табиий офатлар натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарарларнинг қопланишини таъминлайди, шунингдек уларнинг олдини олишга кўмаклашади.

Фонд бозори молия кредит тизими бўғинларида мухим ўрин эгаллайди. Фонд бозорини мустақил тарзда алохида қисмларга бўлиш мумкин, чунки фонд бозори махсус молиявий активлар-қимматли қоғозлар савдоси натижасида юзага келадиган молиявий муносабатларнинг мухим кўринишидан иборат.

Фонд бозорининг вазифаси тармоқларга юқори даражада даромадли капитал оқиб кириши жараёнини таъминлаш хисобланади. Фонд бозори хам кредит бўғини каби вақтинча бўш пул маблағларини жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молияси мамлакат ягона молия тизимининг асоси хисобланади. У ижтимоий-махсулот ва илмий даромадни яратиш ва тақсимлаш жараёнига хизмат кўрсатади хамда марказлашган пул фондларни шакиллантиришни бош омили хисобланади. Корхоналар молиясининг холатига марказлашган пул фондларининг молиявий ресурслар билан таъминланганлиги бевосита таъсир кўрсатади. Бунда шуни алохсда такидлаш лозимки, корхоналар молиясидан махсулот ишаб чиқариш ва реализация қилиш жараёнида фаол фойдаланиш бу жараёнда бюджет, банк кредити хамда суғуртанинг иштирокини рад этмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик-оператив ва молиявий мустақиллик асосида корхоналар ўз фаолиятларини албатта фойда олиш мақсадида тижорат асосида амалга оширадила. Улар мустақил равишда махсулот реализацияси тушумини тақсимлайдилар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадлардаги фондларни шакиллантирадилар ва сарфлайдилар, кредит ресурслари ва фонд бозори ресурсларидан фойдаланиб махсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур маблағларни топадилар. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши корхоналар мустақиллигининг кенгайишини, арзимас давла аралашувини бартараф қилишнинг ва шу билан бирга ишнинг хақиқий натижаси учун жавобгарлик хиссининг оширилишини таъминлайди.

Бюджет муносабатлари деб республика, регионал ва махаллий давлат органларининг хўжалик субъектлари, шунингдек ахолии билан марказлашган

пул фондларини шакиллантириш ва ишлатиш билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатларга айтилади.

Ўзбекистон Республикаси “бюджет тизими тшғрисида” ги қонун лойихасида (август 1999 йил.) давлат бюджетига шундай таъриф берилади:

Давлат бюджети – даромад манбалари ва улардан тушадиган тушумларни кўзда тутадиган, шунингдек харажат хажми ва йўналиши қайси мақсадларга ажратилиши ва муддатини кўрсатувчи давлатнинг марказлашган (Олий Мажлис томонидан шакилланиш ва ишлатиш режаси тасдиқланадиган) пул фондларидир.

Молиявий ресурсларни бюджет орқали бирлаштириш давлат молия сиёсатини муваффаққиятли амалга ошириш имконини беради. Бюджет орқали марказлашган пул ресурсларини тўплаш ва давлат органлари томонидан белгиланган мақсадларга харажатлар амалга оширилади.

Бу бюджет орқали миллий даромаднинг маълум қисмини тўплаш ва уни қайта тақсимлашни билдиради. Шунинг билан молия тизининг ақсимлаш функцияси амалга оширилади.

Республика ва махаллий давлат органлари бюджет муносабатлари орқали тақсимланган миллий даромадни ўз ихтиёрига олади ва аниқ белгиланган мақсадларга йўналтиради.

Бюджет молия ресурсларини керакли соха ва йўналишларда жамлаб давлатнинг иқтисодиётини бошқариш ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишга имконият беради. Бунда бюджет ресурларининг даромад қисми бўйича шакилланиши, ундан самарали фойдаланиш назорат қилинади(молия тизимининг назорат фукцияси). Тақсимлаш ва назорат функциялари орқали бюджетнинг иқтисодий категория сифатидаги мохияти юзага чиқади. Шу йўл билан бюджет давлат даромадлари ва харажатларини режалаштирувчи молиявий муносабатларни билдиради. Бюджет ижтимоий –иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи қудратли иқтисодий дастак сифатида юзага чиқади.

Давлат бюджети молия тизимининг мухимбўғини сифатида мамлакатнинг асосий молия режасини ташкил этувчи ва фойдаланувчи умудавлвт пул фондидир. У мамлакатни бошқаришда иштирок этадиган бошқа молиявий дастаклар ичида энг мухим ўринни эгаллайди. Ахамиятли томони шундаки, у ўзида жамият даромадининг маълум қисмини мужассамлаштиради.

Бюджет қурилишининг мохиятини очиб беришда биз бюджет тизимининг бўғинларини, уни ташкил этиш ва бошқариш , Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг таркибини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Республика бюджети;
2. қорақалпоғистон Республикасининг бюджети ва махаллий бюджетлар;
3. Давлатнинг мақсадли фондларининг бюджетлари.

Давлат молияси давлатнинг керакли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фукцияларни бажариш учун пул маблағлари билан таъминлашга ундалган

молия тизимининг михим бўғинидир. Давлат молияси таркибига қуйидагилар киради.

Давлат бюджети.

Бюджетдан ташқари фондлар.

Давлаткредити.

Давлат корхоналари молияси.

Санаб ўтилган турли хилдаги функционал вазифаларни бажарадиган звенолар бўйича давлат иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг тармоқли ва худудий муаммоларининг ечимлари кенг миқёсда таъсир кўрсатади.

Давлат млияси таркибида алохида ўринни эгаллайдиган бюджетдан ташқари фондлар тегишли хукумат органларининг бюджетига боғлиқ бўлмайди ва мустақил юридик шахс ҳуқуқига эгадирлар. Бюджетдан ташқари фондлар хукумат органлари қабул қилган қонун доирасида ташкил этилади.

Бюджетдан ташқари фондлар –умумдавлат молиясининг мухим бўғини бўлиб, уларнинг фаолияти қатъий белгиланган, манбаларни ташкил этиш йўллари кўрсатилган, пул фондлари билан фойдаланиш йўлларининг тартиби аниқлаб берилган, давлат хукуматининг юқори органларининг тегишли актлари асосида ўз фаолиятини амалга оширадилар.

Бюджетдан ташқари фондларни:

Консолидациялашган (бирлаштирлган) бюджетга қўшиладиган фондлар;

Консолидациялашган (бирлаштирлган) бюджетга қўшилмайдиган фондларга ажратиш мумкин.

Фукционал жихатига кўра ва бошқарув даражасига кўра бюджетдан ташқари фондлар турли хил бўладилар. Уларнинг фукционал жихатига кўра иқтисодий ёки ижтимоий фондларга бўлиш мумкин. Бошқару даражасига қараб эса умумдавлвт, республика ва регионал фондларга бўлиш мумкин.

Ўзгаришга бой иқтисодий шароит кўпинча бошқарув қарорларини тез қабул қилиш зарурлигигни белгилаб қўяди, шу қаторда молиявий ресурларни қайта тақсимланишида хам. Бюджет маблағларидан фойдаланишни хукумат органлари қонун асосида қатий тасдиқлаб берса, бюджетдан ташқари фондлар эса ижроия органлари орқали белгиланади. қонун асосида тасдиқланган бюджет парламент томонидан назорат қилинади, бюджетдан ташқари фондлар эса қонун чиқарувчи органлар томонидан назорат қилинмайди. Бу ха бюджетдан ташқари фондларни иқтисодий шароитга оператив мослашишини тезлатади.

Бюджетдан ташқари фондларни ташкил этилишининг мувофиқлигини таъминловчи яна бир мухим омил-бу бюджет тақчиллигидир. Харажатларнинг даромаддан ўсиб кетиши кучайишига молиявий ресурсларни фақат қидириб топишда эмас, балки корхоналар, ташкилотлар ва алохида тушган маблағларни қайта гурухланишини хам талаб этади. Ва нихоят, хўжалик юритишнинг ва хусусийлаштиришнинг кўп қиррали шакиллари билан бир қаторда жамиятда пул маблағларни қайта тақсимлашни янги усулларини қўллаш заруриятини қатъий талаб этади.

Шундай қилиб, бюджетдан ташқари фондлар-бу, жамиятнинг айрим маблағларининг молиялаштириш ва комплекс равишда оператив мустақиллик асосида сарфлаш учун, давлат орқали жалб қилинадиган молиявий ресурсларни

файта тақсимлаш ва фойдаланиш усулидир. ғарб мамлакатларида бундай фондларнинг сони 30 дан 80 гачадир.

Давлат кредити бу шундай пул муносабатлар тартибики, унда давлат қарздор бўлиб, қарз берувчи бўлиб эса юридик ёки жисмоний шахслар майдонга чиқадилар.

Давлат кредити биринчи марта капиталнинг дастлабки жамғарили даврида яъни XVI-XVIII асрда пайдо бўлган эди. Европа йирик мамлакатларнинг харбий юришлари орқали давлат харажатлари, хазинага тушадиган солиқлардан анчагина кўпайиб кетди. Харажатларнинг даромадлар билан тенглаштиришда давлат кредити дастак бўлиб хизмат қилганди.

Хозирги замон ривожланган давлатларида эса давлат кредити ўзининг энг юқори даражасига кўтарилди, чунки зозир давлатларнинг харажатлари ўсиб бормокда, уни қоплаш учун давлат доим солиқ билан биргаликда давлат кредитига мурожаат қилади. Айниқса давлат кредити каби даромадлар хисобига бюджет камоматини қоплаш жараёнида кўпроқ мухтожли сезилади.

Заёмларнинг ижтимоий-иқтисодий мохияти худди солиқлар каби давлатнинг мухим молиялаштириш манбаи хисобланади ва давлат хазина мажбуриятларини ифодалайди. Давлат кредити орқали олинган маблағлар ривожланган давлатлар томонидан фақат ўзи эмас, балъки уларни фоизлари Билан қайтариб бериш керак, яъни заёмлар, давлат қимматли қоғозлари сифатида майдонга чиқади. Лекин ривожланган мамлакатларда кредитни қайтариш учун уларнинг фақатгина битта манбаи-у ҳам бўлса, солиқдан келадиган даромадлари мавжуддир. Шунинг учун заёмлар қанчалик кўп чиқарилса, уларни қайтариш учун шунча кўп солиқ даромадлари талаб этилади.

Давлат кредити билан хусусий кредит ўртасидаги фарқни тушуниб олиш лозим.

Давлат заёмлари қанча кўп чиқарилса, давлатнинг қарздорлиги шунча ўсиб боради. Ривожланган мамлакатларда давлат харажатлари ўсиб бориши туфайли давлат кредитининг ахамияти ҳам ошмокда.

Юқорида кўрсатилган қарзлар фақатгина марказий давлат қарзларидир. Ривожланган мамлакатларда хукумат органлари хам ўз заёмларини чиқарадилар. Бу эса ўз навбатида давлат қарзларини янада ошириб юборади.

Давлат қарзларининг бу холдаги доимий ўсиши, муомиладаги пул ва қимматли қоғозларнинг кўпайишига олиб келадики, бу мамлакат молиясига бевосита таъсир кўрсатади. Ривожланган мамлакатларда давлат қарзларининг, солиқларнинг, пул эмиссиясининг ўсиб кетиши биринчи навбатда ижтимоий ахволга таъсир этади, борган сари уларнинг иш хақларидан кўп қисмини давлатга, унумсиз харажатларни қоплаш учун олинишга сабаб бўлади.

Ривожланган давлатлар қарзлари иккига бўлинади-**ички ва ташқи** . Йирик ривожланган мамлакатларда ички қарзлар кўпдир. Ташқи қарзнинг кўп бўлиши шу мамлакатни иқтисодий, сиёсий томонидан боғлиқ қилиб қўяди.

Хозирги замон тараққиётининг хусусиятларидан бири –йирик ривожланган давлатлар бир вақтнинг ўзида қарздор, кредитор ва гарант берувчи, яъни кафил бўлиши мумкин.

Давлатларнинг қарздорлик фаолиятларини биз юқорида кўрдик. Ривожланган давлатлар йирик кредитор сифатида ишлаб чиқаришга қарз берадилар, берилган қарз устама фоизи билан қайтариб олинади. Баъзида давлат кредитор сифатида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга хисса қўшади. Оқибатда давлат кредити орқали мамлакат ялпи махсулоти ва миллий даромадини кўпайишига озми-кўпми миқдорда таъсир этади. Ривожланган давлат бу фаолиятини махсус кредит ташкилотлари орқали олиб боради. Баъзи мамлакатларда капитал қўйилмалар учун қарз берилчпти яъни уй-жой қурилиши, маориф, соғлиқни сақлаш ва коминал хўжаликларни молиялаштиряпти чунки хусусий тадбиркорлар бу сохаларда иш олиб бормайдилар.

Францияда хусусий сектордаги саноат тармоқларига давлатнинг кредит бериши анчагина ривожланган.

Англияда давлат бюджети маблағларидан миллий иқтисодиёт тармоқларига кредитбериш кенг тарқалган.

АҚШ да халқ хўжалигини электрлаштириш, қишоқ жойларда уй-жой қурилишига кредит бериш бошқа мамлакатларга нисбатан кенгроқ ривожланган.

Ҳозирги замон ривожланган давлатларида давлатнинг кафолатчи сифатидаги фаолияти хам ривожланаётир. Давлат кафил бўлиш орқали кредитнинг йўналишига ва хажмига таъсир кўрсатади. Давлат кредити таркибини ўрганувчи айрим иқтисодчилар давлат кафиллигини яширин давлат қарзидир деб атаяптилар, чунки бу кафиллик жавобгарлик демакдир. Бозор иқтисодиётини шароитидаги махаллий хукумат органларининг, махсус кредит ташкилотлари ва банк редитлари бўйича хам ривожланган давлат жавобгардир.

Шундай қилиб, давлат кредити бюджет камоматини қоплашга, ссуда капитали базорини тенглаштиришга, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиялаштириш манбаларини вужудга келтиришда, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришга сарф этилади.

2. Молия тизими тараққиётини бошқариш юзасидан давлат сиёсати.

Молиявий сиёсат – бу молиявий ресурсларни жамлаш, уларни давлатнинг ўз фукция ва вазифаларини амалга ошириш учун тақсимлаш ва ишлатиш шакил хамда усулларида тизимли намоён бўлувчи тадбирлар йиғиндисидир. Маълум малакатнинг молиявий сиёсати қатор омилларга: таъриҳий шароитлар, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мақсадлар, уларга эришиш муддатлари ва хаттоки миллий удумларга хам боғлиқ бўлади. Ижтимоий хаётнинг эволицион ривожланиш ва давлат тузимининг барқарорлик даврида давлатнинг ички ва ташқи молиявий сиёсати мавжуд ижтимоий муносабатларни сақлаб қолиш ва ўзгартиришга йўналтирилган. Инқилобий ўзгаришлар даврида мавжуд тузимни тезроқ ўзгартиришдан манфаатдор сиёсий кучлар уни бузиш ва янги ижтимоий муносабатлар тизимини шакиллантиришга йўналтирилган сиёсат олиб борадилар. **Молиявий сиёсат** – бу давлатнинг иқтисодий сиёсатини таркибий

қисми бўлиб, молиявий ресурсларни (манбаларни) жалб этиш, уларни тақсимлаш, ишга солиш ва фойдаланишга давлат орқали йўналтирилган барча чора-тадбирлар йиғиндисидир.

Молиявий сиёсатнинг мазмуни аниқ бир мақсадга қаратилганлиги ва самаралилиги ижтимоий тизимнинг характери, мулк муносабатлари билан аниқланади.

Молия сиёсатининг мухим вазифаси - у ёки бу иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг давлат режасини ёки чора-тадбирларини амалга ошириш учун тегишли молиявий ресурслар Билан таъминлашдир. Лекин молиявий сиёсатни фақат иқтисодиё сиёсатга боғлаш мумкин эмас. Молиявий сиёсат бу молиявий муносабатлар сохасида давлатнинг мустақил фаолият кўрсатадиган сохаси. Молиявий сиёсат устақил хусусиятга эга бўлиш билан бир вақтда давлат сиёсатини хар қандай исталган ижтимоий фаолиятини амалга оширишучун хох ижтимоий, хох иқтисодий, ёки халқаро муносабатлар доирасида мухим воситадир.

Молиявий сиёсатнинг самарадорлигини белгилаш учун жамиятнинг эхтиёжи қанчалик қондирилганлиги, қўйилган мақсадлар ва вазифалар амалга оширилганлиги бахоланиши лозим.

Молиявий сиёсатга бахо бериш ва унга тузатиш, қўшимчалар киритиш учун биринчи навбатда жамият эхтиёжини қондира оладиган холдаги ижтимоий тараққиёт режасини аниқ билиш зарур. У режада бўлажак ва яқин келажакда амалга ошириш вақтлари белгиланган чора-тадбирлар бўлиши лозим. Фақат шундагина молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш ва муваффаққиятли амалга ошириш ва объектив бахолаш мумкин.

Молиявий сиёсатни асосий йўналишларидан бири- молиявий ресурсларни имкон қадар юқори хажмини аниқлаш ва ушбу манбалар доимийлиги ва узлуксизлигини таъминлашдир, чунки молиявий ресурслар потенциали барча ўзгаришларнинг моддий базасидир. Шунинг учун молиявий сиёсатни аниқлаш ва унинг стратегик ва тактик асосларини ишлаб чиқиш учун давлатнинг молиявий ахволи, молиявий потенциали, бошқача қилиб айтганда давлатнинг молиявий имкониятининг объективлиги хақида аниқ маълумотга эга бўлиш лозим. Ҳуқуқий демократик давлатга статистик молиявий кўрсатгичлар ижтимоий мулки бўлиши керак. Шунингдек, молиявий хисобот маълумотларидан мунтазам равишда қонун доирасида ўз вақтида танишиб чиқишга имконият яратилиши лозим.

Молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш негизида қуйидагиларни танлаш туради:

- Молиявий ресурслар эгаларини ва уларни тақсимловчиларни;
- Молиявий ресурслардан фойдаланишда устивор йўналишларини;
- Молиявий ресурсларни ташкил этиш учун манлар ва маблағларни жалб этиш усулларини;
- Давлат қўлида молиявий ресурсларни марказлаштириш даражасини.

Бу масалалар давлатнинг хаёт мазмунига ва функцияларига боғлиқ холда ечилади ва амалга оширилади.

Молиявий сиёсатни мазмуни кўп қиррали бўлиб, қуйидаги муҳим бўғинларни ўз ичига олади.

а) Молиявий муносабатларни ривожлантиришнинг илмий асосланган концепцияларини ишлаб чиқариш.

- Бу концепциялар қуйидагиларни ўрганиш асосида ишлаб чиқилади:
- Иқтисодий қонунлар талабларини ўрганиш;
- Хўжалик ахволини хар томонлама тахлил қилиш;
- Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг бундан кейинги ривожланиш истиқболларини ўрганиш;
- Аҳолининг талаб ва эхтиёжларини ўрганиш.

б) истиқболда ва жорий давр мобайнида молиядан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш; шу тарзда иқтисодий сиёсатда кўзда тутилган белгиланган мақсадларга етиш йўлларидан келиб чиқади, халқаро омиллар инобатга олинади ва молиявий ресурсларни янада кўпайтириш имкониятларини кўриб чиқади.

в) қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган амалий хатти-харакатлар, чора –тадбирлар кўриш.

Юқоридаги асосий бўғинларнинг бирлиги молиявий сиёсатнинг мазмунини аниқлаб беради.

Фақат хозирги кундаги жорий даврга мўлжалланган, кундалик эхтиёжларини қондиришга қаратилган молиявий сиёсат самарасиздир. Шунингдек, узоқ даврга мўлжалланган истиқболни кўзлаб ишлаб чиқилган концепциялар ва йўналишлар, улар қанчалик олий жаноб, жозибали бўлмасин давлатнинг амалий харакатлари, чора-тадбирлари билан таъминланмаса, инқирозга дучор бўлади.

Назорат учун саволлар:

1. Молия тизимининг моҳияти ва ташкилий тамойиллари?
2. Молия тизимининг соҳа ва бўғинлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги?
3. Макродаражадаги молиявий муносабатлар хусусиятлари?
4. Микродаражадаги молиявий муносабатлар хусусиятлари?
5. Молия тизими самарали фаолиятини таъминлашнинг ҳозирги замон муаммолари?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А., “Ўзбекистон – иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан”. Т.: “Ўзбекистон”, 1995, - 234 б.
2. Каримов И.А., “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, Т.: “Ўзбекистон”, 1997, -326 б.
3. Акрамов Э.А., Таиров А.Э., “Экономические реформы Республики Узбекистан” - М.: ТОО “Люкс-арт”, 1998. - 236 с.

4. “Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари”, 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий тадқиқот институти, Т.: 1997 – 2000й.

5. Родионова В.М., Финансы. М.: “Финансы и статистика”, 1995, – 432 с.

6. Гатауллин Ш.К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т.: 1996, – 304 б.

7. Ткачук М.И. Государственный бюджет. Уч.пос. Минск: «Вўсшая школа», 1995, – 240 с.

8. Лободенко Н.В. Аудит и диагностика банкротства. / / «Финансы», 1997г., №2.

9. Бункина М.К., Семенов В.А. «МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономичес-кой политики)» Уч.пос. М.: АО«ДИС», 1996, - 320 с.

10. Т.Маликов. Молиявий қарор қилиш асослари. Т.: «Меҳнат», 1996.

11. А.Улмасов, Н.Тухлиев. Бозор иқтисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: қомуслар Бош таҳририяти, 1991.

12. Ковалева А.М. Финансы. Уч.пос. для студентов экономических направлений и специальностей ВУЗов, М.: “Финансы и статистика”, 1996, – 280 с.

13. Дробозина Л.А. Обҳая теория финансов. М.: «банки и биржи», 1999 – 527 с.

14. Сумароков В.Н. Государственные Финансы в системе макроэкономического регулирования. М.: “Финансы и статистика”, 1996, – 220 с.

15. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта тўғрисида»ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т.: 1993.

16. Ўзбекистон Республикасида «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун лоциҳаси. Август 1999 йил. Т.: 1999.

17. Страховое дело. Уч. под. ред. проф. Л.И.Рейтмана. М.: «Банковский и биржевой научно-консультационнўй центр», 1992. – 340 с.

18. Краснова И.А. Страховўе фондў и финансово-кредитные отношение. М.: “Финансы и статистика”, 1993, – 120 с.

19. Финансы, денежное обраҳение и кредит. Уч. под. ред. В.К.Сенчагова и А.И. Архипова, М.: «Проспект», 1999. – 496 с.

20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н.В. Колчиной – М.: ЮНИТИ, 1998. – 325 с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н.А., Русак В.А. Основў финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.

2. Бородина Е.И., Голикова Ю.С. и др. Финансы предприятий. Под. ред. к.э.н. Бородиной Е.И. Уч.пос. для студентов. М.: «Банки и биржи», ЮНИТИ, 1995, - 208 с.

3. Герасименко Г.П. Финансовўй анализ. Уч.пос. М.: «ПРНОР», 1996, - 160с.

4. Ковалев В.В. Финансовўй анализ. Управление капиталом, вўбор инвестиций, анализ отчетности. М.: “Финансы и статистика”, 1996, – 180 с.

5. Настольная книга финансиста/Под ред. В.Г. Панского – М.: Международнўй центр финансово-экономического развития, 1995. – 325 с.

6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А.А. Володина – М.: ИНФРА-М, 1996, - 237 с.

7. Финансово-кредитнўй словарь. В. 3 т. – М.: Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

3-Мавзу: Қийматни тақсимлаш жараёнида молиянинг бошқа иқтисодий категориялар билан боғлиқлиги (2 соат).

Режа:

1. **Молия иқтисодий тақсимлаш категорияси сифатида.**
2. **Хўжалик юритиш амалиётида баҳо, иш ҳақи, кредит ва молия категорияларидан комплекс фойдаланишнинг зарурлиги.**

Таянч иборалар:

- **Молия – тақсимлаш категорияси;**
- **Молия ва баҳо;**
- **Баҳо-тақсимлаш категоричси;**
- **Баҳо функциялари**
- **Молия ва кредит;**
- **Кредит – тақсимлаш категорияси;**
- **Кредит функциялари;**
- **Молия ва иш ҳақи;**
- **Иш ҳақи-тақсимлаш категорияси.**

1. Молия иқтисодий тақсимлаш категорияси сифатида.

Иқтисодиётда бир қанча қонун ва категориялар мавжуд бўлиб, улардан бир гуруҳи-тақсимлаш муносабатларига хос категориялардир. Тақсимлаш категориялари асосан махсулот ёки товар ишлаб чикарилганданкейин ёки махсулот тайёрлангандан кейингина содир бўладиган жараёндаги муносабатларни хусусиятлайди ва ўз мохиятига кўра мураккаб хисобланади. Бу муносабатлар бир қанча ўзига хос специфик ахамиятга эга бўлган иқтисодий категориялар ёрдамида амал қилади. Тақсимлаш муносабатларига хос

иқтисодий категориялардан бири-молия категорияси хисобланади. Пул фондлари вам ос равишда уларгатегишли молиявий муносабатларнинг турличалиги улрни даражаларга бўлишни асослайди. Умумдавлат пул фондлари марказлашган, қолган барчалари-маказлашмаган пул фондлари хисобланади. Марказлашган фондлар хисобидан жамиятнинг макро даражадаги масалаларнинг хал этилиши таъминланади. Бу, аввало умумдавлат ахамиятидаги эхтиёжларни таъминлашга, мамлакат мудофаасига, марказий давлат ва бошқарув органларини сақлашга, миллий ахамиятга эга бўлган халқ хўжалиги тармоқларини қўллаб-қувватлашга алохида худудларни ижтимоий ва иқтисодий ва ривожланиш даражаларини тенглаштиришга, атроф мухит мухофазалиги, фундаментлар изланишлар ва Фан техника прогрессини қўллаб-қувватлашга сафарбар этилади. Буларнинг барчаси, молиянинг мазкур босқичда ижтимоий такрор ишлаб чиқариш элементлари-бойликлар, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқаришга таъсир қилишининг мухим ролларидан бирига айланиши исботлайди.

Аниқ иқтисодий ва сиёсий шароитлар, давлатнинг роли ва табиатига боғлик холда молия деярли бир хил институтларга эга холда, кўпинча сифат жихатидан турли мазмунга эга бўлади. Ривожланган мамлакатларнинг барча молиявий муносабатлари бозор иқтисодиёти муносабатларини такрор ишлаб чиқаришга, ривожланаётган мамлакатларда иқтисодиётни марказлашган ҳолда бошқаришга йўналтирилган эди. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, молиянинг тақсимлаш категоричси сифатидаги моҳиятига яна ҳам кенгроқ таъриф бериш мумкин.

Молия –бу давлатнинг ўз вазифа функцияларини бажариш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шакиллантириш жараёнида юзага келадиган, давлат томонидан ташкил қилинадиган пул муносабатлари йиғиндисидир.

Молиянинг моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади.

Жамият тараққиётининг турли ижтимоий-иқтисодий босқичларида, турли молиявий тизимлар амал қилади, баъзи холларда мавжуд иқтисодий муносабатларни муваффаққиятли объектив намоён қилади, бошқа холларда эса, муваффаққиятсизроқ, бироқ молия хар доим тақсимлаш функциясини бажаради.

Молиянинг бошқа муҳим функцияси назоратдир. У тақсимлаш функцияси билан узвий боғликдир. Молия муносабатларининг турли таркиби орасида пул фондларининг шакилланиши ва ишлатилиши назорати билан боғлиқ бўлмаган бирорта ҳам муносабат йўқдир. Шу билан бирга фақатгина назорат билан боғлиқ бўлган молиявий муносабат ҳам йўқ. У тақсимлаш функцияси Билан узвий боғликдир. Молия муносабатларининг турли таркиби орасида пул фондларининг шакилланиши ва ишлатилиши назорати билан боғлиқ бўлмаган бирорта ҳам муносабат йўқдир. Шу билан бирга фақатгина назорат билан боғлиқ бўлган молиявий муносабат ҳам йўқ.

Молия ёрдамида давлат ижтимоий махсулотни натурал-моддий шакилдагина эмас, қиймат шаклида ҳам тақсимлашни амалга оширади. Шундан

келиб чиқиб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида қиймат ва натурал- моддий нисбатларнинг таъминланиши устидан назорат қилиш мумкин ва зарур бўлади.

Молия ижтимоий махсулот ва миллий даромадни шакиллантириш, тақсимлаш ва ишлатишнинг барча босқичларида назоратни амалга оширади. Назоратнинг бош мақсади ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, ҳалқ хўжалигининг барча бўғинларида ишнинг сифатини яхшилаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларидан оқилона фойдаланишга эришишдир.

Молиянинг назорат функцияси корхоналарнинг барча хўжалик корхоналарида намоён бўлади. Сўм орқали назорат қилиш ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари устидан, бу харажатларнинг даромадларга мос келиши устидан, асосий фондлар ва айланма маблағларнинг шакилланиши ишлатилиши устидан амалга оширилади. Мазкур назорат маблағлар айланишнинг барча босқичларида-молиялаштириш ва кредитлаштиришда, нақд пулсиз хисоб-китобларни амалга оширишда, бюджет ва молия тизимининг бошқа бўғинлар билан ўзаро алоқаларда амал қилади. Сўм орқали назорат ёрдамида махсулот реализацияси жараёнига, шартнома бўйича шартларнинг бажарилишига, рентабилликка фойдага, фонд қайтимига, айланма маблағлар айланишига таъсир ўтказади.

Шундай қилиб, сўм орқали назорат даромадлар ўсишини, маблағлар ва моддий бойликлар оқилона сарфланишини рағбатлантиради, корхоналарни камчиликларини бартараф этишга, хўжалик фаолиятини яхшилашга, унинг самарадорлигини оширишга, хўжасизлик ва исрофгарчиликка йўл қўймасликка мажбур қилади. Сўм орқали назоратнинг муҳим ҳусусияти шундай намоён бўладики, у маблағлар келиб чиқиши ва ишлатилиши жараёнида узлуксиз давом этади ва махсус текширув хамда кузатишлар билан бевосита боғлиқ бўлмай, мустақил ахамият касб этади.

Молиянинг назорат функцияси объекти-корхоналар, ташкилотлар, муассасалар фаолиятининг молиявий кўрсатгичлари хисобланади. Молиявий назоратнинг самародорлигини ошириш кўпроқ корхонада бош хисобчи, молия бўлимларининг ходимлари томонидан ишни қай даражада йўлга қўйилганлиги, молиявий ахборотнинг хаққонийлиги, молиявий интизомга риоя қилиниши, бухгалтерия ва хисоботни тўғри юритишига боғлиқ. Фақатгина шундай шароитларда молиявий назоратни натижалари халқ хўжалигидаги холатнинг тахлил қилиш ва объектив бахолаш хамда такрор ишлаб чиқариш жараёни боришини мувофиқлаштиришга қаратилган қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Молиянинг назорат функциясининг амалга ошириш шакли молиявий назорат хисобланади. Агар молиянинг назорат функцияси молиянинг ўзининг хусусияти бўлса, молиявий назорат эса алохида мазкур назоратни амалга оширувчи назорат органларининг фаолияти хисобланади.

Молиявий назоратнинг амалга ошириш субъектлари бўйича молиявий назорат умумдавлат, маъмурий, ички хўжалик жамоат ва мустақил (аудиторлик) назоратларга бўлинади.

Умумдавлат молиявий назоратини хокимиятнинг қонун чиқарувчи органи –Олий Мажлис хамда молия, солиқ, кредит муассасалари, давлат қўмиталари, вазирликлар, махаллий бошқарув органлари бўлимлари амалга оширади. Буларнинг мухим функцияси молиянинг холати устидан, давлат маблағларининг сарфланиши устидан назорат олиб боришдир.

Маъмурий молиявий назорат ни вазирликлар ва бошқармаларнинг назорат тафтиш бўлимлари амалга оширади. Бу органлар қуйи корхона ва муассасалар молиявий-хўжалик фаолиятининг текширувининг амалга оширадилар.

Ички хўжалик молиявий назорат корхона, муассасаларнинг молиявий хизматлари(мухосибот, молия бўлимлари) томонидан амалга оширилади. Уларнинг функцияларига корхонанинг ишлаб чиқариш ва моиявий фаолиятини хамда унинг таркибий бўлинмаларининг текшириш киради.

Жамоа молиявий назорати ни назоратини алохида жисмоний шахслар ихтиёрий равишда бажарадилар.

Мустақил молиявий назорат ни аудиторлик фирмалари амалга оширадилар. Назорат объекти бўлиб барча иқтисодий субъектларнинг фаолияти хисобланади.

Амалга ошириш муддатидан келиб чиқиб, молиявий назорат бирламчи, жорий ва якуний назорат турларига бўлинади.

Бирламчи молиявий назорат корхоналар молиявий режаларини, бюджет ташкилотларининг сметаларининг, бюджет лойихаларини ва бошқаларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш босқичларида бажарилади. У хўжалик операцияларини амалга ошириш ва моддий, меҳнат хамда молиявий ресурслар норационал сарфланишнинг олидини олиш ва шу билан бирга корхона фаолиятига бевосита, билвосита зарур етказилишини бартараф қилишга ёрдам беради.

Жорий малиявий назорат молиявий режаларнинг бажарилиши, хўжалик молиявий операцияларнинг бориши жараёнида амалга оширилади. Унинг вазифаси қилинган харажатлар, олинган даромадларнинг тўғрилиги, қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигини, бюджет билан алоқаларнинг тўлалиги ва муддатилигини ўз вақтида назорат қилишдан иборат. Мазкур назорат молия хизматлари томонидан хар куни йўл қўйилган хатоликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш мақсадида ўтказилади. Оперативлик ва мосланувчанлик бу жараёнда биринчи даражалиахамият касб этади.

Якуний молиявий назорат амалга оширилган молиявий операцияларнинг тўғрилиги, қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигини текшириш ва тафтиш қилиш шаклида ташкил қилинади. Унинг асосий вазифаси моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланишдаги камчиликлар ва хатоликларни аниқлаш, етказилган зарарни қоплаш, айбдор шахсларни маъмурий ва моддий жавобгарликларга тортиш, келгусида молиявий интизомни бузиш холларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишдан иборат.

Молиявий назорат механизми такомиллашиб ва ривожланиб бормоқда. Уларнинг олдига иқтисодиётнинг молиявий ва соғломлаштириш мамлакатдаги

ўзаро молиявий алоқаларни такомиллаштиришга йўналтирилган янги вазифалар қўйилмоқда.

2. Хўжалик юритиш амалиётида баҳо, иш ҳақи, кредит ва молия категориялардан комплекс фойдаланишнинг зарурлиги.

Молия қийматни тақсимлашда иштирок этиб, бахо, иш хақи, каби категориялар билан чамбарчас боғланган холда иштирок этади. Бахо махсулот қийматининг пулдаги ифодаси бўлиб қиймат шакли ва тақсимланиш объекти бўлиши ёрдамида иқтисодий дастак сифатида амал қилади. Айнан бахо муомиладаги пул маблағларининг аниқ миқдорини аниқлаб, иқтисодиётнинг турли секторлари ва жисмоний шахслар ихтиёжини белгилаб беради.

Бахо махулотни яратишга кетган ижтимоий зарур меҳнат сарфи, аниқроғи эхтиёжни қондира олгани сабабли бозорда тан олинган мехнат сарфи хисобланади. Чунки мехнатни бир қисмини, агарда керакли бўлмаса, бозор инкор этади ва шу қисм қийматни яратишда иштирок этмайди.

Иқтисодиётда шундай омиллар борки, улар бозорни турларидан, харидор ва сотувчиларнинг хохиш-ихтиёридан қатъий назар бахо учун объектив асос бўлади. Шундай омил махсулотнинг қийматидир. Бахонинг шакилланишида махсулотнинг ишлаб чиқаришдан тортиб, истмеъмолга еткунча бўлган мехнат сарфлари иштирок этади. Буларга ишлаб чиқариш ва тижорат харажатлари киради. Махсулот қийматига қўшимча махсулот қиймати киради. У махсулот сотилгандан сўнг махсулот эгаларига ва уни сотилишини уюштирган фирмаларга фойда шаклида тегади.

Қиймат бахонинг объектив асоси бўлсада, уни шакиллантирувчи ягона омил эмас. Шу сабабли бахо бошқа омиллар таъсирида қийматдан юқорига ёки пастга қараб харакат қилади.

Баҳо бозор иқтисодиётининг категорияси бўлиб, махсулотлар айирбошлаганда муносабатларни англатади. Хўжалик юритишда бахо мухим иқтисодий восита хисобланади ва дастак деб қаралади. Бахо ва молия қийматларни тақсимлаш жараёнида чамбарчас боғланган холда харакат қилишади.

Баҳо ва мисоллар барометр каби, бозор холатини кўрсатиб туради, бахо пасайиб кетса, махсулот бозори касалликка йўлиққан бўлади, махсулот нафсиз бўлиб, уни бошқа товар билан алмаштириш ёки унинг сифатини тубдан яхшлаш зарурлиги кун тартибига қшйилади. Бахонинг иқтисодий мазмуни унинг функциялари (вазифалари) яққол кўрсатиб беради. Бахо нимага тегишли бўлишидан қатий назар беш асосий фунцияни бажаради:

1. Бозор муносабатини таъминлаш фукнцияси: бунда бахо бозордаги талаб ва таклифнинг хажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни муозанат холатига келтиради. Бозор бахоси-бу мувозанат бахоси бўлиб, икки нарсани

таъминлайди: бозордаги талаб хажмини ўзгаришини ва бунга мос тарзда таклифнинг ўзгаришини.

2. Ҳисоб-китоб, ўлчов функцияси: бахо-қийматнинг пулдаги ифодаси деб айтамиз чунки қилинган сарф харажат, кўрилган фойда зарар, бажарилган иш хажмини хаммаси маълум бахолар асосида хисоб-китоб қилинади. Ишлаб чиқариш ва унинг натижаларининг натурал моддий, қиймат-пул ўлчови бор.

3. Иқтисодий тартибга солиш функцичси: бахо бозор иқтисодиётининг асосий воситасидир. Махсулотишлаб чиқариш бозор иқтисодиётининг моддий асоси, унинг бозор билан алоқаси бахо-наво орқали юз беради. Рақобат воситаси. Маълумки бозор иқтисодиётига хос нарса рақобат хисобланади. Рақобат турларидан энг мухими-бахо воситасида кураш. Фирмалар ўз рақибини енгиш, уларни бозордан сиқиб чиқариш учун бахони ўзгартириб туради.

4. Ижтимоий химоя функцияси: бахо ахолининг айрим тоифаси ёки халқнинг қимматчиликдан сақлаш вазифасини ўтайди, одатда ахолининг ночор ва камбағал қатламларига махсулотлар арзонлаштирилган бахода сотилади.

5. Баҳо ва молия қийматни тақсимлаш жараёнида чамбарчас боғланган холда харакат қилишади. Бахо-қийматни тақсимлаш молиявий усулини асосидир.

Молия ва баҳо. Ижтимоий махсулотни қиймат шаклида тақсимлаш жараёни бўлиб, бунда қиймат дастлаб хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида сўнг хар-бир субъектнинг ўзида мақсадга мувофиқ қайта тақсимланади. Бу жараёнлар турли хил иқтисодий категориялар ёрдамида хусусан, молия, кредит, бахо, иш хақи ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг хар бири ўзига хос функцияларига эга. Лекин уларни умумлаштирувчи хусусичт уларнинг тақсимланувчи характеридир. Махсулотсотилиб, пул шаклини олгач, тақсимлаш объектига айланади. Бунга хизмат қилувчи иқтисодий воситалардан бири-бахо бўлиб, у тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларига асос бўлиб хизмат қилади, чунки бахода ижтимоий махсулот қийматининг барча элементлари ўз аксини топади. Бунда бахо қийматнинг пулдаги ифодаси сифатида бўлажак қиймат тақсимотининг нисбатларини белгилаб беради. Шундай бўлишига қарамасдан бахо қийматнинг субъектлар ўртасида тақсимланишини ҳам, қоплаш фонди ва бирламчи даромадни таркиб топишини ҳам таъминлаб бера олмайди.

Ишлаб чиқариш босқичида на қоплаш фонди, на яратилган даромадлар мустақил равишда доиравий оборода иштирок этмайдилар ваш у билан бир қаторда яширин кўринишда бўладилар. Фақат айрибошлаш ва тақсимот натижасидагина бахо мустақил иқтисодий шакилларда намоён бўлади. Яъни қоплаш фонди амортизация ажратмалари ва оборот маблағлари шаклини олади. Ялпи даромад эса ижтимоий суғурта ажратмалари ва фойда ваби шакилларни олади. Бу иқтисодий шакилларни яширин кўринишидан маълум бир миқдорий нисбатларга эга бўлган ошкор кўринишига ўтиши бахо ёрдамида эмас балки бошқа тақсимловчи категориялар, яъни молиявий иш хақи ёрдамида юз беради.

Қийматнинг тақсимотида иш хақи ҳам иштирок этади. **Иқтисодий категория сифатида иш хақи** - қийматни тақсимлаш муносабатларини акс эттирувчи иқтисодий категория бўлиб,ишчи ва хизматчиларнинг сон ва сифат

жихатидан сарф қилишган меҳнатлари эвазига оладиган индувидиал даромадларини шакилланиши билан боғлиқ.

Иш ҳақи молия билан биргаликда халқ хўжалигининг турли эхтиёжларини қондиришга шарт-шароит яратади ва бир-хил иқтисодий асосга эга. Лекин иш хақи муносабатлари натижада моддийлашган пул маблағлар ресурслари шахсий эхтиёжлар учун сарф бўлади. Моиявий муносабатлар натижасида моддийлашган молиявий ресурслар эса давлат, бошқа хўжалик субъектлари ихтиёрига тушиб, турли хил ижтимоий эхтиёжларни қондиришга сарф қилинади. Иш хақи қийматнинг икки томонлама харакатини акс эттиради, яъни иш хақи ишчига уларнинг сарф қилган меҳнатларининг миқдори ва сифатига қараб берилади.

Молиявий маблағлар эса бу холатни кўзда тутмаслиги хам мумкин.

Молиявий иш хақи ўзаро боғлиқ. Молия иў хақига ва иш хақи фондининг тузилишида ёрдам беради. Тўланиш муддати етиб келмаган иш хақи маблағлари эса корхоналар учун бартараф пассивлари таркибида молиявий ресурс бўлиб хизмат қилиди.

Кредит деганда вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга хақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтвриб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатларни тушиниш керак.

Кредит муносати икки субъект ўртасида юзага келади: бири пул эгаси, яъни қарз берувчи, иккинчиси пулга мухтож, яъни қарз олувчи. Қарз берувчи қарздор сифатида чиқиши ва бунинг акси ҳам қарз берувчи, ҳам бошқалардан қарз бўлиши ҳам мумкин. Масалан: банк аслида пул эгаи билан қарз олувчи ўртасида воситачи, айни вақтда унинг ўзи бўш пулни қарзга олади, сўнгра уни бошқаларга қарзга беради.

Кредит субъектлари хар-хил буларга корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли ахолии киради.

Кредитнинг объекти хар қандай пул эмас, балки фақат вақтинча бўш турган, эгаси томонидан ишлатилмай ва қарзга бериши мумкин бўлган пулдир. Бўш пуллар хисобидан ссуда фонди хосил бўлиб, унга талаб юзага келгач, кредит муносабатлари пайдо бўлади. Кредит тўрт хил вазифани адо этади:

- ⇒ **Биринчиси-** пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (масалан: вексель, чек, сертификат ва бошқалар) юзага чиқариб уларни хўжалик оборотига жорий қилади.
- ⇒ **Иккинчиси**-бўш пул маблағларини харакатдаги, ишдаги капиталга айлантириб, пулни пул топади деган қоидани амалга ошириш.
- ⇒ **Учинчиси** – қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб туришини таъминлайди.
- ⇒ **Тўртинчиси-** қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Гап шундаки, қарзга олинган пул, биринчидан, капитал сифатида ишлаилади, бунда фойда олиш, пулни кўпайтириш назарда тутилади.

Молия- кредит муносабатлари пул маблағлари билан боғлиқ муносабатлардир.

Молия категория сифатида халқ хўжалигида ресурсларни хосил этиш, уларни тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги иқтисодий муносабатларни билдиради.

Махсулот ишлатиш учун тақсимланганда пул шаклидаги молиявий фондлар хосил бўлади, улар табиатдан молиявий ресурс хисобланади. Молия муносабатларининг объекти пул ресурслари хисобланади, лекин улар албатта молиявий махсулотнинг маълум қисмини ўзида ифода этади.давлат молияни яратувчи эмас, балки унинг иштирокчисидир.

Ижтимоий махсулотни қийматини тақсимлашида молия билан бир қаторда иш хаққи ҳам иштирок этади. Бу тақсимланиш усулига, конкрет ишчиларни даромадларини ташкил этиш зарурлигини сабаб бўлиб, келиб чиқади.

Шундай қилиб, молиянинг асосий белгилари қуйидагилар белгиланади:

1. Пул муаммолари, яъни пул молияни мавжуд бўлиши ва амал қилиниши моддий асоси хисобланади. (пул йўқ жойда молия ҳам бўлмайди).

2. Иккита субъектларнинг мавжудлиги, улардан бири алохида ваколатларга эга. Бундай субъект давлат хисобланади.

3. Пул муносабатлари жараёнида умумдавлат пул фондларни шакилланиш жараёни амалга оширилади. Айтиш мумкинки, молиянинг алохида белгиси унинг фондли характеридир.

4. Бюджетга маблағларнинг доимий тушиши солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларга давлатнинг мажбурий таъзиқий хусусиятини ўз-ўзидан бермайди ва бу холат давлатнинг ҳуқуқий –меёрий асосларини яратишга қаратилган ижодий фаолияти воситасида хамда бунга мос фискал аппаратининг яратилиши билан таъминланади.

Мазкур белгилар бўйича молиянинг барча пул муносабатлари йиғиндисидан хатосиз ажратиб олиши мумкин. Мисол учун фуқоралар ўртасида, фуқоролар ва чакана савдо ўртасидаги (хаттоки, чакана бахоларни давлат томонидан тартибга солиш шароитида) ҳам юзага келадиган пул муносабатларини фуқоролик-ҳуқуқий усул билан тартибга солади.

Пул муносабатларининг бошқа гуруҳи-бу жисмоний шахслар томонидан даромад солиғини тўлаш. Бу ерда молиянинг барча белгилари аниқ иштирок этади: солиқни тўланиши пул шаклида амалга оширилади; иккита тенг хуқуқли бўлмаган субъектлар иштирок этади (жисмоний шахс ва давлат) давлат мазкур муносабатларнинг барча элементларини аниқлаб беради, уларни қонун кўринишида расмийлаштиради, назоратни амалга оширади, қонунбузарлик учун жазолар белгилайди. Мазкур тўловлар натижаси умумдавлат пул фонди-давлат бюджетининг даромадлар қисми шакилланади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, молияга биринчи таърифни қуйидагича бериш мумкин:

Молия –бу давлат томонидан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий масалаларни бажариш учун мўлжалланган умумдавлат пул фондларини

шакиллантириш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган пул муносабатлари йиғиндисидир.

Молия вужудга келишининг бирламчи асослари қандай? Ахир бунгача анча олдин инсоният пулга, товар-пул муносабатларига давлат тузилмасига эга эдику. Нима учун фақатгина ўрта асрларга келиб мазкур ҳолат ва уни акс эттирувчи ибора юзага келди?

1. Айнан Марказий Европада биринчи буржуа инқилоблари натижасида умумдавлат пул маблағлари фонди-бюджет юзага келди, хеч қайси давлат хукмдори унга ёлғиз ўзи хўжайинлик қила олмайди.

2. Бюджетни шакиллантириш ва ишлатиш тизими характер касб эта бошлади, яъни давлат даромадлари ва харажатлари тизими таркибий ва қонуний бирикмалари билан юзага келди. Шуни алохида такидлаш керакким бюджетнинг харажатлар қисмий асоссий гурухлар бир неча юз йилликлар деярли ўзгармай келди. Ўша даврдаёқ харажатларни тўртта йўналиши белгиланган эди: харбий мақсадларга, бошқарувга, иқтисодиётга, ижтимоий заруратларга. Давлат харажатлари структурасидаги ўзгаришлар XX асрнинг иккинчи ярмида юз берди. Улар баъзи ғарбий Европа мамлакатларининг харбий харажатларнинг сезиларли қисқартириб, ижтимоий мақсадларга, иқтисодиётга харажатлар қилишга кўпроқ этибор берганликларида намоён бўлди.

3. Пул шаклидаги солиқлар афзал характер касб этдилар. Аввалги давлат даромадлари асосан натураси тўлов ва иномлар хисобига шакилланган.

Шундай йўсинда, давлатчилик ва пул муносабатларининг фақат мазкур босқичида яратилган махсулотни қиймат кўринишида тақсимлаш имкони туғилди.

Тақсимлаш жараёнлари-жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг бир қисми хисобланади. Молия ҳам иқтисодий категория хисобланади. У қиймат харакатининг мухим шакиллари ёрдамида давлат пул фондларини шакиллантириш ва ишлатишда намоён бўлади.

Хар қандай давлатнинг пул даромадлари ва фондларининг асосий моддий манбаи ялпи ички махсулот ва унинг асосий қисми- миллий даромад хисобланади. Молия ёрдамида унинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши амалга оширилади, шу билан ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истемолга тўғридан-тўғри таъсир ўтказилади.

Молия шу билан бирга тарихий категория хам хисобланади. У ўзининг пайдо бўлиш, ривожланиш босқичларига эга, яъни вақт давомида ўзгариб боради. Молиянинг ривожланишини иккита асосий босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич-молиянинг ривожланмаган шакли. У биринчидан молиянинг ноишлаб чиқариш характери билан характерланади, яъни пул маблағларининг асосий қисми (2-3 қисм бюджет) харбий мақсадларга сарфланган ва деярли молия иқтисодиётга хеч қандай таъсир ўтказмаган. Иккинчидан, бир бўғиндан ташкил топган-бюджет ва молиявий муносабатларини чегаралаш миқдоридан, яъни молия тизими қисқалиги ва кенг қолувчи эмаслигидан. Уларнинг барчаси бюджетни шакиллантириш ва ишлатиш Билан боғлиқ бўлган.

Тавар – пул муносабатларининг, давлатсиликнинг ривожланиши билан умумдавлат пул фондларига ва мос равишда, уларни шакиллантириш ва ишлатиш бўйича янги гурух пул муносабатларига зарурат пайдо бўлади.

Хозирги пайтда аста-секин молия сиёсий тизм ва иқтисодий тузумнинг даражасидан қатий назар ўзини ривожланиши иккинчи босқичга ўтди. Бу молия тизимининг кўп бўғимлилиги, уни иқтисодиётга таъсир даражасининг юқорилиги ва молиявий муносабатларни турли-туманлиги билан асосланади.

Одатий давла молияси билан бир қаторда махаллий молиялар, бюджетдан ташқари фондлар, давлат корхоналари молияси ривожтопди. Давлатлар аро хамжамиятлар молияси каби янги молиявий муносабатлар сохаси пайдо бўлди. Мисол учун Европа хамжамияти мамлакатлари қишлоқ хўжалигини молиялаштириш, мазкур давлатларнинг алохида режаларида интеграцион жараёнларнинг салъбий оқибатларини бартараф қилишга ишлатиладиган давлатлар аро пул фондларини ташкил қилдилар. МДҲ давлатлари ҳам шундай фондларни ташкил этиш йўлида турибдилар. Молия муносабатларининг янги сохаларидан бири хусусий трансмиллий корпорациялар молиясидир.

Назорат учун саволлар:

1. Молиянинг такрор ишлаб чиқариш муносабатлари тизимидаги роли ва хусусиятлари?
2. Ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш жараёнида молиянинг бошқа иқтисодий категориялар билан боғлиқлиги?
3. Бозор ислоҳотлари шароитида молия, кредит, баҳо ва иш ҳақи категориялари амал қилишидаги хусусиятлар?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А., “Ўзбекистон – иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан”. Т.: “Ўзбекистон”, 1995, - 234 б.
2. Каримов И.А., “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, Т.: “Ўзбекистон”, 1997, -326 б.
3. Акрамов Э.А., Таиров А.Э., “Экономические реформы Республики Узбекистан” - М.: ТОО “Люкс-арт”, 1998. - 236 с.
4. “Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари”, 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий тадқиқот институти, Т.: 1997 – 2000й.
5. Родионова В.М., Финансы. М.: “Финансы и статистика”, 1995, – 432 с.
6. Гатауллин Ш.К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т.: 1996, – 304 б.

7. Ткачук М.И. Государственный бюджет. Уч.пос. Минск: «Вўсшая школа», 1995, – 240 с.

8. Лободенко Н.В. Аудит и диагностика банкротства. / / «Финансы», 1997г., №2.

9. Бункина М.К., Семенов В.А. «МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономичес-кой политики)» Уч.пос. М.: АО«ДИС», 1996, - 320 с.

10. Т.Маликов. Молиявий қарор қилиш асослари. Т.: «Меҳнат», 1996.

11. А.Улмасов, Н.Тухлиев. Бозор иқтисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.

12. Ковалева А.М. Финансы. Уч.пос. для студентов экономических направлений и специальностей ВУЗов, М.: “Финансы и статистика”, 1996, – 280 с.

13. Дробозина Л.А. Обҳая теория финансов. М.: «банки и биржи», 1999 – 527 с.

14. Сумароков В.Н. Государственные Финансы в системе макроэкономического регулирования. М.: “Финансы и статистика”, 1996, – 220 с.

15. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта тўғрисида»ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т.: 1993.

16. Ўзбекистон Республикасида «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун лоциҳаси. Август 1999 йил. Т.: 1999.

17. Страховое дело. Уч. под. ред. проф. Л.И.Рейтмана. М.: «Банковский и биржевой научно-консультационнўй центр», 1992. – 340 с.

18. Краснова И.А. Страховўе фондў и финансово-кредитные отношение. М.: “Финансы и статистика”, 1993, – 120 с.

19. Финансы, денежное обраҳение и кредит. Уч. под. ред. В.К.Сенчагова и А.И. Архипова, М.: «Проспект», 1999. – 496 с.

20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н.В. Колчиной – М.: ЮНИТИ, 1998. – 325 с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н.А., Русак В.А. Основы финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.

2. Бородина Е.И., Голикова Ю.С. и др. Финансы предприятий. Под. ред. к.э.н. Бородиной Е.И. Уч.пос. для студентов. М.: «Банки и биржи», ЮНИТИ, 1995, - 208 с.

3. Герасименко Г.П. Финансовый анализ. Уч.пос. М.: «ПРНОР», 1996, - 160с.

4. Ковалев В.В. Финансовый анализ. Управление капиталом, вўбор инвестиций, анализ отчетности. М.: “Финансы и статистика”, 1996, – 180 с.

5. Настольная книга финансиста/Под ред. В.Г. Панского – М.: Международный центр финансово-экономического развития, 1995. – 325 с.

6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А.А. Володина – М.: ИНФРА-М, 1996, - 237 с.

7. Финансово-кредитный словарь. В. 3 т. – М.: Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

4-Мавзу: Бозор иқтисодиёти шароитида молиядан фойдаланиш (2 соат).

РЕЖА:

1. Ижтимоий такрор ишлабчиқаришда молиядан фойдаланишнинг объектив шарт-шароитлари ва имкониятлари.

2. Такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиявий таъминлаш. Молиявий ресурслар хақида тушунча.

3. Молиявий бозор хақида тушунча. Молиявий ресурсларни жалб қилиш ва тақсимлашда молиявий бозордан фойдаланиш.

4. Иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда молиядан фойдаланиш.

5. Иқтисодий рағбатлантириш қуроли сифатида молиядан фойдаланиш.

Таянч иборалар:

- **Молиявий усул;**
- **Молиянинг ижтимоий ишлаб чиқаришга миқдорик таъмири;**
- **Молиянинг ижтимоий ишлаб чиқаришга сифат таъсири;**
- **Молиявий ресурслар;**
- **Молиявий ресурс манбалари;**
- **Молиявий резервлар;**
- **Молия бозори;**
- **қиммали қоғоз турлари;**
- **Фонд биржаси;**
- **Молиявий тартибга солиш усуллари;**
- **Молиявий рағбатлантириш шакил ва усуллари.**

1. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда молиядан фойдаланишнинг объектив шарт-шароитлари ва имкониятлари.

Молия ўзининг иқтисодий мохиятига кўра, обектив категориядир. Лекин хўжалик юритиш амалиётида жамият ижтимоий ривожланиш жараёнига таъсир этиш учун ундан онгли равишда фойдаланилади. Маълумки молия иқтисодий мохиятига биноан мутлоқ категориядир. Бироқ иқтисодиётда молиядан ижтимоий тараққиёт жараёнларига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Молиянинг шундай фойдаланиш имконияти уларни табиатида мавжуд. Ушбу категория мохиятини тўла билиш эса ижтимоий ишлаб чиқаришда молиявий маблағлардан баракали ва кучли фойдаланиш имконини беради.

Молиядан ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг мутлоқ шарт-шароитлари шу категориянинг тақсимлаш ва назорат фукнцияларида акс этгандир. Улардан биринчиси молиявий маблағлар ва мақсадли пул фондларини ижтимоий ишлаб чиқаришнинг умумий эхтиёжлари ва алохида тузилмари талабларига биноан шакиллантириш имконини беради. Иккинчиси(молиявий маблағларнинг муомиласи воситасида) жамиятдаги

иқтисодий жараёнларнинг боришини акс эттириб, иқтисодиётда ва унинг айрим сохаларида рўй бераётган барча жараёнларни бехато қайд этиб боради.

Молия муносабатларини у ёки бу шакли шундай хусусиятга эгадир. Сифат жихатдан молиядан ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг объектив шарт-шароитларини рўёбга чиқариш молиявий маблағлар муомиласи қандай аниқ шакилларда рўй беришига боғлиқ бўлади. Айни ташкилий шакиллар туфайли молиявий маблағлардан фаол фойдаланишнинг потинциал имкониятлари реал воқейликка айланади. Кундалик хўжалик фаолияти молиявий маблағлар категориясининг ўзигина эмас, балки молиявий муносабатлар юзага чиқишининг аниқ шакиллари мухим бўлиб, бу хилма-хил шакиллар давлат томонидан белгиланади. молия категориялари ва уларни юзага чиқишининг ташкилий шакиллари ўртасида ката фарқ бор: биринчиси хамиша объектив бўлиб, мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларини акс эттиради, иккинчиси субъектив бўлиб, одамлар фаолияти билан боғлиқ.

Ташкилий шакиллар туфайли молиявий маблағлардан иқтисодиётни бошқаришнинг фаол воситаси, иқтисодий кучли омил сифатида фойдаланиш мумкин. Бу восита иккита бошланмага эга: биринчидан, у объектив мавжуд иқтисодий муносабатларга боғлиқ, иккинчидан-давлатнинг қатъий молиявий сиёсатини амалга ошириш воситаси хисобланади.

Молиявий маблағлардан иқтисодий омил сифатида фойдаланиш, уларнинг жамоат ишлаб чиқаришига таъсири даражаси айни шу категорияни мохияти билан белгиланади.

Молиявий маблағларнинг иқтисодий табиати, уларнинг ижтимоий вазифалари шундай чегараларни ҳам шарт қилиб қўядики, бунда молиявий маблағлар ижтимоий ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида қўлланилади. Молиявий маблағлар хўжалик юритишнинг иқтисодий омили сифатида ижтимоий ишлаб чиқаришга сифат ва миқдорий жихатдан таъсир кўрсатади. Миқдорий жихатдан таъсир-сарфланган, тақсимланган ва фойдаланилаётган молиявий маблағлар нисбати билан характерланади, сифат жихатдан таъсир эса ишлаб чиқариш жараёни қатнашчиларининг моддий манфаатларига молиявий муносабатларни ташкил этиш шакиллари орқали молиявий таъсир кўрсатишда акс этиши билан белгиланади. Ижтимоий ёки жамоат ишлаб чиқаришига миқдор жихатидан таъсир кўрсатиш имконияти яратилган ва тақсимланаётган молиявий маблағларни хажми билан белгиланади. Молиявий маблағларни хажми ва уларни таъсарруф этишга йўналтириш ишлаб чиқаришнинг қўшимча воситаларини тақсимлаш (улар Билан улгурчи савдо қилинган тақдирда) корхонанинг техникавий таъминланганлиги даражаси ва бошқалар нисбатига таъсир кўрсатиши мумкин. Хўжалик субъектлари ихтиёрида қолдирилган молиявий маблағлар миқдорини ўзгартириб, маблағлардан инҳоятда самарали фойдаланиш йўлларини белгилаб, молиявий маблағларни энг муҳим соҳаларга йўналтирилишига эришиб, жамият ишлаб чиқариши ўз талабига мос йўналишда ривожланишига таъсир кўрсатади. Молиявий маблағларнинг сифат жиҳатдан қайта ишлаб чиқариш жараёни қатнашчиларининг моддий манфаатларига таъсир кўрсатиш имкониятларига боғлиқ бўлиб, молиявий хатидан таъсир кўрсатишда молиявий маблағларнинг

йириклиги эмас, балки қай тариқа шакллантирилиши, уларнинг ҳаракати ва ҳаракатланиши, улардан фойдаланиш қандай шакл ва шарт-шароитларда рўй берилиши муҳимдир, сифат таъсири молиявий маблағларнинг иқтисодий тараққиёт стимулига айланиши билан боғлиқ. Агар молиявий маблағларни шакллантириш тартиби, пул фондлари ва шакллантириш шартлари, қоидалари ва усуллари, шунингдек уларни йўналтириш хилма-хил хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатлари билан уйғунлаштирилгандагина шундай айланиш содир бўлади.

Молиявий маблағларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш га миқдор ва сифат жиҳатидан таъсир кўрсатш имкониятларидан яқин вақтларгача тўла фойдаланилмади. Яқин ўтмиш шундан далолат берадики, хўжалик юритишнинг қуйи бўғини, ўрта ва олий хокимият табақаларида ҳам фаолиятнинг молиявий томонига беписандлик билан қараб келинди. Қаттиқ маъмурий-буйруқбозлик тузуми шароитларида яхши иш натижалари ҳисобига йирик миқдорларда молиявий маблағларнинг олиниши корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техникавий ва технологик янгилаш, маблағларни ўзлари истаган соҳаларга сафарбар этиши имконини берар эди. Молиявий маблағлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат режасига кўра олинар ва тақсимланарди, бунда муайян корхонада хўжалик юритиш самарадорлиги инобатга олинмас эди.

Молиявий маблағларнинг жамоат ишлаб чиқаришига миқдор жиҳатдан таъсир кўрсатиши имкониятларига ҳам шундай эътиборсизлик қилинди. Молиявий тизимнинг барча соҳалари ва бўғинмаларидаги молиявий муносабатлар шакллари бир неча ўн йиллар мобайнида жиддий ўзгармаганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Ваҳоланки, улар хўжалик самарадорлигини ошириш вазифаларидан жиддий орқада қолган эди. Корхоналарнинг бюджетга тўловлари фискалхусусиятга эга бўлиб, даромадни тақсимлаш ва иқтисодий рағбатлантириш фондларини шакллантириш самарали хўжалик юритишдан манфаатдорликка деярли таъсир кўрсатмасди, бюджетдан молиявий таъминлаш боқимандалик ва молиявий маблағлардан фойдаланишда масъулиятсизлик кайфиятларини кучайтирарди.

Шу сабабли, 90-йилларга келиб, иқтисодиётга молиявий муносабатларнинг барча тизимларии кескин қайта қуриш давр талаби бўлиб қолди. Туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар молиявий ўзаро муносабатларнинг шундай шаклларига ўтиш имкониятини берадики, улар иқтисодиётда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари қоидалари асосида фаолият кўрсатишга муваффақ бўлиб молиявий маблағлардан самарали фойдаланишга ёрдам беради, уларнинг ўсиши учун асос яратади. Молиявий соҳадаги ўзгаришларнинг ютуғи кўп жиҳатдан ижтимоий ишлаб чиқаришга молиявий маблағлар таъсири учун иқтисодий имкониятлар таъминланишига боғлиқ бўлади. молиявий маблағлар ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Гап бу имкониятни ниҳоятда пухталик билан тўла-тўкис ҳисобга олиш, уни имкон қадар максимал амалга оширишдадир.

Молиявий маблағлар иқтисодиётга катта таъсир кўрсатиши мумкин. Бу икки нарсага боғлиқ. Биринчидан, молиявий маблағлар тақсимот категорияси

бўлгани ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнига умумий хизмат кўрсатади, уларнинг таъсир доираси тақсимот, айирбошлаш ва ишлаб чиқаришнинг бошқа даражаларига таъсир билан чекланмайди. Ва иккинчидан, молиявий маблағлар тақсимлаш хусусиятидан келиб чиқадиган иқтисодий жараёнларнинг катализатори хусусиятига эга экани билан белгиланади.

Молиявий усул билан амалга ошириладиган тақсимот моддий ишлаб чиқариш соҳасидан бошланади ва моддий ишлаб чиқариш жараёнининг тўрт босқичи билан белгиланади. Бунда айни маҳсулот ишлаб чиқариш босқичи ҳал қилувчи босқич бўлиб, шу босқичда ижтимоий маҳсулот яратилади. Тақсимот босқичи ишлаб чиқариш билан яқиндан боғлиқ бўлиб, унга бевосита дахлдордир, чунки ишлаб чиқарилган маҳсулотнигина тақсимлаш мумкин.

Тақсимот ишлаб чиқаришга боғлиқ эканидан қатъий назар ишлаб чиқаришдаги нисбатлар ва муносабатларнинг равшан акси бўла олмайди. Шу сабабли молиявий маблағларнинг муомаласи ишлаб чиқариш самарали пассив акс этишигагина олиб келмайди, лекин ўз навбатида уларда акс этади. Молиявий маблағлар ишлаб чиқаришга актив таъсир кўрсатади. Молиявий муомала асосида шакллантириладиган мақсадли пул жамғармалари ишлаб чиқариш таркибини ва жўшқинлигини ўзлаштириш учун шарт-шароит ярата олади. Молиявий маблағларнинг хўжалик субъектлари ва ҳудудлар ўртасида қайта тақсимланиши ишлаб чиқариш прогрессив силжишлар, инвестиция тараққиётини тезлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун шарт-шароитлар тайёрлаш имконини беради. Шу билан бирга, давлат бюджетига солиқлар тўланганидан кейин фаолиятнинг фаолиятнинг юксак якуний натижаларидан корхона жамоасини манфаатдор қилиб, уларга тўла мустақиллик бериш мумкин.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасида бошланадиган молиявий тақсимот муомала соҳасида ҳам давом этиб, унга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бу соҳада алмашув жараёнлари тизимли рўй беради; бу алмашувда молиявий маблағлар бевосита иштирок этмаса ҳам унга фаол таъсир кўрсатади. Биринчидан, молиявий маблағлар туфайли харидорларда махсус мақсадли пул жамғармалари шаклланади, ўз навбатида товар ва пул айирбошлаш учун шарт шароитлар яратилади. Иккинчидан, молиявий маблағлар маҳсулотлар сотилишининг таркибий давоми сифатида юзага чиқади, чунки айирбошлаш муаммолари натижасида олинган маблағлардан айирбошлаш муаммоларини бошлашнинг зарур шарти сифатида ёки уларнинг қонуний давоми сифатида намоён бўлади.

Молиявий маблағлар тақсимот воситаси сифатида истеъмол соҳасида ҳамда муомалада бўлади. Айни шу жараёнда илгари яратилган унинг моддий, натурал-товар шаклидан узил-кесил фойдаланилади. Бунда молиявий маблағлар энг аввало, жамият истеъмол қилаётган маҳсулотнинг ҳажми ва таркибига таъсир кўрсатади; улар ёрдамида ижтимоий маҳсулот қиймати жамғариш фондига ва миллий даромадга тақсимланади, миллий даромаддан фойдаланишнинг якуний нисбатлари шакллантирилади, истеъмол фонди ва жамғариш фонди юзага келтирилади, уларнинг таркиби белгиланади. Лекин, молиявий маблағларнинг истеъмол соҳасига таъсири айни истеъмол фондининг

миқдор жиҳатдан параметрлари ва айрим таркибий қисмлари билан чекланмайди. Молиявий маблағлардан, шунингдек моддий, меҳнат ва пул-сармояларни сарфлашда тежамкорлик режимига риоя қилишини назорат этиш воситаси сифатида фойдаланилади, ноишлаб чиқариш соҳаси ходимларининг энг яхши меҳнат натижаларини рағбатлантиришда ҳам фойдаланилади.

Истеъмол соҳасига ажратилаётган ресурслардан оқилона фойдаланишга ёрдам бериб, улар ижтимоий вазифалар тез ҳал қилинишига таъсир кўрсатади.

Тақсимлаш функцияси билан молия бутун ижтимоий такрор ишлаб чиқаришни ва унинг таркибий бўлимларини уларнинг эҳтиёжларига кўра молиявий ресурслар ва мақсадли пул фондлари билан таъминланса, *назорат функцияси* билан жамиятда кечаётган иқтисодий жараёнларнинг кечишини молиявий ахборотларга таянган ҳолда акс эттиради.

Кундалик хўжалик амалиётида молиянинг ўзи эмас, молиявий муносабатларнинг аниқ намоён бўлиш шакллари муҳимдир. Зеро, молия категорияси билан унинг намоён бўлишининг ташкилий шакллари ўртасида катта фарқ бор: *молия* – реал ишлаб чиқариш муносабатларини акс эттириб, доим объективдир, *молиянинг ташкилий шакллари* эса – субъектив бўлиб, инсонларнинг фаолияти билан боғлиқ.

Хўжалик субъектлари ўзларининги онгли фаолиятлари давомида молиянинг ташкилий шаклларидан иқтисодиётнинг бошқаришнинг актив воситаси, қуроли сифатида фойдаланадилар.

Хўжалик юритишнинг иқтисодий воситаси молия ижтимоий ишлаб чиқаришга *миқдор ва сифат* томонидан таъсир кўрсатади.

Миқдор томонидан: молиявий ресурсларнинг ҳажми, уларни жалб қилиш ва тақсимлаш пропорциялари билан характерланади. Ишлаб чиқариш субъектлари ихтиёридаги молиявий ресурсларнинг ҳажми, уларни тақсимлашдаги пропорцияларни ўзгартириш билан жамият ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиш мумкин.

Сифат томонидан ижтимоий тарқоқ ишлаб чиқаришга таъсир этишда молиявий ресурсларнинг ҳажми эмас, уларнинг самарадорлик даражаси муҳимдир. Молиявий муносабатларни шундай ташкил қилиш керакки, у иқтисодиётни ривожлантириш қуролига айлансин. Масалан, молиявий ресурсларнинг шаклланиши тартиби, пул фондларини ташкил бўлиш шартлари, принциплари ва методлари, улардан фойдаланиш йўналишларини ўрнатишда хўжалик юритишнинг барча субъектларининг манфаатларини оқилона мос келтириш, боғлаши лозим. Шундагина бу молиявий дастаклар иқтисодиётни ривожлантириш қуролига айланиши мумкин.

Хўжалик бошқарувининг маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳукмрон бўлган даврда молиянинг миқдор ва сифат жиҳатдан ижтимоий ишлаб чиқаришга таъсирига етарлича аҳамият берилмай келди. Корхоналарнинг яхши ишлаш эвазига эришган молиявий ресурслари ҳар доим ҳам ўзлари учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш техник ва технологик жиҳатдан қайта қуролланиш имконини бермасди. Молиявий ресурслар марказлашган тартибда фойдадан ажратмалар, мажбурий тўловлар кўринишида бюджетга ундириб олиниб, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш давлат режасига кўра қайта

тақсимланарди. Бу шароитда корхоналарнинг ишлаб чиқаришни яхшилаш, самарадорликни оширишга бўлган моддий манфаатдорлик сусайган эди. Бюджет томонидан молиялаштириш эса боқимандалик, молиявий ресурслардан фойдаланишда масъулиятсизлик кайфиятлари туғдирарди. Молия тизимининг барча звено ва соҳаларидаги ўн йилликлар давомида деярли ўзгармай келаётган молиявий муносабатларнинг шакллари ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қила бошлади. Натижада 90-йиллар бошида тубдан қайта ўзгаришлар жараёнлари бошланди ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молиявий муносабатларнинг янги шаклларини ишлаб чиқариш ва жорий қилиш вазифаси кўндаланг бўлди. Молия иқтисодга таъсир имкониятларига эга. Чунки молия ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида (ишлаб чиқариш, бошлаш, тақсимот ва истеъмолда) иштирок этади.

Молиянинг ижтимоий ривожланиши жараёнларига таъсир этишнинг 3 йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- *кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжларини молиявий таъминлаш;*
- *иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни молиявий тартибга солиш;*
- *молиявий рағбатлантириш.*

II. Такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиявий таъминлаш. Молиявий ресурслар ҳақида тушунча.

Такрор ишлаб чиқаришни молиявий жиҳатдан таъминлаш – бу барча ишлаб чиқариш харажатларини хўжалик субъектлари ва давлат қўлидаги молиявий ресурслар ҳисобига қоплашдир.

Молиявий ресурслар – бу ЯИМ ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг қўлидаги у ёки бу вақтда бўлган пул даромадлари ва жамғармалари йиғиндисидир.

Молиявий ресурсларнинг ҳажми ва таркиби ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига, унинг самарадорлигига бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқариш масштаблари қанча йирик, унинг самарадорлиги юқори бўлса, молиявий ресурсларнинг ҳажми шунча катта бўлади. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришга жалб қилинган молиявий ресурслар унинг ўсишига ва такомиллашувига шарт-шароит яратади.

Молиявий ресурсларнинг шаклланишида ЯИМ ва миллий даромаднинг барча элементлари қатнашади. Бу боғлиқни қуйидаги схемада кузатишимиз мумкин:

ЯИМнинг тақсимланиши ва молиявий ресурслар элементларининг пайдо бўлиши



МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Молиявий ресурсларнинг манбалари қуйидагилардир:

1. Миллий даромад. Миллий даромаднинг *соф даромад* қисми молиявий ресурсларнинг асосий манбаси ҳисобланади.

2. Ташқи иқтисодий алоқалардан тушумлар. Бу манбага айниқса, мустақиллик йилларида алоҳида аҳамият берилмоқда. Бозор муносабатларига ўтишнинг 1-босқичидаёқ (1992-94 йиллар) Ўзбекистон БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Европа иттифоқи Комиссияси каби нуфузли ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан фаол иқтисодий ҳамкорлик қилмоқда. Дастлаб ХВФдан 74 млн. АҚШ доллари, Жаҳон банкидан 160 млн. АҚШ доллари, 1993-94 йил ичида 21 мамлакатдан жами 75 млн. доллар миқдорида турли мақсадларга мўлжалланган ёрдам олинди. Ташқи савдо обороти йилдан йилга ошиб бормоқда.

3. Миллий бойликнинг бир қисми – бюджет маблағларининг йилдан-йилга ўтувчи қолдиқлари.

- *суғурта ташкилотларининг резерв фондлари;*
- *мамлакат олтин заҳираларининг бир қисмини сотишдан тушган тушум;*
- *ортиқча мулкларни сотишдан тушум ва бошқа.*

4. Қарзга олинган ва жалб қилинган маблағлар:

- *банк кредитлари;*
- *кредиторлик қарзлари;*
- *акция ва облигациялар чиқаришдан тушум.*

Молиявий муносабатларнинг турли-туманлиги молиявий ресурсларнинг ҳам турли-туманлигини келтириб чиқаради.

Молиявий ресурсларнинг асосий элементлари қуйидагилардир:

- *фойда;*
- *турли солиқлар (ҚҚС, акцизлар, фойда солиғи, мулкий солиқлар, даромади);*
- *суғурта ташкилотларининг маблағлари;*
- *амортизация ажратмалари;*
- *ташқи иқтисодий алоқалардан тушум;*
- *аҳолидан тушумлар.*

Молиявий ресурсларнинг ўсишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Молиявий ресурсларнинг ўсиши мамлакат миллий даромадинингҳажми ва унинг ўсишига боғлиқ экан, миллий даромаднинг ўсишига таъсир этувчи барча омиллар молиявий ресурсларнинг ҳам ўсишига таъсир кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради:

1. *Ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорлигини ошиши.*
2. *Меҳнат унумдорлиги.*
3. *Фонд сиғимининг камайиши.*
4. *Фонд қайтимининг ошиши.*
5. *Фонд билан қуролланишнинг яхшиланиши.*

Шунингдек, молиявий ресурсларнинг ҳар бир элементларининг ошишига таъсир қилувчи омиллар мамлакат молиявий ресурсларининг абсолют ва нисбий миқдорларда ўсишига таъсир кўрсатади

Хўжалик субъектлари ихтиёридаги молиявий ресурслар *марказлашган молиявий ресурслар* бўлиб, улар:

- *капитал қўйилмаларга;*
- *айланма маблағларнинг ошишига;*
- *фан-техника ютуқларини жорий қилишни молиялаштиришга;*
- *табиат муҳофазасига;*
- *ижтимоий мақсадларга* сарфланиши мумкин.

Макродаражадаги ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларини *марказлашган молиявий ресурслар* орқали қондирилиб, уларга бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари киради.

	1997 йилда қиймати	ЯИМдаги улуши
Бюджет даромадлари	273/3 млрд. с.	37 %
Ижтимоий суғурта фонди	68,5 млрд. с.	6,5 %
Бандлик фонди	3,8 млрд. с.	0,5 %
Йўл фонди	7,5 млрд. с.	1 %

Такрор ишлаб чиқариш харажатларини таъминлаш 3 шаклда амалга оширилади:

1. Ўз-ўзини молиялаштириш. Бунда корхоналар ўз харажатларини ўз молиявий ресурслари эвазига қоплайдилар. Уларнинг етишмаслиги шароитида улар харажатларни камайтириш ёки четдан жалб қилишга (молиявий бозордан) ҳаракат қиладилар.

2. Кредитлаш. Бунда субъектлар харажатлари муддатлилик, тўловчанлик ва қайтарилиш асосида олинган банк кредитлари эвазига қопланади.

3. Давлатдан молиялаштириш. Бунда барча харажатлар бюджет ва бюджетдан ташқари фонд эвазига қопланади.

Амалда юқоридаги учала усулдан бароварига бир вақтнинг ўзида фойдаланиш мумкин.

Узлуксиз молиялаштиришни таъминлашда молиявий резервлар катта аҳамиятга эга. Резервларнинг – турли кўзда тутилмаган ва фавқулодда ҳолатдан келиб чиқадиган ва ҳар қандай тангликдан чиқарадиган эҳтиёт қисм – кафолатдир. Резервлар *моддий ва молиявий* резервларга бўлинади:

Молиявий резервлар – давлат ва хўжалик субъектлари пул ресурсларининг бир қисми бўлиб, ўз эгасининг айланма маблағлари оборотида *вақтинча* қатнашмайди, лекин ўз эгасининг хўжалик оборотига қайтиш имкониятига эга ва шунинг учун умумий пул оборотида сақланиб туради.

Молиявий резерв фондларини шаклланиш усулларига кўра:

- *бюджет йўли билан;*
- *тармоқ ичида норматив ажратма асосида;*
- *корхона ичида ўз ўрни суғурталаш асосида;*
- *махсус суғурта ташкилотлари орқали суғурталаш йўли* билан тузилади.

Молиявий резервлар:

1. суғуртали (суғурта ташкилотлари орқали).

2. суғуртасиз (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларда, шунингдек, тармоқ миқёсида резерв фондларини тузиш орқали) бўлади.

III. Молиявий бозор ҳақида тушунча. Молиявий ресурсларни жалб қилиш ва тақсимласида молиявий бозордан фойдаланиш.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечилган бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ресурслардан узлуксиз фойдаланиш, уларни самарали инвестициялаш ва мақсадга мувофиқ йўналтириш муҳим аҳамиятга эга ва бу **молиявий бозор** ёрдамида таъминланади. Молиявий бозор молиявий ресурслар ҳаракатининг махсус шакли бўлиб,

- *қимматбаҳо қоғозлар бозори;*
- *ссуда капитали бозори;*
- *валюта бозоридан* иборат.

Молиявий бозорнинг амал қилишига объектив *шарт-шароит* бўлиб субъектларнинг молиявий ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш манбаларининг мос келмаслиги ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, халқ хўжалигида айрим корхона, бирлашмалар ёки хўжалик субъектларида ортиқча пул маблағлари бўлгани ҳолда бошқа бир субъектларда бу маблағларга муҳтожлик мавжуд бўлади. *Молиявий бозор* ана шу вақтинча бўш маблағларни йиғиш ва уларни самарали жойлаштиришда пул маблағларини эгалари (жамғарувчилар) ва улардан фойдаланувчилар (инвесторлар) ўртасида воситачилик қилади.

Жамғарувчилар – бу ўзида пул маблағларини тўплаган ва ўз жамғармаларини турли молия кредит институтлари (пенсия фонди, суғурта ташкилотлари, банклар) орқали инветициялашни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслардир.

Фойдаланувчилар (инвесторлар) – жалб қилинган пул маблағларини бирор фаолиятга (ишлаб чиқаришини кенгайтириш, давлат ҳаражатларини қоплаш) сафарбар қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар ёки давлат ҳокимияти органлари.

Молиявий бозор самарали амал қилиш учун мамлакатда қуйидагилар мавжуд бўлиши ва шаклланган бўлиши лозим.

1. Реал мустақилликка эга бўлган мулкдорларнинг мавжуд бўлиши. Ҳақиқий мустақилликка эга бўлган мулкдорларгина молиявий бозорда фаолият қилиб, молиявий ресурсларга талабни ташкил қиладилар ва уларни турли ҳаражатларга самарали инвестициялашни таъминлайдилар.

2. Молиявий бозорнинг самарали амал қилиш учун мамлакатда тегишли ҳуқуқий асос яратилган бўлиши лозим.

Ўзбекистонда «Қимматли қоғозлар тўғрисида»ги қонун 1993 йил сентябрда қабул қилиниб 1994 йил январ ойидан кучга кирди. 1994 йил 8 июнда (№285) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Тошкент» Республика фонд биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Молиявий бозор товар ва хизматлар бозори, ишчи кучи бозори, капитал бозори кабиларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Молиявий бозорда муомила қимматли қоғозлар орқали амалга ошади. *Қимматли қоғозлар* – бу қоғоз эгасининг мулкий ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатдир. Қимматли қоғозлар қонунда кўзда тутилган мажбурий реквизитларни ўзида акс эттириши лозим.

- *номинал баҳоси;*
- *бозорда айланиш муддати;*
- *қоплаш усули ва ҳ.к.*

Қимматли қоғозлар турлари кўп. Уларнинг кўп тарқалганлари қуйидагилар:

1. Облигация
2. Акция
3. Хазина мажбуриятлари
4. Векселлар
5. Жамғарма сертификатлари

1. Облигация - қарз ҳақидаги қимматли қоғоз тури бўлиб, қатъий ўрнатилган фоиз ставкасига эга бўлган ва муддати етгач тўланиши лозим бўлган қарз мажбуриятидир. Одатда облигациялар давлат ҳокимиятлари орқали харажатларини қоплаш ва пул муомаласини тартибга солиш мақсадида чиқарилади.

Облигациялар:

- *фоизли ва ютуқли;*
- *қисқа, ўрта ва узоқ муддатли* бўлади.

Облигация мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини бермайди. Лекин унинг эгасига маълум муддатдан сўнг облигациянинг ҳеч бўлмаганда номинал қийматини қайтариб олиш ҳуқуқини беради.

2. Акция – улушли қимматли қоғоз бўлиб, эгасига мулкка экалик ҳуқуқини беради. Акция эгаси корхона фойдасининг бир қисмини дивиденд шаклида олиш мумкин. Акциялар:

- *оддий*
- *имтиёзли* акцияларга бўлинади.

Оддий акцияларда қатъий фоиз ставкалари бўлмайди.

Имтиёзли акцияларда даромад қатъий ўрнатилган бўлиб, дивиденд тақсимланганда навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича даромад тўланади. Имтиёзли акцияларнинг ставкалари:

- *ўсувчи*
- *сузувчи (мойил бўлувчи)*
- *дисконтли (пулнинг қадрсизланишини ҳисобга олувчи)*
- *дивидендларни янги акцияларнинг қиймати билан тўлаш*

Қимматли қоғозлар бозори:

- *бирламчи;*
- *иккиламчи бозорга* бўлинади.

Бирламчи бозорда янги чиқарилган қимматли қоғозлар сотилади.

Иккиламчи бозорда қимматли қоғозларни қайта савдо сотиғи амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бирламчи ва иккиламчи бозорининг субъектлари:

- *эммитентлар;*
- *жамғарувчилар – якка тартибдаги омонатчилар;*
- *институционал инвесторлар (пенсия фонди, суғурта компаниялари, ХИФлар);*
- *брокерлик, диллерлик, маклер фирмалари.*

Қимматбаҳо қоғозлар бозорида **фонд биржалари** муҳим ўрин эгаллайди. Уларнинг функцияларига қуйидагилар киради:

- *қиммамтли қоғозларнинг актив олди-сотди операцияларини бажариш;*
- *эммитентларга кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ўтказиш учун қўшимча молиявий маблағлар бериш;*
- *ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини ўзгаришига имконият берадиган молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш;*
- *жамғарувчиларга жамғарилган пул маблағларни энг фойдали, самарали жойлаштиришга ёрдам бериш.*

Молиявий бозор катта аҳамиятга эга:

- *биринчидан, ортиқча пул маблағларини (ишлаб чиқариш қувватини оширишга) тез ва қисқа муддатларда инвестициялаш имкониин беради.*
- *иккинчидан,* молиявий бозор орқали инвесторларга максимал фойда олишни таъминловчи корхона ва тармоқларнинг рвожланиши осонлашади.
- *учинчидан,* молиявий бозор орқали капиталларнинг у тармоқдар бу тармоққа оқиб ўтиш фан-техника дастурларига, фан-техника ютуқларини тез тадбиқ этишга ёрдам беради.
- *тўртинчидан,* молиявий бозор бюджет камомадини цивилизациялашган услда қоплаш имкониятини яратади.

IV. Иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда молиядан фойдаланиш.

Мамлакат иқтисодиёти – мураккаб халқ хўжалик комплекси бўлиб, унинг барча соҳа ва тармоқлари ҳам бир текис ривожланмайди, чунки жамият эҳтиёжлари тез-тез ўзгарувчан бўлиб ишлаб чиқариш эса бу ўзгаларга мослашишга харакат қилади. Бунинг натижасида иқтисодиётда айрим тармоқлар ривожланишининг илгарилаб кетиши, айрим соҳа ва тармоқлар эса орқада қолиши мумкин. Ана шу номутаносибликларнинг бартараф этиш, бутун халқ хўжалиги комплексининг балансли ривожланишини таъминлаш иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиш орқали амалга оширилади. Бозор шароитида иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиш, аввало ўз-ўзини тартибга солиш ва бошқариш орқали амалга оширилади. Ўз-ўзини бошқариш:

- *хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлигига;*
- *шерикларни ва улар билан бўладиган муносабатлар танлаш эркинлигига;*
- *ўз фаолияти усулидан мустақил фойдаланиш эркинлигига асосланади.*

Ўз-ўзини бошқариш бозорнинг, шу жумладан молиявий бозорнинг амал қилиш билан таъминланади, лекин айрим ҳолларда ўз-ўзини бошқариш

иқтисодиётни барқарорлаштиришга кучсизлик қилади ва иқтисодиётга давлатнинг аралашувини тақозо қилади.

Давлатнинг аралашуви қуйидагиларни ҳал қилиш учун зарур.

- *йирик таркибий ўзгаришларни таъминлаш;*
- *иқтисодий ривожланишнинг самарали янги йўналишларини қўллаб-қувватлаш;*
- *ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш билан.*

Давлатнинг молиявий усуллар ёрдамида иқтисодиётга аралашуви қуйидаги воситалар орқали амалга оширилади:

- *давлат инвестициялари орқали;*
- *солиқлар орқали;*
- *бюджет сиёсати орқали;*
- *амортизация сиёсати орқали.*

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, айниқса, бозор шароитида маълум чегарага эга бўлиб, фақат қонун йўли билан амалга оширилиши керак.

Иқтисодиётни молиявий тартибга солишда **молия тизимининг бўғин ва соҳалари:**

- *корхоналар молияси;*
- *суғурта ташкилотлари;*
- *давлат бюджети;*
- *бюджетдан ташқари фондлар иштирок этади.*

Хўжалик ичидаги ва хўжаликлараро нисбатларни тартибга солишда асосан корхоналар молияси иштирок этади.

Давлатнинг бюджети эса тармоқлараро, ҳудудлараро, нисбатларни тартибга солишни таъминлайди.

Молиявий тартибга солиш усуллари қуйидаги мақсадларга йўналтирилиши лозим:

1. Янги тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш.
2. Солиққа тортишнинг эгилувчан муханизми орқали аҳоли қатламларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш.
3. Суғурта турларини ривожлантириш орқали молиявий тангликка тушиш эҳтимолларини камайтириш.
4. Турли молиявий фондлар (инвестиция фонди, Пенсия фонди)ни ташкил этиш орқали турли ижтимоий эҳтиёжларни қондириш.
5. Солиқ имтиёзлари, санкциялари механизми орқали моддий бойликларни ишлаб чиқариш ва истеъмолини тартибга солиш.
6. Давлат харажатларини, давлат инвестициялари орқали илғор технологиялар, фан ютуқларини жорий қилишни таъминлаш.
7. Амортизация сиёсати орқали корхона молиявий ресурсларини жамғаршга, улар асосий натижаларининг янгилаш даражасига таъсир кўрсатиш.

Фойдаланиш доирасида ижтимоий ривожланиш жараёнларига **молиявий таъсирнинг уч асосий йўналиши**ни кўрсатиш мумкин, яъни:

- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш талаб эҳтиёжларини молиявий таъминлаш;
- иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни молиявий тартибга солиш;
- фаолиятнинг энг яхши натижаларини молиявий рағбатлантириш.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда молиявий маблағлардан фойдаланиш муайян натижаларга олиб келади, бу натижаларда шу категориянинг роли аниқ кўринади. Молиявий маблағларнинг роли муомалада бўлиш шарт-шароитлари, жамоат ишлаб чиқаришига таъсири йўналишлари, бошқа тақсимот категориялари билан боғлиқлиги ўзгариши каби омилларга мос равишда турлича бўлиши мумкин. Бироқ, турли тарихий даврларда молиявий маблағлардан фойдаланиш эвазига олинадиган натижаларнинг хилма-хиллигидан қатъий назар ягона омил – молиявий маблағлар воситаси ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларига таъсир кўрсатиш имконияти ўзгармас ва даҳлсиз бўлиб қолаверади.

Ишлаб чиқаришни молиявий таъминлаш – бу хўжалик субъектлари ва давлат жамғарган маблағлар ҳисобига кетган ишлаб чиқариш харажатларини қоплашдир. Молиявий маблағлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида шакллантирилади, кейин улар мақсадли сармоя фондлари орқали тақсимланади ва муайян мақсадларда фойдаланилади.

Молиявий маблағларнинг муттасил шакллантирилиши, улардан оқилона фойдаланиш улкан аҳамиятга эга, чунки молиявий маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг муҳим сармоя негизи, халқ турмуши моддий ва маънавий даражасини ошириш манбаи ҳисобланади. Молиявий маблағлар ҳажмининг камайиши иқтисодиётни ривожлантиришга молиявий таъсир кўрсатиш имкониятларини, долзарб иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал қилинишини қийинлаштиради. Бу ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларга сармоялар қисқартирилиши, тасарруфидаги миллий даромад таркибида истеъмол фонди камайишига олиб келади. Молиявий маблағларнинг етишмовчилиги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг натурал-товар ва қиймат структурасининг номутаносиблигига, турли номувофиқликларга олиб келади.

Молиявий маблағларнинг ҳажми ва таркибини ишлаб чиқариш ривожланиши даражаси, унинг самарадорлиги қанча юқори бўлса, сарфланаётган ва фойдаланилаётган молиявий маблағларнинг ҳажми шунчалик кўп бўлади. Ўз навбатида ишлаб чиқаришга сарфланаётган молиявий маблағларнинг кўплиги ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва такомиллашуви учун шароитлар яратади. Молиявий маблағлар қандай йўналишда ва қанча сарфланаётганига боғлиқ равишда ишлаб чиқаришни қўшимча қувватлар билан таъминлаш имкониятлари юзага келтирилади. Бу ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасининг ортишига, халқ хўжалиги иқтисодиётининг тегишли соҳаларда меҳнат самарадорлиги ортиши учун шарт-шароитлар яратилишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг муттасил ўсиши ва такомиллашуви молиявий маблағлар ортишининг асосидир. Бироқ, 80-йилларнинг охирида молиявий

маблағлар ортиши камайди, кейинчалик эса уларнинг ўсиши суръатлари пасайиб кетди. Бунинг сабаби собиқ иттифоқ иқтисодиётидаги таназзул бўлиб, у ялпи миллий даромад ва ҳосил қилинган миллий даромад ортишига, саноат маҳсулотлари ҳажмига ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бошқа муҳим кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатди.

Молиявий маблағларнинг шаклланишида ялпи миллий даромад қийматининг барча элементлариштирок этади, бироқ миллий даромад асосий манба ҳисобланади, унинг соф даромад қисми анйиқса муҳим аҳамиятга эга. Айнан соф даромаднинг ва унинг муҳим молиявий шакли – фойданинг ўсиши молиявий маблағлар ўсишининг юқори ва паст суръатларини шарт қилиб қўяди.

Ялпи миллий маҳсулот қийматидан ташқари ташқи иқтисодий фаолиятдан тушган даромадлар ҳам молиявий заҳираларнинг муҳим манбаи бўлиши мумкин, фақат бу ишни етарли даражада самарали ташкил этиш керак бўлади. Молиявий ресурс-заҳиралар, шунингдек хўжалик айирбошлашга сафарбар этиладиган миллий бойлик қисми эвазига ҳам шаклланади (жорий йил харажатларини қоплашга сарфланадиган), яъни:

- бюджет маблағларининг бир йилдан кейинги йилга қолган қолдиқлари;
- суғурта компанияларининг заҳира-жамғарма фондлари;
- мамлакат олтин заҳирасининг муайян қисмини сотиш эвазига тушган маблағлар;
- ортиқча мол-мулкни сотишдан тушган маблағлар ва бошқалар.

Молиявий заҳираларни шакллантириш учун заёмлар ва жалб этилган маблағлардан ҳам фойдаланиш мумкин (банк қарзи, кредитор қарздорлик, акция, облигация сингари қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлар ва бошқалар).

Қиймат тақсимоти жараёнида юзага келадиган хилма-хил молиявий муносабатлар молиявий заҳираларнинг турли шаклларини шарт қилиб қўяди. Улар орасида: даромад, солиқларнинг турлари, суғурта тўловлари, амортизация ажратмалари асосийларидир, уларнинг ўсиши эҳтимоли нафақат ялпи ички маҳсулотнинг умумий миқдорлари, балки унинг тузулиши, ташкил этувчи буғинларнинг жўшқинлиги билан ҳам белгиланади. Афсуски, 80-90 йилларда собиқ иттифоқда ялпи ички маҳсулот таркиби узлуксиз ёмонлашди, фондларни маънавий ва жисмоний эскириши ортди, бу молиявий ресурслар мутлақ йириклиги ва суръатлари қисқаришига олиб келди. Айни кезда уларга талаб тўхтовсиз ортиб бораверди.

Иқтисодиётни тартибга келтиришда молиявий маблағларнинг кенг қўлланилиши (барча соҳалар ва бўғинлар билан) ижтимоий ишлаб чиқаришнинг қайта ишлаб чиқариш, тармоқ ва ҳудудий таркибини ўзгартириш учун шарт-шароит яратади. Ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга келтиришнинг асосий воситаси корхоналарнинг – молиявий маблағлари ҳисобланади. Уларнинг ёрдами билан қайта тикланган ишлаб чиқариш бўғини тартибга келтирилади; истеъмолга ва жамғаришга йўналтирилган маблағлар ўртасида энг мувофиқ мутаносиблик ўрнатиш асосида кенгайтирилган ишлаб чиқариш молиявий таъминланади; меҳнат заҳираларига таъсир кўрсатилади.

Қайта тикланган нисбатларни тартибга келтиришда корхоналар молиявий маблағларининг кенг қўлланилиши айни пайтда мазкур жараёнда (суғурта қилдириладиган ходисалар зарари сезиларли бўлган тақдирда), банк қарзлари (молиявий заҳиралар вақтинча етишмаганда), бюджет (солиқ солиш механизми, солиқ имтиёзлари берилиши, бюджетдан субсидиялар ажратилиши ва бошқаларда) иштирок этишини истисно этмайди. Қайта тикланган таркиб, энг аввало, хўжалик субъекти томонидан муайян мақсадларга ички хўжалик фондларига чегирмалар нисбатини ўзгартириш йўли билан тартибга келтирилади. Хўжалик самарадорлигини ошириш, янада юқори тижорат даромади олиш учун мана шундай тартибга келтириш зарур. Шу билан бирга, бозор шароитида давлатнинг тартибга солиш йўли анча ортади, давлат солиқлар (солиқ миқдори, ажратиш тартиби, бунда имтиёзлар бериш билан) ёрдамида корхоналарнинг шахсий молиявий заҳиралари билан таъминланганлик даражасини оширишга таъсир кўрсатишга интилади. Давлат қайта тикланган нисбатларга таъсир қилувчи: жадал амортизация, мутахассислар тайёрлаш, ижтимоий суғурта ва бошқаларга бюджетдан маблағлар ажратиш каби бошқа молиявий омилларни ҳам қўллайди. Ҳосил қилинган нисбатларни тартибга солишда ишлаб чиқариш барқарорлигини кафолатлайдиган суғурталаш аҳамияти ҳам аста – секин орта боради. Суғурталаш келгусида (мажбурий равишда ташкил этилган ҳолда) муваффақиятсиз илмий – техникавий ихтиролар келтирадиган зарарлар, шунингдек иш ташлашлар ва сиёсий норозиликлар оқибатида олинмаган даромадни ҳам қоплай оладиган бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тармоқлардаги нисбатни тартибга келтириш ёки мувофиқлаштириш учун корхоналар маблағларидан ва давлат бюджетидан фойдаланилади. Бунда корхоналар молия бозорида (суғурта ва бошқаларда ҳам) молиявий заҳираларни имкон борича кўпроқ фойда келтирадиган соҳаларга сарфлашга ҳаракат қиладилар. Хусусан, бошқа корхоналарнинг акцияларини харид қиладилар, сармояларини кўчмас мулкка сарфлайдилар, банклар ва давлатга қарз берадилар ва ҳ.к. Давлат эса ўз бюджети ва бюджетдан ташқари фондлардан фойдаланиб, фаол амортизация ва бож сиёсати юритиб, нарх – навога таъсир кўрсатиб, шу билан бирга бошқа ишларни амалга ошириб, ижтимоий ишлаб чиқариш тармоқ таркибини тартибга келтиради.

Тармоқлардаги нисбатларни тартибга келтириш давлат механизмида бюджетга тўловлар (даромадлар), шунингдек бюджетдан молиявий таъминлаш бирдек муҳимдир, лекин, бу уларнинг роли бир хил дегани деган фикр эмас. Бюджетга тўловлар асосан корхонанинг хусусий молиявий негизини (солиқ ставкалари, имтиёзлар, санкциялар билан) тартибга келтиришга қаратилган бўлиб, ўз навбатида муайян хўжалик субъектида қоладиган хусусий молиявий заҳираларнинг ундай ёки бундай улуши катталигигагина таъсир кўрсатади. Бюджетдан молиявий таъминлаш бошқа ролни бажаради – умумдавлат заҳираларини жалб этиш йўли билан корхоналарнинг молиявий имкониятларини кучайтиради. Бу иқтисодиётнинг айрим тармоқлари жадал ривожланишига ёрдам беради, янги ишлаб чиқаришлар ва замонавий

технологиялар пайдо бўлиши, илмий-техникавий жараён жадаллашиши учун шароит яратиб, хилма-хил тармоқлар равнақ топишини таъминлайди.

Ҳудудий нисбатларни тартибга келтиришда асосан давлат ва маҳаллий молиявий маблағлар, қисман эса корхоналар молиявий маблағлари иштирок этади. Тартибга келтиришнинг ўзи эса қуйи бюджетларга дотациялар ва субвенциялар бериш, ҳудудий тартибга келтириш фондлари шакллантириш ва улардан фойдаланиш, турли давлат кредитлари каби усуллар билан амалга оширилади. Корхоналар молиявий маблағларни ижтимоий ишлаб чиқариш ҳудудий таркибларига тадбиркорлик ҳудудларини кенгайтириш, шаҳарлар ва янги турар жой зоналарини ривожлантиришга маблағлар ажратиш йўли билан таъсир кўрсатади.

Молиявий заҳираларнинг худудлараро қайта тақсимланиши мамлакат турли минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси бараварлашишига, халқ хўжалиги таркибида тармоқ ва ҳудудий нисбатлар такомиллашувига ёрдам беради. Қайта тақсимлаш туфайли мамлакат ҳудудида ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш, янги ўзгартирилган туманларни ҳар томонлама ривожлантириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга қаратилган тадбирлар пул маблағлари билан таъминланади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тартибга келтиришда молиявий маблағларнинг кенг қўлланилиши бу жараёндан бошқа омиллар истисно қилинишини билдирмайди. Иқтисодиётни ривожлантиришни ҳозирги босқичини муҳим вазифалардан бири тармоқ ва ҳудудий нисбатлар тартибга келтириш ёки мувофиқлаштирилишида қийматни қайта тақсимлашнинг барча усуллари – молиявий (шу жумладан, бюджет), кредит, баҳо-ғоят муносиб уйғунлаштирилиши керак. Уларнинг ҳар биридан тўғри ва тўла-тўкис фойдаланишга эришиш керак. Иқтисодиётни тартибга келтиришнинг қиймат омиллари ҳозирги қўлланилишида ҳал қилиниши даркор кўплаб муаммоларнинг борлиги шундай вазифани тақозо этади.

Мисол учун, иқтисодиётнинг айрим соҳаларида ҳосил қилинган нисбатларни таъминлаш учун ҳамон давлат бюджетидек қиймат регулятори қўллаб келинмоқда. Шубҳасиз, бюджет усули йўналтирилаётган пул маблағлар аниқ манзилга боришини таъминлайди, тез ва амалий ёрдам бериш имконини яратади. Бироқ, тажрибанинг кўрсатишича, унинг қўлланилиши салбий оқибатлар келтириб чиқаради. Бюджет корхоналарнинг баҳо билан таъминланмаган молиявий эҳтиёжларини қондириб, хўжалик субъектларида боқимандаликни авж олдирадики, улар марказлаштирилган фонддан тайёр маблағларни олишга беихтиёр кўникиб, ички хўжалик имкониятларини юзага чиқармайдилар ва сафарбар этмайдилар, таннархни камайтирмайдилар, тежамкорликка ҳам риоя қилмайдилар.

Бюджетдан молиявий таъминлашнинг самараси пастлиги баҳо эркинлашуви шароитларида кескин қисқаришини шарт қилиб қўйди. Лекин ундан шундай фойдаланиш ҳам бахсдан ҳоли эмас, чунки бозор иқтисодиёти фаолиятининг жаҳон тажрибаси бошқа нарсадан – давлат томонидан молиявий ёрдам заифларга эмас, балки иқтисодий кучли корхоналарга кўрсатилишидан далолат бермоқда: бюджет маблағлари даромад келтирмайдиган корхоналарни

шунчаки тутиб туриш учун эмас, балки хўжалик фаоллигини яна ҳам кучайтирувчи восита сифатида қўлланилади. Шу боис ҳосил қилинган нисбатларни тартибга келтиришнинг қиймат-дастак омиллари – баҳо, сармоялар, кредитдан фойдаланишнинг таркиб топган амалиётини шундай қайта кўриб чиқишимиз керакки, иқтисодий воситаларнинг ҳар бири тақсимлаш муносабатларининг ижтимоий ўрни ва бажарадиган вазифаларига объектив мос соҳаларида фаолият кўрсатсин ёки ишини бажарсин. Тубли нисбат регуляторлари қулланилиши доирасида чегаралаш, уларнинг ўзаро хамжиҳатлигини кучайтириш молиявий маблағлардан (шу жумладан, бюджетдан) иқтисодий стратегиянинг тармоқ ва ҳудудий нисбатларни тартибга келтириш, иқтисодиётда таркибий силжишларни таъминлаш, давлат заҳираларни юзага келтириш, бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш каби асосий йўналишларида самарали фойдаланиш имконини беради.

5. Молия иқтисодий рағбатлантириш омили сифатида.

Хўжалик юритишнинг бозор шаклига ўтилишида турли қиймат омиллари орқали амалга ошириладиган иқтисодий рағбатлантириш аҳамияти ортади. Улар орасида тақсимловчи табиатга эга молиявий рағбатлантириш алоҳида ўрин тутади. Молиявий рағбатлантириш ишлаб чиқаришга ва умуман бутун ишлаб чиқариш жараёнига жиддий таъсир кўрсата олади. Бу катта имкониятлар (катта ёки кичик даражада) турли ҳакл ва усуллар билан амалга оширилади. Ҳозирги даврдаги энг муҳим вазифа иқтисодиётни таназзулдан олиб чиқиш, уни барқарор ва пухта ўсиш манбаалари билан таъминлаш, халқ хўжалигини молиявий соғломлаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат. Бу вазифаларни ҳал қилишда молиявий рағбатлантиришдан фойдаланса бўлади ва шундай қилиш лозим: уларга молиявий муносабатларнинг шундай ташкилий шакллари кирадики, ана шулар ёрдамида хўжалик субъектларининг моддий манфаатларига таъсир кўрсатиш мумкин.

Молиявий рағбатлантириш тартибга келтириш билан яқиндан боғлиқ, айни пайтда бу иккала жараён бир-бирига катта таъсир кўрсатади. Молиявий тартибга келтириш халқ хўжалигидаги нисбатларни тартибга келтиришнинг усулларидан биридир. Ўз навбатида тартибга келтириш, хусусан иқтисодиётга давлатнинг аралашуви масаласида ижтимоий ишлаб чиқаришни ижтимоий рағбатлантиришнинг шаклларидан бири саналади.

Молиявий заҳиралар, аввало, хўжалик субъектлари учун зарур. Уларда марказлашмаган молиявий маблағлар шакллантирилиб, бу маблағлардан ишлаб чиқаришни кенгайтириш (хизмат кўрсатишни ҳам) ва ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондиришда фойдаланилади. Марказлашмаган молиявий маблағлар эвазига шакллантириладиган мақсадли пул жамғармалари капитал сармояларга, айланма маблағларни кўпайтиришга, илмий-техникавий ютуқларни молиявий таъминлашга, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишга, ижтимоий хусусиятга эга эҳтиёжларни таъминлашга ва бошқаларга йўналтиради. Молиявий заҳиралар ҳисобига қайд

этилган сарф-харажатларнинг қилиниши микро даражада ёки қуйи бўғинда ишлаб чиқариш жараёнларини сармоя билан таъминлаш имконини беради.

Маблағларни шу тариқа сафарбар этиш натижасида катта даромад келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари кенгаяди, янги технологиялар ва экологик тоза ишлаб чиқаришни ривожлантириш шароитлари яратилади, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг қайта ишлаб чиқариш, тармоқ ва ҳудудий таркиблари кабилар учун шарт-шароитлар яратилади. Молиявий маблағларни инвестициялашнинг уч асосий йўналишини кўрсатиб ўтиш мумкин:

а) корхонларни техникавий қайта жиҳозлашни молиявий таъминлаш, бунинг натижасида янги дастгоҳлар ва қурилмалар пайдо бўлади, муайян тармоқ учун хос меҳнат воситалари жиддий ўзгаради, ишлаб чиқаришни компьютерлар билан таъминлаш кучаяди ва бошқалар;

б) ишчи кучини юзага келтириш, уларни касбга ўргатиш, малакаларини ошириш, ишлаб чиқаришнинг янги жараёнларида ишлай оладиган тарзда қайта йўналтириш билан боғлиқ молиявий харажатлар. Бу тадбирларни молиявий таъминлаш натижасида меҳнат заҳираларининг умумтаълим ва илмий-техникавий савияси ошиб, улардан самарали фойдаланиш имкониятлари ортади, юқори унумдор меҳнат шароитлари таъминланади;

в) ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва ҳудудий таркибларида илдамлашни таъминловчи дастурларнинг изчил амалга ошириш, халқ хўжалигидаги нисбатларни давр талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб такомиллаштириш. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари, айниса машинасозлик, жадал ривожланишида ижтимоий-маданий соҳанинг равнақ топишида, халқ хўжалиги ривожланишининг устун йўналишларини заҳиралар билан таъминлашда молиявий маблағларнинг аҳамияти бугунги кунда жуда каттадир.

Иқтисодий рағбатлантиришда моддий рағбатлантириш, ижтимоий рағбатлантириш каби рағбатлантирувчи фондларнинг шакллантириши ва улардан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Бундай фондлар қуйи хўжалик даражаларида – корхоналарда ташкил этилиб, ишчи хизматчиларнинг жадал ва самарали меҳнатга даъват этишга, меҳнат жамоаларини фаолиятнинг якуний натижаларидан манфаатдорлигини ортишига қаратилган бўлади. Бунга рнағбатлантириш фондларини шакллантириш манбааларини махсус танлаш, уларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланишнинг алоҳида тартиби ва қоидалари воситасида эришилади.

Бозор муносабатларига ўтилишида молия – хўжалик фаолиятининг энг яхши натижаларини махсус рағбат фондларои воситасида рағбатлантириш тизими тубдан ўзгартирилади. Биринчидан, илгари юқори бошқарув ташкилотлари белгилаб қўядиган рағбатлантириш фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибларини қатъий рамкаларга солишдан воз кечишга тўғри келган, иккинчидан, рағбатлантириш фондлари тизимини ранг-баранг қилиш кераклиги шундай қайта қуришни тақозо этмоқда.

ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда бюджет воситасида рағбатлантириш муҳим ўрин тутади. Унинг бошқа молиявий рағбатлантиришдан фарқи рағбатлантириш субъекти сифатида

давлат майдонга чиқади. Бир томондан. Корхоналарнинг бюджетга тўловлари тизими иқтисодий рағбатлантириш сифатида майдонга чиқа олади. Бунда турли хусусиятлари уйғунлашиб кетган. Иккинчи томндан эса бюджетдан молиявий таъминлаш тизими ҳам иқтисодий рағбатлантириш воситаси бўла олади, унда уни барча жиҳатларининг рабатлантирувчилик йўналиши таъминланади.

Бюджетга тўловлар ва бюджетдан молиявий таъминлаш тизимининг ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш рағбатига айлантирилиши шунга асосланганки, пул воситаларини бюджетга сафарбар этиш усуллари, бюджетдан ажратиладиган маблағларни йўналтириш ва тартибларини хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатлари билан боғлаш мумкин. Бюджет даромадлари сингари бюджетдан молиявий таъминлаш ҳам рағбатлантириш бўла олмайдилар, уларда ишлаб чиқариш катализаторлари бўлиш имкониятларигина мавжуддир. Даромадлар ва бюджет харажатларининг реал иқтисодий рағбатга тўлов миқдори ҳисобланишининг тегишли тартиби туфайли айланади, бу маблағ тўловчи фаолиятининг яхши бўлишидан ва хўжалик субъектларига бюджет маблағлари берилишининг тегишли қоидалари, шакллари ва усулларини ўз ичига олувчи бюджетдан молиявий таъминлашни тўғри шакллантириш тизимидан манфаатдор қилиши керак.

Иқтисодий рағбат сифатида бюджет даромадларининг ривожлантирилиши истиқболлари, биринчидан, тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби усулларини такомиллаштириш, иккинчи томондан эса, санкция хусусиятига эга молиявий чоралардан фойдаланиш билан боғлиқдир. Бюджет даромадлари ва харажатлари корхоналарнинг энг яхши хўжалик самарадорлигидан шунчаки эмас, балки чинакам манфаатдолигини юзага келтира олиши бу борада энг муҳими ҳисобланади.

Масалан, ҳозир бюджет даромадларининг айрим турлари бўйича тўловларнинг ҳисоб-китоб қилиниши маблағ сарфланган объектдан оқилона фойдаланишга боғлиқдир. Натижада, ер солиғи, сув учун тўланадиган ҳақ ва бошқа тўловлар нафақат бюджетнинг даромад манбаалари ҳисобланади, балки анйи вақтда иқтисодиёт тизимини кучайтириш ва халқ хўжалигида тежамкорликка давлат томонидан таъсир кўрсатиш омили сифатида ҳам юзага чиқади.

Бюджетдан молиявий таъминлаш ҳам рағбатлантириш хусусиятига эга. Давлат корхоналар ва ташкилотларнинг хўжалик шароитларига молиявий таъминлашнинг жиддий усулларини қўллаш, хўжалик субъектларига бюджет маблағлари берилишининг турли шакл ва усулларини ишлатиш орқали таъсир кўрсатади. Айни молиявий таъминлаш қоидалари, шакллари ва усулларини ўзига хос бюджет усули бўлиб, унинг ёрдамида давлат халқ хўжалигида маблағлар харжланиши тартибига таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида бюджетдан молиявий рағбатлантирувчи таъсирини давлат инвестицияларини юксак якуний халқ хўжалиги натижаларига эришишга йўллаш, катта молиявий самара олиш, шунингдек ноишлаб чиқариш соҳаларининг муассасаларини ва ташкилотларини бюджет маблағларини тежашга ундовчи янги молиявий таъминлаш тизимини йўлга қўйиш орқали кучайтириш мумкин бўлади. Шу

мақсадда бюджетдан молиявий таъминлашни субсидия тизими билан алмаштириш керак, бунда харажатларнинг айрим турлари бўйича субсидиялар субвенцион шаклда асосда берилган бўларди. Айни пайтда хусусий молиявий, кредит ва бюджет заҳиралар субвенцион шаклда хилма-хил равишда уйғунлаштирилган бўларди. (молия бозорида ссуда фондларини шакллантириш шароитларига боғлиқ ҳолда, заём воситаларига талаб конъюктураси, молиявий заҳиралар у ёки бу тарзда сафарбар қилинишидан давлат манфаатдорлиги даражаси кабилар).

Ижтимоий риволаниш жараёнларини рағбатлантиришда молиявий имтиёзлар ва санкция-жазо чораларининг муҳим ўрни бор. Молиявий заҳиралар пул маблағларини ишлаб чиқаришга ниҳоятда самара келтирадиган тарзда сафарбар этиш имкониятларини кенгайтиради ва шу тариқа унинг ўсиши ва такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратади. Асосий фондлар жадал амортизация қилинишига рухсат бериш, корхоналар даромадининг илмий-техникавий ишланмалар, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланадиган бир қисмини солиқдан озод қилиш. Санкциялар эса хўжалик субъектларининг фаолиятининг якуний натижаларидан моддий жавобгарлигини, шартномавий, ҳисоб-китоб ва молиявий интизом талабларига нисбатан масъулиятларини кучайтиради.

Афсуски, мавжуд ўзаро молиявий алоқалар тизимида имтиёзлар бўлгани каби, санкцияларр ҳам хўжалик юритишнинг яхши натижаларига эришишда ҳозиргача суст қўлланилмоқда. Амалда бўлган солиқ қонунчилигига кўра имтиёзлар рўйхати, айниқса даромадни реинвестициялаш қисмида ўринсиз чегараланган; уларнинг мамлакат алоҳида минтақалар ўзига хослигини ҳисобга олувчи ҳудудий дифференцияси йўқ (бу дарвоқе, хорижда жуда равнақ топган); корхоналарни халқ хўжалигини ривожлантиришнинг устун йўналишларига йўналтирувчи имтиёзлар тизими йўқ. Бюджетдан молиявий таъминлаш шу пайтга қадар кенг кўламли молиявий имтиёз сифатида мутлақо қаралган эмас, бу корхоналар молиявий заҳираларини шакллантиришда боқимандалик кенг ёйилиши сабабларидан бири бўлди.

Ҳозир қўлланилаётган молиявий санкциялар – жазо чоралари ҳам нисбатан кам наф келтиради. Уларнинг асосий камчилиги бой берилган фойданинг ҳажмига тенг эмаслигидадир, айниқса маҳсулот етказиб бериш шартномаси бажарилмаганлиги учун берладиган жазо чоралари масаласида. Молиявий санкциялар амалий ва самарали бўлиши учун биринчи галда ҳамкорлар ўртасида тузиладиган шартномалар мазмунини ўзаро мажбуриятлар бажарилмаслиги учун моддий жавобгарликни кучайтирган ҳолда ўзгартириш керак. Маҳсулотни етказиб бериш юзасидан белгиланган қоидани шериклардан бири бузган тақдирда бой берилган фойдани аниқлаш зарурияти ҳар қандай шартноманинг мажбурий бандларидан бири бўлиши керак. Маҳсулотни етказиб бериш юзасидан белгиланган қоидани шериклардан бири бузган тақдирда бой берилган фойдани аниқлаш зарурияти ҳар қандай шартноманинг мажбурий бандларидан бири бўлиши керак.

Тўғри, 1991 йил 1 январдан Ўзбекистоннинг «Корхоналар тўғрисида»ги қонунининг кучги киритилиши ҳамкорлар ўртасидаги шартномавий ўзаро

муносабатларни манфаатли асосда тартибга келтириш учун зарур шарт-шароитлар яратади. Бироқ, бу қонунда ҳам шартномавий ўзаро муносабатлар қатнашчиларининг ўзаро мажбуриятларни бажариш юзасидан иқтисодий жавобгарлигини ошириш механизмини қайта қуриш асослари аниқ акс этмаган. Унда молиявий санкциялар сийқалаштириб юборилган; шерик бой берган фойданинг бутун суммаси ҳисобга олинмаган, аксинча эътиборсиз нарсанинг қийматидан келиб чиқилади. Шу сабабли ҳамкорлар ўртасида шартномавий муносабатлар тузишнинг асосий қоидаларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек уларнинг бир-бирларига нисбатан иқтисодий масъулиятларини ошириш чора-тадбирларини масаласини ҳам кўриб чиқиш вақти етди. Ҳозирги вақтда ўта бир кўринишдаги сийқа шартномалар тузишга йўл қўймаслик керак, шартномалар тузишда хўжаликларга ҳамкорлар топиш масаласида эркинлик бериш керак; шартнома шартларини белгилашда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун ҳамкор бой берган фойдани ҳар гал белгиланган ҳолда молиявий санкциялар амалийлигини ошириш керак. Бу шартнома бўйича ҳамкорларнинг ўрни ва ролига биноан санкциялар қўллашнинг мақсадга мувофиқ шартларини ортиқча кўрсатмалар ва қоидаларсиз белгилаш имконини беради.

Назорат учун саволлар:

1. Бозор ислоҳотлари ва молия тизимидаги ўзгаришлар хусусиятлари?
2. Иқтисодиётни молиявий тартибга солиш зарурлиги ва аҳамияти?
3. Давлат молиявий ресурслари ва уларни бошқариш?
4. Корхоналар молиявий ресурслари ва уларнинг таркиби?
5. Ўзбекистон Республикасида молия бозори тараққиёти муаммолари?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А., “Ўзбекистон – иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан”. Т.: “Ўзбекистон”, 1995, - 234 б.
2. Каримов И.А., “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, Т.: “Ўзбекистон”, 1997, -326 б.
3. Акрамов Э.А., Таиров А.Э., “Экономические реформы Республики Узбекистан” - М.: ТОО “Люкс-арт”, 1998. - 236 с.
4. “Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари”, 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий тадқиқот институти, Т.: 1997 – 2000й.
5. Родионова В.М., Финансы. М.: “Финансы и статистика”, 1995, – 432 с.
6. Гатауллин Ш.К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т.: 1996, – 304 б.
7. Ткачук М.И. Государственный бюджет. Уч.пос. Минск: «Вўсшая школа», 1995, – 240 с.
8. Лободенко Н.В. Аудит и диагностика банкротства. / / «Финансы», 1997г., №2.

9. Бункина М.К., Семенов В.А. «МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономичес-кой политики)» Уч.пос. М.: АО«ДИС», 1996, - 320 с.

10. Т.Маликов. Молиявий қарор қилиш асослари. Т.: «Меҳнат», 1996.

11. А.Улмасов, Н.Тухлиев. Бозор иқтисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.

12. Ковалева А.М. Финансы. Уч.пос. для студентов экономических направлений и специальностей ВУЗов, М.: “Финансы и статистика”, 1996, – 280 с.

13. Дробозина Л.А. Обҳая теория финансов. М.: «банки и биржи», 1999 – 527 с.

14. Сумароков В.Н. Государственные Финансы в системе макроэкономического регулирования. М.: “Финансы и статистика”, 1996, – 220 с.

15. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта тўғрисида»ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т.: 1993.

16. Ўзбекистон Республикасида «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун лоциҳаси. Август 1999 йил. Т.: 1999.

17. Страховое дело. Уч. под. ред. проф. Л.И.Рейтмана. М.: «Банковский и биржевой научно-консультационнўй центр», 1992. – 340 с.

18. Краснова И.А. Страховўе фондў и финансово-кредитные отношение. М.: “Финансы и статистика”, 1993, – 120 с.

19. Финансы, денежное обраҳение и кредит. Уч. под. ред. В.К.Сенчагова и А.И. Архипова, М.: «Проспект», 1999. – 496 с.

20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н.В. Колчиной – М.: ЮНИТИ, 1998. – 325 с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н.А., Русак В.А. Основў финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.

2. Бородина Е.И., Голикова Ю.С. и др. Финансы предприятий. Под. ред. к.э.н. Бородиной Е.И. Уч.пос. для студентов. М.: «Банки и биржи», ЮНИТИ, 1995, - 208 с.

3. Герасименко Г.П. Финансовўй анализ. Уч.пос. М.: «ПРНОР», 1996, - 160с.

4. Ковалев В.В. Финансовўй анализ. Управление капиталом, вўбор инвестиций, анализ отчетности. М.: “Финансы и статистика”, 1996, – 180 с.

5. Настольная книга финансиста/Под ред. В.Г. Панского – М.: Международнўй центр финансово-экономического развития, 1995. – 325 с.

6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А.А. Володина – М.: ИНФРА-М, 1996, - 237 с.

7. Финансово-кредитнўй словарь. В. 3 т. – М.: Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

5-Мавзу: Молия ҳақидаги иқтисодий таълимот (4 соат).

Режа:

1. Молия ҳақидаги фаннинг тараққиёти.
2. Молия фанининг 1950-1990 йиллардаги фундаментал тадқиқотлари.
3. Молия ҳақидаги хорижий иқтисодчилар йирик намоёндаларининг назарий қарашлари.

Таянч иборалар:

- ***Сийсий иқтисод классикларининг молиявий концепциялари;***
- ***Янги тархий мактаб таълимотлари;***
- ***Дж. Кейнс назарияси;***
- ***Янги кейнчилик назаряси;***
- ***Неоклассик оқим вакиллари таълимотлари;***
- ***Посткейнчилар таълимотлари.***

1. Молия ҳақидаги фаннинг тараққиёти.

Жамият тараққиётининг турли босқичларида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларининг шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилиши юзасидан вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ўрганувчи молия фани иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилаётган чуқур изланишлар таъсири натижасида шаклланган. Мазкур иқтисодчи олимлар томонидан яратилган молиявий назариялар жамиятнинг реал эҳтиёжлари билан текширилган ва агар улар реал ҳақиқатни акс эттирса ҳамда давлат ва аҳоли учун амалий тавсиялар бера олса фан томонидан очиқ тан олинган. Шу муносабат билан молия фанининг илмий асосларини ўзида ифодаловчи турли молиявий категорияларга оид иқтисодий қарашлар ва ғояларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Жамият тараққиётининг ҳар қандай босқичида иқтисодчи-олимлар томонидан ишлаб чиқилган назарий ғоялар давлатнинг фискал молиявий сиёсати ва молиявий қонунчиликнинг асосида ётади.

Молия фани мустақил фан сифатида XIX аср бошларида шакллана бошлади. Бу даврда молия фани ўзининг фискал хусусияти ва маблағларнинг давлат эҳтиёжи ва ихтиёрига кўра ишлатилиши йўлларини ифодалаши билан белгиланади. Бу даврда рус молия фани соҳасида Н.И.Тургеневнинг «Солиқ назарияси тажрибаси» номли асарида солиқларнинг хусусияти, уларнинг давлат молияси ва мамлакат иқтисодиётидаги роли ёритилган.

Молия фанининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги тараққиётига қатор иқтисодчи олимлар ва ҳуқуқшунослар – И.Янжул, И.Озеров, И.Кулишер, Л.Ходский, В.Лебедев, С.Иловайский ва бошқаларнинг фундаментал ишлари

муҳим ҳисса қўшди. Мазкур олимлар молия фанининг ҳам назарий, ҳам амалий масалаларини кўриб чиқдилар. Молия фани назарий асосларида улар прагматик ёндашувни қўллаб-қувватлаб «жамоа эҳтиёжларини қондириш» назариясининг тарафдорлари сифатида чиқдилар. Ушбу ҳолат И.Озеровнинг “Молия фани асослари” дарслигида аниқ ифодаланган: «Айрим эҳтиёжлар шахсий, алоҳида уринишлар орқали, қолганлари эса қатор шахслар жамоалари орқали қондириладики, бунинг мақсадида тарих кишилар иттифоқининг турли кўринишларини яратди (давлат, уруғ, жамоа ва ҳ.к.). Индивидуал ҳусусиятдаги кўпчилик эҳтиёжлар ҳозирги вақтда жамоатчилик йўли билан қондирилмоқда ва жамоа эҳтиёжлари эса ҳозирги кунда улкан маблағларни талаб этади». Ушбу китоб давомида ёзилишича, «Молия фани молиявий хўжаликни, яъни турли иттифоқлар томонидан маблағларни шакллантириш жараёнидаги муносабатлар йиғиндисини ўрганади».

Ушбу даврдаги иқтисодичи олимлар асарларида давлат молиясини ўрганиш муҳим ўрин эгаллаган. Бунда давлат дармадларининг қуйидаги масалалари атрофлича ўрганилган: давлат дармадлари тизими, турли давлатларда уларнинг ривожланиши, бюджетга олишнинг тартиби ва шакллари, давлат томонидан ушбу жараёнларни назорат қилиш, давлат бюджети тақчиллигини қоплаш манбалари, давлат кредитининг ривожланиши.

Молия фанининг яна бир муҳим йўналиши – бюджет ва маҳаллий молия муаммоларидир. Мазкур иқтисодчи олимлар томонидан марказлаштирилган бюджет қурилиши ва маҳаллий бюджетларнинг ҳамда бюджет жараённинг қатор муаммолари кўриб ўтилган.

Молия фани тараққиётида социал-демократик оқим вакилларининг ҳам алоҳида роли бор. Барса социал-демократлар учун умумий бўлган ҳолат молиявий ҳаёт кўринишларини ўрганишга юзаки ёндашув хос бўлиб, у назарий ғоялар ва ишланмаларнинг ҳокимият учун кураш эҳтиёжларига тобе қилиб қўйилганлиги билан хусусиятланади. Инқилобга қадар рус иқтисодчилари асарларининг асосий мазмуни – Россия молия сиёсатининг танқиди эди. Уларнинг кўп сонли мақолалари ва чиқишларида бюджет дармадлари ва харажатлари тизими танқидий кўриб чиқилди, эгри солиқларнинг ижтимоий хусусияти очиб берилди, инқилобдан олдинги даврдаги давлатнинг оғир молиявий ҳолати кўрсатилди.

20-йилларда молиявий таълимот ўша даврдаги ҳукмрон мафкура манфаатлари нуқтаи-назаридан талқин этилди. Уларда пул, молия ва кредитнинг қатор масалаларига тегишли эътибор берилган. Жумладан, унда банк ишини марказлаштириш ва миллийлаштириш, суғурта ишини миллийлаштириш, қоғоз пуллар муомалага чиқарилишини чеклаш, ташқи ва ички қарзларни тўлашдан воз кечиш, солиқ тизимини ўзгартириш, даромад солиғини ислоҳ қилиш ва даромад устидан ҳақиқий назорат ўрнатиш ва ҳ.к. Пул муомаласини барқарорлаштириш ва солиқ тизимини ислоҳ қилишдан ташқари барча ушбу тадбирлар 20-йилларнинг бошларида амалга оширилди.

Бу даврда иқтисодчилар томонидан ўрнатилган кейинги молиявий муаммолар асосан давлат олдида вужудга келган тактик вазифалар билан боғлиқ эди. Булар қаторида молиявий назорат масалалари, янги молиявий

аппаратни шакллантириш, давлат молиявий аҳвонини яхшилаш пул ислоҳотларини ўтказиш ва турли ривожланиш босқичларида давлат молиявий сиёсатини юритиш алоҳида ўрин эгаллади.

XX аср бошидаги бошқа иқтисодчилар ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг молиянинг мазмуни ва аҳамияти, асосий молиявий категориялар (солиқлар, бюджет, давлат кредити ва ҳ.к.) кам ўрганилган. Бу ишларда фақатгина давлат молия хўжалигини бошқариш билан боғлиқ масалаларгина қисман ўрганилди.

Бу ҳолат инқилодан кейинги дастлабки даврларда молияни ўрганиш инқилобдан олдинги қатор иқтисодчилар – И.Янжул, И.Озеров, Л.Ходский ва улар издошларининг (Я.Торгулов, И.Кулишер, Ф.Меньков) ишларига асосланди. Молия фанининг ушбу ҳолати 1920-йилларнинг ўрталаригача сақланиб қолди.

Молия фани тараққиётида собиқ иттифоқ даври молиявий қарашлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Иқтисодиётн ва молияни бошқаришнинг маъмурий усулларига ўтиш билан молия ҳақидаги илмий қарашларни тартиблаштириш ва қайта кўриб чиқиш, уларни синфий кураш манфаатларига бўйсундириш зарурати туғилди. Бундай ҳаракатнинг ёрқин далили сифатида собиқ иттифоқ молияси ҳақидаги фаннинг яратилиши бўлдики, у собиқ совет молиясининг капиталистик давлатлар молиясидан устунлигини асослашга қаратилди. Мазкур фаннинг шаклланиш даври 1920-йилладан 50-йилларнинг бошигача давом этди.

Ушбу жараённинг биринчи босқичида молия фанининг биринчи беш йиллик топшириқлари бажарилишининг бориши жараёнда вужудга келган айрим масалалари ишлаб чиқилди. Бироқ, бу даврда молия фани социалистик амалиётнинг янги хусусиятлари ва кўринишларини умулаштиришга ҳаракат қилинди. Бу ишлар қаторига Д.Кузоаков, Г.Тиктин, А.Буковецкий ишларини ва асосан Д.Боголеповнинг «Молия фанининг қисқача курси» дарслигини келтириш ўринлидир. Бироқ, бу ишларда кўзланган мақсадга эришилмади. Ушбу фикримизни мазкур дарсликда молия фанига берилган таъриф тасдиқлайди: «молия фани… эски жамият қолдиқларини тугатиш ва янги жамият қуриш учун асослар яратувчи ижтимоий муносабатларни ўрганмоғи лозим» (Д.Боголепов «Молия фанининг қисқача курси». – Харьков, 1925, 33 б.).

Д.Боголепов томонидан молияни тушунишнинг бундай талқини (шу даврдаги бошқа иқтисодичилардаги каби) «жамоа манфаатларининг қондирилиши» назариясига асосланган. Бундай ҳолат собиқ иттифоқ тараққиётининг ушбу даврида молия назариясига оид бирорта ҳам илмий изланишнинг катта ютуқ сифатида очиқ тан олиниши ва қўллаб-қувватланиши учун имкон бермади.

Молия фани тараққиётининг иккинчи даври (1931-1956) молия фанининг предметига ягона қарашларнинг шаклланиши билан хусусиятланади. Ушбу даврнинг илғор вакили бўлмиш В.Дьяченко ўзининг кўп сонли ишларида молия назариясининг асосларини ишлаб чиқди: молиянинг моҳияти ва функциялари, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда молиянинг роли, миллий даромаднинг тақсимланишида молиянинг ўрни, молия тизимининг таркиби ва ҳ.к. Бироқ,

В.Дьяченконинг молия тушунчасига берган таърифи классик иқтисодчилар илмий дунёқараши билан чекланган эди: «давлат молияси пул муносабатлари тизими бўлиб, улар асосида даромад ва жамғармаларни режали тақсимлаш орқали давлатнинг функцияси ва вазифаларига боғлиқ бўлган марказлашган ва марказлашмаган пул фондлари ташкил этилиши ва ишлатилиши таъминланади». (Дьяченко В.П. Молия назарияси масалалари. – М.: 1957. – 68 б.)

В.Дьяченконинг ишлари дастлабки дарсликларнинг назарий асосини ташкил этди. Ушбу дарсликларга «СССР молияси» (1933й) ва «СССРда молия вакредит» (1940 й.) мисол бўлади.

В.Дьяченко фикрларининг асосий ғоялари унинг «Совет молиясининг моҳияти ва функциялари масалаларига оид» асарида ёритилган.

Молия фанининг амалий муаммоларини ўрганиш бу даврда асосан қуйдаги йўналишлар бўйича олиб борилди:

- молиявий категориялар тараққиёти тарихини ўрганиш. Бу йўналишдаги изланишларга К.Плотниковнинг бюджет тарихига оид, А.Зверев ва Э.Вознесенскийларнинг Улуғ Ватан уруши йилларида молиянинг тараққиёти муаммоларига бағишланган китоблари мисол бўлади.

- ушбу йиллар молиявий амалиёт тажрибасини тадқиқ этувчи изланишлар. Бу соҳадаги ишлар юзаки хусусиятга эга эди ва кўпроқ молиявий таълим тизимида фаол ишлатилган.

Иқтисодий назариядаги догматик қарашларнинг бартараф этилиши молия фанида бир томонлама ёндошувликка чек қўйди. 1950 йиллар охири 1970 йиллар бошларида иқтисодчиларнинг молия назариясига оид кўплаб ишлари яратилди. Уларнинг муҳимларидан қуйидагилар ажралиб турар эдилар: А.Александровнинг «Давлат молияси» (1965), А.Бирманнинг «Молия назариясининг очерклари» (1968; 1972; 1975), В.Вознесенскийнинг «Молия назариясининг мунозарали масалалари» (1969), Г.Точильниковнинг «Молия» (1974) ва ҳоказо. Шу даврнинг ўзида бир қатор «СССР молияси» ва «СССРда молия ва кредит» фанлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар нашр қилинди.

Молия назарияси масалалари бўйича баҳсларнинг моҳияти, молиянинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш тизимидаги ўрнини аниқлаш билан боғлиқдир. Бу даврдаги ягона сиёсий иқтисод назариясига асосланиб, ҳар хил қарашларга эга муаллифлар 2 гурухга бўлинади.

Биринчи гуруздагилар: молиянинг ўрни бу – фақатгина эквивалентсиз характерга эга бўлган пул маблағларини тақсимлаш муносабатлари тизимидир. Шундан келиб чиқиб молия фақатгина тақсимлаш орқали моддий ноз-неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмолга бевосита таъсир қилади деб ҳисоблайдилар. Бу гурухнинг ёркин намоёндалари В.Дьяченко, Г.Точильников ва И.Шеременов каби олимлар эди.

Иккинчи гурух иқтисодчилар (Э.Вознесенский, А.Александров, А.Бирман) бошқа нуқтаи-назардан қараш тарафдоридирлар. Уларнинг фикрича, молия муносабатлари – барча тўрт ёки бир неча кенгайтирилган ишлаб

чиқариш жабҳалари билан боғлиқдир. Бундай ёндошиш молиянинг кенгайтирилган қарашларини тавсифлайди.

Бундай фарқланувдан келиб чиқиб ўзларининг назарий концепцияларига асосланиб иқтисодчи олимларнинг молиянинг иккинчи (ҳосилавий) муаммоларига (молиявий муносабатларнинг хусусиятлари, молиянинг функциялари, молиянинг чегаралари молия тизимининг таркиби ва ҳ.к.) қарашлари фарқланади.

1950-йиллар охири 60-йиллар бошларида молия назариясининг ривожланиб бориши билан бирга молиявий тадқиқотлар ва изланишларнинг янги тури, йўналиши шакллана бошлади. Агар 1930 йиллардан 50-йиллар бошига қадар бўлган тадқиқод ва изланишларда молиявий муносабатларнинг амалиётдаги ташкилий асослари кўпроқ юзаки ва тузумни мақтовчи синфий ёндашувларга суянган бўлса, 60-йиллар бошидан хўжалик ислоҳотлари бошланган даврдаги изланишларда айрим молиявий дастакларни такомиллаштириш учун аниқ таклифлар ва амалиётдаги камчиликларни танқид қилиш ҳолатлари далил кузатила бошланди.

Бу соҳада, аввало, А.Бирманнинг асарларини келтириб ўтиш жоизки, уларда корхона молиясини ташкил этиш муаммолари юксак савияда тадқиқ этилган. Унинг китобларида илк бор молиявий категорияларнинг хўжалик ҳисоби шароитидаги ишлатиш муаммолари талқин этилдики, муаллиф фикрича, уларда ўша даврдаги бозор хўжалиги элементларининг амал қилиш хусусиятлари ўрганилган.

Бу даврда молиявий ресурсларнинг моҳияти, корхоналар молиясини бошқариш муаммолари ҳақида илк бор ўрганилди. А.Бирманнинг ишлари корхоналар молиясини 60-80-йилларда тадқиқ этган қатор иқтисодчилар (П.Бунич, Г.Базарова, В.Сенчагов, С.Ситарян, М.Романовский ва бошқалар) учун муҳим туртки берди.

Ушбу даврда бюджет соҳаси муаммоларини ўрганиш ики йўналишда олиб борилди:

- бюджет дармадлари ва харажатларини такомиллаштириш муаммолари;
- маҳаллий бюджетларни ташкил этиш муаммолари.

Ушбу даврда молия фанидаги идеологик-догматик қарашлар устунлиги ва маълумотларнинг етишмаслиги сабабли бюджет муаммоларини комплекс ўрганиш имкони бўлмади.

Бу даврда давлат бюджети муаммоларига бағишланган ишлар қаторида С.Ситанян, Я.Либерман, В.Родионова, Л.Павловаларнинг ишларини келтириш мумкин.

Суғурта муаммоларини ўрганишда суғурта ишига давлат монополиясининг мавжудлиги салбий таъсир кўрсатди. Бу соҳадаги изланишлар классик иқтисодчиларнинг суғурта фондларининг зурурлиги, моҳияти ва роли ҳақидаги қарашларига асосланибгина қолгани учун етарлича илмий янгиликка эга бўлай қолди. Суғуртага оид амалий ишланмалар Госстрах томонидан қўлланилаётган суғурта турлари бўйичагина амалга оширилди.

Мазкур даврдаги суғурта назарияси ва амалиётига оид қарашларни умумлаштирувчи ишлар қаторига Л.Мотилев, Л.Рейтман, Е.Коломин кабиларнинг ишларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Мазкур даврда хорижий давлатлар молиявий муносабатларини таҳлил этиш ва танқидийўрганишга кўп эътибор берилди. Бу масалада, бир томондан, капитализм молияси тараққиётига оид йирик ишларни (Б.Болдирев, Л.Дробозина, Л.Павлова, Л.Окунева ва бошқалар), иккинчи томондан эса социалистик давлатларда молиявий дастаклар амал қилиши хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини ўрганишга оид (Д.Бутеков, Ю.Кашин ва бошқалар) қарашларни ажратиб кўрсатиш лозим.

Молия фани тараққиётининг ҳозирги босқичи унда чуқур назарий ва амалий ишларнинг камлиги билан хусусиятланмоқда. Ҳозирги мавжуд ишлар жараёнларни одди тавсифлашга қаратилган, бошқалари мавжуд қарашларни ўзгарувчан замон талабига мослаштириш учун ҳаракат ифодаси, учинчи йўналиш ишлар эса хорижий муаллифлар ишларини компилятив баён этишга қаратилгандир.

Бининг бир қатор сабабларини келтириш мумкин:

- Илгари устун бўлган марксистик иқтисодий дунёқарашдан анча четлашилди ав бу албатта, ижобий ҳол. Эски мавжуд йўналишлар бўйича мунозаралар, илмий баҳслар юритиш долзарб аҳамият касб этмай қўйди, чунки барча асосий муаммолар ва омиллар ҳар қайси томон вакиллари ишларда тўлиқ кўриб чиқиб бўлинган.
- Кўпчилик иқтисодчиларнинг бозор иқтисодиёт қонуниятларини талқин қилишнинг ҳозирги замон услубиятини ва усулларини қўллашга тайёргарлиги даражасининг етишмаётганлиги ва барқарор молиявий маълумотлар базасининг яратилмаганлиги туфайли қийин кечмоқда.
- Молияга оид фундаментал ва амалий изланишларни такомиллаштиришнинг барқарор ҳуқуқий базаси етишмаслиги.

Молия фани тараққиётининг тарихий асосларини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси амалиёти ҳамда миллий иқтисодчи-олимларимизнинг қўшган ҳиссаларини ўрганиш ҳам муҳим ҳаётий аҳамият касб этади.

Молия фани тараққиётида иқтисодий олий ўқув юртлари, жумладан, Тошкент Молия Институтининг бой тарихий тажрибаси, унда фаолият юритган молиячи-иқтисодчи олимларнинг илмий меросини ўрганиш катта назарий, услубий манба бўлиши мумкин.

Тошкент Молия Институтининг «Молия» кафедраси институтнинг энг дастлабки кафедраларидан бири бўлиб, у 1933 йилда ташкил топган. Дастлабки йилларда айрим фанлардан дарс бериш учун Республика Молия вазирлиги ва давлат режа комиссиясининг ходимлари сафарбар қилинган эди. Биринчилардан бўлиб институтни 1936 йили 20 киши тамомлаб молия бўйича ихтисослигига эга бўлишган. Урушдан олдинги йилларда кафедра Санкт-Петербургдан диссертация ҳимоя қилиб келган фан номзодлари ҳисобига кенгайиб 1930-40 йилларда ўзининг дастлабки илмий асарлар тўпламини нашр қилди. Унга киритилган дастлабки илмий асарлар тўпламини нашр қилди. Унга

киритилган мақолалар асосан молия тарихи ва ўша даврдаги республика молиясининг муаммоларига бағишланганди.

II жаҳон уруши йилларида кафедра бошқа шаҳарлардан кўчиб келган ўқитувчи ва талабалар иштирокида ўз ишини давом эттирди, ўқув режаларида маълум ўзгаришлар содир бўлди. 1941 йилда кафедра мудири қилиб профессор А.К.Шмидт тайинланди ва 1943 йилда унинг раҳбарлигида аспирантура ташкил қилинди. Аспирантлар орасида биринчи бўлиб, 1949 йилда Ҳ.Р.Собиров номзодлик диссертациясини ёқлади. Шундай кейинги йилларда кафедрада Х.М.Муродов, А.Ф.Красников, О.Ф.Модина, К.М.Попадюк ва бошқалар бирин-кетин иқтисод фанлари номзодлари илмий унвонига сазовор бўлдилар.

Профессор А.К.Шмидт 1945 йил вафотидан сўнг дастлаб кафедрага профессор И.Н.Тоғаев, кейин М.М.Қориев мудирлик қилдилар. 1959 йилдан то 1989 йилгача 30 йил давомида кафедрага профессор Х.Р.Собиров бошчилик қилди. Бу етук олим 1968 йилда докторлик диссертациясини ёқлаб, йиллар ўтиши билан кафедрада К.Яхяев, Б.Абдурахманов, З.Забирова, М.Фозилов каби шогирдлар тайёрлади. Шу давр ичида кафедра ташаббуси билан 200 босма табоқ ҳажмида монография, мақолалар тўплами, анжуман ва симпозиум тезислари нашр қилинди. Давлат энциклопекдияси учун молия масалалари бўйича юзлаб мақолалар киритилди.

1977 йилда Иттифоқ миқёсида «Молия-кредит механизми» мавзусида илмий анжуман ўтказилди. 1980-90 йилларда кафедра эришган муваффақиятларини кўзда тутиб, унинг мудири профессор Х.Р.Собиров «Халқлар дўстлиги» нишони билан тақдирланди.

1989-94 йилларда кафедрага йирик иқтисодчи олим К.Яхяев мудирлик қилди. Бу йилларда кафедра томонидан солиқ, молия, халқ хўжалиги тармоқлари учун молиячилар тайёрлашда 40 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар хизмат қилдилар. Ҳозида, К.Яхяев солиқ соҳаси бўйича йирик олимдир.

Ўтган йиллар давомида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишда Москва Молия Академиясининг хизматлари беқиёсдир. Бундан ташқари кафедра Санкт-Петербург Иқтисод ва Молия Универтитети, Украина Молия Институти, Олмота Халқ хўжалик институти ва бошқа давлатлар молия институтлари билан бевосита яқин илмий алоқада бўлган.

Бугунги кунда кафедра мавқеи анада кенгайиб хорижий мамлакатлар молия институтлари билан ҳам узвий алоқалар олиб борилмоқда.

Ушбу даврда молия фанига оид фундаментал тадқиқотларни келтириб ўтишда молия фани бўйича Ўзбекистон Республикасида мавжуд иқтисод фанлари докторларини таъкидлаб ўтиш жоиздир. О.Олимжонов, Ж.Зайналов, Т.Маликов, А.Қодиров каби етук иқтисодчи-олимлар шулар жумласидандир.

Хорижий иқтисодчи-олимларнинг молия фанига қўшган ҳиссаларининг тарихий-мантиқий таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда ушбу қарашлар мавжуд иқтисодий таълимотларнинг муҳим асосини ташкил этмоқда.

Марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини кишилик жамияти тараққиётининг турли босқичларида ташкил топиши, тақсимланишива ишлатилишини ўрганувчи молия фани иқтисодчи-олимлар изланишларининг таъсири остида шаклланади. Мазкур иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган

молиявий назариялар жамиятнинг реал эҳтиёжлари билан текшириб борилди ва агар давлат ва аҳоли учун амалий тавсия бера олсагина фан томонидан тан олинди. Шу нуқтаи-аназардан молия фанига оид билимларни шакллантирувчи молиявий категориялар (давлат харажатлари, солиқлар, кредит, бюджет)нинг назарияларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодчи-олимлар томонидан ишлаб чиқилган назарий ғоялар ва тавсиялар давлат фискал сиёсати ва молиявий қонунчиликнинг асосини ташкил этади.

Хорижий иқтисодчи-олимларнинг молия фани шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссаларини ўрганишда тарихийлик ва мантиқийлик нуқтаи-назаридан ёндошув бу масалада қуйидагиларга эътибор беришни талаб қилади:

- сиёсий иқтисод классикларини иқтисодий қарашларида молия фани муаммоларининг ўрганилишини таҳлил қилиш;
- янги тарихий мактаб вакилларининг молиявий қарашларини ўрганиш;
- иқтисодчилар асарларида молиявий муаммолар талқинини ёритиш;
- кейнсчилик, янги кейнсчилик вакилларининг молия фани тараққиётига қўшган ҳиссаларини ьаҳлил қилиш
- неоклассик оқим вакиллари молиявий қарашларини ўрганиш;
- посткейнсчилик вакиллари қарашларининг молиявий жиҳатдан таҳлил қилиш.

Сиёсий иқтисод классиклари концепцияларининг молиявий жиҳатлари.

Жамият тараққиётининг барча босқичларида иқтисодий назарияларда молиявий концепциялар муҳим ўрин эгаллади ва умуман бюджетнинг иқтидиётга таъсири муаммосини сиёсий иқтисод классиклари (Буюк Британияда – У.Петти, А.Смит ва Д.Рикардо, Францияда – П.Буагильбер) чуқур ўрганган эдилар.

Молия фанининг асосчиларидан бири Адам Смит (1723-1790) ўзининг «Халқ бойлигининг табиати ва сабаблари ҳақидаги тадқиқот» (1776) асарида давлат молиясининг моҳияти ҳақидаги муҳим асосларни ишлаб чиқдики, ушбу таълимот ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш меҳнати ҳақидаги ғояга асосланади. Унинг фикрича, ишлаб чиқариш (унумли) меҳнати – бевосита капиталга айирбошланадиган меҳнатдир, ноишлаб чиқариш (унумсиз) меҳнат эса – даромад учун, яъни иш ҳақи ва фойда учун меҳнатдир. Мазкур назария ғояга асосланиб, А.Смит (унинг кетидан Д.Рикардо) молиявий категориялар (давлат даромадлари ва харажатлари)га тавсиф берди. У солиқлар ҳисобига олинган давлат дармадларининг барча ёки деярли барча қисми ноишлаб чиқариш (унумсиз) меҳнат учун сарфланишини исботлади. Шунинг учун унинг фикрича давлат харажатлари капиталининг жамғарилиши ва миллий дармад ўсиши имкониятларини камайтиради. Айнан мана шундан унинг солиқларга нисбатан салбий муносабати келиб чиқди. А.Смит яратилган қийматни унумсиз – сарфланишига олиб келувчи ва бунинг асосида ишлаб чиқарувчи кучлар

тараққиётига ғов бўлаётган давлат харажатларини камайтириш зарур деган хулосага келди.

Классик буржуа сиёсий иқтисоди концепциясининг асосий ғояси-капитал жамғариши учун иқтисодий қулай шароитларнинг таъминланишидир.

Давлат харажатлари сиёсатини танқид қилар экан А.Смит уларнинг маълум қисми ишлаб чиқаришнинг умумий шароитини муҳофаза этиш нуқтаи-назаридан зарурийлигини тан олган эди. А.Смит иқтисодий қарашларида солиқ назарясига алоҳида эътибор беришди. У солиққа тортишнинг мақсадга мувофиқ тизимини ташкил этишнинг тўрт асосий тамойилини ишлаб чиқди:

- солиқларнинг солиқ тўловчилар имкониятларига қараб тўланиши;
- солиқларнинг миқдори ва уларни тўлаш муддатларнинг олдиндан аниқ белгилаб қўйилиши;
- солиқларнинг солиқ тўловчи учун қулай вақтда тўлаши;
- солиқлар йиғишда харажатлар минимал бўлишининг таъминланиши.

Тарихан ушбу тамойиллар янги шаклланиб келаётган буржуазия синфи эҳтиёжлариниакс эттириб, дворянлик ва диний идораларнинг феодал тизимининг асосий ижтимоий гуруҳлар сифатидаги имтиёз ва енгилликларини бартараф этишга қаратилган эди. А.Смит ишлаб чиққан ушбу тамойиллар буржуа давлатлари томонидан солиқ сиёсатини юритишда қўлланилди. Турли солиқ турлари (эгри солиқлар, иш ҳақига солиқ)ни таҳлил қилар экан, А.Смит уларга жамият иқтисодий тараққиёти нуқтаи-назаридан баҳо берилди. Истеъмол товарларига эгри солиқлар улар баҳосининг ўсишига олиб келдики, бунинг натижасида ишлаб чиқариш харажаталари янада ўсди ва оқибатда уларнинг сотилиши ва истеъмол даражаси пасайди. Иш ҳақига солиқни ўрганар экан, даромадини солиққа тортиш унинг фикрича, тадбиркор ва авансланган капиталнинг ўсишига ёки ишчи кучи харид қуввати ва имкониятининг пасайишига олиб келадики буларнинг ҳаммаси бозор талабига салбий таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, А.Смитнинг солиқ концепцияси фақат ягона мақсадга-капитал жамғарилишини рағбатлантириш ва ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган эди.

Давид Рикардо (1772-1823) ҳам ўзининг «Сиёсий иқтисод ва солиққа тортишнинг бошланиши» номли бош асарида умуман юқоридаги фикрни қўллаб қувватлади. Меҳнатнинг қиймат назариясидан келиб чиқиб, у «барча солиқлар ё капитал ёки даромадга бевосита таъсир кўрсатади» деб ҳисобланган эди. Агар солиқлар капиталдан олинса-унумли меҳнатни сақлаш учун қаратилган фондни камайтиради.

Солиқларнинг даромадлардан тўланишида эса капиталнинг жамғарилиши ёки солиқ тўловчининг истеъмоли камаяди. Бирламчи эҳтиёж товарларига солиқ солиш улар баҳосининг ўсишига олиб келадики, бунинг оқибатида истеъмолчилар зарар кўради. Д.Рикардо фикрича товарлар ва иш ҳақига солинган ҳар қандай солиқ иш ҳақининг ўсишига ва фойданинг камайишига олиб келади.

Шу муносабат билан Д.рикардо «солиқлар умуман буюк фандир» деган хулоса қилди. Солиққа тортиш ўсиши ёки ҳукумат ҳаражатларининг ортиши

билан халқ истеъмоли камаядики, бу ҳолат ишлаб чиқаришда ўз салбий аксини топади. Шунинг учунҳукуматнинг вазифаси капитал жамғарилишини рағбатлантиришдир. Мамлакат келгуси ишлаб чиқаришини таъминлаш лозим бўлган фойда солиққа тортилмаслиги лозим деб таъкидлаган эди Д.Рикардо. шундай қилиб, классик буржуа сиёсий иқтисоди (А.Смит ва Д.Рикардо, уларнинг издошлари) умуман давлат харажатлари ва солиқларга нисбатан иқтисодий сиёсатнинг концепциясини аниқлаб берди. XVIII аср охири ва XIX аср бошларида қатор ва илғор давлатларнинг молиявий сиёсати янги синф – буржуа манфаатларини ифода этиб, давлатнинг мамлакат хўжалик ҳаётига аралашмаслик тамойилига асос солдилар.

XIX асрдаги ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда ривожланиши меҳант ва капитал ўртасидаги зиддиятларнинг кучайишига олиб келди. Ушбу даврда қатор иқтисодчиларнинг давлатнинг турли ижтимоий гурухлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўз сиёсатини бир мунча ҳаётга мослаштириш юзасидан талаб ва таклифлари юзага кела бошлади.

Инглиз олими Джон Стюарт Милль (1806-1873) мамлакатда ижтимоий тинчлик ва зиддиятларни юмшатиш мақсадида даромадларни тақсимлаш соҳасига қатор ўзгартиришлар киритиш лозимлиги ҳақидаги таклиф билан чиқди. У томонидан бойликни нисбатан тенг миқдорда тақсимлаш учун оқилона солиқ тизимнинг янги тамойиллари ишлаб чиқилди. Яшаш учун зарур бўлган даромадга тенг бўлган «солиқ олинмайдиган минимумни киритиш» ғояси ҳам айнан мазкур олимга тегишли эди.

Дж.С.Милль «Хизматларнинг солиқ назарияси»ни тўлиқ ишлаб чиқдики, унга кўра ҳар бир инсон давлат учун ўз даромадининг бир қисмини ундан олинаётган мадад чора-тадбирлари учун беришлари лозим. У солиқларни давлат харажатлари билан бевосита бирга ҳолда ўрганди ва улар ўртасида қатъий боғлиқликни ёритиб берди.

Ушбу ғояларни кейинчалик швед иқтисодчилари К.Виксель ва Э.Линдалар такомиллаштирдилар.

Бизнинг замонамиздаёқ мазкур назария америкалик олим П.Самуэльсон қарашларининг шаклланишига таъсир этдики, унинг фикрича, «солиқларнинг ўсиши давлат хизматларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиши билан бирга бормоғи лозим».

Швейцариялик иқтисодчи Ж.Сисмонди (1773-1842) майда товар хўжалигини ҳимоя этиб тараққий этган давлатлар молия сиёсатини танқид қилди. Унинг қарашлари айниқса, давлатнинг протекционистик сиёсатга қарши қаратилган эдики, бу сиёсат олим фикрича, «миллат учун зарар»дир. Бироқ, протекционистик сиёсатни танқид қилиш билан бирга, Ж.Сисмонди мамлакат халқ хўжалигида катта роль ўйнай бошлаган йирик капиталнинг ўсиб борувчи аҳамиятини баҳолай олади.

Янги тарихий мактаб концепциялари.

1870 йилларда янги тарихий мактаб вужудга келдики, унга немис олимлари (Г.Шмоллер, М.Вебер, А.Вагнер ва бошқалар) асос солдилар. Давлат

молиясини тадқиқ этиш билан кўпроқ А.Вагнер шуғулланди ва «давлат ёрдамида капитални жамғаришнинг янги имкониятлари» ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларни таклиф этди. Давлат фаолияти ҳажмини (маъмурий, ижтимоий-маданий, инвестицион ва ҳ.к.) кенгайтириш нуқтаи назардан келиб чиқиб у солиққа тортишнинг 9 та тамойилини ишлаб чиқди ва уларни тўртта бўлимга гуруҳлаштирди:

- етарлилик ва ҳаракатчанлик;
- тегишли манба ва объектнинг танлаб олинувчанлиги;
- умумийлик ва тенглик;
- аниқлик, қулайлик ва арзонлик.

Моҳиятан ушбу тамойиллар илгаридан маълум бўлган А.Смитнинг тамойиларини тўлдирди. Буржуа сиёсий иқтисодий классиклари кетидан А.Вагнер ҳам «молия – давлат томонидан мамлакатда даромадлар ва бойликни адолатли тақсимлашга эришиш учун ишлатилади» – деган хулосага келди.

Классик иқтисодчилар асарларидаги молиявий муаммолар.

XIX аср ўрталаридан ва унинг охирига қадар молия фани марксистик дунёқараш таъсири остида эди. Капитализм шароитида молиянинг моҳияти, алоҳида молиявий категорияларнинг роли ва аҳамияти классик иқтисодичилар томонидан ишлаб чиқилди. Мазкур иқтисодчиларнинг давлат молиясига бағишланган йирик махсус ишлари бўлмасада, капитализм молиявий муаммоларининг айримлари қатор ишларда XIX аср ўрталарида Англия бюджети, 1840 йилларда Пруссия ва француз бюджетларининг тавсифига оид кўп сонли мақолаларида кенг ёритишган. Классик иқтисодчилар монополистик капитализмга қадар бўлган даврдаги давлат бюджетининг синфий хусусиятини очиб берди, давлат ноишлаб чиқариш (унумсиз) харажатларнинг ўсишининг халққа қарши хусусиятини ёритди, давлат заёмлари ва солиқларнинг баоғлиқлигини кўрсатиб берди.

Капиталнинг дастлабки жамғарлиши усулларини ўрганар экан, классиклар улар таркибига биринчи навбатда молиявий усулларни – давлат харажатлари, давлат кредити ва солиқ тизимини киритди. Айнан шу усуллар капитал жамғарилишининг тез ўсишини таъминлади ва капиталистик ишлаб чиқаришнинг муттасил ўсиши учун моддий асос яратди.

Классик иқтисодчилар муҳим молиявий категория бўлмиш – солиқларга алоҳида эътибор бердилар. Солиқларнинг моҳиятини ўрганар экан, улар доимо «солиқ - барча меҳнаткашларни қўшимча эксплутация қилишнинг қуролидир», деб ҳисоблаб келдилар. Солиққа тортиш тизимини тадқиқ этишда классик иқтисодчилар кўпроқ тўғри солиқларга ва аввало, даромад солиғига эътиборни қаратди ва солиққа тортишнинг прогрессив шаклларини ёқлаб чиқди.

Давлат бюджетининг моҳиятини таҳлил қилар экан, классик иқтисодчилар «бюджетнинг асосий масаласи - унинг харажат ва даромад қисмининг ўзаро нисбати, яъни бюджет қолдиғи (тақчиллик ёки ортиқчалик)ни аниқлашдир» деб ҳисоблади ва айнан бюджет қолдиғи солиққа тортишнинг камайиши ёки оширилишини белгилашини таъкидлади.

Бироқ классик иқтисодчиларнинг «молия сиёсати таъсири остида амалга ошувчи капитал жамғарилишининг бориши билан ишчилар синфи шароити ёмонлашади» деган хулосаси асосланмай қолди. Классик иқтисодчилар давлат ва давлат молиясининг фойда, фоизлар, рента ва иш ҳақи ўртасидаги нисбатларни ўзгартира олиши имкониятларини инкор этди. Бундан ташқари классик иқтисодчилар ортиқча ишлаб чиқариш цикли инқирозларини таҳлил қилишда давлатнинг иқтисодий, шу жумладан молиявий сиёсатини бўшаштирмаслиги лозимлигини таъкидлади.

XIX аср охири XX аср бошлари марксистик ғояга қарши бўлган «юқори фойдалилик назарялари»нинг кенг тарқалиши билан хусусиятланади. Мазкур оқим молия соҳасини ҳам қамраб олди. Унинг асосчилари фикрларининг турли туманлигига қарамай меҳнатнинг қиймат назариясига қарши чиқдилар, уни харидорлар ҳоиши билан бегиланувчи баҳо таҳлили билан алмаштириш таклифини бердилар. Қатор муҳим молиявий категориялар, жумладан, давлат харажатлари ва солиқлар ушбу оқим вакиллари томонидан давлат ва хусусий шахслар ўртасида бўладиган кўп сонли битимлар сифатида талқин этилдики, бунга давлат хизматларининг юқори фойдалилиги солиқлар юқори фойдалилиги билан бевосита мутаносиблашуви лозим.

1-жаҳон урушига қадар иқтисодий фан эркин тадбиркорлик тамойилига асосланган ҳамда давлат молиясининг мамлакат иқтисодиётига аралашувига қарши чиқди. Ишлаб чиқариш ва тақсимотни тартибга солиш 1-жаҳон уруши йилларидаёқ амалга ошрила бошланди. Ушбу жараён 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий таназзули даврида янада кучайди.

Дж.Кейнс назарияси.

Капиталистик ишлаб чиқаришни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим зарурияти сифатида вужудга келган инглиз иқтисодчиси Джон Мейнард Кейнс (1883-1946) иқтисодий таълимоти давлат молиявий сиёсатини ишлаб чиқиш ва молиявий концепциянинг шаклланишига улкан ҳисса қўшди. Кейнсча тавсиялар турли мослашувларда билан узоқ давр мобайнида кўпчилик давлатлар амалиётида қўлланилиб келинди. Дж.Кейнс молиявий концепциясининг асосида «Самарали талаб» ғояси ётади.

Дж.Кейнс ўзининг назарияси билан иқтисодиёт оғир циклли инқироз (1929-1933)ни бошдиан кечираётган ўта мураккаб шароитда чиқда ва унинг ғояларини ўзининг «Бандлик, фоиз ва пул умумий назарияси» (1936) номли асарида ёритди. Бу асарда нобарқарор ривожланиш шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг зарурийлиги асосланган. Давлат харажатлари-нинг солиқлар ва заёмлар ҳисобига ўсиши тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш ва миллий даромад ўсишини таъминлашга ҳамда ишсизликни бартараф этишга кўмаклашади. Ушбу мақсадга эришиш учун Дж.Кейнс фикрича, давлат ўз харажатлари даражасини кўратибгина қолмай шахсий ва истеъмолга ҳам таъсир этмоғи лозимдир.

Дж.Кейнс солиқлар ва уларнинг асосий «психологик қонун»га таъсири муаммосига алоҳида аҳамият бердики, бунга кўра, кишилар ўз эҳтиёжини

даромад ўсиши суръатларидан ортмаган миқдорда оширишга мойилдирлар. Буни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкни:

Жамғармалар**қ**Солиқлар**қ**Инвестициялар**қ**Давлат харажатлари.

Шундай қилиб, Дж.Кейнс монополистик ишлаб чиқариш шароитида иқтисодиётни тартибга солишга қаратлган молиянинг бутунлай янги назариясини ишлаб чиқди. 1970-йилларга қадар кўпчилик саноати ривожланган мамлакатлар молия сиёсатининг аксини кейнсча тартибга солиш назариясининг асосий ғоялари ташкил этди.

Янги кенйсчилик назариялари.

50-60 йиллардаги Кейнснинг издошлари унинг таълимотига янги динамик элементни қўшдиларки, бу нарса иқтисодий ўсиш назариясини яратиш учун имкон берди. Ушбу таълимотда кўпчилик мамлакатлар иқтисодчилари (А.Хансен, С.Харрис – АҚШ; Р.Харрут, А.Илерсик, А.Пиккок – Буюк Британия; Ф.Перру – Франция; Ф.Неймарк – Германия) томонидан ишлаб чиқилган концепция муҳим ўрин эгаллади. Ушбу концепция циклли инқирозларга қарши фискал назарияни яратиш учун асос бўлдики, унинг моҳияти мувозалатлашган иқтисодий тараққиёт мақсадларида давлат даромадлари ава харажатларини ўзгартиришга қаратилган.

Янги кейнсчилар самарали талабга эришиш усули сифатида «тақчилли молиялаштириш» ғоясини ёқлаб чиқдилар. Улар давлат қарзининг ўсиши билан ҳисоблашишмай катта давлат харажатлари зарурлигини исботлашга харакат қилдилар. Бироқ, доимий хусусият касб этувчи бюджет тақчилликлари иқтисодчи-олимларнинг маълум гурухини жумладан Стокгольм мактаби вакиллари (Э.Линдаль, Г.Мюрдаль ва бошқалар)ни ю.джет муаммосини янгича хал этишга мажбур қилди. Ушбу мактаб муаммосини янгича ҳал этишга мажбур қилди. Ушбу мактаб вакиллари «бюджетни циклли баланслаштириш» назариясини таклиф этидларки, бунда давлат даромадлари ва харажатларини иқтисодий циклга мослаштиришни талаб этдилар. Давлат инқироз даврида юзага келган тақчилликларни иқтисодий ўсиш даврларидаги ортиқча маблағлар ҳисобига қопламоғи лозим. Ушбу таклифдан келиб чиқиб қатор ривожланган давлатлар хукуматлари циклик тартибга солишнинг махсус пул фондларини ташкил этдилар. Мазкур фондлар маблағлари иқтисодиёт ўсиши даврларида тўлдирилиши ва ишлаб чиқариш суръатлари пасайиши даврида ишлатилиши кўзда тутилган.

Янги кейнсчиларнинг хўжаликни тартибга солиш ва рағбатлантиришда давлат бюджетидан фаолроқ фойдаланиш ҳақидаги таклифи «самарали бюджет воситалари» назариясида ўз аксини топди.

Неоклассик оқим вакилларининг таълимотлари.

Урушдан кейинги йилларда янги кейнсчилик оқими қарашлари билан бир қаторда давлат орқали тартибга солишни чегаралашда эркин тадбиркорлик ғояларини тарғиб қилувчи неоклассик назариялар ҳам анча жонланди.

Неоклассик мактаб назариётчилари (Р.Слоу, Дж.Кенрик – АҚШ; А.Роббинс, Дж.Мид – Буюк Британия) давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслигининг асосий тамойилини ҳимоя қилиш давлат харажатлари умумий хажмини камайтириш, шу билан бир вақтда маориф фанга харажатлар улушини ошириш йўли билан улар таркибини ўзгартириш тарафдоридирлар. Ушбу иқтисодчи олимлар қарашларда «инсон капиталига инвестициялар қилиш»га алоҳида эътибор қаратилди. Бир вақтнинг ўзида солиқларни камайтириб, бироқ бюджет тақчиллигига йўл қўймаслик сиёсати талаб этилди. Мазкур таълимотни молиявий концепциясига кўра иқтисодий ўсиш омонатлар ва жамғариш орқали таъминланади. Давлат солиқ тизими орқали бутун мамлакатни инвестиция билан таъминлашга етарли бўлган жамғармалар шаклланишига зарур шароитларни яратиш лозим. Давлат ва унинг молия тизими зиммасига ФТП ни рағбатлантириш масаласи юклатилди. Умуман давлатнинг роли минимал даражага келтирилган. Мазкур таълимот тарафдорларининг айримлари давлатни «тунги қоровул ва миршаблик» функциялари билангина чеклаб қўйишни талаб қилдилар.

Америкалик иқтисодичи А.Лефферннинг солиқ концепцияси юксак баҳоланиб кенг тарқалдики, унда муаллиф график модели асосида қуйидагича хулосага келди: юқори солиқ ставкалари иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир этмоқда. Мазкур олим таклифлари 1980-90 йилларда кўпчилик мамлакатларда ўтказилган солиқ ислоҳотларининг асосини ташкил этди.

Посткейнсчилар таълимотлари.

Кейнсчилик оқими неоклассик мактаб ривожланишига қарамай янги шароитларга мослашган ҳолда бирмунча такомиллаша борди. 1970 йилларда посткейнсчилик йўналиши шаклландики, унинг йирик вакиллари сифатида Буюк Британияда – Н.Калдор, Г.Шэкл, АҚШда – Х.Минский, Р.Клауер ва бошқалар анча унумли изланишлар олиб бордилар. Мазкур йўналиш вакиллари ноеклассикчиларни ҳам неоклассик мактаб қарашларини ҳам қаттиқ танқид қилдилар.

Посткейнсчилар таълимотининг асосида ҳамон – молия механизми ёрдамида иқтисодиётга давлат аралашувини кенгайтириш ғояси ётар эди. Молиявий сиёсат белгиловчи ва асосий бўлмоғи лозим. Солиққа тортишнинг энг яхши усули сифатида харажатларга солиқ солиш лозимлигини таъкидлайди. Ушбу тадбир жамғаришни рағбатлантириш ва инфлацияни юмшатиши мумкин.

Н.Калдорнинг ушбу ғоялари ғарб олимлари томонидан қўллаб қувватландики, натижада улар солиқ тизимини соддалаштириш ва харажатлар учун ягона солиқни жорий қилиш истаги билан чиқмоқдалар. Бундан ягона солиқ объекти сифатида аҳолининг истеъмол харажатлари таклиф этилаётир.

XX аср охирида иқтисодий фан умуман, бозор тизимга, бизнес қонунларига, иқтисодиётнинг исталган тармоқ ва соҳаларида амалий фаолиятга асосий эътиборни қаратмоқда. Шу билан бир вақтда америкалик машҳур олимлар К.Р.Макконелл ва С.Л.Брюларнинг «Экономикс: тамойиллар, муаммолар, сиёсат» номли асарида таъкидлашларича «моддий эҳтиёжлар

чексиз, бироқ ресурслар чеклангандир». Шунинг учун иқтисодий жараёнларни тартибга солиш доимий талаб этилади ва иқтисодиёт тараққиётнинг тарли босқичларида унинг даражаси фарқланади. Хорижий давлатлар ҳозирги замон молия фанида фикр ва ғоялар қарама-қаршилиги ва мактаблар ўртасидаги доимий баҳслар кучайишига қарамай конвергенция жараёни кузатилмоқда. Жумладан, кейнсча назариялар неоклассик оқимга, неоклассик ғоялар эса кейнсча қарашларга қўшилиб кетаётир. Ббу аввало молия-кредит, пул механизмига тааллуқлидир, чунки ушбу муаммо барча ғояларда марказий ўрин эгаллайди.

Хорижий муаллифлар молиявий таълимотлари таҳлили тегишли хулосалар чиқаришга имкон беради:

1. Молия соҳасидаги қарашлар тизими умумиқтисодий назариянинг маълум бир қисми бўлиб, молия фанини бойитишга хизмат қилади.
2. Молия таълимотининг вужудга келиши – мамлакат макро ва микро кўламдаги иқтисодиёт талабларига жавоб ёки улар алоҳида ижтимоий гурухлар буюртмалари маҳсулотларидир.
3. Молиявий тавсиялар, агар амалий аҳамиятга эга бўлса, давлатнинг иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш стратерияси сифатида чиқади ва молиявий сиёсатнинг асосини ташкил қилади.
4. Хорижий олимларнинг молиявий ғоялари иқтисодий ўсишнинг юқори даражасини таъминлашга ва инсоният турли эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашади.

Назорат учун саволлар:

1. Молиявий таълимот тарихий асосларини ўзгаришнинг зарурлиги ва аҳамияти?
2. Классик иқтисодчилар қарашларининг ҳозирги замон талаблари асосида танқидий ўрганилиши?
3. Молиявий таълимот тараққиётида кейнсча, янгикейнсча қарашларнинг таҳлили?
4. Ҳозирги замон иқтисодий қарашларининг молиявий ғоялари?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А., “Ўзбекистон – иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан”. Т.: “Ўзбекистон”, 1995, - 234 б.

2. Каримов И.А., “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, Т.: “Ўзбекистон”, 1997, -326 б.

3. Акрамов Э.А., Таиров А.Э., “Экономические реформы Республики Узбекистан” - М.: ТОО “Люкс-арт”, 1998. - 236 с.

4. “Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари”, 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й.

1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий тадқиқот институти, Т.: 1997 – 2000й.

5. Родионова В.М., Финансы. М.: “Финансы и статистика”, 1995, – 432 с.

6. Гатауллин Ш.К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т.: 1996, – 304 б.

7. Ткачук М.И. Государственный бюджет. Уч.пос. Минск: «Вўсшая школа», 1995, – 240 с.

8. Лободенко Н.В. Аудит и диагностика банкротства. / / «Финансы», 1997г., №2.

9. Бункина М.К., Семенов В.А. «МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономичес-кой политики)» Уч.пос. М.: АО«ДИС», 1996, - 320 с.

10. Т.Маликов. Молиявий қарор қилиш асослари. Т.: «Меҳнат», 1996.

11. А.Улмасов, Н.Тухлиев. Бозор иқтисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.

12. Ковалева А.М. Финансы. Уч.пос. для студентов экономических направлений и специальностей ВУЗов, М.: “Финансы и статистика”, 1996, – 280 с.

13. Дробозина Л.А. Обҳая теория финансов. М.: «банки и биржи», 1999 – 527 с.

14. Сумароков В.Н. Государственные Финансы в системе макроэкономического регулирования. М.: “Финансы и статистика”, 1996, – 220 с.

15. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта тўғрисида»ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т.: 1993.

16. Ўзбекистон Республикасида «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун лоциҳаси. Август 1999 йил. Т.: 1999.

17. Страховое дело. Уч. под. ред. проф. Л.И.Рейтмана. М.: «Банковский и биржевой научно-консультационнўй центр», 1992. – 340 с.

18. Краснова И.А. Страховўе фондў и финансово-кредитные отношение. М.: “Финансы и статистика”, 1993, – 120 с.

19. Финансы, денежное обраҳение и кредит. Уч. под. ред. В.К.Сенчагова и А.И. Архипова, М.: «Проспект», 1999. – 496 с.

20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н.В. Колчиной – М.: ЮНИТИ, 1998. – 325 с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н.А., Русак В.А. Основў финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.

2. Бородина Е.И., Голикова Ю.С. и др. Финансы предприятий. Под. ред. к.э.н. Бородиной Е.И. Уч.пос. для студентов. М.: «Банки и биржи», ЮНИТИ, 1995, - 208 с.

3. Герасименко Г.П. Финансовўй анализ. Уч.пос. М.: «ПРНОР», 1996, - 160с.

4. Ковалев В.В. Финансовўй анализ. Управление капиталом, вўбор инвестиций, анализ отчетности. М.: “Финансы и статистика”, 1996, – 180 с.

5. Настольная книга финансиста/Под ред. В.Г. Панского – М.: Международнўй центр финансово-экономического развития, 1995. – 325 с.

6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А.А. Володина – М.: ИНФРА-М, 1996, - 237 с.

7. Финансово-кредитнўй словарь. В. 3 т. – М.: Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

6-Мавзу: Молия сиёсати ва молия механизми (4 соат).

Режа:

1. Молиявий сиёсатнинг мазмуни ва аҳамияти.

2. Молия механизми ҳақнда тушунча. Молия механизмининг таркиби, соҳа ва звеноларига тавсиф.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида молия сиёсатининг асосй йўналишлари.

Таянч иборалар:

- ***Молиявий сиёсат;***
- ***Молиявий стратегия;***
- ***Молиявий тактика;***
- ***Молия механизми;***
- **Молия *механизмининг самарали фаолияти;***
- ***Молиявий бошқариш усуллари;***
- ***Молиявий дастаклар.***

1. Молиявий сиёсатнинг мазмуни ва аҳамияти.

Сиёсатнинг асл маъноси грекча "Politika" сўзидан олинган бўлиб, давлатни бошқариш санъатидир.

Ҳар қандай жамиятда ҳам давлат субъект сифатида ўзига юклатилган бурч, вазифа ва функцияларни бажаришда молиядан фойдаланади. Ушбуларни ҳаётда амалга ошириш жараёнида молиявий сиёсат етакчи ўринни эгаллайди.

Сиёсат - бу устқурмага тааллуқли тушунча бўлиб давлатнинг ўз функцияларини ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ҳамма йўналишлар, чора ва тадбирлар йиғиндисидир. Ижтимоий муносабатлари соҳаларига боғлиқ ҳолда ва уни сиёсий таъсир кўрсатувчи объекти деб қараганимизда - иқтисодий ва ижтимоий, маданий ёки техник, молия ёки кредит, ички ёки ташқи сиёсатлар тўғрисида фикр юритамиз.

Сиёсат, сиёсий таъсир, сиёсий бошқариш уч муҳим элементлардан иборат бўлади:

Биринчидан, жамиятнинг ҳаётини яхшилаш ва ривожлантириш учун зарур бўлган асосий вазифалар ва мақсадлар аниқланади ва белгиланади;

Иккинчидан, шу аниқланган бўлажак ва яқин келажакдаги вазифалар ва мақсадларга эришиш учун энг қулай, энг яхши натижа берадиган зарур бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади;

Учинчидан, шу аниқланган ва белгиланган вазифаларни ташкил этиб бажара оладиган кадрларни топиб жой-жойига қўйишдир.

Иқтисодий сиёсат - хўжалик юритишнинг тамойиллари ва шакллари, иқтисодиётни ривожлантириш вазифаларини ечишдаги методлар, чора-тадбирлар ва фаолиятлар йиғиндисидир. Иқтисодий сиёсат жамият ривожланишининг турли босқичларида турлича бўлиши, иқтисодий ривожланиш даражасига қараб ўзгариб туриши мумкин. Иқтисодий сиёсат ўз ичига:

- баҳо сиёсати;
- пул сиёсати;
- кредит сиёсати;
- амортизация сиёсати;
- молия сиёсати кабиларни олади.

Молиявий сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ эътиш жараёнида давлатнинг олдида турган вазифаларни бажаришга, жамият иқтисодий манфаатларига таъсир этиш шарт-шароитлари яратилади.

Молиявий сиёсат - бу молиявий ресурсларни жамлаш, уларни давлатнинг ўз функция ва вазифаларини амалга ошириш учун тақсимлаш ва ишлатиш шакл ҳамда усулларида тизимли намоён бўлувчи тадбирлар йиғиндисидир. Маълум мамлакатнинг молиявий сиёсати қатор омилларга: тарихий шароитлар, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мақсадлар, уларга эришиш муддатлари ва ҳаттоки миллий удумларга ҳам боғлиқ бўлади. Ижтимоий ҳаётнинг эволюцион ривожланиш ва давлат тузумининг барқарорлик даврида давлатнинг ички ва ташқи молиявий сиёсати мавжуд ижтимоий муносабатларни сақлаб қолиш ва ўзгартиришга йўналтирилган. Инқилобий ўзгаришлар даврида мавжуд тузумни тезроқ ўзгартиришдан манфаатдор сиёсий кучлар уни бузиш ва янги ижтимоий муносабатлар тизимини шакллантиришга йўналтирилган сиёсат олиб борадилар. **Молиявий сиёсат** - бу давлатнинг иқтисодий сиёсатини таркибий қисми бўлиб, молиявий ресурсларни (манбаларни) жалб этиш, уларни тақсимлаш, ишга солиш ва фойдаланишга давлат орқали йўналтирилган барча чора-тадбирлар йиғиндисидир.

Молиявий сиёсатнинг мазмуни аниқ бир мақсадга қаратилганлиги ва самаралилиги - ижтимоий тизимнинг характери, мулк муносабатлари билан аниқланади.

Молия сиёсатининг муҳим вазифаси - у ёки бу иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг давлат режасини ёки чора-тадбирларини амалга ошириш учун тегишли молиявий ресурслар билан таъминлашдир. Лекин молиявий сиёсатни фақат иқтисодий сиёсатга боғлаш мумкин эмас. Молиявий сиёсат - бу молиявий муносабатлар соҳасида давлатнинг мустақил фаолият кўрсатадиган соҳаси.

Молиявий сиёсат мустақил хусусиятга эга бўлиш билан бир вақтда давлат сиёсатини ҳар қандай исталган ижтимоий фаолиятни амалга ошириш учун ҳоҳ ижтимоий, ҳоҳ иқтисодий, ёки халқаро муносабатлар доирасида муҳим воситадир.

Молиявий сиёсатнинг самарадорлигини белгилаш учун жамиятнинг эҳтиёжи қанчалик қондирилганлиги, қўйилган мақсадлар ва вазифалар амалга оширилганлиги баҳоланиши лозим.

Молиявий сиёсатга баҳо бериш ва унга тузатиш, қўшимчалар киритиш учун биринчи навбатда жамият эҳтиёжини қондира оладиган ҳолдаги ижтимоий тараққиёт режасини аниқ билиш зарур. У режада бўлажак ва яқин келажакда амалга ошириш вақтлари белгиланган чора-тадбирлар бўлиши лозим. Фақат шундагина молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш ва муваффақиятли амалга ошириш ва объектив баҳолаш мумкин.

Молиявий сиёсатни асосий йўналишларидан бири - молиявий ресурсларни имкон қадар юқори ҳажмини аниқлаш ва ушбу манбалар доимийлиги ва узлуксизлигини таъминлашдир, чунки молиявий ресурслар потенциали барча ўзгаришларнинг моддий базасидир. Шунинг учун молиявий сиёсатни аниқлаш ва унинг стратегик ва тактик асосларини ишлаб чиқиш учун давлатнинг молиявий аҳволи, молиявий потепциали, бошқача қилиб айтганда давлатнинг молиявий имкониятининг объективлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш лозим. Ҳуқуқий демократик давлатда статистик молиявий кўрсаткичлар ижтимоий мулки бўлиши керак. Шунингдек, молиявий ҳисобот маълумотларидан мунтазам равишда қонун доирасида ўз вақтида танишиб чиқишга имконият яратилиши лозим.

Молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш негизида қуйидагиларни танлаш туради:

- молиявий ресурслар эгаларини ва уларни тақсимловчиларни;
- молиявий ресурслардан фойдаланишда устивор йўналишларини;
- молиявий ресурсларни ташкил этиш учун манбалар ва маблағларни жалб этиш усулларини;
- давлат қўлида молиявий ресурсларии марказлаштириш даражасини.

Бу масалалар давлатнинг ҳаёт мазмунига ва функцияларига боғлиқ ҳолда ечилади ва амалга оширилади.

Молиявий сиёсатни мазмуни кўп қиррали бўлиб, қуйидаги муҳим бўғинларни ўз ичига олади:

а) молиявий муносабатларни ривожлантиришнинг илмий асосланган концепцияларини ишлаб чиқиш.

Бу концепциялар қуйидагиларни ўрганиш асосида ишлаб чиқилади:

- иқтисодий қонунлар талабларини ўрганиш;
- хўжалик аҳволини ҳар томонлама таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг бундан кейинги ривожланиш истиқболларини ўрганиш;
- аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш.

б) истиқболда ва жорий давр мобайнида молиядан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш; шу тарзда иқтисодий сиёсатда кўзда тутилган белгиланган мақсадларга етиш йўлларидан келиб чиқилади, халқаро омиллар инобатга олинади ва молиявий ресурсларни янада кўпайтириш имкониятлари кўриб чиқилади.

в) қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган амалий ҳатти-ҳаракатлар, чора-тадбирлар кўриш.

Юқоридаги асосий бўғинларнинг бирлиги молиявий сиёсатнинг мазмунини аниқлаб беради.

Фақат ҳозирги кундаги жорий даврга мўлжалланган, кундалик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган молиявий сиёсат самарасиздир. Шунингдек, узоқ даврга мўлжалланган, истиқболни кўзлаб ишлаб чиқилган концепциялар ва йўналишлар, улар қанчалик олижаноб, жозибали бўлмасин, давлатнинг амалий ҳаракатлари, чора-тадбирлари билан таъминланмаса, инқирозга дучор бўлади.

Молия стратегняси ва молия тактикаси, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги.

Ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг характерига, мураккаблигига ва даврининг узоқлигига қараб, молиявий сиёсат:

1. **Молиявий стратегия**.
2. **Молиявий тактикага** бўлинади.

Молиявий стратегия деб корхонани молиявий ресурслар билан таъминлаш учун ва ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш учун тузилган узоқ муддатли режага - айтилади. Корхонанинг молиявий стратегияси ўз ичига корхонанинг молиявий аҳволининг таҳлилини асосий ва айланма маблағларини оптималлаштириш, даромадни тақсимлаш, нақд пулсиз тўловларни, солиқ ва баҳо сиёсатини, қимматли қоғозлар жараёнидаги сиёсатни олади.

Молиявий стратегия корхонанинг молиявий имкониятларини, ички ва ташқи омилларнинг холисона хусусиятини ҳар томонлама эътиборга олади. Агар молия стратегияси корхонани ресурслар бозорида мавжуд бўлган молиявий-иқтисодий имкониятларига жавоб бермаса у муваффақиятсизликка учраши мумкин, ёки корхона банкрот бўлиши мумкин.

Молия стратегияси вазифаларининг кўлами ва даврийлигига кўра **асосий** ва **оператив** бўлиши мумкин.

Асосий молиявий стратегия деб, корхона фаолиятини аниқловчи бюджетнинг ҳамма даражасида бўладиган ўзаро муносабатларга, корхонанинг даромадларини ташкил этиб уни сарфлашга, эҳтиёжлик миқдорини ва бир йилда молиялаштириш манбаларига айтилади.

Оператив молиявий стратегиянинг асосий молиявий стратегиядан фарқи, у ўз ичига ялпи даромадларни ва маблағларнинг кўпайишини (иш ҳақи, сотилган маҳсулот учун сотиб олувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш, кредит операцияларидан тушумлар) ва ҳамма ялпи харажатларини (таъминловчилар

билан ҳисоб-китоб, иш ҳақи, ҳамма даражадаги бюджетлар ва банклар билан мажбуриятларини узмоқ) олади.

Молиявий стратегия - ижтимоий ва иқтисодий стратегияни белгилаб берган узоқ истиқболга мўлжалланган ва йирик кўламдаги вазифаларни бажаришга қаратилган бўлиб, у молия ривожланишининг асосий концепцияларини ишлаб чиқиш, молиявий муносабатларни ташкил этиш тамойилларини белгилашни кўзда тутади. Молиявий стратегая узоқ муддатли мақсадларни танлаш ва мақсадли дастурларни зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш, уларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий йўналишларида мужассамлаштиради ва кўзда тутади.

Молиявий тактика - стратегия белгилаб берган вазифаларни жамият ривожланишининг конкрет босқичида молиявий муносабатарни ташкил этиш усуллари орқали амалга оширади.

Ривожланишиинг ҳар бир босқичининг молиявий стратегияси объектив иқтисодий шароитни ҳисобга олувчи иқтисодий стратегиянинг вазифалари билан белгиланади. Масалан, мамлакат иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишнинг дастлабки босқичида давлат иқгисодий сиёсатининг асосий стратегик мақсадлари қуйидагича белгиланади:

1. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш;
2. Кўп укладли иқтисодиётни яратиш: хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;
3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлат томонидан аралашувда ҳуқуқий асослар ва воситалардан фойдаланиш;
4. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш.

Мазкур иқтисодий стратегик вазифаларни амалга оширишда қуйидаги йўналишларда молиявий тактика ишлаб чиқилади ва тегишли молия механизми шакллантирилади:

- қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш, давлат бюджети тақчиллигини иложи борича камайтириш, дотация ва субсидияларни босқичма-босқич қисқартириб бориш;
- бюджетдан маблағларни энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина ажратиш;
- инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш;
- солиқ тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадларини барқарор бўлиб туришини таъминлайдиган мустаҳкам солиқ сиёсатини олиб бориш ва ҳ. к.

Молиявий сиёсатнинг стратегияси ва тактикаси ўзаро боғлиқдир. Тактик вазифаларни ҳал қилиш учун стратегия қулай шарт-шароит яратади.

Тактика эса, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ривожланишнинг ҳал қилувчи жойларини ва муҳим муаммоларни аниқлаб молиявий боғлиқликларни ташкил этиш шакллари ва усулларини ўз вақтида ўзгартириш йўли билан

стратегия белгилаб берган вазифаларни қисқа муддат ичида, энг кам харажатлар билан амалга оширади.

Молиявий сиёсат инсон фаолиятининг махсус шакли сифатида устқурма категорияларига тааллуқлидир. У билан жамиятнинг иқтисодий базиси орасида чамбарчас боғланган ўзаро боғлиқлик мавжуддир. **Бир томондан**, молиявий сиёсат иқтисодий муносабатлар орқали вужудга келади, **иккинчи томондан**, иқтисодий базис асосида вужудга келиб ва ривожланиб, молиявий сиёсат маълум бир мустақилликка эга. Шунинг учун у иқтисодга, молиянинг аҳволига тескари таъсирини ўтказади. Бу таъсир ҳар хил бўлиши мумкин: бир хил пайтларда сиёсий чора-тадбирларни ўтказиш орқали иқтисодни ривожлантиришга қулай шарт-шароит яратилади, бошқаларда эса у тўсқинлик қилади.

Молиявий сиёсат молиявий муносабатлар моҳиятини ўзгартиролмайди. Лекин, давлат молиянинг моҳиятини билиб, уни ўз манфаатларига қаратишга харакат қилади.

Молиявий муносабатлар - объектив воқелик, иқтисодий муносабатининг бир қисми бўлиб, жамиятнинг иқтисодий базисини ташкил қилади. Молиявий сиёсат эса базисга асосланади, шу базисдан келиб чиқади. Молиявий сиёсат илмий асосланган молиявий назарияга таянади ва тажрибага кўрсатма беради, шу тариқа молиявий сиёсат назарияни тажриба билан боглайди. Тажриба эса назариянинг тўғрилигини текшириш мезонидир.

Молиявий сиёсат қуйидаги вазифаларни бажаради:

Биринчидан, *молиявий ресурсларнинг ҳажмини ва улардан фойдаланиш самарадорлшини ошириш.* Молиявий сиёсат кўзда тутаётган тадбирларни, улар билан ботлиқ бўлган харажатларни реал мавжуд бўлган молиявий ресурслар билан таъминланишига эришиши керак. Шунингдек, ажратилаётган ҳар бир сўмлик ресурсдан максимал даражада самарага эришишни таъминлаш лозим;

иккинчидан, *молиявий ресурсларнинг тақсимотида оптимал нисбатларни белгилаш, улардан рационал фойдаланиш.* Молиявий сиёсатнинг бу вазифаси корхона даромадларининг давлат ихтиёрига ўтишининг рационал шаклларини белгилаш, аҳолининг давлат даромадларини шакллантиришдаги ҳиссасини тўғри белгилаш, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги тақсимлаш пропорциаларини оптималлаштириш йўллари билан бажарилади;

учинчидан, муҳим ва мураккаб вазифаси, *тегишли молия механизмини ишлаб чиқиш,* иқтисодий сиёсат белгилаб берган ривожланиш йўналишларини таъминлаш мақсадида уни такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиёти шароитида молия сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва молия механизмининг аҳамияти, мазмуни.

Ўзбекистон солиқ тизимида узоқ давр мобайнида самарали фаолият қилиб қолган оборот солиғи ўрнига жорий қилинган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) нинг ставкаси дастлаб 25 % миқдорида, кейинчалик 20, 18 % миқдоригача

туширилди. Ҳозирги пайтда давлатнинг молиявий сиёсати Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига (Ўзбекистон Республикасининг қонуни N 396-1, 24 апрель 1997 йилда тасдиқланган) ва 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини ривожланишини прогнозларига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори N540, 05 декабрь 1997 йилда) мувофиқ амалга ошираляпти. Унда, ҚҚС нинг барча товарлар учун солиқ ставкаси 20 % миқдорида нон, сут, гўшт ва гўшт маҳсулотлари учун 10% миқдорида белгиланган бўлиб, бу тадбир аҳоли учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида қўлланилади.

Яқин ўтмишда, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига тўсқинлик қилиб қолган молиявий сиёсат камчиликларини намоён қилди. Узоқ даврлар мобайнида мамлакатни иқтисодий ривожланишида молия ва актив молиявий сиёсатнинг аҳамиятига етарлича баҳо берилмади. Иқтисодиётда молиявий муносабатларнинг аҳамиятини бузиб кўрсатиш содир бўлди, молия ва молиявий дастакларнинг актив аҳамияти инкор этилиб, молиявий сиёсат талаб этилган муаммоларни ҳал қилишга қаратилаган зарур усулларни ишлаб чиқишга ожизлик қилиб қолди. Ривожланишнинг узоқ даврига мўлжалланган ибратлик концепцияларни ишлаб чиқилмаганлиги, кам самара берадиган, қисқа муддатли фойда олишни кўзлаб қўйилган чора-тадбирлар иқтисодиётни оғир аҳволга олиб келди.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, иқтисодий ривожланишда бозор муносабатларига ўтишда, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби, молия ва молиявий муносабатларда ҳам чуқур ислоҳотларни амалга оширишга тўғри келди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодий стратегия қуйидаги вазифаларни бажаришни кўзда тутди:

1. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;
2. Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш. Президентимиз И. Каримов белгилаб берган иқтисодий стратегиядан келиб чиққан ҳолда, бозор иқтисодиётини биринчи босқичида молия ва солиқ сиёсатининг биринчи даражадаги чора-тадбирлари ва устивор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлади:
1. Барқарор молиявий сиёсатни амалга ошириш, давлат бюджети дефицитини иложи борича камайтириш, бюджетдан бериладиган дотация ва субсидияларни барча турларини босқичма-босқич қисқартириб бориш;
2. Бюджет маблағларини даромад тушгандан кейингина тақсимланадиган йўлдан оғишмай бориш, биринчи даражали, энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина бюджетдан маблағ ажратиш;
3. Халқ хўжалиги тармоқларини, айрим корхоналарни ривожлантириш учун бюджетдан қайтариб олмасликни кўзда тутиб таъминлаш амалиётидан воз кечиш, ана шу мақсадларда инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш;

4. Солиқ тизимини такомиллаштириш бюджет даромадларини барқарор суръатда тўлаб туришни таъминлайдиган, кичик ва хусусий корхоналарнинг, чет эл капитали иштирокидаги қайта ишлайдиган ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарни ривожланишини рағбатлантирадиган солиқ сиёсатини олиб бориш.

Белгиланган стратегик вазифалар давлатнинг тактик чора-тадбирлари асосида бажарилади. Ҳозирги кунга келиб, иқтисодий ўсиш даври бошланди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати барқарорлашди. 1997 йилда саноат ишлаб чиқариш 5,5% га, қишлоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,5% га ўсди. Бюджет тақчиллиги анча барқарорлашди - у ялпи ички маҳсулотнинг 3 - 3,1 %ни ташкил қилишга эришилди.

Солиқ сиёсати - бу молия сиёсатининг бир қисми бўлиб, давлат орқали солиқлар доирасида чора-тадбирлар тартибини амалга оширишдир. Ўзбекистон Республикасида охирги бир неча йиллар мобайнида солиқ тизими мукаммаллашиб жамиятни иқтисодий ҳаётига, корхоналарни, ташкилотларни, аҳолини хўжалик интизомига, давлат томонидан таъсир этадиган кучли дастакка айланди. Давлат билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар асосан солиқ асосида олиб борилади. Солиқ муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий база яратилиб ва такомиллашиб борди.

Солиқ сиёсати - бозор иқтисодиёти шароитида, иқтисодни, бутун халқ хўжалигини ривожланишига давлат орқали таъсир этадиган муҳим иқтисодий дастакдир. Шунинг учун Республикамизда солиқ сиёсатини такомиллаштиришга ва республикани солиқ органларини самарали амал қилишини ташкил этиш учун катта аҳамият берилмоқда.

Яқин ўтмишда солиқ органлар молия органлар тизимининг бир қисми бўлиб хизмат қилишар эди. Лекин, бозор иқтисодиётини талабларини ва солиқ сиёсатини аҳамиятини ўсиб боришини, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожланишини солиқ орқали тартибга солишни инобатга олиб, "Ўзбекистон Республикасини солиқ органлари низоми" асосида солиқ органлари мустақил давлат солиқ қўмитаси қайта ташкил этилди ва унга қуйидаги вазифалар юклатилди:

- давлат бюджетига ва бошқа фондларга йўналтириладиган солиқларни ва тўловларни тўғрилигини ҳисоблаш ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;
- солиқ тўловчиларни, солиққа тортиладиган объектни ва аҳолидан солиқларни тўғри ҳисоблашни тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиш;
- Ўзбекистон Республикаснни солиқ сиёсатини реализация қилишда қатнашиш;
- даромадларни (фойдани) атайлаб беркитиш белгисини аниқлаб олиш мақсадида дастлабки тўлов терговни олиб бориш, ҳамда тергов ва суд органларига амалдаги солиқ қонунларни бузиш фактлар асосидаги материалларни бериб юбориш.

Солиқларни олиш механизми Ўзбекистон Республикасини солиқ қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида Молия Вазирлиги ва давлат солиқ қўмитаси - яшлаб чиққан йўриқномалар ва бошқа норматив

хўжжатлар билан тартибга солинади. Молиявий сиёсатнинг таркиби кўп қиррали бўғинлардан иборатдир, жумладан:

Молияни ривожлантириш учун илмий асосланган илмий концепциялар ишлаб чи=ариш

Молиядан жорий ва переспектив даврларда фойдаланиш учун асосий йыналишларни ани=лаш.

Олдинга =ыйилган максадларга эришиш учун амалий тадбирларни бажариш.

Юқорида кўрсатилган уч асосий бўғиннинг бирлиги молиявий сиёсатни мазмунини очиб беради.

Даврнинг мавсумийлиги ва ҳал қилинадиган масалаларнинг хусусиятига қараб молиявий сиёсат иккига бўлинади:

1.Молия стратегияси

2.Молия тактикаси

Молиявий сиёсатнинг мақсади:

• молиявий ресурсларни бутунлигича ва тўлиқ сафарбар килиш;

• тадбиркорлик фаолияти активлаштириш учун мутадил атмосфера яратиш;

• давлатга тегишли бўлган ресурсларни меҳнатга лаёқатли аҳолидан ва хўжалик субъектидан мақсадга мувофиқ жалб килиш;

• соҳалар ва тармоқлар ўртасида молиявий ресурсларни тақсимланиши ва самарали фойдаланишини таъминлаш.

Молиявий тизимнинг шартли тузилиши.

1.Молиявий тизимнинг соҳаларини билдиради;

2.Молиявий тизимнинг бўғинларини ташкил этади.

Ушбу соҳалар ва бўғинларнинг йиғиндиси молиявий тизимни акс эттиради ва улар бир-бирини тўлдириб молиявий механизмнинг ҳамакатини ташкил этади. Аммо ҳам бир соҳа ва бўғинларнинг молиявий ресурсларини ташкил этиш ва фойдаланишда ўзига хос молиявий механизмлар ҳаракат килади.

Ҳозирги босқичда давлатнинг молиявий сиёсати қуйидагиларга қаратилган:

1. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама ошириш ҳисобига аҳолининг турмуш тарзини юқорига кўтариш.

2. Тадбиркорлар ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, меҳнат ва хизматга бўлган ташаббусини ошириш ҳамда уларни ҳар томонлама қонун ва фармонлар билан кафолатлаш.

3. Бозор хўжалигига ўтиш жараёнида аҳолини қуйи қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш (нафақахўрлар, кўп болали оилалар, талабалар).

4. Даромади чекланган хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш (соғлиқни сақлаш, маъориф, бошқарув, мудофаа бу қатламдаги хизматчиларни иқтисодий химоя қилиш, иш ҳақларини индексация йўли билан ошириш.

5. Янги молиявий стратегия, ранг-баранг мулк шакллари, бозор муносабатларини ривожлантириш трвар ва маҳсулотлар бозорини иш кучи ва капитал бозорларини ривожлантириш.

6. Жамиятнинг ижтимоий - иқтисодий ҳаётига молиявий таъсир кўрсатиш, соғлиққа тортиш, молиялаштириш ва молиявий бозор услублари орқали амалга ошириш.

7. Молия тизимида иқтисодий танглик кўрсаткичларини имкон қадар бартараф этиш (давлат бюджети камомади, эмиссиянинг жойларда кўпайиб бориши, инфляция даражасининг юқорилиги, ички ва ташки қарзларни борлиги, тугалланмаган курилишларнинг мавжудлиги), чунки иқтисодий танглик нисбатан давлат молияси билан бир каторда корхоналар молиясида ҳам мавжуд.

8. Пул муомаласини тартибга солиш. Миллий валютанинг ички ва ташки конвертациясини таъминлаш ҳисобига сўмнинг қадрини ошириш.

9. Иқтисодиётни жаҳон андозаларига етказиш мақсадида хорижий инвестицияларни кириб келишини таъминлаш.

10 Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ҳисобига корхоналар иқтисодий потенциалини ошириш.

11 Суғурта ташкилотларини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш.

Тармоқлар иқтисодиётида бошқарув фаолиятининг таркибий қисми бўлиб молия бошқаруви ҳисобланади. Ҳар қандай бошқарув тизимида бўлгани каби молиявий бошқарувда объектлар ва субъектлар мавжуд бўлади.

Молиявий бошқарув элементларининг энг асосийси бўлиб режалаштириш ҳисобланади. Чунки айнан режалаштиришга таяниб ҳам бир бошқарув субъекти молиявий ресурслари қай ҳолатда эканлигини, ҳаражатлардан қандай самара олаётганлиги, қандай манбалардан даромадни юқорилиги ҳақида маълумот олиш мумкин. Бир сўз билан айтганда режалаштириш хўжалик субъекти молиявий фаолиятни акс эттирувчи кўзгу ҳисобланади.

Халқ хўжалигида ҳам бир соҳа ва бўғиннинг ўзига хос фаолиятига қараб молиявий режа тузилади.





Молиявий ресурслардан фойдаланиш ва уларни шаклланиш маибалари билан бир-бирига тенглаштирувчи молиявий режа, баланс усули ёрдамида амалга оширилади.

Ривожланиш ҳар бир босқичининг молиявий стратегияси объектив иқтисодий шароитни ҳисобга олувчи иқтисодий стратегиянинг вазифалари билан белгиланади.

Масалан, мамлакат иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишнинг дастлабки босқичида давлат иқтисодий сиёсатининг асосий стратегик мақсадлари қуйидагача белгиланади:

1. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш.
2. Кўп укладли иқтисодиётни - яратиш; хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш.
3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг ҳўжалик фаолиятига давлат томонидан аралашувида иқтисодий-ҳуқуқий усуллар ва рағбатлантириш воситаларидан фойдаланиш.
4. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш.

Мазкур иқтисодий стратегик вазифаларни амалга оширишда қуйидаги йўналишларда молиявий тактика ишлаб чиқилади ва тегашли молия механизми шакллантирилади:

-қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш, давлат бюджети тақчиллигини иложи борича камайтириш, дотация ва субсидияларни босқичма-босқич қисқартириб бориш;

-бюджетдан маблағларни энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина маблағ ажратиш;

-инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш;

-солиқ тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадларини барқарор тўлиб туришини таъминлайдиган пишиқ-пухта солиқ сиёсатиии олиб бориш ва ҳ. з.

Молиявий сиёсатнинг муҳим ва мураккаб вазифаси, тегишли молия механизмини ишлаб чиқиш, иқтисодий сиёсат белгилаб берган ривожланиш йўналишларини таъминлаш мақсадида уни такомиллаштиришдир.

Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формацияга ва ҳукмрон ишлаб чиқариш усулига ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик муносабатлари билан белгиланган ҳўжалик механизми хосдир.

Ҳўжалик механизми - ҳўжалик жараёнларини ташкил қилиш ва амалга оширишни ҳамда жамият иқтисодий ҳаётини таъминловчи шакл ва усулларнинг йигиндисидир. Ҳўжалик механизми ишлаб чиқариш муносабатларини ўзаро алоқаларивд акс эттиради. Уларнинг ривожланиши билан ҳўжалик механизми ҳам такомиллашиб боради.

Иқтисодий ҳаётни йўлга қўйиш халқ хўжалиги тараққиёти истиқболларини прогнозлаш, моддий ва қиймат шаклидаги норматив ва кўрсаткичлар, иқтисодий ричаглари ва рағбатлантириш системаларидан кенг фойдаланиш йўли билан амалга оширилар экан, хўжалик механизми тушунчаси маълум маънода умумий тушунчадир.

Моҳияти жиҳатидан **молия механизми** - тақсимот ва қайта тақсимот муносабатларининг кенг тизимини амалга ошириш, даромад ва жамғармаларни ташкил қилшп, марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини тузишни таъминловчи шакл ва усуллар йиғиндисидан иборатдир.

Молия механизми тушунчаси субъектив тушунча бўлиб, объектив мавжуд бўлган молиявий муносабатларини маълум шакл ва усуллар ёрдамида ташкил қилиш натижасидир.

Молия механизми мояиявий муносабатларини ташкил қилишнинг турлари, шакллари ва усуллари, уларни миқдор жиҳатдан аниқлаш йўлларини ўз ичига олади.

Молия механизмининг таркиби анча мураккаб бўлиб, унга турли молиявий муносабатларга хос элементлар киради.

Давлат ўзининг ижро қилувчи ва қонун чиқарувчи органлари орқали қуйидагиларни амалга оширади:

- иқтисодий қонунлар таъсирини чуқур ўрганиш;
- молиянинг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш;
- иқтисодий ва молиявий сиёсат вазифаларини ўрганиш асосида ижтимоий махсулот ва миллий даромадни тақсимлаш усулларини қўллайди, пул жамғармаларини шаклларини белгилайди, тўлов ва ажратмалар турларини ишлаб чиқади, давлат молиявий ресурсларидан фойдаланиш йўналишлари ва тамойилларини ишлаб чиқади.

Молия механизми қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1. Молиявий режалаштириш ва прогнозлаш орқали истиқболларини белгилаш.
2. Молиявий дастаклар ва рағбатлантириш воситалари.
3. Молиявий бошқариш

2-схема



Молиявий режалаштирши ва прогнозлантириш - молиявий механизмининг асосий қисми бўлиб, у молиявий режалар ва балансларни ҳамда молиявий кўрсаткичлар, норма ва нормативлар тизимини ўз ичига олади.

Молиявий дастаклар ва рағбатлантирши воситалари - уларга фойдани тақсимлаш усуллари, турли фондларга тўловлар, ажратмалар, қўлланиладиган имтиёзлар, санкциялар, жарималар киради.

Молияни бошқариш - субъектларнинг молиявий муносабатларни амалга оширш, йўлга қўйиш ва такомиллаштириш усуллари ва приёмлари йиғиндисидан иборат.

Айрим иқтисодчилар, юқоридагиларни инкор этмаган ҳолда, молиявий муносабатларнинг кўп қирралиги, соҳа ва звенолардан иборатлигини ҳисобга олиб молия механизмининг қуйидаги соҳаларни ва звеноларни ажратиб кўрсатиладилар.

2-схема



Молия механизмининг барча соҳа ва звенолари ўзаро боғликдир. Шу билан бирга, ҳар бир соҳа ва звено нисбатан мустақил фаолият қилади. Масалан, бюджет механизми.

- солиқ турларининг кўплиги;
- уларни ўндириш усулларийинг турли-туманлиги;
- молиялаштаришнинг усулларининг турличалиги;
- бюджет маблағларидан фойдаланишнинг кўп йўналишлари мавжудлиги билан характерланади.

Корхона молия механизми орқали эса,

- корхона пул жамғармалари шакллари белгиланади;
- фойда ва даромадлар тақсимланади;
- молиявий ресурслар тақсимланади;
- турли мақсадли фондлар тузилади ва улардан фойдаламиш таъминланади.

Молия механизмининг элементлари таркибида(сх.2) фондлар ва тўловларни миқдор жиҳатдан аниқлаш усуллари қисми энг харакатчан ва тез ўзгарувчан бўлиб, улар ишлаб чиқариш шарт-шароитларининг ҳамда жамият олдида турган вазифаларнинг ўзгаришига қараб тез-тез ўзгариб корректировка қилиниб туради. Масалан, пул маблағлари фондларининг шакллари ўзгармагани ҳолда, фойдани тақсимлаш усуллари. бир неча бор ўзгарди (тақсимлаш қолдиқ усули, норматив усули, мажбурий тўловлар усули).

- солиқ турлари ўзгармагани ҳолда, уларни ставкалари, улар бўйича имтиёзлар, санкция ва жарима каби жазо чоралари иқтисодий талаблари бозор, бозор талабларига кўра тез-тез қайта қурилиб, ўзгариб туради.

Ўзбекистон солиқ тизимида узоқ давр мобайнида самарали фаолият қилиб келган оборот солиғи ўрнига жорий қилинган кутилган қиймат солиғи(ккс)нинг ставкаси дастлаб 25% миқдорида, кейинчалик 20, 19, 18, 17% миқдорларгача туширилди. 1997 й. учун "иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, истиқболлари ва бюджет характерлари тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 469 -қарорига мувофиқ, ККСникг барча товарлар учун солиқ ставкаси 180 фоиз миқдорида, нон, сут, гўшт ва гўшт махсулотлари учун 10 фоиз миқдорида белгиланган бўлиб, бу тадбир аҳоли учун зарур озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида қўлланилади.

Яқин ўтмиш мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига тўсқинлик қилиб қолган молиявий сиёсат камчиликларини намоён қилди. Узоқ даврлар мобайнида мамлакатим иқтисодий ривожланишида молия ва актив молиявий сиёсатнинг ролига етарлича баҳо берилмади. Иқтисодиётда молиявий муносабатларнинг ролини бузиб кўрсатиш содир бўлди, молия ва, молиявий ричагларнинг актив роли инкор этилиб, молиявий сиёсат талаб этилган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган зарур усулларни ишлаб чиқишга ожизлик қилиб қолди, ривожланишнинг узоқ даврига мўлжалланган ибратлик концепцияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, кам самара берадиган, қисқа муддатли фойда олишни кўзлаб қурилган чора-тадбирлар иқтисодиётни аҳволга олиб келди.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, иқтисодий ривожланишда бозор муносабатларига юз тутар экан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгайя-каби, молия ва молиявий муносабатларида ҳам чуқур ислоҳотларни амалга оширишга тўғри келди.

Белгиланган стратегик вазифалар давлатнинг тактик чора-тадбирлари асосида асосан бажарилди. Ҳозирги кунда иқтисодий ўсиш, кўтарилиш даври бошланди. Ялпи ички махсулотнинг ўсиш суръати моделлашди. 1996 йилда саноат ишлаб чиқариш 5,5%га, қишлоқ махсулотлари ишлаб чиқариш 8,5%га ўсди.

Сукурта ишлари ривожланди. Суғурта бозори таркиб топтириш тадбирлари амалга оширилди. Турли мулк шаклларига асосланган суғурта ташкилотлари ва компаниялари тузилди ва фаолиятини бошлаб юборди. «Мадад» суғурта агентлиги, «Ўзбекинвест» халқа"ро сурурта ташкилоти иш бошлади.

Товарлар ва хизматларнинг мамлакатлараро ҳамакатини тартибга солиб турувчи, миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган бож сиёсати такомилланишиб борди. Бу сиёсат ҳозирги кунда мамлакат ички бозорига паст сифатли, инсон саломатлигига путур етказувчи товарларни кириб келишини олдини олиш ва илғор технологиялар, фан-техника ютуқлари натижаларининг мамлакат иқтисодиётига кириб келишини рағбатлантириш йўлидан оғишланмай бормоқда.

Молиявий сиёсатининг ҳозирги кувдаги вазифалари қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим.

1. Республика давлат бюджетдаги камомадни йўл қўйилган энг кам даража доирасида (ЯММнинг 3-4%и атрофида) чеклашга йўналтирилган қаттиқ молиявий сиёсатни ўтказиш.
2. Давлат ҳаражатларининг биринчи навбатида иқтисодиётдаги зарур таркибий ўзгаришларни ўтказиш, ишлаб чиқаришнинг орқага кетшнга барҳам бериш мақсадларини кўзлаб йўналтиришни таъминлаш.
3. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аҳолининг конституция билан кафолатланган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминловчи молиявий базани яратиш, эркик меҳнат ва иш билармонлик асосвда аҳоли турмуш даражасини кўтариш зарур шарт-шароит яратиши. Бу

мақсадларда уларга солиқлардан имтиёзлар бериш, имтиёзли кредитлар бериш, мақсадли фондлардан молиявий қўллаб-қувватлаш. I

4. Ижтимоий ҳимоянинг адресли бўлишига, молиявий маблағларнинг ижтимоий ёрдамга ҳақиқатда муҳтож аҳоли қатламларига етиб боришини таъминлашга эришиш.

5. Давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигани таъминлаш. Давлат бюджети камомадининг ЯИМнинг 3-4%и миқдорида бўлишига эришиш; бюджет интизомига қатьий риоя қилиш.

6. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш:

- солиқ, тизимининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, тиббий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсирини ошириш.

- Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтириш, қўшилган қиймат солиғидан олинадиган солиқ ставкасини камайтириш ва шу асосда ишлаб чиқаришни жонлантиришга туртки бериш.

- Солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солиғининг ролини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ўндиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш;

7. Муайян бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан махаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара ўтказиш.

8. Давлат бюджети даромадларини катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини мустаҳкамлаш;

9. Солиқ сиёсати белгилаб бергав чора-тадбирларни амалиётга тадбиқ этувчи тегишли молия механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Назорат учун саволлар:

1. Бозор ислоҳотлари шароитида давлат молия сиёсатининг вазифалари ва хусусиятлари?
2. Молия механизмининг хўжалик механизмида тутган ўрни?
3. Молиявий дастаклар самарали фаолиятини таъминлаш муаммолари?
4. Молия механизмининг институционал таркиби?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
2. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
3. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
4. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й.

1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.

5. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.

6. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.

7. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.

8. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.

9. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.

10. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.

11. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.

12. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.

13. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.

14. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.

15. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.

16. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.

17. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.

18. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.

19. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.

20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.

2. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.

3. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,-160с.

4. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. -180с.

5. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. -325с.
6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.
7. Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

7-Мавзу : Молияни бошқариш (2 соат).

Режа:

1. **Молияни бошқариш ҳақида тушунча.**
2. **Молияни бошқариш органлари ва уларттг функциялари.**
3. **Бозор иқтисодиёгига ўтиш шароитида молиявий режалаштиришдаги ўзгаришлар.**

Таянч иборалар:

- ***Молияни бошқариш;***
- ***Молия тизими;***
- ***Молияни бошқариш органлари;***
- ***Молия Вазирлигининг функционал таркиби ва вазифалари***
- ***Солиқ қўмитасининг функционал таркиби ва вазифалари;***
- ***Молияни оператив ва стратегик бошқариш***
- ***Давлат молиясини бошқаришнинг стратегик вазифалари***

1. Молияни бошқариш ҳақида тушунча.

Бошқарув - бу маълум бир ижобий натижага эришиш учун, услублар ва тамойиллар йиғиндиси орқали бирор объектга мақсадга мувофиқ таъсир этишдир. Инсон фаолиятининг барча соҳаларига, шу жумладан молиявий соҳасига ҳам бошқарув жараёни тааллуқлидир.

Молиявий бошқарувни маълум бир услуб ва тамойилларга ҳамда рағбатлантириш ва санкцияларга таяниб махсус аппарат амалга оширади. Маълумки, у ёки бу кўринишдаги вазифаларни бажаришда турли хил йўналишдага ечимлар мавжуд бўлади, аммо уларни самарали ечишюшг ўзига хос бўлган муаммоларни бор имкониятлардан тез ва самарали фойдаланиш ёҳуд, янги давр талабига мос бўлган услубларни жорий этиб кўзланган мақсадга эришишдир.

Ҳар қандай бошқарув тизимига хос бўлгани каби, молияни бошқаришда ҳам объектлар ва субъектлар мавжуд бўлади.

Молияни бошқаришнинг объекти бўлиб турли молиявий муносабатлар ҳисобланади. Масалан: давлат бюджети, пенсия фонди; корхоналар ихтиёридаги марказлашмаган фондлар ва суғурта муносабатлари. Молиявий муносабатларнинг туркумланишидан келиб чиқиб, ушбу объектларга қуйидаги молияни бошқарув субъектлари мос келади: молия органлари ва солиқ инспекциялари, молия хизматлар, (бўлим) ва суғурта органлари.

Молияни бошқаришни шакллантирувчи ташкилий - тузилмавий аппаратга молиявий аппарат дейилади. Молия тизимининг барча соҳа ва бўғинларида, мақсад қилинган натижага эришиш учун молиявий бошқарув субъектларидан ўз йўналишлари бўйича самарали фойдаланилади. Бироқ, улар учун молиявий бошқарувнинг умумий услуб ва қоидалари мавжуддир. Жумладан, молияни бошқаришда бир нечта умумий хусусиятга эга бўлган функционал элементлар мавжуд.

1.Режалаштириш;

2.Оператив бошқариш;.

3.Назорат.

Молияни бошқариш функционал элементлари ичида асосий ўринни режалаштириш ташкил қилади. Чунки айнан режалаштиришда субъект ҳар томоилама ўзининг молиявий ҳолатини баҳолай олади, яъии молиявий ресурсларнинг қандай ҳолатдалиги, қандай кўрсаткичлар молиявий ресурслардав устивор аҳамиятга молик бўлган йўналишларда фойдаланилиши ва ҳ. к.

Субъект молияни бошқариш қарорини жуда тўғри ва тўлиқпигича ишончли бўлган молиявий маълумотларга таянган ҳолда тасдиклайди. Акс ҳолда салбий натижаларга дуч келиш табиийдир.

Оператив бошқариш бу - минимал ҳаражат қилиб максимал самарага эришиш ва молиявий ресурсларни юқори самара олиш учун қайта тақсимлашга қаратилган комплекс ишлар йиғиндисидир. Оператив бошқариш эгилувчанлик хусусиятига эгадир.

Назорат - бошқарув элементи сифатида бир вақтнинг ўзида молияни режалаштиришда ҳамда оператив бошқаришда қўлланилади. Назорат ҳақиқий натижа билан режадаги кўрсаткичларни таққослашга ёрдам беради, молиявий ресурсларни ўстириш йўлларини кўрсатади ва улардан самарали хўжалик юритиш йулларини кўрсатиб беради.

Молияни бошқариш шартли ҳолатда умумий бошқарув ва оператив бошқарув гуруҳларига бўлинади. Молияни умумий бошқарув субъектларига: Олий мажлис, Вазирлар маҳкамаси ва Президент-девони ташкил этади. Молия оператив бошқарув субъектларига: Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари, суғурта ташкилотлари, хўжалик субъектларининг молия бўлим (хизмат) лари ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти шароотида молияни бошқаришни илмий асосланган ҳолда, ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибасидан ҳамда республика ичидаги хусусиятларни ҳисобга олиб ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Молияни бошқариш органлари ва уларнинг функциялари

Ўзбекистон Республикасида молияни умумий бошқаришни Конституцияга асосан Олий мажлис, Вазирлар маҳкамаси ва Президент девони амалга оширади. Молияни оператив бошқариш молиявий аппаратга юклатилган. Давлат оператив бошқариш ёрдами билан тармоқлар иқтисодвдаги барча тузулмаларда молияни бошқаради. Айнан молиявий аппарат молиявий режалаштириш ишларини, ҳисоб ва таҳлил, назорат ва тартибга солиш, молия режасини тузиш ва бажариш вазифаларини бажаради.

Тармоқлар иқтисодидаги хўжалик субъектларининг молиясини бошқаришни молия бўлимлари ўз зиммасига олса, суғурта фаолиятида махсус суғурта тузулмалари бажаради ва давлат молиясини бошқаришни барча чора-тадбирларни Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси амалга оширадилар.

Молияви бошқаришни тўғри ташкил қилиш улардан самарали фойдаланишни белгилаб беради. Биринчи навбатда, молияни бошқариш субъектлари томонидан ишни қай йўсинда ташкил қилинганлиги оператив бошқарув органлари фаолиятига бевосита таъсир қилади. Шунга таянган ҳолда молиявий аппаратнинг мавқеи анча юқори бўлиши шарт. Акс ҳолда молиявий тузилма ишчиларнинг малакаси ва мутахасислигига бўлган юқори талабни амалга ошира олмайди ва натижада молияни бошқаришда оқсоқликка юз тутади.

Ҳозирги кунда Молия Вазирлигининг аппаратида вазирдан ташқари еттита вазир муовини мавжуддир. Шу билан бир қаторда Вазирлик аппаратида бир нечта мақсадли йўналтирилган бошқармалар мавжудки, улардан асосийлари бўлиб: давлат бюджети бош бошқармаси; аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий ривожлантиришни молиялаштириш бошқармаси; солиқ сиёсатини бошқариш; пул муомаласини бошқариш; агросаноат комплексини тартибга солиш ва молиялаштириш бош бошқармаси; бош назорат тафтиш қўмитаси ва бошқалар.

Бугунга кунда Давлат Солиқ қўмитасининг асосий функциялари қуйидагалардан иборатдир.: солиқ қонунчилигани ҳаётга тадбик қилиниши устидан назорат; барча солиқлар ва солиқ вазифасини бажарувчи мажбурий тўловларни субъектлардан тўлиқлигича ва ўз вақтида давлат бюджетига тушириш; солиқ қонунчилигани такомиллаштириш бўйича молияни умумий бошқарув органларига таклифлар бериш ва ҳ. к.

Давлат Солиқ қўмитаси олдинги даромадларини бошқариш тузилмаси ўрнида вужудга келган бўлиб ўзига хос хусусиятларга эга. Давлат Солиқ қўмитаси вертикал тузилмага эга бўлиб, унга вилоятлардаги солиқ бошқармалари бўйсунади, солиқ бошқармаларига эса туманлардаги маҳаллий молия органлари таркибига бевосита кирмайдиган солиқ инспекциялари бўйсунади.

Мамлакатда молияни бошқаришдаги тузулмавий ўзгаришларни ташкил этиш асосий мақсад эмас, балки молия тизимининг жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга таъсирини ошириш бириичи томондан бўлса, иккинчи томондан тармоқлар иқтисодини қайта кўриб тезда бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтишни таъминлашдир.

Молияни бошқаришни қайта қуришнинг марказий бўғинларидан бўлиб маҳаллий - худудий субъектларнинг эркин молия сиёсатини юргазишни таъминлашдир. 1999 йилда маҳаллий бюджетлар даромади давлат даромадининг қарийиб 60%дан юқорисини ташкил қилмоқда.

Мазкур кўрсаткич молияни бошқаришдаги илк ижобий натижалар нишонасидир.

3. Бозор иқтисодига ўтиш шароитида молиявий режалаштиришдаги ўзгаришлар

Молиявий режалаштиришнинг объекти бўлиб хўжалик субъектлари ва давлатнинг молиявий фаолияти ҳисоблакади. Ҳар бир хўжалик субъекти

молиявий режасинй тузади, яъни бу алоҳида муассасанинг смета ҳаражатларидан тортиб то давлатнинг йиғма молия балансигача қамраб оладиган муҳим жараёндир.

Ҳар қандай молия режасида маълум бир даврга мўлжалланган ҳамда молия ва кредит тизими билан боғлиқ бўлган даромадлар ва ҳаражатлар аниқланади.

Умуман олганда молия тизимининг барча соҳа ва бўишларида, фаолиятидан келиб чиқиб, молиявий режалар тузилади. Масалан: тижорат асосида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари даромадлар ва ҳаражатлар баланси, нотижорат асосида фаолият кўрсатаётган муассасалар эса смета ҳаражатлари кўринишида молиявий режа тузадилар.

Молиявий режалаштиришнинг аниқ вазифаларини молия сиёсати аниқлаб беради. Улар таркибига қуйидагилар киради: режали топшириқларни бажариш учун зарур бўлган молиявий ресурслар миқдори ва уларнинг манбалари; ҳаражатларни иқтисод қилиш ва даромад резервларини оширишни аниқлаш; марказлашган ва марказлашмаган фондлар ўртасидаги тақсимлашларни оптимал йулларини кидириб топиш ва бошқалар.

Иқтисодиётни маъмурий бошқариш шароитида молиявий режалаштириш директив хусусиятга эга бўлиб, давр талабига мос эгилувчанликка молик эмас эди. Режалаштириш 5 йиллик, 20 йиллик кўринишларга хос эди. Зотан, 1 йиллик режалаштириш мавжуд бўлсада, у юқоридаги директив режалаштиришдан келиб чиқар эди. Молиявий режалаштиришда асосий урғу тақсимлашга қаратилса, бозор иқтисодида асосан айирбошлашга қаратилгандир. Чунки, айнан айрибошлашда товарлар ва ишлаб чиқаришга кетган ҳаражатлар намоён бўлади. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида молиявий режалаштиришнинг асосий ва устивор иқтисодий кўрсаткичлари бўлиб, товар ва хизматларни ишлаб чиқиш ва сотиш механизмида қатнашадиган пул, баҳо, қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни мужассамланади.

Бозор иқтисодиёти молиявий режалаштиришни рад этмайди. Аммо, бозор муносабатлари режали иқтисодиётга қараганда режалаштиришни эгилувчан, яъни давр талабига мослаб ўзгартириб боради. Молиявий режалаштириш бир нечта услубларга таянган ҳолда амалга оширилади. Шулардан асосийлари бўлиб қуйидагалар ҳисобланади:

1. Экстраполяция усули;
2. Норматив усули;
3. Математик моделлаштириш усули.

Экстраполяция усулининг моҳияти шундаки, ўтган ҳисобот даврининг молиявий натижаларидан хулоса чиқариб келгуси ҳисобот йили учун молиявий режани тузишни кўзда тутади.

Норматив усулда, белгиланган норма ва нормативлардан фойдаланиш кўзда тутилади. Масалан: бюджет муассасаларида 1-синфда нечта бола ўқиши лозим, санаторияда қанча жой бўлиши керак ва ҳ.к.

Математик моделлаштириш усулида, асосан, молиявий моделлаштиришни реал иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга таянган ҳолда кўрилишини белгилаб беради.

Ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг характерига, мураккаблигига ва даврини узоқлигига қараб, молиявий сиёсат:

1.Молиявий стратегая.

2.Молиявий тактикага

Молиявий стратегия деб корхонани молиявий ресурслар билан таъминлаш учун тузилган асосий режанинг тарзига айтилади. Корхонани молиявий стратегияси ўз ичига корхонанинг молиявий аҳволининг таҳлилини асосий ва айланма маблағларини оптималлаштириш, даромадни тақсимлаш, нақд пулсиз тўлашларни, солиқ ва нархлар сиёсатини, қимматли қоғозлар жараёнидаги сиёсатни олади.

Молиявий стратегия корхонани молиявий имкониятларини, ички ва ташқи факторларни холисона характерини ҳамма томонлама эътиборга олади. Агар молия стратегияси корхонани ресурслар бозорида мавжуд бқлган молиявий-иқтисодий имкониятларига жавоб бермаса у муваффақиятсизликка учраши мумкин, ёки банкрот бўлиши мумкин.

Молия стратегия **асосий** ва **оператив** бўлиши мумкин.

Асосий молия стратегияси деб, корхонани фаолиятини аниқловчи бюджетни ҳамма даражасида бўладиган ўзаро муносабатларига, корхонани даромадларини ташкил этиб уни сарфлашга, эҳтиёжлик миқдорини ва бир йилда молиялаштириш манбаларига айтилади.

Оператив молия стратегияни, асосий молиявий стратегиядан фарқи, у ўз ичига ялпи даромдларни ва маблағларни кўпайишини (иш ҳақи, сотилган маҳсулот учун сотиб олувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш, кредит операцияларидан тушумлар) ва ҳамма ялпи харажатларини (таъминловчилар билан ҳисоб-китоб, иш ҳақи, ҳамма даражадаги бюджетлар ва банклар билан мажбуриятларини узмоқ) олади.

Молиявий стратегия - ижтимоий ва иқтисодий стратегияни белгалаб берган узоқ истиқболга мўлжалланган ва йирик масштабдаги вазифаларни бажаришга қаратилган бўлиб, у молия ривожланишининг асосий концепцияларини ишлаб чиқиш, молиявий муносабатларни ташкил этиш тамойилларини белгилашни кўзда тутади. Молиявий стратегая узоқ муддатли мақсадларни танлаш ва мақсадли программаларни зарур молиявий ресурслар билан таъмивлаш, уларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланишиинг асосий йўналишларида мужассамлаштиради ва кўзда тутади.

Молиявий тактика - стратегия белгилаб берган вазифаларни жамият ривожланишиининг конкрет босқичида молиявий муносабатарни ташкил этиш усуллари орқали амалга оширади.

Ривожланишнинг ҳар бир босқичининг молиявий стратегияси объектив иқтисодий шароитни ҳисобга олувчи иқтисодий стратегиянинг вазифалари билан белгиланади. Масалан, мамлакат иқтисодиётини" бозор муносабатларига ўтказишнинг дастлабки босқичида давлат иқтисодий сиёсатининг асосий стратегик мақсадлари қўйидагача белгиланади:

- Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтиеодиётини боқичма-босқич шакллантириш;
- Кўп укладли иқтисодиётни яратиш: хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши таъминлаш;
- Корхоналар ва фуқародарга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлат тмонидан арлашувида маъмурий-буйруқбозлик усуллари ва рағбатлантириш воситаларидан фойдаланиш;

Иқтисодиётда чуқур структуравий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш.

Мазкур иқтисодий стратегик вазифаларни амалга оширишда қуйидаги йўналишларда молиявий тактика ишлаб чиқилади ва тегишли молия механизми шакллантирилади:

- қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш, давлат бюджети дефицитини иложи борича камайтириш, дотация ва субсидияларни босқичма-босқич қисқартириб бориш;
- бюджетдан маблағларни энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина ажратишлар;
- инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш;
- солиқ тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадаларини барқарор бўлиб туришини таъминлайдиган пишиқ-пухта солиқ сиёсатини олиб бориш ва ҳ. к.

Молиявий сиёсатнинг стратегияси ва тактикаси ўзаро боғлиқдир. Тактик вазифаларни ҳал қилиш учун стратегия қулай шарт-шароит яратади.

Тактика эса, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ривожланишнинг ҳал қилувчи жойларни ва муҳим муаммоларни аниқлаб молиявий боғлиқликларни ташкил этиш шакллари ва усулларни ўз вақтида ўзгартириш йўли билан стратегия балгалаб берган вазифаларни қисқа муддат ичида, энг кам харажатлар билав амалда бажаради.

Молиявий сиёсат инсон фаолиятининг махсус шакли сифатида усткурма категорияларига таълуқлидир. У билан жамиятнинг иқтисодий базиси орасида чамбарчас ботланган ўзаро боғлиқлик мавжуддир. **Бир томондан**, молиявий сиёсат иқтисодий муносабатлаг орқали вужудга келади, **иккинчи томондан**, иқтисодий базис асосида вужулга келиб ва ривожланиб, моилявий сиёсат маълум бир мустақилликка эга. Шунинг учун у иқтисодга, молиянинг аҳволига тескари таъсирини ўтказади. Бу таъсир ҳар хил бўлиши мумкин: бир хил пайтларда сиёсий чора-тадбирларни ўтказиш орқали иқтисодни ривожлантиришга қўлай шарт-шароит яратилади, бошқларда эса у тўсқинлик қилади.

Молиявий сиёсат молиявий муносабатлар моҳиятини ўзгартиролмайди. Лекин, давлат молиянинг моҳиятини билиб, уни ўз манфаатларига қаратишга ҳаракат қилади.

Молиявий муносабатлар - объектив воқелик, иқтисодий муносабатининг бир қисми бўлиб, жамиятнинг иқтисодий базасини ташкил қилади. Молиявий сиёсат эса базисга асосланади, шу базисдан келиб чиқади. Молиявий сиёсат илмий асосланган молиявий назарияга таянади ва тажрибага кўрсатма беради,

шу тариқа молиявий сиёсат назарияни тажриба билан боғлайди. Тажриба эса назариянинг туғрилигини текшриш мезонидир.

Молиявий сиёсат қуйидаги вазифаларни бажаради:

- биринчидан, молиявий ресурсларнинг ҳажмини ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Молияви сиёсат кўзда тутаётган тадбирларни, улар билан боғлиқ бўлган харажатларни реал мавжуд бўлган молиявий ресурслар билан

таъминланишига эришиши керак. Шунингдек, ажратилаётган ҳар бир сўмлик ресурсдан максимал даражада самарага эришишни таъминлаш лозим;

- иккинчидан, молиявий ресурсларнинг тақсимотида оптимал пропорциаларнл белгилаш, улардан рационал фойдаланиш. Молиявий сиёсатнинг бу вазифаси корхона даромадларининг давлат ихтиёрига ўтишининг рационал шаклларини белгилаш, аҳолининг давлат даромадларини шакллантиришдаги ҳиссасини тўгри белгилаш, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги тақсимлаш пропорциаларини оптималлаштириш йўллари билан бажарилади;

- учинчидан, муҳим ва мураккаб вазифаси, тегишли молия механизмини ишлаб чиқиш, иқтисодий сиёсат белгилаб берган ривожланиш йўналишларини таъминлаш мақсадида уни такомиллаштириш.

Ўзбекистон солиқ тизимида узоқ давр мобайнида самарали фаолият қилиб қолган оборот солиғи ўрнига жорий ққлинган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) нинг ставкаси дастлаб 25 % миқдорида, кейинчалик 20, 18 % мивдоригача туширилди. Ҳозирги пайтда давлатнинг молиявий сиёсати Узбекистон Республикаси Солиқ Кодексига (Ўзбекистон Республикасининг қонуни N 396-1, 24 апрель 1997 йилда тасдиқланган) ва 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини ривожланишини прогнозларига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори N 540, 05 декабрь 1997 йилда) мувофиқ амалга оширалаяпти. Унда, ҚҚС нинг барча товарлар учун солиқ ставкаси 20 % миқдорида нон, сут, гўшт ва гўшт мағсулотлари учун 10 % миқдорида белгиланган бўлиб, бу тадбир аҳоли учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида қўлланилади.

Яқин ўтмишда, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга тўсқинлик қилиб қолган молиявий сиёсат камчиликларини намоён қилди. Узоқ даврлар мобайнида мамлакатни иқтисодий ривожланишида молия ва актив молиявий сиёсатнинг аҳамиятига етарлича баҳо берилмади. Иқтисолиётда молиявий муносабатларнинг аҳамиятини бўзиб кўрсатиш содир бўлди, молия ва молиявий ричагларнинг актив аҳамияти инкор этилиб, молиявий сиёсат талаб этилган муаммоларни ҳал қилишга қаратилаган зарур усулларни ишлаб чиқишга ожизлик қилиб қолди. Ривожланишнинг узоқ даврига мўлжалланган ибратлик концепцияларни ишлаб чиқилмаганлиги, кам самара берадиган, қисқа муддатли фойда олшни кўзлаб қўйилган чора-тадбирлар иқтисодиётни оғир аҳволга олиб келди.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, иқтисодий ривожланишда бозор муносабатларига ўтишда, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби, молия ва молиявий муносабатларда ҳам чуқур ислоҳотларни амалга оширишга тўғри келди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодий стратегия қуйидаги вазифаларни бажаришни кўзда тутди:

1. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;
2. Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга рлган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш.

Президентимиз И. Каримов белгилаб берган иқтисодий стратегиядан келиб чиққан ҳолда, бозор иқтисодиётини биринчи босқичмда молия ва солиқ сиёсатининг биринчи даражадаги чора-тадбирлари ва устивор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- Барқарор молиявий сиёсатни амалга ошириш, давлат бюджети дефицитини иложи борича камайтириш, бюджетдан бериладиган дотация ва субсидияларни барча турларини босқичма-босқич қисқартириб бориш;
- Бюджет маблағларини даромад тушгандан кейингина тақсимланадиган йўлдан оғишмай бориш, биринчи даражали, энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгана бюджетдан маблағ ажратиш;
- Халқ хўжалиги тармоқларини, айрим корхоналарнии ривожлантириш учун бюджетдан қайтариб олмасликни кўзда тутиб таъминлаш амалиётидан воз кечиш, ана шу мақсадларда инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш;
- Солиқ тизимини такомиллаштириш бюджет даромадларини бэрқарор суръатда тўлаб туришни таъминлайдиган, чичик ва хусусий корхоналарнивг, чет эл капитали иштирокидаги қайта ишлайдиган ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарни ривожланишини рагбатлантирадиган солиқ сиёсатини олиб бориш.

Назорат учун саволлар:

1. Молиявий бошқарувнинг модияти ва ташкилий тамойиллари?
2. Молиявий бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари?
3. Давлат молиясини бошқаришнинг ҳозирги замон стратегик вазифалари?
4. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Солиқ қўмитаси фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича оҳирги йиллардаги давлаттадбирлари?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
2. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997,- 326 б.
3. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.

4. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й.1-12 сонлари, 1998й.1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.
5. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.
6. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
7. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
8. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.
9. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
10. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.
11. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
12. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
13. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.
14. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
15. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида"ги қонуни.1993йил 6май.Т.: 1993.
16. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.
17. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
18. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
19. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.
20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
2. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
3. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,- 160с.
4. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. -180с.

5. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. -325с.
6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.
7. Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

8-Мавзу: Молиявий режалаштириш ва истиқболни белгилаш (4 соат).

Режа:

1. Молиявий режалаштириш ҳақида тушунча, унинг моҳияти ва бозор иқтисодиёти шароитида молиявий режалаштириш мазмунивинг ўзгариши.

2. Тижорат фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда молиявий режалаштириш асосий моҳияти.

3. Нотижорат фаолияти билан шуғулланувчи муассаса ва ташкилотларда молиявий режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

4. Молиявий режалаштириш жараёнида иқтисодий-математик моделлардан фойдаланиш хусусиятлари.

Таянч иборалар:

- Молиявий режалаштириш;
- Бюджетни режалаштириш;
- Прогнозлаштириш;
- Назорат рақамлари;
- Молиявий режалаштиришда экстрополяция усули;
- Молиявий режалаштиришда экпертиза усули;
- Молиявий режалаштиришда иқтисодий математик моделлаштириш усули;

1. Молиявий режалаштириш ҳақида тушунча, унинг моҳияти ва бозор иқтисодиёти шароитида молиявий режалаштириш мазмунининг ўзгариши.

Молиявий режалаштириш - халқ хўжалигини бошқаришнинг таркибий қисми бўлиб, давлат пул маблағларни ташкил этиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва ишлатиш жараёнларини режали бошқаришдир.

Молиявий режалаштириш халқ хўжалигини режалаштариш каби, иқтисодиётнинг пропорционал ва балансли равишда ривожланиши, бирламчи халқ хўжалиги комплексининг ҳамма бўғинларидаги фаолиятларни координациялаш, ижтимоий ишлаб чиқаришда юксак суръатларпи таъминлаш ва халқнинг моддий фаровонлиггцинг тўхтовсиз ўсиб боришини таъминлашга йўналтирилган.

Молиявий режалаштиришни асосий объекти - *молиявий ресурслардир.* Улар жами ижтимоий маҳсулотнинг ва миллий даромаднинг манбаи бўлиб, уларнинг таркибига халқ хўжалигининг пул жамғармалари, амортизация

ажратмалари, ташқи иқтисодий алоқалардан тушадиган тушумлар ва аҳолидан тушадиган даромадлар киради. Молиявий ресурсларнинг ташкил топиши, тақсимланиши ва ишлатилиши кредит маблағларнинг харакати билан, ишлаш доираси бир-биридан ажралишига қарамай (баъзан улар бир-бирини тўлдира олади ва ҳаттоки пул маблағларини бир-бири билан алмаштира олади), ўзаро боғланган. Шунинг учун халк хўжалик томонйдан қараб чиқилганда молиявий режалаштириш ўз ичига кредитни режалаштиришни ҳам олади.

Молиявий режалаштиришнинг асосий мақсади бўлиб - молиявий ресурслар ҳажмининг ўсиши ва уларга бўлган эҳтиёжлар кўпайишининг мослигини таъминлаш; ресурсларни ташкил топиши манбаларни кўпайишини мослигини таъминлаш; ресурсларни ташкил топиш манбаларни ва шу манбаларни сарфлашда конкрет йўналишларини аниқлаш; ҳалқ хўжалик соҳалари ва регионлар орасида уларнинг тақсимланишини оптимал ва пропорционал равишда белгилаш майдонга чиқади.

Молиявий режалаштириш *дастлабки* ва *жамланган* бўлиб, молиявий режаларни тузиш ва ижро этиш орқали амалга оширилади.

Дастлабки режалаштиришга корхоналарнинг, моддий ишлаб чиқариш ташкилотларининг, ноишлаб-чиқариш ташкилотларининг, харажатлари тўлиқ ёки асосий қисми давлат бюджети ёки махсус маблағлар орқали қопланадиган давлат муассасаларининг режалари киради.

Жамланган молиявий режалаштириш умумдавлат, тармоқ ва территориал бўлади.

Ҳамма молиявий режалар бирламчи тизими давлат бюджети орқали таъминланади ва давлатнинг асосий молиявий режаси дейилади.

Бюджетни режалаштириш деб - маълум бир режали вақт ичида молиявнй ресурсларнинг миқдори, умумдавлат мақсадларини амалга ошириш учун давлат бюджстига келнб тушишини ва сарфланишини аниқлайдиган жараёнга айтилади.

Бнр вақт ичида давлат бюджет сиёсатини ўзига хос хусусиятлари билан боглиқ бюджет тизимини айрим бўпшлари орасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш кўрсаткичларини аниқлайди.

Ҳар бир бюджет харажатларининг таркиби айрим давлат маҳаллий ҳокимият органлари орасидаги давлат функцияларини тақсимланишига боғлиқ бўлади, масалан: даромадларнинг таркиби ва ҳажми - давлат солиқлар тизими ва солиқлар сиёсатига хос хусусиятлар, ҳамда бюджетни тартибга солиш тизимининг хусусиятлари.

Ҳалқ ҳўжалик тизимида ва режаларни молиялаштиришда асосий ўринни давлат орқали жамланган молиявий баланс - *давлат бюджети* эгаллайди. Унда бир-бири билан молиявий-ашёвий шаклида таққослаб бўлмайдиган ҳамма ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маҳсулотлари пул шаклида жамланади.

Балансли усул зарур бўлган ҳисоботлар орқали режани реал ва балансли эканлигини текшириб чиқишни, ҳалқ ҳўжалигинннг ривожлаишига керакли умумиқтисодий пропорцияляриг риоя қилишни, давлат бюджетини, тармоқлар молиявий режаларини, банкларни кредит ва касса режаларини ва умуман молиявий режалар тизимини баланс шартлари билан таъминлайди.

Ижтимоий соҳаларнинг кўплигига, ҳозирги замонда бўлиб ўтаётган ўзгаришларнинг анчаси норма бўлиб қолган ва шундан келиб чиққан ҳолда раҳбарларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб фаолиятларини муваффақиятига таъсир этадиган кутилган ва кутилмаган ўзгаришларни бартараф қилишдир. Бу ўз^аришлардан сиёсий ўзгариш, пулнинг қийматини ўзгариши, иқтисодий ва технологик ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Охирги йилларда бу ўзгаришларни тезлиги ўсиб бормоқда ва улар кескин, кутилмаган бўлиб қолмоқда. Омилларнинг ўзгаришини аниқловчи рўйхат етарли даражада бўлиб, ҳар хил шароитда ўзгариб боради, шунинг учун у билан фойдаланишга ягона ишлаш усули бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир корхона ўз фаолиятини иқтисодий аҳволини ҳар томоилама таҳлил қилиб, афзалликларини ва камчиликларини намоён этиши ҳамда шароитини тушуниши учун имкон қадар кўп изланиб ўрганиши шарт.

Бу таҳлил натижасида ўзгаришларнинг тузилишини аниқлаб ва зарур бўлса уларга таъсир этиш мумкин. Бу ишда асосий аҳамиятга эга бўлган йўналишлардан бири - корхона молиявий аҳволи ўзгаришларининг ҳисоботини ишлаб чиқишдир.

Молиядан бошқа ҳеч қандай соҳада бу ҳодисалар сезиларли даражада бўлмаган ва молиявий менежерларни хавф-хатар ва ноаниқлик ҳолатида қолдирмагаи.

Ҳавф-хатарлик аниқланишшш баҳолаш ва режалаш мумкин, лекин ноаниқликнн баҳолаш ва режалаш мумкин эмас. Молиявий менежерлар режанинг мезонларини бир ҳил қилиб олишолмайди, чункн мезонлар субъектив бўлиб, уларга маълум даражада ташқи шароитлар таъсир этади. Аммо, режалаштнриш ҳсч қачои тўлиқ ҳавфсизликда бўлишлигиин таъминламайди ва инқпрознинг олдини олишга упдайди. Молиявий менежер қуйидаги усулларни ўрганиши шарт:

-айланма капиталга таъсир этувчи омиллар: хом-ашё, материалларнинг баҳоси, ишчиларнинг ойлиги, сотув баҳоси, кредит шартлари, капиталнинг айланиши (пулнинг товарга ва қайтапулга айланиш даври);

-даромадга таъсир этадиган омиллар: олдинги ва ҳозирги солиқ қонунлари, хорижий валюта курси, рақобат;

-капиталга, акционер капиталига, кредитга таъсир этувчи омиллар: инфляция ва ҳукумат сиёсати, фоизлар ставкаси, тўлов баланси, капиталга умумий талаб, инвестициои сиёсат(масалан: акционер капнталга қарашли мулк).

Иқтисодий барқарорлик бўлмаган шароитда одатдаги режалаштириш усуллари доим ҳам фойдали бўлмаслиги мумкин. Уларга ташқи шароитлар таъсирининг етарли эмаслиги хосдир. Эгилувчан тизимли режалаштириш асосида, борган сари кўпроқ ташқи шартларнинг ривожланишига тааллуқли ҳар хил таклифларга асосланган фаолият тадбирлари ишлатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ривожланишининг имкон бўлган йўлларини ўрганиб ва ишлаб чиқиш учун молиявий прогнозлаштириш зарур. Унинг асосий вазифаси - келажак даврда молиявий ресурслар ҳажмини

аниқлаш, уларнинг манбаларини ифодалаб ва иложи борича самаралироқ ишлатиш йўлларини белгиламоқдир.

Прогнозлаш, молиявий сиёсатни амалга оширишда пайдо бўлаётган шароитларни яхшилаб ўрганиб ва кўриб чиқишга имкон яратади, ички ва ташқи шароитларни инобатга олган ҳолда таҳлил қилиб, корхонани молиявий ва бозор шароитида фаолиятини мустаҳкамлашга келажакдаги молиявий стратегаяни аниқлайди.

Корхона тараққиёти шароитларини ташкил этишда бошланғич бўлиб - **прогнозлаштириш** (ёки истиқболни белгилаш) майдонга чиқади. У ўз ичига қуйидагиларни олади:

Биринчидан, акция курсини, қурилишга берилган лицензияларни буюртмаларини ҳажмини, асбоб ускуналарни етказиб бериш каби бозор кўрсаткичларни синчиклаб кузатиш. Тегишли статистик қаторлар кўпиича умумиқтисодий ўзгаришлар тўғрисида огоҳлантиради.

Иккинчидан, прогнозлаштириш моделларининг ҳар бири иқтисод соҳасининг у ёки 6у томонини илмий тавсифини берган ҳолда фойдаланишни мўлжаллайди Модсл ичига динамик (ўзгаришларга бой) кўрсаткичлар ҳам кирптилади, шу қаторда фискал амалиётида юз бернши мумкин (эҳтимоли) бўлган ўзгаришлар ҳам эътиборга олинади.

Натижа бўлиб, келгуси йилга иқтисодий ўсиш, меҳнат ва капитал бозорларнинг аҳволини прогнози бўлиши керак.

Конъюнктуравий прогноз баҳолари сиёсатчиларга керак бўлгани каби, тадбиркорлар учун инвестициялар, маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар тўғрисида мўлжал бўлади.

Эътибор бериш керакки, амалиётда иқтисодий прогнозлаштириш баҳоларнинг тўғрилигини етарли даражада кўрсатиб ва тасдиқлаб бера олмайди, чунки йирик иқтисодий ўзгаришларни прогнозлаштириш хизмати олдиндан кўра олмайди.

Прогнозлаштиришга тўсқинлик қилувчи омиллардан бири иқтисодий сиёсатнинг мафкуралаштирилишидир.

Молиявий режалаштириш жараёни иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Бундай иқтисодий кўрсаткичлар қуйидагилардир: маҳсулот чшлаб чиқариш, таннарх, фойда ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий режалаштириш жараёнини амалга ошириш анча қийинчиликларга, тўсиқларга дуч келинмоқда.

Молиявий режаларни тузиш жараёни асосан уч босқичда олиб борилади:

Биринчи босқич - ўтган базис йилида эришилган ҳамма иқтисодий. кўрсаткичлар бўйича, масалан, ишлаб чиқариш режаси, маҳсулот реализацияси, таннарх, асосий ва оборот фондларининг фойдаланиш даражаси ва шу кабилар бўйича чуқур иқтисодий тахлил қилинади.

Иқтисодий тахлил жараёнида даромадларнинг кўпайтириш йўллари изланади, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш йўллари ва чора - тадбирлари кўрилди ҳамда шулар асосида хомаки ҳисоблар ҳал килинади.

Иккинчи босқичда - биринчи босқичдаги маълумотларга асосланиб, даромад ва харажатларнинг конкрет турлари бўйича молиявий ҳисоб-китоблар

қилинади. Маълумки, молиявий кўрсаткичлар синоптик характерга эгадир, чунки улар бутун ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий якунини кўрсатади. Дастлаб, шу кўрсаткичларга асосланиб ишлаб чиқаришнинг ўсиши юзасидан хулосалар қилинади ва шу асосда молиявий кўрсаткичларни ўсиши ҳисоб-китоб қилинади.

Учинчи босқичда - даромадлар ва харажатлар тенглаштирилади, иқтисодий таҳлил жараёнида даромадлар ва харажатларни усиш еки камайиш тенденцияси аниқланади.

Молиявий режалаштириш жараёнида қуйидаги усуллардан фойдаланилади: баланс, норматив, коэффициент, иқтисодий тахлил ва бошқалар. .

Ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган барча молия режалари йикиндиси молия режалари тизими деб юритилади. Бу молия режалари тизими территорияларда, худудларда пул маблағларшш тақсимлашни, пул фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишни, такрор ишлаб чиқариш жараёнида молиянинг алоҳида звенолари ролининг ифодаланишини ўз ичига олади.

Молиявий режалаштириш жараёнида бир неча ҳил режалар тузилади.

Умумдавлат фаолиятини ифодаловчи молия режаларига давлат бюджети, давлат социал суғурта бюджети, давлат мулкий ва шахсий суғуртаси молия режаси ҳамда территориал ва давлатнинг молия маблағларини кўрсатувчи йиғма молиявий маблағлари киради. Бу молиявий режаларда давлат бюджети алоҳида ўрин тутади. Давлат бюджетида давлат билан турли мулк формасига эга бўлган корхона, хўжалик ташкилотларининг молиявий муносабатлари акс этади. Унинг даромад қисмида даромадларни келиб тушиш манбалари кўрсатилади; харажат қисмида эса маблағларнинг социал-маданий тадбирларга, ҳалк хўжалигига, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, бошқарувга, мудофаага ва бошқаларга сарфланиши акс эттирилади. Давлат бюджетининг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, у бошқа молия режалардан фарқ қилиб қонун тариқасида тасдиқланади. Молия режалари тизимида соҳалар молия режалари асосий ўринни эгаллайди ва бу ерда даромадлар ва харажатлар баланси муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги пайтда корхоналар молиявий режалари бизнес режалар деб юритилмоқда.

Ҳар қайси режа мўлжалланган давр учун даромадлар ва ҳаражатлар, молия ва кредит тизимларининг звенола~ри ўртасидаги алоқалар (ижтимоий суғуртага ажратма бадаллари, бюджетга тўловлар, банк кредити учун тўлов ва бошқалар) аниқланади.

Истиқболлаштириш халқ хўжалик режалаштиришининг илмий-аналитик этапидир.

Унинг хўжалик режалаштириш ишлаб чиқаришдаги бош масаласи - бу ижтимоий, иқтисодий ва илмий-техник жараёнларидаги илмий таҳлил, рўёбга чиққан ҳолатга ва хўжаликни ривожлантиришдаги вужудга келган муаммоларга баҳо бериш барча мавжуд бўлган ривожлантириш йўналишларини белгилашдан иборатдир.

Истиқболлаштириш усуллари қуйидагича туркумланиши мумкин:

1. Истиқбол мақсадига кўра - конфирматив ва режаификацион (оператив, тактик ва стратегик);

2. Прогнознинг белгиланишига кўра - умумий ва махсус белгиланган истиқболларга, бошқарув истиқболларига;

3. Тасдиқлаш даражасига кўра - интуитив ва мантиқий;

4. Натижаларни ифодалаш шаклига кўра - сифат ва миқдорий истиқболларга;

5. Муддатга кўра-узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли истиқболларга.

Бозор иқтисодиёти режалаштиришдан тўлиқ воз кечмайди, чунки режа расмийлаштирилган бошқарув ечимининг намоён бўлишидир. Аммо, бозор иқтисодиёти режали иқтисодга қараганда анча эгилувчан, топқир ва бунда унга прогнозлар ва программаларни таҳлил қилиш ёрдам беради.

Бунда эса молиявий ресурсларни истиқболлаштириш ҳамда молия бошқаруви жараёнида улардан фойдаланишнинг ўзаро алоқалари ўртасидаги муаммо келиб чиқади.

Режали иқтисодиёт шароитида, молиявий режалаштиришга хос бўлган директив ва қўшиб ёзишлар характерига эга бўлган турли хил, режаларнинг амал қилиш пайтида, молиявий истиқболлаштириш рад этилмаган. "Мамлакатимизда истиқболларнинг турли хиллари ишлаб чиқилган эди: демографик, тиббий ресурсларнинг, илмий-техник тараққиётининг, молиявий ресурсларнинг ва бошқаларнинг. Бунда тараққиётни режалаштиришнинг муддати ўсиб борар эди, яъни 5 йилликнинг ва ундан ҳам ортиқ муддатларга. Тараққиётни режалаштириш программалар билан тўлдиршиб борилар эди. Аммо истиқболларга ва қисман программаларга бўлган умумий муносабат асос сифатида намоён бўлмас эди. Агар бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда дастурли усул режалаштириш қаторида амал қилса, режали иқтисодиётда, дастурлар деган мулоҳаза юритилар эди.

Молиявий кўрсаткичларнинг ҳам истиқболли ҳам режали ҳисоб-китоблари турли хил усуллардан фойдаланишни тақозо этади: шулардан энг муҳимларига қуйидагилар киради: экстраполяция усули, норматив (меъёрий), математик моделлаштириш, таққослаш усуллари киради.

Экстраполяция *усули* молиявий кўрсаткичларнинг динамикасини намоён қилишда, уларни аниқлаш, ҳисоб-китобларда кўрсаткичларнинг жорий давридагилардан фойдаланади.

Норматив (меъёрий) усул ўрнатилган иқтисодий норма ва нормативлардан фойдаланишни талаб этади.

Математик моделлаштириш усули реал иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни бошқаришда турли молиявий моделларни тузишдан иборатдир.

Тшррслаш *усули* илмий-техник, иқтисодий, маданий ва бошқа омилларнинг жаҳон масштабидаги ривожланиш тизими билан ўзаро таққослашдан иборатдир.

Молиявий режалар молия тизимининг барча звеноларини ўз ичига олади ва шу билан биргаликда молиявий режанинг шакли, унинг кўрсаткичлари таркиби молиявий тизимининг мос звеносидаги мазмунини акс эттиради.

Шундай қилиб, тижорат фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар, даромадлар ва харажатлар балансини тузадилар; нотижорат фаолияти билан шуғулланувчи муассасалар эса - сметаларни тузадилар; жамоа хўжаликлар, ширкатлар умумжамоа бирлашмалар ва суғурта компаниялари молиявий режалар; давлат хукумати органлари эса - турли хил даражадаги бюджетларни тузадилар

Молиявий режалаштиришнинг конкрет масалалари молиявий сиёсат орқали аниқланади. Бу аниқлаш орқали режадаги топшириқларни бажариш учун керакли бўлган пул маблағларининг ҳажми ва уларнинг манбалари, даромадларнинг ўсиш ҳажми резервларининг намоён бўлиши, харажатлардаги иқтисодни; марказлашган ва марказлашмаган фондлар ўртасида маблағларни тақсимлашда самарали ва энг қулай мутаносибликни ўрнатишни; ва бошқаларни кўриш мумкин.

Маъмурий бошқарув тизими шароитида пул даромадларининг ва йиримларининг тақсимланиши ва туркумланиши, уларнинг марказлашган ва марказлашмаган фондларда пул маблағларининг гурухданиши директив режалаштириш орқали аниқланар эди. Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштириш бошқарув функцияси сифатида, ижтимоий ва иқтисодий фаолиятнинг барча томонларининг умумий шаклини қабул қила олмайди. Бундан келиб чиққан ҳолда, бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш жараёнида ҳамда товарлар ва хизматлар реализациясида хукмрон ва аниқловчи усул бўлиб - пул, баҳо, қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонунини ўз ичига олган бозор механизми билан ташкил қилади.

Бозор механизмининг бундай муҳити режалаштириш элементлари иштирокида ишлаб чиқариш ва алмашув натижаларини аниқловчи прогноз услубиёти амал қилишини аниқлаб беради.

Бозор иқтисодиёти ўзининг бош омиллари билан амал қилади, яъни товарлар, ишчи кучи, ссуда капиталлари баҳоси бевосита товарлар ва хизматларга бўлган талаб ва таклиф нисбатига боғлиқдир. Бозорни ўрганиш, уни ташкил қилиш ва режалаштиришнинг элементларини бошқариш маркетинг мазмунини ташкил қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий ислоҳотнинг амал қилиши бошқарувнинг муҳим ва бош функцияси сифатида режалаштириш ўрин эгаллайди. Молиявий режалаштириш бозор иқтисодиёти талабаларини ҳисобга олган ҳолда янги ўзига хос белги ва томонларига эга бўлади.

Бюджет томонидан молиялаштиришда (халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва бошқалар) халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам бу хусусиятга эгадир.

Уларнинг сметаларида директивлик характери камайиб, узоқ вақт давомида иқтисодий ва ижтимоий нормативларга асосланган ҳолда кўрсаткичларнинг ҳисоб-китобини тўтрилигини тасдиқловчи белгаларга эътибор қаратилмоқда. Смета бюджет томонидан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасаларга қўшимча даромад олиш мақсадида хўжалик ҳисоб-китобларидан фойдаланиш маслаҳат берилмоқда. Бюджетдан ташқаридаги маблаг сифатида амал қилувчи бу ресурслар жамоанинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятини кенгайтиришни таъминлайди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасида қисқартирилган шаклда-молиявий режадан фойдаланилади. Молиявий режа даромад ва ҳаражат қисмларида (майда ва ўрта корхоналарда ҳамда бошқа шаклларда) бу даромадлар ва ҳаражатлар балансидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатнинг ривожланишида молиявий режалаштиришга талаб камайгани йўқ. У аввалгидай ишлаб чиқариш фондларининг кенгайтирилган доиравий айланишини молиявий ресурслар билан таъминлашга, молия-хўжалик фаолиятида самарадорликнинг юқори кўрсаткичларига эришишга, корхонанинг молиявий чидамкорлигини ва тўловга қобилиятини мустаҳкамлашга шароит яратиб беришга қаратилгандир. Ҳозирги пайтда аввалги директив режалаштириш тизими даврига қараганда молиявий режалаштириш сифатини ошириш мақсадга мувофиқцир, чунки бозор муносабатларида ўз фаолиятининг самарасизлиги, шу билан биргаликда молиявий режалаштиришда нотўғри ҳисоб-китобларни юритишда жавобгарликни корхонанинг ўзи тортади.

Янги хўжалик юритиш шароитида ўзининг катта ролини сақлаб қолган молиявий режалаштириш ўз навбатида қайта қурилган бўлиши лозим. Унинг мазмуни ва амалдаги шакллари хўжаликнинг янги иқтисодий шароитлари бўлган ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда молиявий режалаштириш бозорнинг конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда бирор бир воқеликнинг бўлиш эҳтимоли борлигини ва шу билан биргаликда моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг ҳолатининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда корхонанинг фаолияти асосларини таъминламоғи лозим.

Молиявий ва хўжалик мустақиллигини мавжуд шароитида корхонанинг ўзи мустақил тарзда ўзининг режаларини ишлаб чиқади ва, бунда унинг ягона мақсади-хўжаликни юқори самарадорликка етказишдир. Шунинг учун ҳам молиявий режалаштиришда катта эътиборни корхона ўзининг ички резервларини тўлиқ намоён қилишга, ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишга, моддий меҳнат ва пул ресурслардан унумли фойдаланишга, ишлаб чиқаришни тўғри ва яхши ташкил қилишга ва бошқаларга қаратилгандир.

Бозор иктисодиётига ўтиш билан боғлиқ ўзгаришлар молиявий режалаштириш усулларида ўз аксини топади. Агар яқин вақт ичида бозорнинг коньюктураси ва у билан боғлиқ корхонанинг амал қилиши тўғри ва аниқ ҳисоб-китоб қилинган бўлса, унда корхонанинг тараққиёти узоқ муддатли жараёнлар орқали фақатгина прогнозлаштирилади.

Шунинг учун ҳам молиявий режалаштириш, бир томондан яқин вақт ичқца молиявий кўрсаткичларни аниқ ҳисоб-китобига ва уларнинг белгиланган молиявий хужжатдаги баланс боғланишига қаратилса, иккинчи томонда эхтимоллик ва кўп вариантлик характерга эга бўлган прогноз ҳисоб-китобларига қаратилгандир.

Молиявий режалашнинг янги мазмуни бош воситасини ҳам талаб қилади, яъни аввал молиявий кўрсаткичларни ҳисоб-китобида фойдаланилган усуллар

қаторида, иқтисодий математик усуллардан ва модсллаштиришдан кенг фойдаланиш зарурдир.

Бир йил давомида қамраб олинган молиявий жараёнлар ўз аксини корхонанинг молиявий режасида топади.

Молиявий режа аввалгидек даромадлар ва харажатлар баланси шаклида даромадларнинг ва йиғимларнинг келиб тушиши, маблағларнинг сарфланишини акс эттирувчи корхона молия хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини акс эттиради. Албатта, бунда баланснинг тузилиши корхона фаолиятининг барча соҳалари бўйича ишлаб чиқилган, яъни ишлаб чиқариш, маиший, инвестицион, ижтимоий ва бошқа фаолиятлари бўйича режа ҳисоб-китобларидан фойдаланигани талаб этади. .

Уларга - таянган ҳолда корхонанинг молия бўлими ўзининг умумий молиявий натижасини (фойда ва зарарни) ва унинг турли хил фаолиятининг улушини ташкил қилувчиларни, яъни бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар, восита корхона ихтиёрида қолган соф фойда молиявий ресурслар ва уларнинг ишлатилишиниб тўлиқ ҳисоблаши мумкин.

Даромадлар ва ҳаражатлар баланси бозор иқтисодиёти шароитида риоя қилиш шарт бўлган бир неча умумий тамойиллари бўйича бошқарилиши керак. Шунинг учун ҳам молиявий ресурслардан фойдаланишнинг аниқ йўналишини аниқлаётган пайтда тушаётган тушум даражасининг фарқини ҳисобга - олган ва харажатларни танлаш ва бу орқали юқори рентабелликни таъминлаш назарда тутилмоғи лозим.

Узоқ муддатли сарф харажатларни танлашда энг иқтисодли молиялаштириш усулларни кўзда тутмоқ лозим.

Даромадлар ва ҳаражатлар балансини тузаётган пайтда албатта корхона фаолиятига кучли таъсир қилувчи инфляция жараёнини ҳисобга олиш керак. Ишлаб - чиқариш хўжалик фаолиятидан келувчи фойда, яъни амортизация ажратмаларнинг келиб тушиши, ишлаб чиқариш сферасига ва ижтимоий инфратузилмасига келувчи капитал қўйилмаларига келган ҳаражатлар, корхона учун бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга тўловлар, резерв фондига бадаллар инфляция таъсирида бўладилар. Шунинг учун ҳам даромадлар ва ҳаражатлар балансида инфляциянинг ўсиш индексини ҳисобга олган ҳолда уларнинг корректировкасини назоратда тутмоқ лозим. Корхонанинг молиявий режасида кўрсаткичларнинг умумий доираси бўйича режа ҳисоб - китобларининг якуний натижалари кўрсатилади. Бу кўрсаткичлар турли ҳил молиявий ресурсларнинг келиб тушиши ва улардан фойдаланишнинг йўналишларини хусусиятлайди.

Корхонанинг даромадлар ва харажатлар балансининг мазмуни молиявий жараёнларни акс эттириб, таркибий тузилиши 4 та бўлимдан иборат.

1 - бўлим. "Даромадлар ва маблағларнинг келиб тушиши". Бунга барча банкдан ва давлатдан (бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар) келиб тушадиган маблағлардан ташқари, корхонанинг барча молиявий ресурслари киради. Бу бўлимнинг кўрсаткичлари таркибига қуйидагилар киради: асосий фаолиятдан келган фойда, қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ва дивидендлар, илмий тадқиқот характеридаги шартнома бўйича ишлардан келадиган

даромадлар, амортизация ажратмалари, ҳисобдан чиқарилган мулкнинг сотилишидан тушган маблағлар ва бошқалар.

2- бўлим: "Харажатлар ва маблағларни ажратиш". У ўзида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга молиявий ресурслардан фойдаланишни, фаолиятнинг энг яхши натижаларини иқтисодий рағбатлантиришни, оператив ва бошқа харажатларни акс эттиради. Бу бўлим ўз ичига қуйидагиларни олади: капитал қўйилмалар, иқтисодий қўйилмалар, ривожланиш фондига ажратмалар, қимматли қоғозларни харвд қилишга кетган харажатлар, турли хйл ажратмалар ва бошқалар киради.

3-бўлим:"Корхонанинг банк муассасалари билан ўзаро кредит муносабатлари". Бунда корхонанинг олган ссуда бўйича қарзлари назарда тутилади, уларнинг қайтарилиши ва кредитдан фойдаланиши учун фоиз тўловлари акс эттирилади: Бу бўлим 2 қисмдан иборатдир: даромад қисмида корхонанинг олган ссудалари акс эттирилади, харажат қисмида - уларнинг вақт билан қайтарилиши ва улардан фойдаланганлик учун фоиз тўловлари акс эттирилади.

4-бўлим: "Корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ўзаро муносабатлари". Бу бўлимга бир томондан бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан маблағларнинг келиб тушиш тартиби акс эттирилади.

Нотижорат фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот ва муассасалар ўзларининг молиявий режаларини мустақил равишда ишдаб чиқадилар. Бунда бюджет маблағлари. ҳисобига молиялаштирилган муассасалар харажатлар сметаларини ташкил қиладилар, ўзининг талабларига нафақат бюджет маблаклари ҳисобига, балки молиявий ресурсларнинг бошқа хил турлари билан жавоб берган ташкилот, муассасалар харажатлар ва даромадлар сметаларини ишлаб чиқарадилар. Тижорат фаолияти билан шурулланувчи корхоналарнинг молиявий режаларидан сметанинг асосий фарқи шундан иборатки, сметада харажатлар тўлиқ кўрсатилади, даромадлар эса турли хил манбаларнинг қисмларидангана намоён бўлади.

Берилган маълумотларга кўра сметани тузиш учун назорат рақамлари ҳамда иқтисодий нормативлардан фойдаланилади.

Назорат рақамлари - бу белгиланган муассасанинг фаолият самарасини аниқлаш ҳамда унинг ривожланиш истиқболини аниқловчи кўрсаткичдир. Масалан, ўқув муассасаларда ўқийдиганларнинг /ўқувчилар, студентлар сони ўртача йиллик ҳисобида ставкаларнинг миқдори мактабларда педагогик ишчиларнинг техникум ва олийгоҳларда профессор-ўқитувчилар таркиби/; стационар тоифадаги медицина ташкилотларида - касалларнинг ётар-турар жойи, уларнинг ишлатилиши ҳамда медикларнинг ставкаларини ифодаловчи кўрсаткичлар ишлатилиши лозим, амбулатория - поликлиника муассасаларида касалларнинг докторлар қабулида бўлиши ва медикларнинг ставкалари миқдорини ифодаловчи кўрсаткичлардан фойдаланилади ва ҳоказо.

Назорат рақамлари директив характерга эга эмас ва муассасаларнинг фаолиятида турли хил хизматлар кўрсатиш бўйича якунловчи натижаларни ёркин намоён қилади.

Назорат рақамлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

-муасаса томонидан хизмат қилувчи аҳолининг (контингентлар-нинг) сони ва таркиби;

-муассаса томонидан қилинган хизматларнинг ҳажми ва |хизмати|сифати|масалан поликлиникада қабул қилинган беморларнинг сони, мактаб битмрувчиларнинг сони ва ҳоказо|;

-муассасаларнинг техника билан таъминланганлик ва транспорт билан таъминланганлик кўрсаткичлари;

-муассасаларнинг меҳнат жамоаларини ижтимоий ривожланишини белгаловчи кўрсаткичлар.

Молиявий режалаштиришда фойдаланилган иқтисодий нормативлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

-амал қилувчи муассасани бюджет томонидан молиялаштириш;

-иш ҳақи фондини ташкил қилиш;

-ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожлантириш фондини ташкил қилиш;

-валюта маблағлари ҳисобига валюта ажратмалари фондини ташкил қилиш.

Бюджет томонидан молиялаштириш сарфларининг нормативлари аҳоли ва юридик шахсларга бепул хизмат кўрсатувчи муассаса фаолиятни таъминловчи молиявий маблагларнинг умумий суммасини ҳисоб - китоб қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Нотижорат фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот ва муассасаларнинг назорат сонлари ва иқтисодий нормативларидан ташқари давлатнинг марказлашган капитал қўйилмалари ҳисобига янги қурилмалар ва объектларни ишга тушириш учун улар давлат буюртмаларини ҳам олишлари мумкин.

Назорат рақамлари иқтисодий нормативлари ва давлат буюртмаларига асосланган ҳолда ташкилот ва муассасалар керакли ҳисоб - китоблар қилишлари ва харажатлари ва даромадлар сметалари тузилиши мумкин. Смета бюджет муассасасининг бошлиғи ва касаба уюшмаси билан биргаликда тасдиқланади.

Тузилган смета шартли реквизитлардан ташқари| яъни муассасанинг номи; қайси бюджетдан молиялаштирилганлиги; смета тасдиқлаган шахснинг имзоси ва бошқалар| яна ўз ичига учта бўлимни олади.

1. Ҳаражатлар ва даромадлар.
2. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари.
3. Ҳаражатлар ва даромадлар ҳисоб - китоби ва тасдиқланиши.

Ҳаражатларнинг биринчи бўлимида қуйидагилар кўрсатилади:

- Моддий ва унга тенглаштирилган ҳаражатлар.
- Иш ҳақи фонди.
- Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш фонди.
- Моддий рагбатлантириш фонди.
- Бошқа фондлар ва резервлар. ,

Даромадларнинг биринчи бўлимида қуйидагилар кўрсатилади:

- Бюджет томонидан молиялаштириш.
- Аҳолига қўшимча пулли хизматлар.

• Ташкилотлар ва корхоналар билан тузилган шартномалар асосида хизматлар кўрсатиш.

• Бошқа тушумлар.

• Ижара берилган мосламалар ва жойлардан келган тушум.

Молиявий истиқболлаштиришнинг асосий вазифаларини ва принципларига ҳаққоний баҳо бериш жараёнида биз яна бир муҳим масалани яққол кўришимиз мумкин.

Бу масалани асосий молиявий режалаштиришнинг бир қатор масалаларини ҳал қилишда иқтисодий математик моделлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Берилган масалаларни ҳал қилишда иқтисодий математик моделидан амалиётда етарлича тушунган ҳолда фойдаланаолмаётир. Иқтисодий математик моделдан молиявий режалаштиришда қўллашнинг етарли шарти модель ҳисобларини технологиясининг амалдаги технология билан мос бўлишидир.

Технологиянинг мос килиши учун қуйидаги моделлари амалиётда фойдаланиш учун тавсия қилинади:

1. конкрет масалаларни ечиш ва режалаштириш жараёнида бевосита элемент бўлмоғи лозим. Моделларнинг фойдалилиги режалаштирилаётган иқтисодий кўрсаткичларни ўз ичига олиш билан белгиланади. Фақат шу асосда модел режалаштириш - жараёнида ишлатилиши мумкин;

2. адреслиликка эгалик. Бу тавсияларнинг айнан белгиланган конкрет режалаштириш органларига қаратилган бўлиши лозимлиги билан белгиланади.

3. иложи борича соддабўлмоги лозим. Моделнинг соддалиги ундан фойдаланувчиларнинг тез вақт давомида уни ўзлаштириш имкониятини билдиради. Соддалик принципи қуйидагича таъминланади;

-режалаштирувчиларнинг ҳисоб жараёнида улар учун оддий бўлган бир хил терминлари кўрсаткичларнинг қўлланилиши;

-модел идентификацияси учун ишлатилаётган шундай аҳборотни қўллаш лозимки, у режалаштириш ва статистика органлаги ўртасидаги барча келишмовчиликларни бартараф қилсин.

4. ўзининг натижаларига тўлиқ етарли жавобгарликни олувчи хизматчининг стратегик режа ечимларини танлаш эркинлигини таъминлаш.

Иқтисодий математик усуллардан ЭҲМдан фойдаланиш орқали режалаштиришда мавжуд бўлган, чегараларни бартараф қилишга, ишлаб чиқилган кўрсаткичларда бўлган ўзгаришлар бўлган режа масалаларни аниқлашда имкон яратишга, хақиқатдаги иш натижаларни ҳисобга олган ҳолда кутилаётган режа топшириқларни бажарилишини ҳисоблар чикаришга имкон яратади.

Молиявий кўрсаткичларнинг ҳам итиқболли ҳам режали ҳисоб-китоблари турли ҳил методлардан фойдаланишни тақазо этади, шулардан энг муҳимларига қуйидагилар киради: экстрополяция методи, норматив|меъёрий|математик моделлаштириш таққословчи метод, балома методлари, экспертиза методлари киради.

Экстрополяция методи молиявий кўрсаткичларнинг динамикасиви намоён қилишда уларни аниқлаш, ҳисоб- китобларда кўрсаткичларнинг жорий

давридагилардан фойдаланилади. Бу методвинг моҳияти шундан иборатки прогнозлаштирилаётган объектлик ўрганишда ҳамда унинг ўтмишдаги ва ҳақиқатдан ривожланишда- келажакдаги ривожланиши ўрганилади. Экстрополяция функционал боғланишдаги формасида эгри чизиқларнинг элеперик курилишида баланси оқималарда сифат ва миқдор функционал тизими ва тузилишига эга характеристикаларнинг статистик тенденциялар асосида ишлаб чиқарилади.

Экспертиза методи. Экспертиза методи берилган объектга олимлар ва мутахасис экспорт томонидан тараққий ривожланишига ҳаққоний баҳо бериш асосида мавжудлиги билан белгиланади. Бу олимлар ва мутахассис- экспертлар ишлаб чиқарган баҳо, алтернатив гипотезлар ва мавжуд бўлган ва туғилаётган истисноларни ҳал этишда барча мавжуд бўлган йўлларни излаб топадилар. Эксперт баҳолари мустақил ёки жамоа томонидан айтилган муҳокамаларга асосланади.

"Истиқболлаштириш"- олиндан башорат қилиш. Прогнозлаштириш иқтисодий воқеликни ёки объектлик келажакда ревожланишининг олдиндан - башорат қилиш усулидир. Истиқболлаштириш жамиятнинг барча соҳаларида назария ва амалиёт ўртасида мухим манба бўлиб ҳисобланади.

Ижтимоий ривожланишни прогнозлаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири молиявий прогнозлаштиришдир.

Иқтисодий истиқболлаштириш предмети объектларнинг келажакда қандай ҳолатда бўлишини билиш, молиявий прогнозлаштириш қонуниятлари билиш ва йўлларини қидириш ҳисобланади. Молиявий истиқболлаштириш жамият ривожланиш қонунлари билишга ҳамда ижтимоий иқтисодий ривожланиш йўллари ва фан тараққиётга асосланади.

Мақсади, вазифаси, объекти, усуллари ва бошқаларга қараб, прогнозларни турли хил турларга ажратиш мумкин.

Уларга қуйидагилар киради:

1. Истиқболлаштиришнинг қўлами бўйича:
   а)макроиқтисодий истиқболлар;
   б)тармоқлараро ва худудлараро истиқболлар;
   в)халқ хўжалик комплексларнинг ривожланиш истиқболлари.
2. Амал қилиш вақти бўйича:
   а)оператив истиқболлар |1 ой муддатгача|;
   б)қиска муддатли истиқболлар |1 ойдан 1 йилгача|;
   в)ўрта муддатли истиқболлар |1-5 йилгача|;
   г)узоқ муддатли истиқболлар|5-15-20 йилгача|;
3. Ўрганилаётган объектларнинг характери бўйича:
   а)ишлаб чиқариш муносабатларнинг ривожланиш истиқболлари;
   б)фан-техника тараққиётининг ижтимоий иқтисодий шарт-шароитлари ва оқибатларини истиқболларини;
   в)халқ хўжалик ривожланишиниг истиқболлари;
   г)молиявий муносабатларни истиқболлаштириш;
   д)даромадлар ва иарҳларни истиқболлаштириш.

Жаҳон амалиётида макроиқтисодий режалаштириш турли туман усуллари қўланилади.

Бу усулларни қуйидаги чизмада кўриш мумкин:



Иқтисодий даражада мувозанатни таъминлашда йиғма ва хусусий балансдан кенг қўлланилади. Йиғма баланслар миллий иқтисоднинг ривожланиш натижаларини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашда кенг қўлланилади. Хусусий этувчи омилларни ҳисобга олишда, молиявий ва

меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклиф ўртасида мувозонатни таъминлаш учун хизмат қилади.

Ҳалқ хўжалиги баланси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Жаъми ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг йиғма баланси.

2.Миллий даромад ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг йиғма баланси.

3. Асосий фондлар ва капитал қўйилмалар баланси.

4. Меҳнат ресурслари йиғма баланси.

Моддий балансlар моддий ресурсларга бой бўлган талаба ва таклиф ўртасида мувозанатни ўрнатиш учун хизмат қилади.

Иккала балансларнинг ресурслари қуйидаги моддаларни ўз ичига олади.

1. Йил бошидан қолдиқ.
2. Ишлаб чиқариш
3. Импорт
4. Бошқа тушумлар

Ишлаб чиқариш воситалари моддий баланс ресурсларни қуйидагича тақсимланишини кўзда тутади.

1. Ишлаб-чиқариш фойдаланиш эхтиёжлари.
2. Капитал қурилиш эҳтиёжлари
3. Бозор фонди
4. Экспорт
5. Бошқа ҳаражатлар
6. Йил оҳиридаги қолдиқ

Истеъмол буюмлари моддий баланси

1. Бозор фонди
2. Бозордан ташқари фонд

а) саноатда қайта ишлаш;

б) саноатдаги истеъмол;

3. Экспорт
4. Бошқа харажатлар
5. Йил оҳиридаги қолдиқ

Молиявий балансlар ёки қиймат балансlари ҳам 2 қисмдан иборат бўлиб, 1 қисмида даромадлар, 2-қисмда харажатлар акс эттирилади.

Харажатлар қисмида эса давлат бюджет томонидан, яъни халқ хўжалиги молиялаштириш характерлари, фан бошқарув учун харажатлар ва бошқа шу каби моддалар акс эттирилади. қиймат балансларнинг энг содда кўриниши бу аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси ҳисобланади. Аҳолининг пул даромадларини қуйидагилар ташкил этади.

1. Иш ҳақи ва иш ҳақи кўринишидаги бошқа пул даромадлари.
2. Жамоа хўжаликларда меҳнат ҳақи.
3. Нафақалар, стипендиялар турли хил пособиялар.

Харажатлар қисмини қуйидагилар ташкил этади.

1. Товарларни сотиб олиш.
2. Хизматлар учун тўлов

3. Мажбурий тўлов
4. Жамғармаларнинг ўзгариши

Назорат учун саволлар:

1. Молиявий режалаштиришнинг моҳияти ва мазмуни?
2. Тижорат фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда молиявий режалаштириш?
3. Нотижорат фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда молиявий режалаштириш?
4. Молиявий режалаштиришда иқтисодий математик моделлаштириш хусусиятлари?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
2. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
3. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
4. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.
5. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.
6. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
7. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
8. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.
9. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
10. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.
11. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
12. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
13. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.
14. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
15. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.
16. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.
17. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
18. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
19. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.
20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
2. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
3. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,- 160с.
4. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. -180с.
5. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. -325с.
6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.
7. Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

9-Мавзу: Молиявий назорат (4 ооат).

Режа:

1. **Молиянинг назорат функцияси ва молиявий назорат.**
2. **Молиявий назоратнинг объектлари ва субъектлари.**
3. **Молиявий назоратнинг усуллари: текширув, таҳлил, тафтнш.**

Таянч иборалар:

- *Молиявий назорат функциялари;*
- *Молиявий назорат объекти;*
- *Молиявий назорат субъектлари;*
- *Молиявий институтлар;*
- *Молиявий воситачилар;*
- *Бошқарув меҳнати;*
- *Молиявий назорат мақсади;*
- *Молиявий назорат шакллари;*
- *Молиявий таҳлил ва аудит*

1. Молиянинг назорат функцияси ва молиявий назорат.

Назорат иқтисодий тизимнинг зарур элементи сифатида бутун инсоният цивилизацияси билан бирга ривожланади, эволоцион тараққиёт ва инқилобий тўфонлар жараёнида, жамият иқтисодий формацияси, сиёсий тизими, давлат ва хўжалик бошқаруви, қонун чиқарувчи, ижроия ва судлов ҳокимияти органлари алмашинуви жараёнида ўзгариб боради.

Европада давлат хўжалнгида назоратни жорий этишга дастлабки уринишлар қироллик бошқарувлари даврига тўрри келди. Хўжаликнинг ўсиб бораётган миқёсллри туфайли назорат муҳим бошқарув омилига айланиб борди. Ҳар қандай ҳокимият, айниқса, ҳаражатлар даромадлардан, ортган

давлатлар молиявий аҳволи мушкуллигидан далолат берадиган урушлар даврида, тартибга солинган молияга катга эҳтиёж сезарди. Маблағ излаб, молиявий ислоҳотлар, шу жумладан бюджет-назорат тусидаги ислоҳотлар ўтказиларди.

Демократик мамлакатларда давлат молиявий ресурслари ёки бюджетни бошқариш ҳукуматнинг жамият олдидаги масъулиятини келтириб чиқаради. Оқибатда «молия дарвозаси олдида» назорат ташкил этиш бошқарувнинг зарур элемнтига айланиб, шунинг учун дунёнинг ривожланган барча мамлакатларида молиявий назорат давлат назоратининг асосий турига айланган.

Назорат - жамият иқтисодий ҳаётидаги объектив ҳодиса ва ҳар қандай давлат бошқарувининг муҳим бўғинидир. Шу билан бирга у кўп минг раҳбар ва мутахассислар, меҳнат жамоалари, жамоат ва давлат ташкилотларининг субъектив ижод соҳасидир.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг қайта таркибланиши, бозор муносабатларининг шаклланиши, мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши шароитида, назоратнинг роли тобора кучайиб бориши шарт. Жаҳондаги барча йирик давлатлар - АҚШ, Буюк Британия, Олмония, Франция ва Япониянинг ривожланиш намуналари шундан далолат бериб, бу мамлакатларда давлат (парламент) назорати тизимлари, ҳукуматнинг ижроия ҳокимияти ҳузурида ташкил этилган назорат-тафтиш тизимлари ва мустақил аудит тизимлари кўпдан таркиб топган ва муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Молиявий назорат тизими субъектлар (назорат қилувчилар), объектлар (назорат қилинувчилар), назоратнинг усул ва воситаларини биргаликда жамлаб, ўз ичига олади. Улар назорат объектининг холатини, ижронинг кутилган натижаларини аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, тузатиш киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар йўсинини ишлаб чиқиш учун яхлит уйғунликда ҳамкорлик қилади.

Молиявий назорат, аудит, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил муаммоларининг ҳал қилиниши илмий асосга таяниши керак. Мазкур мавзу учун Э. А. Арен, П. С. Безруких И. А. Белобжецкий, Н. Г. Белов, Ю. А. Данилевский, С. К. Егорова, Ю. М. Иткин, Н. П. Кондраков, Л. М. Крамаровский, И. А. Ламикин, Ж. К. Лоббек, Р. Монтгомери, С.С. Носова, В. П. Суйц, В. Ф. Палий, Н. Санаев, А. Д. Шеремет, С. О.Шохин каби таниқли олимларнинг илмий ишлари шундай асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбскистон Республикасида молиявий назорат, мустақил аудит, бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил мустақил ихтисослашган иқтисодий фан тармоқлари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ўз предметига, вазифаларига, мақсадларига, тадқиқот ва амалий қўлланиш усулларига эга. Фанларнинг ихтисослашуви уларни ўзига хос қўлланиш соҳалари бўйича чуқурлаштириш ва табақалаштириш имконини беради. Иқтисодиёт фанининг мустақил тармоғи бўлатуриб, улар ўзаро чамбарчас боғлик ва ягона йўналишга иқтисодиёт самарадорлигини оширишни, қўйилган хўжалик мақсадларига муваффақиятли эришилишини таъминловчи бошқарув ечимларини тайёрлашга қаратилган.

Ҳар бир хўжалик субъекти ўз давлатининг умумий хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Назорат-ҳисобга асосланган таҳлилий фанлар - оқилона бошқарув ечимларини танлаб олиш учун асосдир. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг иқтисодий таҳлили, молиявий назорат бутун давлатнинг иқтисодий механизми ва ҳар бир алоҳида корхона, ташкилот, фирма, компаниянинг маромли ишлаши учун зарур

Бозор иқтисодиёти соҳасида ахборот улкан аҳамиятга эга, зеро тўлиқ ва хаққоний ахборот ҳокимлик бериши, унга эга бўлмаслик эса назоратсизлик, бошбошдоқлик, турли хавф-хатарнинг кучайишига олиб келиши илгаридан маълум.

Бозор шароитида хисоб-китоб ахборотига алоҳида эътибор берилиб, бу мантиқан тўғри, чунки корхона, акциядорлик жамияти, ширкат, фирма, компания молиявий аҳволининг шакллантирилган ва қайта ишланган кўрсаткичлари ссуда, кредит; инвестиция сармоялари ва шу кабиларни бериш чоғида ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадларида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун амалий омил хусусиятига эга бўлиши керак.

Бозорни иқтисодий ахборот билан таъминлаш молиявий ҳисоботнинг холис ва ишончли маълумотларига таяниши керак. Бундай маълумотлар фақат мустақил аудиторлар томонидан тўғрилиги текширилиб тасдиқланганидан, шунингдек корхона рейтингини аниқлаш учун ушбу маълумотлар қайта ишланганидан кейингина олиниши мумкин.

Назорат - бу бирор ишнинг, нарсанинг ахволи, кишининг юриш-туриш ва шу каби устидан доимо кузатиш,текшириш. Назорат - давлат бошқарув органларининг айрим бошқарув соҳаларида давлат томонидан белгиланган қоидаларга давлат томонидан белгиланган қоидаларга хўжалик субъектлар, мансабдор шахслар риоя этишини контроль қилишдан иборат фаолиятдир.

Молиявий назорат - бу молиявий текшириш ва у билан боғлиқ бўлган масалалар харакатини ва муомаласини мажмуи бўлиб, хўжалик субъектлари фаолиятини ва бошқаришни ўзига хос усуллар ва шакллар ёрдамида ташқил этиш.

Давлатнинг молиявий назорати хар бир давлатнинг муҳим функцияси бўлиб, молия-кредит тизимини нормал харакат қилишига албатта бажарилиши керак бўлган шартларидан биридир. қаршиликлар |муносабатларида асосланган, бозор иқтисодиётига ўтиш режасида, иқтисод ўзини бошқаришига барқарор ва самарадорли харакатларга алохида эътибор берилган. Бу, молиявий назаратни айрим бўғинларини йўқ қилишга асос бўлиб ва қолганларни интизомини бўшаштиришга олиб келди, ишларни реал ахволини, молиявий интизомни бузилишини суистеъмолни бартараф қилолмади.

Хиссадорлик корхоналарида ва бошқа нодавлат сектордаги хўжалик субъектларда давлат молиявий назоратни йўқ қилиниши хорижий давлатларда бу назорат йўқлиги билан изоҳланади. Лекин, уларда бозор тизими кўп йиллар давомида тузилган бўлиб алдашда ва ноинсофлик молиявий даллолчиликда тартиб-қоидани ва масулиятни қаттиқ тутишган. Ўзбекистон Республикасида бозор тизимини мукаммали тузилишига бирмунча узоқ давр, бошқарув, ишлаб чиқариш, тижорат ва банк тузилишида ўзларини маданиятли "цивилизованно"

тутишни ўрганишга асосан, вақт зарур. Модомики, амалдор, мансабдор шахслар ва хўжалик субъектлар орасида ўзаро муносабатларида мадаяиятли муносабатлар йўқ экан, унга эришиш учун, зарур шартлардан бири бўлиб қаттиқ назорат керак.

Бозор муносабатлари ҳамма шаклдаги мулк эгалари бўлган хўжалик субъектларнинг, систематик ревизияларини ва молиявий хўжалик фаолиятини текширишни зарурлигани, камчиликларни олдини олиб ва уларни бартараф этиш учун чора-тадбирларни ишлаб чиқишни рад этмайди. Молиявий назарат бозор иқтисодиётига ҳам ўзига хос объектив ва ҳамма хорижий давлатларда қай меъёрда сиёсий ва иқтисодий вазифалари талаб этса, шу меъёрда қўлланилади.

Охирги йилларда хар хил мулк эгалари бўлган нодавлат хўжалик субъектлари вужудга келди. Серғайрат тадбиркорларнинг асосий мақсади-даромад олиш. Бунга давлат корхоналар ва ташкилотлар билан узлуксиз алоқалар орқали эришиш мумкин, ва кўпинча ман этилган, таъкидланган йўллар билан. Тадбиркорларнинг бир қисми етарли профессионал билимларга, етарли ташкилий тажрибага, маънавий фазилатларни, қабул қилинаётган хулосани фақат даромад томонидан эмас, балки қонунга риоя қилиш томонидан баҳолашга эга эмаслар.

Бозор муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- молиявий ресурсларнинг манбаларида;
- молиялаштириш принципларида;
- баҳоларни белгилашда;
- нақд пулсиз шаклдаги ҳисоб-китобларда;
- молия-кредит тизимининг таркибида ва унинг бўғинлари орасидаги ўзаро муносабатларида.

Бу шароитда, назорат органларда режалаштирилмаган ва уларга административ-маъмурий бошқариш тизимида керакли аҳамият берилмаган молиявий назоратнинг кўп янги йўналишлари вужудга келди. Молиявий назорат учун жуда катта соҳанинг фаолияти ташкил топди.

Шунақа назоратнинг самарадорлиги аниқ белгиланган қонуний хужжатларни мавжудлигидан ва улар ичида нормативлар, лимитлар, санкциялар, давлат маблағларни ишлатишда чегаралар, масалан, иқтисодиётни ривожланиш босқичини хозирги шароитга жавоб бериши, иш хақини ойлик миқдорини белгилашда, ижтимоий ҳақиқатни кучайтиришда, инфляцияни камайтириш учун имкон яратишда, ва бошқаларда намоён бўлади.

Ҳозирги шароитда тижорат банкларни фарлиятини назорат қилиниши ўзига хос алохида аҳамиятга эга. Уларнинг ишлари натижасидан таъсисчиларнинг ва хизмат кўрсатаётган харидорларнинг молиявий хотиржамлиги боғлиқ, улар қаторида асосий миқдорини давлат корхоналари ва ташкилотлар ташкил этади; кредитлаштириш механизми, молиялаштириш, бюджетни бажарилишнинг ўзаро боғлиқлиги; корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг пул маблағларини сақланиши; ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режасини молиялаштириш ва ривожлантириш режасини

молиялаштириш ва кредитлаштиришни тўлиқлиги ва ўз вақтидалиги. Тижорат банклари ўз харидорларга кредитлаштириш ва хизмат кўрсатиш учун шароитлар туғдириб бериб, ва уларни тижорат сир деб имкон яратиб, харидорларнинг ва давлатнинг молиявий манфаатларига зарар кўрсатиб ўз фойдаси миқдорини тез ўсишига олиб боради.

Шунинг учун тижорат банкларида назоратни фақат марказий банк орқали кучайтириш эмас, балки самарадорли бўлиши учун, бирлашган умумдавлат молиявий назорат орган томонидан, махаллий марказий банкнинг, молия ва солиқ органларнинг вакиллари иштирокида, комплекс ревизияни ўтказиш зарур. Бунда назоратга банк ичидаги назорат ҳам дучор бўларди.

Давлат, нодавлат мулк эгалари шаклидаги хўжалик субъектларида иш юритишларига бефарқ қаролмайди.

- Биринчидан, бу сектор катта миллий бойликни эгаларидир, чунки бу бойликни асосий қисми бепул ёки имтиёзли баҳоланиш равишда давлат сектордан уларнинг қўлига ўтган.
- Иккинчидан, нодавлат хўжалик субъектларнинг асосий қисми бозор иқтисодиётига ўтиш даври ичида ўз капиталини хали ишлаб бир миқдорга етказиб олмаган, лекин бор молиявий базаси молия-кредит соҳасидаги операциялар орқали яралган, ҳамда давлат молиявий ресурсларни хар хил йўллар билан, шу қаторда ман этилган йўллар билан жалб қилган.
- Учинчидан, тузилган молия банк тизимида, йирик корхоналар ва ташкилотларда, молиявий ишлаб-чиқариш гурухларда, акцияларни асосий қисми давлат ва аҳоли қўлида.

Молиявий назоратни қонуний равишда, зарурият туғилганда ва ўз ваколати чегараларида Ўзбекистон Республикасинипг давлат бошқарув органлари олиб боради. Улардан: Молия Вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси, Давлат мулк қўмитаси, Давлат Божхона қўмитаси ва бошқалар. Марказий банк тижорат банкларни назорат қилади ва қолган фондларни фаолиятини Ижтимоий таъминот Вазирлиги қошида ваколатли махсус тузилган инспекциялар олиб боришади.

Давлат молиявий назорат органи бўлиб Молия Вазирлиги қошида тузилган назорат-тафтиш бошқармаси (КРУ) мавжуд. Ҳамма мулк эгалари шаклидаги хўжалик субъектларида молиявий интизомига риоя қилмаслик, молиявий интизомни бузилишлари назорат-тафтиш бошкармасини фаолиятини заруриятини кучайтиришга белгилаб бермокда.

Халқ хўжаликни бошқариш тизимини рйвожланишида ҳукумат ва айрим бошқарув назорат органларнинг фаолиятини яхшилаш муҳим ўринни эгаллайди.

8 август 1996 йилда Ўзбекистон Республикасининг Президенти "Текширишларни тартибга солиш ва назорат органларини фаолиятини координациясини такомиллаштириш" тўғрисидаги қарорга имзо қўйди. Унда текширишларни назарат қилиш мақсадида, хўжалик субъектларининг фаолйятига, мулкчилик шаклидан қатьий назар, назорат органлари томонидан сабабсиз аралашишни йўл қўймаслик, хўжалик субъектларни молия-хўжалик

фаолиятини текшириш ва таҳлил қилишни координациялаш Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси зиммасига юклатилди. Унинг қошида назорат органларининг фаолиятини координациялаш бўйича Республика Кенгаши ташкил этилди ва унга қуйидаги вазифалар юклатилди:

- йил, ярим йил ва кварталлар даврида режали текширигиларни ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- амалда комплекс текширишларни ўтказишни киритиш ва уларда битта корхона ҳамма ваколатли ташкилотлар томонидан текширилиб, шуни эвазига ўтказиладиган текширишлар миқдорини ва айрим масалаларни қайта текширилишини камайтириш.

Идорага қарашли ревизион хизматларни мавжудлиги ва улар томонида хўжалик субъектларини текширилиши самарасиз деб хисобга олиниб қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 20 август 1996 йюлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратииинг Назорат инспекцияси ташкил этилди. Назорат ипспекцияси тизимига қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикаси Президент аппаратининг назорат ннспекцияси
2. Қорақалпағистон Республика Жоқарғи Кенгес Раиси қошидаги назорат инпекцияси;
3. Республика, шахар ва туманлар ҳокимияти аппаратининг назорат инспекциялари.

Бугунги кунда назорат инспекциялар маълум белгиланган вазифаларни бажариб амал қилишмоқда.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш жараёни муайян шаклдан қатьи назар, олинган махсулотнинг кутилган натижага мутаносиблигини аниқлаштирувчи ўз-ўзини текшириш билан бирга олиб борилади.

Ҳамкорлик ва кооперацияиинг турлича шакллари, хўжалик алоқаларининг мураккаблашуви натижасида бевосита ижрочиларнинг меҳнати ижтимоий хусусият касб этиб, бу объектив равишда бошқарув меҳнати сингари меҳнат тоифасини келтириб чиқаради.

Бошқарув меҳнати - ишлаб чиқариш тизимини тезкор тартибга солиш, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнининг зарур шартидир.

Айни пайтда бошқарувнинг ҳар қандай тури ишлаб чиқариш жараёни устидан назоратни ўз ичига олади. Белгиланган жараёнларнинг ижросини текширмасдан туриб бошқариш мумкин эмас. Назоратнинг сусайтирилиши бошқариш даражаси пасайишига олиб келади. Бошқарув қарорлари қабул қилиши самарадорлиги назоратнинг таъсирчанлигига боғлиқ.

Молия пул муносабатларининг алоҳида усуллари ёрдамида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, тақсимлаш, муомала ва истеъмолнинг барча босқичларини намоён қилади.

Давлат, корхоналар, ташкилотлар, фирмалар, хусусий шахслар ўртасида келиб чиқувчи иқтисодий муносабатлар молиявий тизимни ташкил этади.

Молиявий тизим деганда, уларнинг фаолиятини назорат қилувчи ва тартибга солиб турувчи жами молиявий муассасалар ва органлар тушунилади.

Молиявий институтлар- инвесторлар билан омонатчилар ўртасида фаолиятнинг ўзлари машғул бўлган туридан фойда олувчи воситачилик фаолияти билан шукулланадиган шахслардир. Банклар, пенсия ва инвестиция жамғармалари, суғурта компаниялари, товар, хом ашё ва фонд биржалари, акциядорлар ва бошқалар молиявий воситачи сифатида ҳаракат қиладилар.

Молиявий институтлар:

- товар ва хизматлар самарали алмашинувини амалга оширишлари;
- мавжуд иқтисодий формация эҳтиёжларига мутаносиб пул шаклидаги сармояни вужудга келтиришлари;
- эҳтиёжларни муайян неъматларга айлантиришга кўмаклашишлари керак.

Молиявий воситачилар қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун тақсимлаш ва назорат вазифасини бажарадилар, зеро тўпланган жамғармаларни тўғри тақсимлашгина эмас, балки улардан жамият учун накадар самарали, қандай фойда, билан ишлатилаётганлигини назорат қилиш ҳам муҳим. Жамғармаларни режали равишда яратиб, тақсимлаб ва улардан фойдаланилишни назорат қила бориб, молиявий институтлар корхона, хўжалик тармокдари, хусусий шахслар ва молиявий тизимнинг барча иштирокчилари пул маблағларининг марказлаштирилмаган жамғармалари шакллантирилиши ва фойдаланилишига таъсир кўрсатадилар.

Молиявий назоратнинг юзага келиши ва ривожланиши давлат молиявий тизимининг ташкил этилиши ва ривожланиши билан шарт қилиб қўйилди.

Молия каби молиявий назорат ҳам капиталистик жамиятдан аввалги босқичлардаёқ, шаклланиш ва ривожланишнинг узок даврини босиб ўтди. Унинг баъзи элементлари қулдорлик ва феодал жамиятларидаги ижтимоий муносабатларда намоён бўлди.

Қулдорлик ва феодал жамиятлари барча ижтимоий қатламларига сингтан ҳокимлик ва тобелик муносабатлари, «мушт» ҳуқуқи давлат солиқ тўпловчилари фаолиятининг ниҳоятда хилма хил «назорат» шаклларининг гуркираб гуллаб-яшнаши учун объектив асос яратади.

Давлат бошлиғининг даромадларини давлат даромадлари ва ҳаражатлари билан муқоясалаш қулдорлик ва феодал жамиятларга хос ҳодиса бўлган. Рим сенати сиёсий ҳаётда ҳал қилувчи роль ўйнаган Рим республикаси давридагина жамоат хўжалиги хусусий хўжаликдан ажратилди, бир мунча ривожланган молиявий муносабатлар тизими пайдо бўлиб, давлат даромадлари бож солиқлари, акцизлар, фискал монополиялардан иборат эди. Даромадлар ҳам, ҳаражатлар ҳам эрарийга - Рим сенатининг хазинаси ва фиск - император хазинасига бўлинган эди.

Рим республикасининг инқирози билан (айниқса, Рим империяси даврида) молиявий назорат элементлари йўқолди, чунки ҳокимиятни тўлиқ эгаллаб олган императорлар хазинага ўз мулки сифатида қарар ва жамият маблағларидан ўз билганларича фойдаланардилар.

Хитой, Хиндистон сингари Шарқ мустабид давлатлари учун ҳам молиявий бошбошдоқлик хос эди.

Феодализм даврида молия масаласи бетартиб бўлиб, давлат томонидан тартибга солинган пул муносабатлари тизими мавжуд эмасди. Феодализмда молиявий муносабатларнинг бир мунча ривожланган шакллари шаҳарлар - ҳунармандчилик, мануфактура, савдо марказлари, банкирлик уйлари пайдо бўлган жойларда мавжуд бўлган.

Молия элементларига нисбатан молиявий назорат мутлақо ибтидоий аҳволда эди. Давлат хазинаси давлат бошлиғи хазинасидан ажратилмаган ва ҳокими мутлақлар маблағлардан ўз маблағлари сингари мутлақо беназорат фойдаланардилар. Давлат ҳаражатлари назоратдан тўлиқ ҳоли бўлиб, бу ҳукмрон синфларнинг текинхўрларча истеъмоли, хазинани талон-тарож қилиш ва порахўрлик ўсишига хизмат қилар; натура солиқлари ва тўловлар ундиришда бошбошдоқлик ҳукм сурарди.

Шундай қилиб, қулдорлик жамиятидаги каби феодал жамиятда ҳам молиявий назорат молияга нисбатан анча суст ривожланади.

Ҳокимият тепасига келган янги буржуа синфи муфассал молиявий тизимни барпо этди, давлат хазинаси давлат бошлиғи хазинасидан ажратилди, солиқлар ва йиғимларнинг батартиб тизими белгиланди.

Ривожланган молиявий тизим молиявий назоратнинг ривожланиишни тақозо этарди. Франция, Италияда давлат молиявий назоратининг бевосита субъектлари - Ҳисоб палаталари, Англияда - Бош назоратчи ва Бош тўловчи қонун чиқарувчи ҳокимият (парламент) томонидан тайинланади.

Давлат мулкининг ривожланиши билан молиявий назорат соҳаси ҳам кенгайиб борди, лекин у тобора шартли тус ола бошлади, чунки давлат сектори корхоналаридан ташқари кўпдан-кўп хусусий корхоналар ўзларининг ҳақиқий даромадларини бемалол яширарди.

Айрим хусусий корхоналарда юксак уюшқоқлик, оперативлик ва ишлаб чиқариш зарарлари даражаси, ишлаб чиқариш-моддий ресурслар ҳолати, мулкнинг бутлига устидан назорат таъсирчанлигига эришилади, ҳисоб-китоб ва ички хўжалик назорат йўлга қўйилган.

Ўзбекистондаги бозор муносабатлари тизимида, МДҲнинг бошқа мамлакатларидаги сингари, янги молиявий назорат тизимини ташкил этиш бошланди.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса сингари иқтисодий муносабатларни тадқиқ қилишнинг диалектик методи тараққиётнинг барча босқичларида уларнинг ҳар томонлама тадқиқ қилинишини назарда тутади.

Молиявий назоратнинг моҳиятини тушуниш учун унинг ҳар қандай иқтисодий формация ва ишлаб чиқариш муносабатларининг барча турларига хос бўлган умумий хусусиятларини аниқлаб олиш лозим.

Молия назорат вазифасининг мавжудлиги ўз-ўзидан молиявий назорат мавжудлигини келтириб чиқармайди, у тегишли давлат органларининг муқим ташкил этувчи фаолиятини тақазо этади.

1. Молиявий назорат - кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда молия муҳим ролининг бир кўринишидир.

2. Молиявий назорат давлат бошқарув органлари фаолиятининг турларидан бири сифатида намоён бўлади.

3. Молиявий назорат - бошқарувнинг тартибга солиш, режалаштириш,
ҳисоб-китоб ва хўжаликни юритувчи субъект фаолиятининг таҳлили сингари мустақил вазифасидир.

4. Тақсимлаш муносабатлари орқали молиявий назорат ишлаб чиқариш, айирбошлаш, муомала ва истеъмол муносабатларига татбиқ этилади.

Молиявий назорат назарияси, унинг мазмуни, ўрни ва ташкил этилишини ишлаб чиқиш билан кўплаб олимлар шуғулланган бўлиб, шунинг учун бозор муносабатларининг янги тизимига ўтиш ва янги молиявий тизимни шакллантириш чокида барча турли-туман фикрларни, жумладан сибиқ СССР ва бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар олимларининг фикрларини ўрганиб чиқмоқ фойдалидир.

Молиявий назорат таърифларининг қиёсий таҳлилини келтирамиз.

Манбалар	Таъриф
Назорат амал қилинувчи қоидаларнинг Лима декларацияси. Олий назорат органлари халқаро ташкилотининг (INTOSAI) IX Конгрессида 1977 йил. қабул қилинган, 1-модда. "Назоратнинг мақсади".	Назоратни ташкил этиш ижтимоий молиявий маблағларни бошқаришнинг зарурий элементи ҳисобланади, чунки бундай бошқарув жамият олдидаги масъулиятни келтириб чиқаради. Назорат шунчаки мақсад бўлиб колмасдан, балки тартибга солиш тизимининг ажралмас қисмидир, унинг мақсади аҳволни тўкрилаш чораларини кўриш, айрим ҳолларда айбдорларни жавобгарликка тортиш, етказилган зарар учун товон ундириб олиш ёки келгусида бундай бузилишларнинг оддини олиш ёхуд камайтириш имкониятига эга бўлиш учун имкони борича дастлабки босқичда қабул қилинган стандартлардан чекинишларни ва қонун қоидаларининг бузилишларини, моддий ресурсларнинг самарадорлиги ва тежаб сарфланишини аниқлашдан иборатдир
Н.С.Малеин.	Молиявий назорат - молиявий, кредит ва хўжалик органлари (ташкилотлари)нинг режаларнинг бажарилиш жараёнида молиявий, бюджет, солиқ, кредит, ҳисоб-китоб ва касса интизомини таъминлашга қаратилган ва пул ҳаражатларининг қонунийлиги, асослилиги ва оқилоналигини текширишдан иборат қонун нормалари билан тартибга солинувчи фаолиятидир
Д.А. Аллахвердян.	Молиявий назорат - давлат назоратининг таркибий қисми, иқтисодий бошқариш ва режалаштириш бутун тизимининг элементидир.
Э.А. Вознесснский.	Молиявий назорат - давлат ва жамоат органларининг; кергайтирилган такрорий ишлаб чиқаришда режали мутаносибликка риоя қилиш мақсадларида марказлаштирилган ва маҳаллий пул жамғармаларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнларининг асосли эканлигини текширишдан иборат
И.А. Белобжецкий.	Иқтисодий назорат қабул қилинган бошқарув қарорларининг асослилиги ва самарадорлигини ва улар ижросининг натижаларини баҳолаш мақсади билан бошқарилувчи объектнинг иш олиб бориш жараёни ва ҳақиқий ҳолатини кузатиш камда текшириш тизимини ўз

И.А. Белобжецкий.	Молия-хўжалик назорати деганда назорат вазифалари юклатилган давлат ва жамоат органларининг корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотлар ва моддий ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳаларининг молия-хўжалик фаолияти устидан бу фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини ҳолис баҳолаш, хўжалик ва молиявий операцияларнинг қонунийлиги, тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлигини, социалистик мулкнинг сақланишини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва давлат бюджети даромадларини оширишнинг ички хўжалик имкониятларини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган назорат тизимидир.
Ю.А.Данилевский.	Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни бошқариш умумий механизмининг муҳим вазифалари ва ажралмас таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, молиявий, кредит, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўз ичига олади. Назорат доирасига пулда иводаланган товар-моддий
С.С.Носова.	Иқтисодий назорат ишлаб чиқариш устидан инсоният яратган ғоят самарали назоратдир. У нарх, иш ҳақи, фойда, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва фойдаланиш, ссуда фоизи, рента, солиқ, пул ва ш.к. оркали амалга ошишлади.
Ю.М.Иткин.	Давлат назорат органларининг вазифаси, энг аввало, давлат қонунлари ва президент фармонларининг ижросини; Олий Кенгаш томонидан ажратилган бюджет маблағлари йўналтирилишининг қонунийлиги, тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлигани: ҳукумат ва унинг органлари фаолиятининг самарадорлигини, молиявий ва моддий ресурсларнинг бошқаришнинг барча даражаларида давлат маблағлари самарали ва тежаб-тежаб
Ю.М.Иткин.	Назоратнинг вазифаси йўл қўйиладиган четга чиқиш меъёрларини малакали белгилашдан иборат, қолган барча четга чиқишларни қайд этиш ва бартараф қилиш талаб қилинади. Бошқарувнинг ички ва ташқи хўжалик жараёнларини кузатиш, текширишни амалга оширар экан, назорат бозор иқтисодиётида, бу ҳаракатларнинг ҳаммаси фақат самарали бошқариш учун фойдали бўлгандагина мавжудлик ҳуқуқига эгадир.
С.О.Шохин, Л.И.Воронина.	Молиявий назорат деганда назорат вазифалари юклатилган давлат ва жамоат органларининг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини холис баҳолаш мақсади билан бу фаолият устидан назоратнинг кўп томонлама тармоқлардаги тизимиии, хўжалик ва

	мақсадга мувофиқлигини аниқлашни ҳамда давлат бюджети даромадларининг резервларини аниқлашни тушунмок керак.

Келтириб ўтилган таърифлар таҳлили, назоратнинг энг муҳим жиҳати - оғишларни қайд қилиш ва бахолаш хулосаларидан иборатлиги хусусида хулоса чиқариш имконини беради. Бу, фикримизча, назоратнинг моҳиятини белгилаб беради. Оғишларни қайд қилиш учун қонун нуқтаи назаридан назорат қилинаётган объектнинг рухсат этилган ҳолати ва кутилтан даража ва хатти-ҳаракати йўл қўйиладиган даража билан қиёсланади; ҳаракатлар, харажатлар, натижалар, стандартлар, режалаштирилаётган ёки зарур маълумотлар билан қиёсланади; қўлланган ва ҳуқуқий чеклашлар билан амалга оширилган ҳаракатлар қиёсланади; кутилаётган ва ҳақиқийлари оқилона ва мақсадга мувофиқлари билан қиёсланади; бошқа қиёслашлар ҳам амалга оширилади. Назоратнинг моҳияти ва назорат қилувчи шахснинг иш усули шундан иборат.

Ўтказилган қиёслашлардан иш манфаатига хизмат қиладиган ва ҳатто айбдорларни жазолаш учун баҳолаш хулосалари чиқариш-назоратни бошқаришнинг бошқа вазифаларидан фарқлайдиган мақсади шу.

Шундай қилиб, ***молиявий назорат*** *- давлат томонидан ташкил этилган, назорат қилиши вазифалари юклатилган давлат ёки мустакил жамоат органлари томонидан ҳукумат, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятининг самарадорлигини аниқлашга қаратилган назорат тизимидир. Давлат бюджетини шакллантириш ва сарфлашдаги резервларни, молиявий ва моддий ресурсларни бошқаришнинг барча даражаларида операцияларнинг маųсадга мувофиқлиги ва самарадорлигиини, ųонунийлик принципларидан четга очиш ва уларни бузшиларни аниқлаш назорат тизими вазифасига киради.* ***Назорат мақсади*** *- тузатиш чораларини кўриш, айбдорларни жавобгарликка тортиш ва бузиш-ларнинг олдини олишдан иборат.*

Молвявий назоратнинг таркибий қисмларини Ф.С.Массариган аниқлашга интилиб, у «назоратнинг уч тури: молия-хўжалик назорати, молия-бюджет назорати ва кредит-банк назорати мавжуд» деб ҳисоблайди. Муаллиф фикрича, назорат субъектлари шундай тузилишнинг мезонлари сифатида майдонга чикади. Чунончи, молия-хўжалик назорати асосан корхоналар ва уларнинг бирлашмалари, молия-бюджет назорати - Молия вазирлиги тизимининг органлари, кредит-банк назорати - банк тизими органлари томонидан амалга оширилади.

Бундай таснифлашга қарши Э.А Вознесенский қўйидаги далилни илгари сурди: молия-бюджет наэорати деб ном олган назорат молия-хўжалик назоратини ҳам, кредит-банк назоратини ҳам ўз ичига олади.

И.А.Белобжецкий молия назоратининг амал қилишига қўйидагича таъриф берди: «Моддий ишлаб чиқариш соҳаси ва ноишлаб чиқариш соҳасининг хўжалик жараёнлари ва пул муомалалари мажмуи молия назоратининг қўлланиш объекти ҳисобланади. Шунинг учун анъанавий «молия назорати» атамаси ўрнига илмий истеъмолга молия-хўжалик на-зорати тушунчасини дадилроқ киритиш мақсадга мувофиқ».

С.О.Шохин билан Л.И.Воронина бозор иқтисодиёти мамлакатларида қабул қилингани каби, молия назоратини икки турга - бюджет-молия назорати ва аудитга бўлинишини тамомила тўғри дсб ҳисоблайдилар;

2. Молиявий назоратнинг объектлари ва субъектлари.

Ҳокимият ваколатлари ҳажмида ва субъектларнинг назорат фаоллиги даражасида ифодаланган бошқарув тизимидаги назорат мақоми -назорат объект ва субъектлари таърифлаб ўтилган таснифлар тузилиши мезони сифатида қабул қилинган.

Назорат вазифаларини ифодаловчи органлар назорат субъектлари ҳисобланади. Назорат объектлари - молия тизими ва иқтисодий самарадорлигини текшириш лозим бўлган молия-хўжалик-тижорат тузилмалари пайдо бўлганида назорат субъектлари (тафтишчилар)ни ташкил этиш зарурати пайдо бўлади.

Мадомики назорат объектлари доимий ҳаракатда бўлиб, субъектлар ҳам ўзгарар экан, уларнинг назорат ишлари йуналиниши ҳам мунтазам равишда ўзгариб туриши керак.

Назорат субъектларига боғлик равишда Э.А.Вознесенский қўйидаги ихтисослашган турларни фарклайди: олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилувчи умумдавлат назорати; жамоат назорати, ички идоравий, ички хўжалик назорати.

Э.А Вознесенский назоратни амалга оширилиш соҳасига боғлиқ ҳолда таснифлашга уриниб кўрди: молиявий, статистик, давлат молия инспекцияси органларининг назорати, ёнғиндан сақлаш назорати,. санитария-гигиена назорати ва бошқалар. Назаримизда, бу белгилар бўйича назоратни таснифлаш мақсадга мувофиқ эмас.

И.А. Белобжецкий молиявий назоратни ички хўжалик, идоравий ва идорадан ташқари назорат турларига бўлади. Ю.А.Данилевский хам ана шу фикрда ички хўжалик назорати хўжалик бошқарувининг юқори органлари томонидан амалга оширилади, ишлаб чиқаришнинг асосий (бирламчи) буғини - корхоналар ва бирлашмаларда иктисодиётни бошқаришнинг энг муҳим вазифаси сифатида намоён бўлади; корхонанинг функционал, техник ва иқтисодий хизматлари ички хўжалик назоратининг субъектлари ҳисобланади.

П. В.Черноморд ички хўжалик назоратининг молиявий назоратнинг мустақил тури сифатидаги макомини рад этиб, уни идоравий назоратининг таркибий қисми сифатида талқин қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, тадбиркорликнинг ривожланиши, илгари амал қилиб келган тузилмаларнинг тугатилиши билан айни бир пайтда иктисодий фаолият

янги шаклларининг яратилиши бошқарувнинг тубдан қайта ташкил этилишига сабаб бўлди.

Кичик, қўшма корхоналар, фермер хўжаликлари, акциядорлик жамиятлари, хусусийлаштириш, инвестиция ва суғурта фондларининг пайдо бўлиши - буларнинг бари назорат органлари таркибининг ўзгаришига таъсир кўрсатди ва солиқ инспекцияси, ҳисоб палаталари ва аудиторлик хизматлари кўринишидаги давлатнинг янги назорат қилувчи органлари ва мустақил органлар пайдо бўлди. Ушбу органларнинг функциялари, ҳуқуқ ва вазифалари, улар қўллайдиган усуллар ўзгарди ёки янги жиҳатлар касб этди.

Жамоат назоратини мустақил, масалан, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти, атроф муҳитни ҳимоя қилиш жамияти, мисол учун «Cгeen Peace» сингари жамиятлар амалга ошира бошладилар.

Молиявий назорат назариясини ишлаб чиқиш долзарб вазифага айланди, зеро, бутун тизим назарий ечимлар асосида барпо этилади. Шунинг учун назорат типи, тури ва шакли сингари тушунчалар атамашунослигига аниқлик киритилиши керак.

Назоратни тавсифлаш муаммосига нуқтаи назарларнинг кўплига унинг мураккаб синтетик хусусиятидан далолат беради.

«Тип» тушунчаси ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ҳодисанинг, шу жумладан молиявий назоратнинг ғоят муҳим ва муқим белгиларини хусусиятлайди. Бизнинг фикримизча, ҳокимият ваколатлари ҳажмида ифодаланувчи бошқарув тизимидаги назорат мақоми ана шундай хусусиятдир. Молиявий назоратни шу белги бўйича уч типга ажратмоқ, мақсадга мувофиқдир: бюджет-молия назоратга, молия-хўжалик (тадбиркорлик, тижорат) назорати, мустақил аудит.

Назоратнинг ҳар бир типи учун субъект ва объектни белгилаймиз.

Давлат ҳокимияти, биринчи навбатда қонун чиқарувчи органлар ва ижроия ҳокимияти ва назорат қилиш ваколатига эга бўлган бошқарув органлари бюджет-молия назоратининг субъектлари сифатида иштирок этадилар.

Ўзбекистонда бу Олий Мажлис, Президент девони, Вазирлар Махкамаси, Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қумитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банкдир.

Молия-хўжалик назорати моддий ишлаб чиқариш сохасида амалга оширилиб, унинг субъектлари - тармоқ вазирликлари, идоралар, объектлари - заводлар, фабрикалар, қурилиш ташкилотлари ва бошқалардир.

Акциадорлик жамиятлари, хусусийлаштириш ва инвестиция фондлари, хусусий фирмалар ва суғурта компаниялари сингари нодавлат объектлар пайдо бўлиши билан молиявий назоратнинг мустақил субъекти - аудиторликни юзага келтириш ва ривожлантириш учун зарурат туғилди; бу Ўзбекистон учун молиявий назоратнинг янги ташкилий шаклидир. Ҳар қандай корхона, ташкилот, ҳар қандай мулкчилик шаклидаги ҳар қандай хўжалик бирлиги унинг объекти бўлиши мумкин.

Гарчи иқтисодий мазмун, предмет ва услуб бирлиги молиявий назоратнинг барча турлари учун умумий ҳисобланса ҳам «молиявий назорат

тури» тушунчаси унинг қўлланиш соҳаси билан белгиланади. Мутахассисларнинг назорат турларига қарашларини ҳисобга олиб уларни замонавий иқгисодий воқеликка нисбатан мослаб, биз қўйидаги турларга ажратишни таклиф қиламиз: давлат, идоравий, идорадан ташқари, ички хўжалик, жамоат назорати ва мустақил назорат.

Молиявий назоратнинг типлари ва турлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашга уриниб курамиз (1-чизма).

Бош=арув тизимида субъектларнинг ма=оми билан бо\ли= типлар

1)бюджет -молиявий
2)молия-хыжалик

Субъектларга бо\ли= турлар

1) *давлат;* 2) *идорадан пши=ари;*
3) *идоравий;* 4) *ички хыжалик;*
5) *жамоат;* 6) *муста=ил аудит.*

Мабаларга бо\ли= шакллар

1) щужжатлар асосида
2) фактларга асосланган
3) компьютер

Назорат хатти-щаракатларни амалга ошириш ва=тига бо\ли= шакллар

I) дастлабки;
2) жорий,
3) навбатдаги

1-чизма. Молиявий назоратнинг типлари, турлари, шаклларининг тавсифномаси

«Молиявий назорат шакли» тушунчасини талқин қилишда «шакл» категориясининг умумий қабул қилинган фалсафий изоҳидан келиб чиқамиз.

Бу мазмуннинг сиртки ифодаси бўлиб, назорат ҳаракатлари амалга ошириладиган вақтга боғлиқ ҳолда вазифаларни бажариш учун назорат ҳаракатларини аниқ ифодалаш ва ташкил этиш усулидир. Дастлабки, жорий ва навбатдаги назорат назоратнинг узлуксизлик хусусиятини акс эттирувчи шакллардир.

Назоратнинг шакллари тўғрисидаги тушунчалар И.А.Белобжецкий, Ю.АДанилевский, С.О.Шохин томонидан етарли даражада тўлиқ ишлаб чиқилган.

Дастлабки назорат тахминлаш, режалаштириш ва лойиҳалаштариш босқичида, хўжалик ёки молиявий операциялар амалга оширилишидан аввал ўтказилиб, оқилона бошқарув ечимлари қабул қилинишига хизмат қилади.

Жорий назорат - ички хўжалик назоратиниг узвий қисми, бутун корхона ва унинг ички бўлинмалари ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини тезкор бошқариш ва тартибга солиш жараёнининг таркибий қисмидир. Самарали жорий назорат тезкор амалий-ишлаб чиқариш режалаштирилиши ва ижронинг ўзаро яқин алоқасини кўзда тутади, тезкор статистик ва бухгалтерия ҳисоби услуби ёрдамида олиб борилади.

Навбатдаги назорат хўжалик ва молиявий операциялар амалга оширилганидан кейин ўтказилиб, текширилаётган ҳужжатларни ва корхонанинг бутун молиявий ҳолатини чуқур ўрганиш билан фарқ қилади. Навбатдаги назорат субъектига кўпинча ички хўжалик назоратидан ташқари назоратнинг барча турларини киритадилар. Техник, бухгалтерия, иқтисодий, молиявий хизматлар кўринишидаги ички назорат органлари камчиликлар дастлабки ва жорий назорат чоғида очиб ташланишидан, ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари бўйича таҳлил ўтказилишидан айниқса кўпроқ манфаатдордирлар.

3. Молиявий назоратнинг усуллари: текширув, таҳлил, тафтиш.

Ҳар бир назорат турининг асосий вазифалари қонунан белгилаб қўйилиши мумкии бўлса ҳам биринг иккинчисига ўзаро сингиши муқаррар юз беради. Шу бойс назоратнинг барча турлари ҳаракатини мувофиқлаштириш зарурати аниқ-равшан бўлиб колади.

«Молиявий назоратнинг вазифаси» таърифи назорат қилувчиининг вазифаларини ўз ичига олади; назоратнинг ҳар бир типига алоҳида вазифалар хос.

Бюджетнинг даромад ва ҳаражат қисмларини текшириш вазифаси фақат бюджет-молия назоратига хос бўлиб, у молиявий назоратнинг моҳиятини ғоят ёрқин акс эттиради. Корхоналар, компаниялар молия-хўжалик (тадбиркорлик ёки тижорат) фаолияти ва молиявий ҳисоботларининг тўғрилигини текшириш, юқори раҳбариятнинг йўл-йўриқларини текшириш ёки мутаносибликни аудит қилиш, мавзу бўйича текшириш ёки операция аудита сингари вазифалар молиявий назоратнинг барча уч турининг вазифаси ҳисобланиб, молиявий назорат умумий бўлимига хосдир.

Хориж амалиётида назоратнинг бюджет-молия ва молия-хўжалик типларинивг вазифасига назоратнивг пировард натижага мўлжалланганлиги, дастурий баҳолаш, «сансет» услуби каби вазифалари киради. Ўзбекистонда бюджет маблағлари айрим мақсадли дастурлар (масалан: «Устоз», «Соғлом авлод учун») учун ажратила бошлавганлигини ҳисобга олиб, юқорида санаб ўтилган вазифалар вақти келиб олий давлат ва идоравий, идорадан ташқари назорат турларининг вазифалари сирасига киритилади. Бундай текширишларга мустақил аудит ҳам жалб қилиниши мумкин, лекин бу каби текширишлар аудиторнинг бевосита вазифасига кирмайди.

Айни пайтда аудиторлик фирмалари молиявий ҳисоботнинт тўтрилигини тасдиклайдилар, бу эса давлат назоратчиларинint хизмат вазифаларига кирмайди ва юзаки қараганда, аудиторлик фирмаларининг маслаҳат фаолияти каби молиявий назоратнинг вазифаси ҳисобланмайди.

Корхоналар ва ташкилотларшгаг мустақил аудиторлар томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботлари, бозор иқтисодиёти соҳасидаги давлатга ўз молиявий сиёсатини руёбга чиқаришда ёрдам берадиган зарурий элемент ҳисобланади. Аудиторлик фирмаларининг молиявий ҳисоботлар ишончлилигини тасдиқлаши маслаҳатчилик фаолияти нодавлат секторида молиявий назоратни чуқурлаштиради ва кенгайтиради. Чунончи, корхоналар, ташкилотларнинг мустақил аудиторлар томонидан тасдиқланган молиявий хисоботлари кредит бериш, инвестициялар жойлаштириш, фонд биржаларида қимматбаҳо қогозлар листинги ва шу сингари операциялар учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Бундай қараганда, аудиторлик фирмаларининг маслаҳатчилик фаолияти молиявий назорат вазифасига кирмайди. Лекин Молия вазирлиги, Солиқ кўмитаси каби органлар ҳам ўз назорат объектлари ва нодавлат соҳа корхоналари учун маслаҳат хизмати кўрсатадилар, бирок бу ишлар бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш, бюджет билан ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун бажарилаётгани туфайли улар ҳам шу органларнинг вазифаларига айланиб қолмоқда. Рўкри, улар бу хизматларви бепул кўрсатсалар, аудиторлик фирмалари эса ана шундай хизматлари учун ҳақ талаб қилади. Молиявий ҳисоботнинг тўғрилигини текшириш вазифаси истисносиз пулли ҳисобланиб, айни пайтда молиявий назорат, туркумига киритилади.

Шундай қилиб, эътироф этиш мумкинки, аудиторлик фирмаларининг молиявий ҳисоботлар тўғрилигини тасдиқлаш ва маслаҳат бериш борасидаги фаолияти аста-секин молиявий назорат туркумига кириб бормоқда, бунинг устига аудиторлар бу хизматларни нодавлат сектори корхоналари, компаниялари устидан ҳам давлат томонидан, ҳам молиявий ахборотдав фойдаланувчиларнинг назоратини кучайтириш мақсадларида кўрсатадилар.

Аудит ёки маслаҳатнинг сифатли ўтказилишя учун масъулият Аудиторларнинг касб этикаси кодексида энг муҳим мажбуриятлардан бири деб айтилган, айниқса, аудиторларнинг мустақиллига, виждонлилиги ва улар хизмат кўрсатаётгав мижозга нисбатан холис бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланади. Айви пайтда у мижознинг манфаатлариви эҳтиётkорона ва қувт

билан муҳофаза қилиши, бу манфаатларни жамият мавфаатларига уйғунлаштириб бориши керак.

АҚШ аудиторларининг касб этикаси кодексининг кенгайтирилган вариантида аудитор мустақил бўлиб қолиши, фойдаланувчилар тўғри ахборот олишлари, мижозлар эса-сифатли ва малакали хизматлардан фойдаланишлари учун этика қоидаларига қандай амал қилиш кераклиги муфассал баён этиб берилган.

Мустақил аудиторлар аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун, Аудиторлар этикаси кодексига мувофиқ ҳаракат қилиб, малакасиз хизматлари учув ўзларининг мижозлар ва жавшят олдидаги масъулият даражасини хис қилгар ҳолда ўз мижозларига давлатнинг бирор-бир қонун ҳужжатларини онгли равгацда четлаб ўтиб маслаҳат бермайдилар. Шунинг учун, назаримизда, уларниig фаолияти дастлабки молиявий назорат деб қараш мумкин.

Молиявий назорат илмий билимларнинг алоҳида соҳаси сифатида тадқиқотнинг ўз услубидан фойдаланади, бу услуб назрратда фойдаланиладиган услуб ва усулляриинг йипшдиси сифатида изоҳланади. Чунончи, Н.Т.Белуха, «молия-хўжалик назорати ва тафтиш услуби - хўжалик фаолиятини назорат қшгаш ва уни норматив-хуқуқий тартибга солишнинг услубий йўсинлари йиғиндисидир» деб ҳисоблайди.

Молиявий назоратнивг махсус услублари балансларни ҳисоблаб текшириш, ҳужжатлар асосидаги тафтиш, хўжалик фаолияти таҳлшга сингари бир мунча хусусий услубларга бўлинади; нисбатан «майда» оралиқ вазифаларци бажариш учун ҳужжатларни муқобил текшириш, пул маблағлари ва моддий бойликларни рўйхатга олиш, миқцор ҳисобни тиклаш, назорат қиёслашлари ва бошқалардан фойдаланиш керак.

И.А.Белобжецкий молиявий назоратнинг умумий усули концепциясини, фикримизча, етарлича изчил.ва илмий асосда баён этади: бу тадқиқотга назорат амалларини бажариш чоғида муайян вазифаларни бажаришга қаратилган техник (услубий)- усуллар йиғиндиси сифатидаги усуллар ҳам қўрилган умумий ёндашувдир. Умумий ёндашув ҳодисаларнинг умумий ^алоқаси ва ўзаро боғликлиги, ўзгарувчанлиги, миқдорнинг сифатга ўтиши, қарама-қаршиликлар бирлити ва кураши сингари материалистик услуб қонунларига асосланган.

Бинобарин, молиявий назорат услубини кузатиш, қиёслаш, тахлил қилиш, олинган натижаларни умумлаштириш, улардан бир бутун хулоса чиқариш, айрим фактлардан умумий хулосага келиш ва уиумий ҳолатдан хусусий хулосаларга келишви ўз ичига олган ўзига хос услубий йўсинлар, йўл ва воситалар ёрдамида молия-иқтисодий ахборотни ва назорат объектшшнг хақиқий ҳолатини ўзаро боғликликда ўрганиш деб тушуниш мумкин.

Назоратнинг услубий йўсинлари ва улардан фойдаланиш механизмларини таснифлаш масалалари етарлича тўлиқ ёритилган Э.А.Возвесенский, И.АБелобжецкий, ЛЖКрамаровский,

Ю.А.Данилевский, С.О.Шохин, Л.И.Воронина. Мазкур муаллифлар тақдим этган ечимлар ва хориж мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиб биз молиявий назорат услубий усулларининг қўйидаги таснифини тавсия этамиз:

умумуслубий усуллар: тафтиш, аудит, таҳлил, мавзули текшириш, тадқиқ қилиш, пировард натижага-дастурий баҳолаш, «сансет» услуби;

Хужжатлар асосидаги назорат усуллари: расмий ва арифметик текшириш, юридик баҳолаш, мантиқий назорат, муқобил текшириш, тескари ҳисоб усули, баланс уйғунлигини текшириш, қиёслаш, ҳисоботларнинг саноқ баҳоси;

фактлар бўйича назорат усуллари: рўйхатга олиш, экспертиза, кўз билан кузатиш, назорат ўлчови, назорат тариқасқца ишга тушириш, вақтни аниқ ўлчаш, иш куни тақсимланишини ўрганиш, лаборатория таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тафтиш ва текширишларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада услубий усуллар сифатида (амалга ошириш тартибини тушунтирмай) қўйидаги усулларни қўллашни тавсия қилади: рўйхатга олиш, назорат ўлчови, лаборатория таҳлили, арифметик текшириш, муқобил текшириш, қиёслаш, ҳисоботларни миқдорий текшириш. Шубхасиз, молиявий назоратчилар ўз фаолиятларида усул ва йўсинларнинг бир мунча кенг хилларини қўллайдилар.

Назорат самарадорлигига расмий ва мантиқий, ҳужжатлар ва фактлар асосидага текширишлар сингари хилма-хил усулларни қўшиб фойдаланиш орқали эришилади. Текшириш жараёнида жалб қилинадиган ахборот манбаларининг- тўғрилигини аниқлаш, хўжалик субъектонинг мураккаб вазиятлардаги ёки ноаниқлик шароитидаги, хатти-ҳаракатларининг изчиллигини ойдинлаштириш, фактик материални таҳлил қилиш ва умумлаштириш - буларнинг бари назоратнинг турли-туман усулларидан фойдалангапни тақозо этади.

Ҳужжатлар, фактлар асосидаги ёки компьютер ёрдамидаги услубий усулларни таҳлил қилинаётган маълумотлар манбаларига кўра фарқлаш мумкин.

Назоратни ҳужжатлар ёки фактлар асосидаги назоратга ажратиш масаласи анча кенг ёритилган. Чунончи, Л.М.Белобжецкий, Э.А Вознесевский, Л.М.Крамаровский ҳужжатлар асосидаги назорат учун, хусусан, дастлабки ҳужжатлар; бухгалтерия ҳисоби регистрлари; бухгалтерия, статистика ва оператив-техник ҳисоботлар; режали, норматив, технология, лойиҳа-конструкторлик кўринишидаги бошқа ҳужжатлар ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади деб кисоблайдилар.

Фактик *назорат* текширилаёгган объёктларнинг ҳақиқий ҳолатини натура ҳолида кўздан кечириш (қайта ҳисоблаш, вазнини ўлчаш, ўлчаш, экспертиза қилиш, лаборатория таҳлили ва бошқалар) маълумотлари бўйича ўргангапдан иборат.

Ҳужжатларнинг мукаммаллиги ва дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб қайдларининг шубхасиз асослилиги зарурат тугилганда махсус фактик назорат услублари ёрдамида аниқланади. Фақат ҳужжатлар орқали назорат қшшш услубларига асосланган тафтиш объектнинг бутун молия-хўжалик фаолиятиви

ўрганмай, бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисоб регистрларини текширишдангана иборат бўлиб қоларди.

Ҳужжатлар асосидаги ва фактик назорат бир-бирини тўлдиради, уларнинг алоҳида қўлланилиши амалга гоят кам учрайди. Ҳужжатлар асосидаги ва фактик вазорат услубларга бўлишшшнинг шартли эканлигини фактик маълумотларни ҳисоб маълумотларига қиёслаш билан якунланувчи рўйхатга олиш услубида кўзатиш мумкин.

Ҳисоб-китоб фаолиятига компьютер технологияларининг кенг жорий этилиши, кўп бухгалтерия маълумотларининг сақланиши, дастлабки ҳужжатларни қайта ишлаш, компьютер дастурлари ёрдамида бухгалтерия ҳисоб-китоби регастрлари ва ҳисоботларини тузиш назоратниинг янги - компьютер усулини амалга киритиш имкониятини яратади.

Назоратни компьютер назоратига ажратиш биринчи маротаба таклиф қилинаяпти ва фикримизча, тамомила асослидир; компьютердан ҳар қандай агхборотни қоғозда, яъни муайян ҳужжат кўринишида олиш мумкинлигига оид эътирозларни асоссиз деб ҳисоблаш мумкин. қоюздаги ифода фақат бу ҳужжатни тузган масъул шахс томонидан имзолавгав тақдирдагина ҳужжат сифатида хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, компьютерларнинг турли вирусларга мойиллиги, ҳужжатлар билан асословсиз, осовшна тузатишлар киритилиши сохталаштирилган маълумотлар олшп хавфиви тугдиради. Шу туфайли замонавий назоратчи ёки аудитор учун компьютерда қайта ишланган ҳужжатнинг тўррилигини (ёки ишончсизлигини) фарқлай бшшш муҳим. Ҳужжатнинг ўзига хос шакли ва уни олиш учун махсус билим зарурлиги, назаримизда илмий-амалий ҳаётга «компьютер назорати» атамасини киритишга асос беради.

Компьютер назорати ҳужжатлар асосидаги ва фактик назоратдан айри ҳолда олиб борилиши мумкин эмас, уларнинг ҳаммаси ўзаро бир-бирини тўлдиради.

Молиявий назоратни тўлиқ ёки қисман, комплекс ёки мавзули, ёппасига ёки танлаб ўтказиладиган назорат турларига бўлиш текшириш ҳажми ёки текширилаётган объектнинг тўлиқ қамраб олинишига боғлиц.

И.А.Белобжецкий комплекс ва оралиқ тафтишни, мавзули текпшришни, ялпи бўлмаган (танлаб) кузатишни ажратади, бироқ, таснифлаш мезоаларини кўрсатмайди ва уларни назорат усуллари ёки услубий йўсинлари, масалан, тафтиш, аудит, мантиқий текшириш сифатида кўриб чикади. ЛЖКрамаровский ҳаи шундай фикр билдиради.

Назорат объект молия-хужалик фаолиятининг турли томонларини қамраб олиш даражаси бўйича И.А-Белобжецкий тафтишни тулиқ ва қисман тафтишга ажратади.

Мутахассислар гурухи белгиланган давр мобайнида ва белгиланган дастурга бииоан корхона, ташкилотнинг молия-хўжалик (тадбиркорлик, тижорат, ишлаб чиқариш-техника ва ижтимоий) фаолиятини ҳар томонлама текшириб, ҳисобот ва молия интизомига риоя қилинишини аниқлайдиган текшириш комплекс текшириш деб аталади. Комплекслилик мезони аввало

ишлаб. чиқарипшинг иқтисодий, техник ва ижтимоий соҳаларивди ҳар томовлама назорат қилишда намоён-бўлади.

Давлат органлари томонидан идоравий бўйсунишдаги корхоналар ва ташкилотларда ўтказиладиган тафтишлар, шунингдек аудит ва таҳлил (шартнома ёки дастурга боғлиқ ҳолда), бизнинг назаримизда, комплекслилик мезонига жавоб беради.

Корхона, ташкилот молия-хўжалик (тадбиркорлик, тижорат) фаолиятининг айрим бўлимлари (қисм, участкалари) ҳолатини текшириш мавзули текшириш деб аталади. Масалан, моддий бойликлар (асосий воситалар ёки номоддий активлар)нинг сақланиши ва улардан фойдаланшшш текшириш, молиявий натижалар аниқланишининг тўғрилигини текшириш ва бошқалар. Хориж амалиётида мавзули текшириш «операция аудита» атамаси билан тавсифланади.

Комплекс ёки мавзули (операция) текширишни ўтказиш чоғида ҳужжатлар ялпи ёки тавлаб (презентатив) текширилиши мумкин. Ялпи текшириш чоғида назоратдан ўтказилаётган давр мобайнидаги дастлабки ҳужжатлар хисоб регистрлари ва ҳисоботлар тариқасида расмийлаштирилиб амалга оширилган барча операдиялар мазмуни кўриб чиқилади. Танлаб (репрезентатив) текширгадца текпшриб чиқилаётган даврдаги операцияларниig бир қисми (масалан, ҳар бир ойда кетма-кет ёки ҳар қаеридан бир неча кун) қамраб олишни-назарда тутилади. Агар танлаб текшириш чоғида суистеъмол қилиш, кўзбўямачилик аниқланса, у ҳолда ялпи текишришга ўтиш лозим. «Тўлиқ текшириш» ёки «қисман текшириш» атамалари ҳужжатлар асосидаги ёки фактик назорат усулларига тааллуқли. Рўйхатга олишни ўтказишда барча моддий бойликларнинг сақланганлигини текшириш билан тўлик қамраб олиш мумкин, лекин бунда иш кунининг ялпи фотографиясини олиш учун ялпи ёки репрезентатив усулидан фойдаланиш - фақат бир гурух ходшшарни танлаб олиш (қисман текшириш) мумкин.

Шувдай қилиб, бошқарув тизимидаги субъектларнинг мақоми ва роли, субъектларнинг ўзи, вазорат амалларини бажариш вақти, манбалар, текшириш билан қамраб олиш ҳажми ва тўлалиги молиявий назорат усулинй таснифлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Юзага келган мураккаб шароитда молиявий назоратни ишончли ва самарали механизмида давлат ҳукумат органлари билав бошқарув органларининг келишилган ва бирдамлик асосида фаолият олиб борилиши лозим. Бу оргавларнинг ҳар бирини фаолиятидаги вазифалари, белгаланган компетенция, форма иш усуллари, Ўзбекистон Реслубликасини қонунларида белгиланиб, улар доирасида олиб борилади. Шунинг бшшн бир қаторда, ишнивг мураккаблиги ва кўп қирралигини инобатга олган ҳолда, давлатни иқтисодий аҳавшятини ҳимоя қилиниши, айрим вазиятларда, бирлашган кучни, ёки бошқача қилиб айтганда, ўзаро боғланган фаолиятини, қуйдаги 3 асосий йўналиши бўйича амалга оширилиши керак:

- молиявий қонун бузишни аниқлаш ва бартараф қилиш;

- давлатга молиявий зарарни қонун билан белгиланган солиқлар, пенялар, штрафлар ва бошқа санкциялар ёрдамқца моддий қошгашни таъминлаш;
- молиявий қонун бузишни, олдини оладиган профилактик чора-тадбирларви ўтказиш;

Молиявий назорат молияни вазорат функциясини амалга ошириш учун асосий усули бўлиб, уни вазифаларини ва мақсадини белгалаб беради. Шунинг билан бир қаторда назоратнинг мазмуни, унинг йўналишини ўзгариши, ишлаб-чиқариш кучларни ривожланиш даражасига ва жамиятни ишлаб-чиқариш муносабатларига боғлик

Молиявий назорат, назоратнинг асосий қисми бўлиб, қиймат категориялар ёрдами билан боғланган ҳолда, бир мақсадга йўналтирилган ва фойдаланиш учун белгилаиган соҳага эга. Молиявий вазоратни объектив бўлиб, молиявий ресурсларни ташкил этиш ва фойдаланиш билан боглиқ бўлган пул шаклидаги, ва ҳалк хўжаликни ҳамма даражасида ва бўгинларида пул маблағлар фондлари шаклидаги тақсимланиш жараёнидир. Текширишнинг бевосита предмети бўлиб, молиявий (қийматга эга бўлган) кўрсаткичлар киради, улардан: даромад, фойда, солиқлар, рентабеллик, таннарх, айланма ҳаражатлар, турли мақсадларга ва фондларга олинган маблағлар. Бу кўрсаткичлар мураккаб ҳараутерга эга, ва шунинг учун уларни бажарилиши, динамикаси ва мойиллигини (тенденциясини) назорати, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ишлаб-чиқариш, хўжалик ва тижорат фаолиятини ҳамма томонини, ҳамда молия-кредитни ўзаро боглиқлиги механизмини ўз ичига олади.

Назорат учун саволлар:

1. Молиявий назоратнинг моҳияти ва аҳамияти?
2. Молиявий назоратнинг ривожланиш тарихи?
3. Молиявий назоратнинг усуллари?
4. Молиявий назорат шакллари?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
2. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
3. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
4. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.
5. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.

6. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
7. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
8. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.
9. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
10. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.
11. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
12. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
13. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.
14. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
15. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.
16. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.
17. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
18. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
19. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.
20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
2. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
3. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,- 160с.
4. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. -180с.
5. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. -325с.
6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.
7. Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

10-мавзу: Фаолиятнинг турли соҳаларида молиянинг амал қилиш асослари (2 соат).

РЕЖА:

1. **Фаолияпнинг турли соҳалари молиясининг мазмуни.**
2. **Ноишлаб чиқариш соҳасида содир бўладиган молиявий муносабатларга характеристика.**
3. **Тижорат ҳисоби асослари, тижорат ҳисобининг хўжалик ҳисобидан фарклари.**
4. **Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг молиявий масалалари, уларни амалга оширишда молиянинг аҳамияти.**
5. **Турли мулк шаклларининг, хўжалик юритишнинг турли ташкилий, ҳуқуқий шаклларининг пайдо бўлиши. Хўжалик юритишнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ва тармоқ хусусиятларининг молияни ташкил этишга таъсири.**

Таянч иборалар:

- **Корхоналар молияси;**
- **Ноишлаб чиқариш соҳа;**
- **Хусусийлаштириш;**
- **Молиявий режа;**
- **Хўжалик ҳисоби;**
- **Тижорат ҳисоби;**
- **Ижтимоий ташкилотлар;**
- **Сметали молиялаштириш;**

1. Фаолиятнинг турли соҳалари молиясининг мазмуни.

Корхона молияси - молиянинг фақатгина таркибий қисми бўлиб қолмасдан, балки унинг ўзига хос (специфик) қисмидир. Уларга бир томондан умуман молияни иқтисодий табиатини ифодалайдиган фазилатлар мос келса, иккинчи томондан молиянй турли ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаларида ҳаракатини ифодалайдиган ўзига хос хусусиятлардир.

Корхоналар, ташкилотлар молияси, ишлаб чиқариш соҳасининг молияси бўлиб, умуман ижтимоий маҳсулотни ва миллий бойликни ташкил этгани ва тақсимлангани учун халк хўжалик тармоклар молиясининг асоси ҳисобланади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳаммаси ўзида сарфланаётган иш характерига асосланиб икки йирик соҳага ажралади:

қ> моддий ишлаб чиқариш;

қ> номоддий ишлаб чиқариш.

Биринчи соҳанинг хусусияти - бу товар ишлаб чиқаришдир, иккинчи соханинг ўзига хос хусусияти - бу турли хизмат кўрсатишдир (ижтимоий, маиишй ва бошкалар). Моддий ишлаб чиқаришнинг ташкилий тузилиш асоси бўлиб, корхоналар, бирлашмалар, ассоциациялар ташкил этади, ноишлаб чиқариш сохасида эса муассасалар, ташкилотлар ва бошка структуралар.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларида турли характерли молиявий муносабатлар вужудга келади. Шу асосда, ташкил этилган бир мақсадга йўналтирилган пул фондлар хусусиятини инобатга олганда, молиявий муносабатлар тизимида, бир турдаги пул- муносабатларга нисбатан қуйидаги гуруҳларни бирлаштириш мумкин:

- қ> моддий ишлаб чиқаришнинг хўжалик бўлимларида бирламчи даромадларни тузиш, ташкил этиш ва фойдаланиш билан боғланган, хўжалик ичидаги мақсадладли фондлар - низом фонди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди, рағбатлантириш фонди ва бошқалар. Улардан бир қисми ишлаб чиқариш, иккинчи қисми таъминот эҳтиёжларни қондиришга оиддир;
- қ> турли корхоналар орасида вужудга келаётган муносабатлар, агар бу муносабатлар тақсимлаш характерга эга бўлса, лекин алмаштиришда хизмат килиш эмас. Бу пул муносабатлар асосидаги молиявий ресурсларни харакати фонд шаклида эмас, балки, шартнома олиш ёки тўлаш, турли бирлашмалар қатнашчиларни бадал тўловларни тўлаш, ишлаб чиқариш жараёнларни кооперациялашдан тушган фойдани тақсимлашда уларни иштирок этиши, акция ва облигацияларга маблағларни инвестициялаш ва улар бўйича девидендлар ва фоизлар олиш ва х.к.;
- қ> турли суғурта фондларни ташкил этиш ва фойдаланиш билан боғлик бўлган моддий ишлаб чиқариш корхоналари ва суғурта ташкилотлар орасида вужудга келаётган;
- қ> банк ссудаларини олиш ва қоплаш, улар бўйича фоизлар тўлаш, ҳамда маълум тўлов эвазига вақтинча фойдаланиш учун бўш пул маблағларни банкларга бериш билан боғлиқ бўлган корхоналар ва банклар ўртасида вужудга келаётган муносабатлар;

қ> бюджет ва бюджетдан ташкари фондларни ташкил этиш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган моддий ишлаб чиқариш ва давлат ўртасида вужудга келаётган муносабатлар. Молиявий муносабатларнинг бу гуруҳи бюджетга тўловлар, турли бюджетдан ташқари фондларнинг тўловларини бюджетдан молиялаштириш ва х.к.;

қ> корхоналар билан уларнинг юқори бошқарув органлари орасида вужудга келаетган муносабатлар. Бунга "вертикал" ўзаро боғлиқлар дейилади, тармоқичи чегараларида сакланиб колган молиявий ресурсларнинг кайта таксимланиши.

Юқорида курсатилган пул муносабатлари корхоналар молиясини мазмуни хосил килади, хужалик субъектларнинг жамгармаларини ва пул даромадларини ташкил этиш, фойдаланиш ва уларни молия-банк тизимининг мажбуриятларини бажариш учун, кенгайтирилган кайта ишлаб чиқариш харажатларни молиялаштириш, ишчиларни моддий рагбатлантириш ва ижтимоий хизмат курсатиш билан боғлиқ бўлган пул муносабатлари деб аниклаш мумкин.

Хусусийлаштиришнинг турли шакллари, тармокларнинг хусусиятлари, иклимий-табиатни фактоларнинг мавжудлиги хам, молиявий ўзаро боғлиқларни кўп қиррали қилиб, таъсирини ўтказади. Бу асосда молиявий моддий ишлаб чиқаришда, молиявий муносабатларнинг кўп қирралиги, усулларини турли-туманлигидан иборат бўлган биринчи специфик хусусияти вужудга келади.

Ишлаб чиқаришнинг моддий асоси - бу ишлаб чиқариш фондларидир. Уларни олиш, янгилаш ва кенгайтириш учун, корхона зарур бўлган молиявий ресурсларга эга бўлиш ва максадли пул фондларни ташкил этиш керак. Максадли пул фондлари ишлаб чиқариш фондларни ташкил этиш керак. Мақсадли пул фондлари ишлаб чиқариш фондларни айланишида хизмат қилишади ва уларни узулмаслигини таъминлайди. Бу холат, ишлаб чиқариш фондларни ташкил этиш, доим тўлдириш ва кўпайтириш жараёнларини ифодалаб бериб, молиявий ишлаб чиқаришни иккинчи хусусиятини ҳосил қилди.

Ишлаб чиқариш натижасида яратилган қиймат, сотилгандан сўнг тақсимланади. Шу таксимланиш жараёнида иш хаки фондини ташкил этиш, соф даромадни таксимлаш ва сарфлаш учун молиявий муносабатлар вужудга келади. Соф даромад, факатгина моддий ишлаб чиқаришда эмас, балки номоддий ишлаб чиқаришда хам, бир нечта пул фондларни ташкил этилишида манба бўлиб, таксимланиш жараёнида молиявий муносабатларни мураккаб бирикмаларни вужудга келтиради.

Фойда шаклини олган соф даромад ҳисобига, моддий ишлаб чиқариш сохаларида, ишлаб чиқаришни кеигайтириш, уни моддий техник-базасини ривожлантириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш фонди, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун белгиланган истеъмол фонди, запас ва резерв фонди ташкил этилади. Соф даромад, умумдавлат пул фондларни (бюджет, пенсия, ижтимойй сугурта ва бошкалар) ташкил этилишида, солик туловлари, ижтимоий сугуртага ажратмалар ва бошка шаклларда, манба булиб хизмат

килади. Шундай килиб, моддий ишлаб чиқаришда ташкил этилган молиявий ресурслар, халк хужаликни бошка бўғинларида пул фондларни ташкил этиш учун ишлатилади. Бу эса, бутун давлатни молиявий тизимини бошлангич асоси бўлиб- хизмат қилади ва молиявий моддий ишлаб чиқаришни учинчи хусусиятини ифодалайди. Ишлаб чиқариш сохани молиясини ахволига, давлатни умумий молиявий холати турли талабларини кондириш имкониятлари боғлиқ.

Молия алмаштириш билан истеъмолга ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Бу максадли пул фондлари орқали амалга оширилади. Уларнинг микдори, ташкил этиш шартлари ва тартиби, фойдаланиш принциплари муомала ва истеъмол соҳаларини талаблари нисбатга олган ҳолда ўзгаради. Молияни ҳамма қайта ишлаб чиқариш жараёнларини даврлари билан чамбарчас боғлиқлиги молияни моддий ишлаб чиқаришни туртинчи специфик хусусиятини ифодалайди. Бу хусусият, иктисодий рағбатлантириш сифатида, молия билан фойдаланиш жараёнида объектив асос бўлиб, катта ахамиятга эга.

Моддий ишлаб чиқариш сохаси ноишлаб чиқариш сохасини вужудга келишига имкон яратади. Моддий ишлаб чиқариш сохаси халк хужалигининг асосий сохаси булиб, киймат, ижтимоий махсулот ва миллий бойликни вужудга келтиради. Ноишлаб чиқариш сохаси эса шу вужудга келган бойликни таксимлаюшшда иштирок этади.

2. Ноишлаб чиқариш сохаси, бу иктисодиётнинг моддий бойликлар ишлаб чиқармайдиган тармоқлар мажмуидир. Уларга: уй-жой, комунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, бошқариш, маориф, маданият ва бошка жамоат ташкилотлари киради. Улар шахсий ёрдам ва ижтимоий хизмат курсатишади. Ноишлаб чиқариш сохасида хам турли характерга эга бўлган молиявий муносабатлар вужудга келади ва уларни куйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

қ> тармоқ ёки муассасани (ташкилотни) ўзини бюджет билан орасидаги пул муносабатлари. Улар асосида бюджет маблаглар хисобидан тармок пул фондлари ташкил этилади (таълим, согликни саклаш, маданият ва бошкалар). Тулов асосида ишлатаётган ташкилотлар, бюджетга белгиланган туловларни утказишлари мумкин;

қ> юкори бошкарув органлари билан, уларга карашли муассалар (ташкилотлар) орасида, хамда охиргиларни ичида вужудга келаетган муносабатлар. Улар, хужалик субъектларни ихтиёрида тармок фондлари билан фойдаланиш, максадли пул фондларни ташкил этиш билан бирга содир булади, масалан иш хаки, капитал тамирлаш ва х.к. Муасасалар ва ташкилотлар ичида, иш хаки ва иктисодий рағбатлантириш фондини ташкил этиш ва сарфлаш, ҳамда пул маблагларни максадли йуналишлар бўйича кайта таксимлаш билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатлардир.

қ> турли тармоклар билан хужалик субъектлар уртасида вужудга келаетган пул муносабатлар, шулар ичида бюджетдан ташкари фондларни ташкил этиш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган -ижтимоий сугурта, пенсия ва х.к.;

қ> хужалик субъектлар билан хизматни истеъмол килувчилар ва спонсорлар уртасидаги пул муносабатлари. Улар асосида номоддий ишлаб чиқариш сохадаги муассасалар ва ташкилотларнинг молиявий манбалари ташкил этилади.

Номоддий игилаб чиқариш хам, молияни ташкил этилишига таъсир этади ва биринчи узига хос хусусияти булиб, молия жисмоний ва юридик шахсларга хизмат курсатиш жараённй ифода этади. Хизмат курсатишни турли-туманлиги ва истеъмолчиларга уларни такдим этиш характери бир турда булмаслиги ноишлаб чиқариш сохадаги муассасаларни ва ташкилотларни, тулов ёки туловсиз ишлашга имкон яряатди. Бу пул фондларни ташкил этиш тартибига ва манбаларига, уларни фойдаланиш принциплари ва йуналишларига таъсир этади.

Ноишлаб чиқарши сохадаги муассасалар ва ташкилотларнинг моддий асоси булиб, товар шалаб чиқарвди шароитида натурал-моддий ва киймат шаклига эга бўлган, ноишлаб чиқаршп фондлардир. Шу фондларни олиш, янгилаш, кенгайтириш ва ишлатиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар, молиявий муносабатларни ифодалайди. Улар асосида максадли пул фондларни ташкил этиш ва фойдаланиш вужудга келади ва шунда моддий ишлаб чиқаришда молияни иккинчи ўзига хос хусусияти намоён бўлади.

Уларни учинчи хусусияти хизмат кўрсатиш ва уни истеъмоли ўртасида алмашиш даври йўқлигида. Модомики хизмат уз табиати бўйича номоддий, у жамғарилмайди ва яратилиши билан у узоқлашиб (ёки бегоналашиб) кетиш керак. Бу зса ноишлаб чиқариш сохасида, пул маблағларни харакатини, максадли пул фондларни ташкил этиш ва фойдаланиш шароитини ва тартибини алохида, узига хослигини ифодалайди.

Ноишлаб чиқариш сохани куп тармокларида юкори малакали, одатда олий маълумотли, ишчилар ташкил этади. Шунинг учун ноишлаб чиқариш соха ақлий мехнатни энг куп тупланиши билан ажралади ва умумий харажатлар ичида энг катта микдори булиб, уларга хизмат курсатганлари учун иш хаки тулашга сезиларли даражада маблаг ажратилади. Натижада, ноишлаб чиқариш сохада , аклий мехнатни самаралигини оширишга, уни рағбатлантиришга йуналтирилган специфик молиявий мезханизми бнлан фойдаланиш зарурлигида ифодаланган, молияни, тўртинчи узига хос хусусияти аиикланади.

Ноишлаб чиқариш сохасининг, одатда, уз даромадлари бўлмаган муассасалар учун, пул маблағлар давлат бюджетидан ажратилади, ёки уни сметали молиялаштириш дейилади.

Сметали молиялаштириш муасасани ҳамма ҳаражатларини қоплаш учун давлат бюджетидан ажратилган пул ҳажмини, аниқ бир максадга қаратилганлиги ва чоракларга таксимланишини аниклайди. Ноишлаб чиқариш муассасаларини таъминлаш учун бюджет маблаглардан ташкари, корхоналар, колхозлар, ижтимоий ва бошка ташкилотлардан маблаглар ажратилиши мумкин, лекин молиялаштиришнинг асосий манбаи сифатида давлат бюджети булиб колади. Бошка молиявий режалардан, ёки даромадлар ва харажатлар шаклида тузилган балансдан, смета, сметали молиялаштириш муассасаларни бюджет билан бўладиган муносабатлари бир томонлама ёки факат харажатлар

режасини ифода этиб ажралади. Агарда айрим бюджет муассасаларда ишлаб чиқариш ёки бошка фаолиятлардан даромадлар олинмаса, одатда, улар махсус маблаглар шаклида даромадлар ва харажатлар сметасида инобатга олиниб, алохида ишлатилади. Бунда бюджет муассаси сметасига, муассаса нормал ишламок учун, харажатлар тулик хажмида киритилади, махсус ва бюджетдан ташкаридаги мавжуд бўлган маблаглар инобатга олинмайди.

Смета ноишлаб чиқариш муассасаларининг талабларини ва давлат бюджетини имкониятларини инобатга олиб ва шартли равишда давлат карорларини ва бошка норматив актларга, йурикномадарга амал килинган холда тузилади. Бюджет муассасаларининг харажатлари хар бир сметани ажратган пулини, аник бир наксадга йуналтирилганлигини аниклайдиган бюджет классификациянинг моддаси, булими ва параграфи буйича таксимланади ёки гурухлантирилади. Муассасаюшг нормал ишлаши учун, маблаглардаги хакикий талаб хар бир харажатнинг узига хос хисоботи билан асосланади.

3. Бозор иктисодиёти шароитида хамма моддий ишлаб чиқариш, хамда кисман ноишлаб чиқариш корхоналари уз фаолиятини тижорат хисоби асосида олиб боришади. Б уфаолиятни олинган натижаларини ва унга кетган харажатларини таккослаш усули булиб, унинг максади кам харажатлар килиб, куп (максимум) фойда олишдир.

Хужалик хисоби белгиланган режани, хаттоки харажатлари оз булмасада, бажариш керак эди. Тижорат хисобини максади эса фойда олишдир ва уз фаолиятини давом этгариш учун етарли даражада рентабеллик булиши шарт, акс холда корхона самарасиз деб банкротликка дучор булиши мумкин, нима, қайси йўллар билан ва ким учун ишлаб чикиш ва х.к. саволлар директив режалаштириш шароитида жуда мухим булиб, хужаликни бозор асосига утишда эса корхоналар учун бирдан-бир йуналиш булиб фойда олишдир ва қанча кўп бўлса шунча яхши. Шу билан хўжалик ҳисоби тижорат хисобидан фаркланади.

Тижорат хисоби корхоналар молиясига катта таъсирини утказиб уларни қуйидаги ўзига хос (специфик) хусусиятларини ифодалайди:

қ> хужалик субъектлар реал молиявий мустакилликка эга;

қ> корхоналар молиявий муносабатлари давлат томонидан майда регламентлардан озод (давлат, сакланиб колган тармок бошкарув органлар, корхоналар орасида молиявий ресурсларни таксимлаш хукукига эга эмаслар);

қ> молиявий муносабатларнинг субъектлари ишлаб чиқаришда амалдаги натижаларига, таъминловчилар, истеъмолчилар, давлат, банк ва х.к.лар олдида уз мажбуриятларини уз вактида бажарилишига реал иктисодий маъсулиятига эга ва жавобгардирлар;

қ> корхоналарни банклар, сугурта компаниялар, давлат билан турли узаро муносабатлари вужудга келиб, улар фаолиятини тижорат асосида мустахкамлашга ташкил этиш учун йуналтирилган. Тижорат хисоби товар ишлаб чикишида умумлашган характерни таъкидлаб, ички ва ташки бозорида, бешавкат ракобат шароитида киймат конунини стихияли равишда амалга оширади. Бунда товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ташкилотлар уз

фаолйятларини иктисодий принципларига асосан амалга оширишиади. Улардан асосийлари:

қ> тижоратчшганг мустакиллиги;

қ> уз харажатларини узи коплаш ва фойдалилиги, уз узини молиялаштириш;

қ> моддий манфаатдорлик;

қ> иктисодий жавобгаряик.

Бу принципларнинг маъносида:

1. Уз фаолиятини самарадорли олиб бориш учун корхона аввало эркин булиб, абсолют ёки нисбий тижорат мустақилликка эга бўлиши керак. Бу холат шуни билдирадики, корхона ўзи маблағларига (узиники ёки заём) ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишни ва иш хаки тулашни, ишлаб чиқариш факторларии максадга мувофик ишлатиш, бозор ахволини ва сотиб олувчилар талабини инобатга олган холда кайси махсулотларни ишлаб чиқаришни хал килади.

Ноишлаб чиқариш сохада, тижорат асосида фаолият курсатувчи корхоналар каторида: коммунал, маиший хизмат, сугурта, банк ва бошкалар - нотижорат фаолият олиб борувчи кўшимча муассасалар ва ташкилотлар мавжуд. Уларнинг максади фойда олиш эмае. Нотижорат фаолият маълум бир даромад олишни инкор этмайди, лекин шу даромад ташкилотни ривожлантиришга сарфланади. Нотижорат ташкилотларни мавжудлиги жамият учун зарур, чунки уларга купгина тиббий, маориф, таълим, маданий, илмий, муассасалар ва х.к. киради.

Ижтимоий ишлаб чиқариш корхоналар ва улар карамогидаги ташкилотлар уз даромадлари ва жамгармалари булиб, тулик молиявий мустакилликка эга ва давлат бюджети олдида асосий фаолиятлари буйича мажбуриятларини олиб боришмайди. Уларнинг фаолиятини амалга ошириш учун даромадлар ва харажатлар сметаси шаклидд молиявий режа тузилади. Лекин, хужалик фаолияти натижасида олинган даромадлардан давлатта солик туланади.

Молиявий режанинг даромадлар ва харажатлар моддалари ижтимоий ташкилотни фаолиятнинг сохасига асосланиб ажралади. Ташкилотнинг купчилигида даромадлар бошлангич аъзолик туловлардан, узининг карамогада бўлган корхоналарни фойдасидан ушлаб колинган маблаглардан ташкил топади.

Ижодий иттифокларнинг ижтимоий ташкилотларда (Рассомлар фонди, Архитекторлар фонди ва бошкалар)да бошка хил даромадлар хам булади - бу давлат корхоналар ва хужалик ташкилотларнинг махсус ажратилган пул маблаглари. Ижтимоий ташкилотларнинг даромадлар таркибида, кунгилли спорт жамиятларга, физкультурани ривожлантиришга, махаллий композиторлар ва ёзувчилар союзининг аппаратларини, маъмурий хужалик харажатларни ва бошкаларни коплаш учун, давлат бюджетидан ажратилган пул маблаглар (ассигнованиялар) булиши мумкин. Харажатлар моддаларида эса ижтимоий ташкилотларнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўладиган маблағларнинг сарфланиши акс эттирилади. Улар: капитал курилиш, капитал таъмирлаш, маъмурий-хужалик харажатлар, аппаратга хизмат хаки тулашдир.

Харажатларни йуналиши, уларнинг фаолиятини характери билан аникланади.

4. Бозор муносабатлар билан кенг фойдаланиш, бозор иктисодиётига ўтиш, кўпқиррали бозор иктисодиётини ташкил этишга олиб келади. Кўпқиррали бозор иктисодиёти турли йўллар билан вужудга келади, лекин бу муаммони ҳал қилишда асосий йўналишларидан давлат мулкини давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдир ва бу жараён мураккаб, купкиррали, республика аҳолисини турли қатламларида айрвим жамоа аъзоларни манфаатларига дахл килади. Шунинг учун Узбекистон Республикасида давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ўз моделини туғри танлаш катта аҳамиятга эга.

Куп иқтисодчилар Узбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жуда секин олиб бориляпти деб хисоблашади. Лекин, бозор муносабатларга утиш даври шошма-шошарликни инкор этади, чунки гап бир нечта давлат ахолисининг авлодлари яратган моддий бойликларии келажакда фойдаланиш, уларни саклаб колиш ва бу бойликларии яратганларга сарфлаган мехнати учун улушларини тулаш шакллари тугрисида боради. Шунинг учун хусусийлаштириш давлат мулкини талантарож таркатилишига айланмаслиги керак. Давлат корхоналарни ва ташкилотларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш хукукий базани тайёрлашдан-республикада хусусий мулк, далат тасрруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тугрисидаги конунларни чиқаришдан бошланди. Умуман давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш республикада 1990 йилдан бошланган ва бугунги кунда давом этиб келмокда.

4. Давлат мудкини бошка яна бир турдаги шаклига утказилиши-давлат тасаруфидан чиқариш дейилади. Агарда, давлат корхоналарини, ахоли, уз хусусий мулк килиб, ёки акционер жамшпта узгартирса - бу хусуийлаштириш дейилади.

Хусусийлаштириш иктисодий тушунча булиб, мулкка эгалик хукукини давлатдан фирмалар ва ахолида шахсларга берилишини, хусусий секторга давлат хизматлари курсатилишини чеклашни ёки хусуий ташаббускорлик учун гоят мухим, кенг имкониятлар бериш максадида давлатнинг фаолияти сохасини торайтиршини билдиради. У бозор муносабатлари шакиллацишининг негизи, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни оёкка тургизишнинг чинакам негазини ташкил этади. Хусусийлаштириш жараёни биринчи навбатда сиёсий ва иктисодий курсатмалар билан бошланади ва бу мамлакатнинг молиявий ва ижтимоий шарт-шароитлари билан белгиланади.

Бозор кайта куришлар йулига утган давлат, мукаррар равишда хусусийлаштиришни амалга ошириш айси охаларни хусусийлаштириш, корхона мулкини кандай таксимлаш ва уни сотиб олувчи кандай танлаш муаммоларига дуч келади. Танлаб олинган стратегия кенг маънода хар бир алохида олинган мамлакат учун ундаги сиёсий ва иктисодий вазиятга боғлиқ холда фарк килувчи хусусийлаштиришнинг миллий дастурлар максадларини ифодалайди.

Айрим корхоналар ва ташкилотларнинг ривожланиши билан, бошкариш тизими анча узгарди. Бу муносабатлар буйича чора тадбирлар куйидаги йуналишларда амалга оширилади:

қ> биринчидан, давлат корхоналарни давлат тассаруфидан чиқариш, бунда давлат улуши бўлган ва давлат тассаруфидан чиккан корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятига давлат таъсири чегараланган корхоналар ташкил этилади.

қ> иккинчидан, давлат корхоналарни ва ташкилотларни хусусийлаштириш йули билан, бунда давлат мулки тулик бошка хусусийлаштиршц шаклларига узгаради ва хуусуийлаштирилган корхоналар ва ташкилотлар давлат бошкарувидан чикиб кетади ва давлатни шу корхоналарга таъсири эса факат умумий бошкариш, соликлар, нарх-наво, банк сиесати оркали колади.

Назорат учун саволлар:

1. Фаолиятнинг турли соҳалари молиясининг мазмуни?
2. Ноишлаб чиқаршп соҳасида содир бўладиган молиявий муносабатларга характеристика.
3. Тижорат ҳисоби асослари?
4. Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг молиявий масалалари?
5. Хўжалик юритишнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ва тармоқ хусусиятларийинг молияни ташкил этишга таъсири?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
2. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
3. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
4. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.
5. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.
6. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
7. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
8. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.

9. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
10. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.
11. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
12. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
13. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.
14. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
15. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.
16. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.
17. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
18. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
19. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.
20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
2. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
3. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,-160с.
4. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. -180с.
5. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. -325с.
6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.
7. Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

11-Мавзу: Бюджет қурилиши ва бюджет жараёни.

Режа:

1.Бюджет қурилиши ва унинг мазмуни.
2.Консолидациялашган бюджет тушунчаси.
3.Бюджет жараёни. Бюджет жараёнининг босқичлари.
4.Бюджетни ижро этиш.

Таянч иборалар:

- ***Бюджет қурилиши;***
- ***Бюджет тизими;***
- ***Консолидациялашган бюджет;***
- ***Бюджет жараёни;***
- ***Бюджет жараёни босқичлари;***
- ***Бюджет ижроси;***
- ***Бюджет тақчиллигини бошқариш***
- ***Бюджетни режалаштириш.***

1.Бюджет қурилиши ва унинг мазмуни.

Давлат бюджети давлат молиясининг марказий бўғини бўлиши билан бир қаторда молия тизиминнг ҳам асосини ташкил этади. Давлат бюджетининг иқтисодий тузилиши ва мазмуни бевосита давлатнинг фупкция ва мажбуриятларидаи келиб чиқади. Чунки давлат жамиятни бошқариш учуи ўз олдига бир нечта вазифаларни қўядики, у вазифаларии молиявин маблағлар билан таъминлашда бюджет маблағлари хизмат килади.

Давлат бюджети яхлит ҳукуматга хизмат килиши билан бир қаторда молиявий ресурсларни тармоқлараро қайта тақсимлашда, худудлараро, мулк шакллари аро қайта тақсимлашда ҳам бевосита иштирок этади.

Масалан, тармоқлараро қайта тақсимлашда ҳар қандай иқтисодий тизимда ҳам айрим тармоқлар учрайдики, замон уларнинг даромадлари ўз ҳаражатларини қоплай олмасада, лекин улар ишлаб чикараётган товарлар, кўрсатаётган хизматлар ва бажараётган ишлар умумжахон аҳамиятига молик бўлган тадбирлар билан боғликцир. Бундай тармоқлар таркибига: энергетика, транспорт, спорт ва бошқалар кириши мумкин. Ушбу тармоқларга бюджет орқали юқори рентабелли тармоқларнинг молиявий ресурслари олиниб қайтадан тақсимлаб берилади.

Ҳудудлараро қайта тақсимлаш жараёни ҳам худди тармоқлараро қайта тақсимлаш жараснидек амалга оширилади.

Республикамиздаги давлат бюджети икки поғонали бўлиб у республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар йиғиндисидан иборатдир.

Маҳаллий бюджетлар: вилоят бюджетлари, район ва шаҳар бюджетларидан таркиб топади.

Барча иқтисодий категориялар сингари давлат бюджети жараёни ҳам бир нечта принципларга таянган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширади.

1. Универсаллилик (кўп қиррали) - бу принципнинг маъноси шундаки, бюджетнинг барча даромадлар ва ҳаражатлар йиғиндиси гавдаланади.

2. Ягоналик принципи - бу принципнинг маъноси маҳаллий бюджетлар ва республика бюджети даромадлари ва ҳаражатлари бир ҳужжатда акс эттирилади ва фақат олий орган томонидан тасдиқлаб берилади.

3. Йиллик - демак, ҳар бир календарь йили учун битта бюджетнинг бўлиши шарт.

Бизнинг республикамизда бюджет йили календарь йили билан мос келади, лекин айрим мамлакатларда бюджет йили календарь йили билан мос келмайди.

Масалан, АҚШда 1-октябрдан то 30-сентябргача. Японияда 1-апрелдан то 31-мартгача ва ҳ.к.

Бюджет жараёни бир нечта босқичларда амалга оширилади:

1. Бюджет лойиҳасини ташкил этиш;
2. Бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш;
3. Бюджетни тасдиқлаш;
4. Бюджетии ижро этиш босқичлари;

Давлат бюджети ўз таркнбин тузилншпга кўра даромад ва ҳаражат қисмларидан ташкил топади.

Давлат бюджети даромадлари:

Кўпчилик ҳолларда айрим талабалар давлат даромадлари билан давлат бюджети даромадн ўртасига тенглкк белгисини қуйиб хато киладилар. Давлат даромадлари бюджет даромадларига нисбатан кенг бўлиб давлат бюджети даромади, нобюджет фондлар даромади ва давлат корхоналари даромадларини ҳам ўз ичига олади.

Бозор иқтисоди ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, ҳар қандай цивилизациялашган давлатнинг бюджет даромадининг асосий қисмини солиқлар ташкил этади. Масалан, АҚШда - 80 фоиз. Японияда - 83 фоиз, Францияда, Швейцарияда - 90 фоиз ва хоказо. Бугунги кунда республикамиз давлат бюджетининг карийиб 90-95 фоизини солиқлар ва солиқ функциясини бажарувчи мажбурий йикимлар, тўловлар ҳисобига шаклланмокда.

1999-молия йилида Ўзбскистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари параметри бўйича маълумот

№	Кўрсаткичлар	млн сум	%
1.	Кушилган қиймат солиги	173327.0	31.62
2.	Акцизлар	95416.0	17.40
3.	Юридик шахслардан фойда солиги	89800.0	16.38
4.	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар даромад солиғи	9000.0	1.64
5.	Республика худудидан олиб кетилаетган товарлардан йиғим	3000.0	0.54
6.	Жисмоний шахслардан даромад солиги	67600.0	12.33
7.	Мол-мулк солиғи	17500.0	3.19

8.	Ер солиғи	29800.0	5.43
9.	Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ	11500.0	2.09
10	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	3200.0	0.58
11	Божхона божлари	8000.0	1.45
12	Ижтимоий инфратузулмани ривожлантириш учун солиқ	5200.0	0.94
13	Экология солиги	13800.0	2.59
14	Бошқа солиқлар ва йиғимлар	20950.0	3.82
15	Жами даромад:	548093.0	100.0

Давлат бюджетининг ҳаражатлари:

Маълумки давлат умумжаҳон иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Буни исботи бўлиб давлатнинг жамият учун мўлжалланган ранг-баранг ҳаражатлари мисол бўлади. Бюджет ҳаражатларининг механизми ва структураси бевосита давлатнинг олдида турган бурч ва мажбуриятлардан келиб чиқади. Бюджет ҳаражатларининг туркумланиши давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатига боғлиқдир.

Бюджет ҳаражатларининг мақсадли йўналиши шартли ҳолатда иккига бўлинади:

1. жорий ҳаражатлар
2. ривожлантириш ҳаражатлари

Жорий ҳаражатлар, тармоқлар иқтисодиётиии молиялаштиришга социал маданий тадбирларни молиявий ресурслар билан таъминлашга ва қуйи бюджетларга дотация, субвенция беришга йўналтирилади.

Ривожлантириш ҳаражатлари, асосан давлатнинг инвестицион тадбирларига йўналтирилади.

Бюджет ҳаражатларининг умум қабул килинган туркумланиши асосан 4 бўлимдан иборатдир:

1. Социал-маданий тадбирларни молиялаштириш;
2. Тармоқлар иқтисодини молиялаштириш (марказлашган инвестиция);
3. Мудофаа ҳаражатлари;
4. Бошқарув ҳаражатлари.

Мустақилликка эришгандан сунг бюджет ҳаражатларининг салмоқли қисмйни социал-маданий маориф, соғликни сақлаш, маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт, вақтли матбуот ва бошқалар. Мазкур бўлимда кам таъминланган аҳоли қатламини иқтисодий қўллаб-қувватлаш тадбирлари ҳам амалга оширилмокда.

Салмоғи жиҳатидан кейинги ўринда турадиган бюджет ҳаражати бу тармоқлар иқтисодини ривожлантириш ва марказлашган инвестиция ҳаражатларидир. Тармоқлардан, асосан ёнилғи-энергетика комплекси, транспорт, қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати ва бошқалар. Марказлашган

инвестиция асосан умумжамият аҳамиятига эга бўлган корхоналар қуриш ёхуд бошланганларни тугатишга мўлжалланган ҳаражатлар. УзДЭУ авто, Зарафшон Нюмонт, нефтни қайта ишлаш заводлари ва бошқалар.

Бюджет ҳаражатларида мудофаа ҳаражатлари ҳам муҳим ўрин тутади. Ҳарбий аскарлар ва офицерлар таркпбини молиявий таъминлашга, ҳарбий қурол яроғларни ҳарид қилишга, капитал қурилишга ва истефодаги ҳарбийларни пенсия ва нафақа билан таъминлашга.

Бошқарув ҳаражатларнга: давлат ҳукумат бошқарув органларини, суд, прокуратура, ички ишлар органлари ходимлари, миллий ҳавфсизлик комитети ходимлари ва бошқалар.

Давлат бюджети ҳаражатларидан давлатни ички ва ташқи қарзларини тўлашда ҳам кенг фойдаланилади.

1997 ва 1999 - молия йилларида Ўбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳаражатлар параметри бўйича маълумотлар.

		1997 й.		1999 й.	
	Курсаткичлар	Млн.сум	%да.	Млн.сум	%да
1	Социал-маданий тадбирларга Шундан:	108430.3	34.1	223209.2	37.1
	- маорифга;	67013.0	61.8 21.1	143008.1	64.1 23.7
	- соғликни сақлаш ва спорт;	32030.0	29.6 10.1	58000.0	26.0 9.7
	- маданият, илм ва оммавий матбуот;	7454.5	6.9 2.3	17400.0	7.4 2.9
	- социал таъминот	1932.8	1.8 0.6	4801.1	2.5 0.8
2	Аҳолини ижтимоий химоя килиш	40000.6	12.6	65006.6	10.8
	Шундан: аҳолига ижтимоий аҳамиятли кўрсатилган хизматлар бахосини қисман бюджетдан коплаш;	7907.9	19.8 2.5	19344.2	29.8 3.2
	- кам таъминланган оилаларга нафақа;	32092.7	80.2 10.1	4566.2	70.2 7.6
3	Тармоклар иктисодига	28225.3	8.9	65453.8	10.9
4	Марказлашган инвестицияларни молиялаштиришга	64100.0	20.2	136000.0	22.6
	Ички резервларни жалб килишга топширик	-	-	-20400.0	-3.3
5	Давлат бошқаруви ва суд органларини молиялаштириш	5000.0	1.6	13000.0	2.1
6	Вазирлар Махкамасининг резерв фонди	9600.0	3.0	8000.0	1.3
7	Бошка харажатлар	62400.0	19.6	111629.8	18.5
8	Жами харажатлар	317756.2	100	601899.4	100

Бюджет тақчиллиги ва уни бошқариш.

Бюджет тақчиллиги бу - бюджетнинг ҳаражат қисми даромад қисмига нисбатан кўплигидир. Бюджет тақчиллигининг вужудга келишига ҳар хил омиллар таъсир қилади аммо, асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

1. Ялпи ички махсулотнинг ўсишига эришмасдан, социал-маданий тадбирларни молиялаштиришни ошириш.

2.Ишлаб чиқаришга узоқ муддатли марказлашган қуйилмаларни бюджет ҳисобидан йўналтириш.

3.Ҳарбий ҳаражатларни меъёридан ошиб кетиши.

Маълумки, биз собиқ Иттифоқ даврида, капиталистик мамлакатлар бюджетидаги тақчиллигини, барқарорсиз иқтисод деб талқин қилар эдик, лекин дунёда ҳеч бир давлат йўқдирки у ёки бу даврда бюджет тақчиллиги билан тўқнаш келмаган бўлса.

Режали иқтисод даврида бюджет статистикаси бюджет тақчиллигини кўрсатмас эди. Дастлабки бюджет 1926 йилда қабул қилинган бўлиб у тақчиллигисиз тасдиқланган. Шундан сўнг тақчилликсиз бюджет совет қурилишининг ва режали иқтисоднинг асосий рамзи бўлиб ҳисоблана бошланди. Совет хукуматининг топшириғига биноан тажрибали

молиячилар бюджет тақчиллигини то 1990 йилгача яшириб келдилар. Аммо жамиятдаги қайта қуриш ва ошкоралик томонли 1990 йидда бюджет тақчиллиги борлигини расман тан олиб, бюджет йилида 78 млрд руб ёки ҳаражатларга нисбатан 20 фоиз миқдорида тақчиллиг билан тасдиқланди.

Умуман олганда бюджет тақчиллиги объектив нарса ва уии ўз вақтида молиялаштириш зарур аммо, тўғри келган услуб билан эмас балки, андозали усуллар оркали. Жаҳон тажрибасида турли хил давлатлар турли даврларда бюджет тақчиллиги билан тўқнаш келган. Масалан, 80-йилларнинг охирида ҳаражатларига нисбатан бюджет тақчиллиги Францияда - 9.6 фолз, АҚШда - 11.6 фоиз, Германияда -14 фоиз, Япопияда - 15.6 фоиз, Италияда - 25.2 фоизни ташкил этади.

Ҳозирги пайтда бюджет тақчиллигини, бошқаришда қуйидаги талабларга эътибор бериш лозим:

1. Миллий валюта барқарорлигини таъминловчи аниқ дастурни ишлаб чиқиш лозим.
2. Бюджет тақчиллигини қоплашнинг самарали йўлларини қидириб топиш.
3. Давлат бюджети ҳисобидан тармоқлар иқтисодини молиялаштиришни қисқартириш.
4. Ҳарбий ҳаражатларга оқилона маблағ сарфлаш.
5. Секвестр механизмини ишлаб чиқиш (ҳаражатларни пропорционал равишда қисқартириш) ва уни бажарилишига бевосита эришиш.

2.Консолидациялашган бюджет тушунчаси.

Бюджет муносабатлари деб республика, худудий ва махаллий давлат органларининг акционер ва бошқа корхоналар, шунингдек аҳоли билан марказлашган пул фондларини шакллантириш ва ишлатиш билан болиқ бўлган молиявий муносабатларга айтилади.

Ўзбекистон Республикаси "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳасида давлат бюджетига шундай тариф берилади.

Давлат бюджети деб даромад манбалари ва улардан тушадиган тушумларни кўзда тутадиган, шунингдек ҳаражат ҳажми ва йўналиши қайси мақсадларга ажратилиши ва муддатини кўрсатувчи давлатнинг марказлашган (Олий Мажлис томонидан шаклланиш ва ишлатиш режаси тасдиқланадиган) пул фондларга айтилади.

Молия ресурсларни бюджет орқали бирлаштириш давлат молия сиёсатини мувоффақиятли амалга ошириш имконини беради. Бюджет орқали марказлашган пул ресурсларини тўплаш ва давлат органлари томонидан белгиланган мақсадларга ҳаражатлар амалга оширилади. Бу бюджет орқали миллий даромаднинг маълум қисмини тўплаш ва уни қайта тақсимлашни билдиради. *Шунинг билан молия тизимишнг тақсимлаш функцияси амалга оширилади.*

Республика, ҳудудий ва маҳаллий давлат органлари бюджет муносабатлари орқали тақсимланган миллий даромадни ўз ихтиерга олади ва аниқ белгаланган мақсадларга йўналтиради.

Бюджет молия ресурсларини керакли участкалар ва йўналишларда концентрация килиб давлатни иқтисодиётни бошқариш ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишида имконият беради. Бунда бюджет ресурсларни даромад қисми бўйича шаклланиши ундан самарали фойдаланишни иазорат қилинади *(молия тизиминит назорат функцияси).* Тақсимлаш ва назорат функциялари орқали бюджетни иқтисоди категория сифатида моҳияти юзага чиқади. Шу йул билан бюджет давлат даромадлари ва ҳаражатларини режалаштирувчи молиявий муносабатларни билдиради. Бюджет ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи қудуратли иқтисодий ричаг сифатида юзага чиқади.

Давлат бюджет молия тнзимннинг муҳим буғини сифатида мамлакатнипг асосий молия режасшш ташкил этувчи ва фойдаланувчи умумдвалат пул фондидир. У мамалакатии бошқаришда иштирок этадиган бошқа молиявий ричаглар ичида энг муҳим ўринни эгаллайдн. Аҳамиятли томони шундаки, у ўзида жамият даромадининг маълум қисмини мужассамлаштиради.

Бюджет қурилишини моҳиятини очиб беришда биз бюджет тизимининг бўғинларини, уни ташкил этиш ва бошқариш, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетиниг тарикибини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Республика бюджети;
2. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар;
3. Давлатнинг мақсадли фондларининг бюджетлари.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ўзида Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ва республикага бўйсунувчи шаҳарлар ва туманлар бюджетларини бирлаштиради.

Вилоятлар бюджети ўзида вилоят бюджети ва вилоятга кирувчи шаҳарлар ва туманлар бюджетларини бирлаштиради.

Шаҳар бюджети, агар у туманларга бўлинган бўлса унинг таркибига кирувчи туманлар бюджети ва шаҳар бюджетидан ташкил топади.

Туманлар бюджети - туман бюджети ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар бюджетидан ташкил топади.

Республика бюджети - умумдавлат ҳарактерига эга тадбирларни молиялаштириш учун даромадлар ҳажми, манбаини ва улардан тушадиган тушимни кўзда тутувчи, шунингдек маълум вақт оралиғида аниқ ҳаражатлар йўналиши ва ҳажмини кўзда тутувчи пул фондларидир (шакллантириш ва ҳаражат қилиш режаси Олий Мажлис томонидан тасдиқланади).

Маҳаллий бюджет - даромадлар ҳажми, манбаини ва улардан тушадиган тушимни кўзда тутувчи, шунингдек маълум вақт оралиғида аниқ ҳаражатлар йўналиши ва ҳажмини кўзда тутувчи республикасининг ҳудудидларида тузиладиган пул фондларидир (шакллантириш ва ҳаражат қилиш режаси вилоят, туман, шаҳар ҳокимиятшшг ваколатли органи томонидан тасдиқланади).

Давлатнинг мақсадли фондлари - давлат бюджет таркибига консалидация қилинувчи ҳар бири учун қонунчилик йўли билан даромад маибаси ва бу даромаддан келиб тушиш шарти, нормаси, шунингдск бу маблағларни қайси мақсадларга ишлатиш белгиланган фондларднр.

Бюджет тизимини бошқариш Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги томонидаи амалга оширилади. Ўзбскистои Республикасининг Молия вазирлигн ягона молиявий сиёсатни амалга оширадн, давлат бюджети ресурсларини давлат бюджети асосида режалаштиради ва бошқа молия муассасаларин услубий жиҳатдан бошқаради.

Бюджет тизимини бошқариш молия органлари ва банк институтлари орқали Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими принципларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимини ташкил этишнинг асосий принциплари қуйидагилардан ташкил топган:

- ⇨ Норматив-қонуний асосни унификациялаш;
- ⇨ Пул тизимини қурилишини, бюджет классификацияси тизимини, бюджет ҳисоблаш ҳужжатларини, бюджет жараёнининг бирлиги;
- ⇨ Бюджет қурилишини Ўзбекистон Республикаси административ-территориал қурилиши билан мослиги;
- ⇨ Давлат бюджетини ташкил этувчи бюджетларнинг ўзаро алоқадорлиги;
- ⇨ Давлат бюджети тақчиллигини мумкин бўлган даражасини ҳисобга олган ҳолдаги давлат даромад ва ҳаражатларининг тенглиги;
- ⇨ Давлат даромад ва ҳаражатларининг аниқ манбалар ва йўналишлар бўйича режалаштарилиши;
- ⇨ Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан белгиланган ассигнования чегарасида давлат бюджети ҳаражатларини амалга оширилиши;
- ⇨ Капитал ва жорий ҳаражатларни чегараланиши;
- ⇨ Бюджетларнинг мустақиллиги;
- ⇨ Ҳисоботларни тўғрилиги;
- ⇨ Бюджет бажарилишини сифатини назорати,

Ўзбекистон Республикасида барча даражадаги бюджетларни шаклланиши, кўриб чиқилиши, тасдиқланиши ва бажарилишининг ҳисоби миллий валютада амалга оширилади.

Давлат мақсадли фондлари республика бюджети ва маҳаллий бюджети билан биргаликда консолидациялашган бюджет тушунчасини беради. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг мақсадли фондлари қуйидаги фондлардан ташкил топади:

- ⇨ Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирилиги қошидаги пенсия фонди;
- ⇨ Республика йўл фонди;
- ⇨ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг махсус счёти;
- ⇨ Давлатнинг бандлик фонди.

Давлат мақсадли фондлари бюджет таркибида ассигнованияларни адресларини таъминлаш мақсадида ва давлатнинг айрим турдаги маблағларини мақсадли фойдаланиш учун қонунлар билан, Ўзбекистон

Республикаси Президентинннг фармонлари ва бошқа қонуний актлар билан тузиладиган фондлардир.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қуйидагилар ҳисобидан шакллантирилади:

1. Маҳаллий солиқлар, тўловлар, пошлина, мажбурий тўловлар ва бошқа солиқсиз тўловларни қонунлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга ажратиш орқали;
2. Давлат бюджети ҳақидаги қонун асосида умумдавлат солиқлари ва бошқа тушимларни Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга йўналтириш орқали;
3. Давлат активларини фойдаланишга беришдан келадиган даромадларнинг бир қисми;
4. Тасдиқланган нормалар асосида ворислик, совға асосида давлат ихтиёрига ўтган пул маблағларининг бир қисми;
5. Юқори бюджетдан бюджет дотация ва субвенциялари ҳисобига;
6. Бошқа манбалардан қайтариб берилмаслик шарти билан олинган пул тушимлари;
7. Ҳаракатдаги қонунчиликка зид келмайдиган бошқа даромадлардан.

Бундан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга юқори турувчи бюджетдан бюджет ссудаси шаклида маблағлар келиб тушиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан белгиланган ассигнования чегарасида қуйидаги кўринишларда ҳаражат қилинади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ўз функциялари ва вазифаларини амалга ошириш учун жорий ҳаражатларини амалга оширадилар;
2. Бюджетнинг жорий трансфертлари;
3. Қуйидагиларга капитал ҳаражат қилинади:
   - ⇨ Асосий фондларни сотиб олиш ва қайта ишлаб чиқариш;
   - ⇨ Ер билан боғлиқ ҳуқуқ ва номоддий активларни сотиб олиш;
4. Ҳаракатдаги қонунчиликка зид келмайдиган бошқа ҳаражатлар.

3.Бюджет жараёни ва унинг босқичлари.

Бюджет жараёни ҳокимият органларининг бюджетни тузиш, кўриб чиқиш, бажариш билаи боғлиқ, қонун билан тартибга солиб туриладиган фаолиятидир. Бюджетни тузиш ва амалда бажариш ижро этувчи ҳокимият томонидан, уни тасдиқлаш эса қонун чиқарувчи орган томонидан бажарилади.

Давлат бюджети лойихасини тайёрлаш.

Шаҳарлар ва туманлар ҳокимиятлари (унинг таркибига кирувчилар) кейинги молия йили учун кўрсатилгаи ҳудудлар бўйича

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Вилоятлар ҳокимияти ва Тошкент шаҳри ҳокимияти қарорлари билан аниқланган бюджет лойихаларини келишилган муддатларда (аммо йигирма бешинчи июндан кечикмасдан) юқори турувчи молия органларига тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикасининг вазирликлари ва бошқармалари, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимиятларининг бўлим ва бошқармалари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимиятларининг бюджетидан маблағ олувчилар Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирлигига, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимиятлари молия бўлимларига келгуси молия йили учун Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Вилоятлар ҳокимияти ва Тошкент шаҳри ҳокимияти қарорлари билан аниқланган муддатларда (аммо биринчи июндан кечикмасдан) ўзларининг аризаларини топширадилар. Шундаи сўнг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Вилоятлар ҳокимияти ва Тошкент шаҳри ҳокимияти ўз ҳудудлари бўйича бюджет лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда (аммо биринчи июлдан кечикмасдан) тақдим этадилар. Вазирликлар ва республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағини олувчилар худди юқоридаги кўринишда ўз аризаларини тақдим этадилар. Молия вазирлиги керакли маълумотларни ва ҳужжатларни талаб қилади ва келгуси молия йили учун жорий йилнинг биринчи октябригача давлат бюджетининг лойиҳасини тузади.

Давлат бюджети лойихасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилиши.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ваколатли вазирликлар билан биргаликда биринчи октябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бюджет лойиҳасини тақдим этади. Бюджет лойиҳасида:

1. Давлат бюджети лойиҳаси тузилган ўрта муддатли асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар;
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари;
3. Ўтган йилги ва жорий нилнинг бириичи ярим йилида бюджетнинг бажарнлиши бўйича ҳисобот;
4. Ҳаракатдаги классификацнон тизимга кўра кейипги йил учун даромад ва ҳаражатлар прогнози;
5. Макароиқтисодий таҳлил натюкаларига асосланган кейинги молия йили учун тузилган бюджет даромадлари ва ҳаражатларн прогнозига комментарий;
6. Ҳаракатдати ва тасдиқ учун тақдим этилаётган бюджет программасининг рўйхати;
7. Жорий инвестециялар учун капнтал қуйилмаларнинг прогнози;

8. Давлатнинг ташқи ва ички қарзларининг ҳолати ва булар бўйича ўтган молия йилидаги маблағлар ҳаракати;

9. Давлат корхоналарининг ўтган ва ўтаётган молия йилидаги молиявий ҳолати, келгуси молия йили учун асосий молия кўрсаткичларининг прогнози;

10. келгуси йил учун давлат бюджети ҳақидаги қонуннинг лойиҳаси.

Келгуси йил учун давлат бюджети ҳақидаги қонуннинг лойиҳасида:

1. Тавсия этилаётган ассигнованияни молиялаштириш учун зарур бўладиган, ҳаракатдаги қонунчиликка тўғри келадиган даромадлар манбаи, тури ва ҳажми кўрсатилади;

2. Ўзбекистон Республикасининг айрим қоиунларида кўзда тутилган, келгуси молия йилида бюджет маблағларини олувчиларга маблағ ажратишни кўзда тутувчи ассигнования;

3. Даромад ва ҳаражатлар ҳаракатдаги бюджет классификацияси тизимида кўзда тутилган ҳолда капитал ва жорий ҳаражатларга бўлиниб акс эттирилади;

4. Умумдавлат солигларидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимиятларининг бюджетига ажратиладиган ажратмалар меъёри, шунингдек, даромадлар ҳажми, дотация ва субвенциялар билан биргаликда, ва кўрсатилган бюджетларнинг ҳаражатлари;

5. Давлат бюджети таркибига кирувчи бюджетларнинг айланма касса(нақд) ҳажми аниқланади;

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети фондининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимиятларининг кўзда тутилмаган ҳаражатларни қоплаш учун тузиладигаи резерв фондининг ҳажми кўрсатилади;

7. Давлат бюджети тақчиллигининг йўл қўйиш мумкин бўлган хажми ва уни молиялаштириш манбалари кўрсатилади;

8. Давлат томонидан бериладиган кредитларнинг, давлатнинг ташқи ва ички қарзларининг чегараси кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, ёки унинг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири кейинги молия йили учун тузиладиган давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнини координацня ва назоратини амалга оширади. Шундан сўнг Ўзбскистон Республнкаси Вазирлар Махкамасн, ёки унинг топшириғига кўра Молия Вазирлиги биринчи ноябрдан кечикмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кейинги молия йилига учун бюджет лойиҳасини тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан давлат бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси давлат бюджети лойиҳасига илова қилинган бюджет тақчиллигини ҳисобга олган ҳолда давлат

бюджети лойиҳасининг даромадлар ва ҳаражатларининг ҳар қандай моддасини қайтадан кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ҳаражатлар моддасининг оширилиши бошқа ҳаражат моддаларининг мос равишда қискаришини кўзда тутиши, ёки даромадларининг ортишига асосланган бўлиши керак. Худди шундай даромад моддаларининг қисқариши бошқа даромад моддаларининг ортишини, ёки маълум ҳаражатларнинг қисқаришини кўзда тутиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат бюджети қонуни тасдиқлангандан сунг уч кунлик муддат ичида Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимиятдарига уларнинг даромад ва ҳаражатлари, шунингдек уларга республика бюджети томонидан ажратиладиган - бюджет дотация ва субвенцияларининг ҳажми тўғрисида маълумотни беради. Шундан сунг Қорақалпоғистон Республикасининг Жоқари Кенгеси ва Тошкент шаҳри, вилоятлар халқ депутатлари кенгаши икки хафталик муддатда Узбскистон Республикаси давлат бюджети доирасида ўз бюджетларни тасдиқлайди. Корақалпокистон Республикасининг Жокаргм Кенгеси ва Тошкент шаҳри, вилоятлар халқ депутатлари уч кунлик муддат ичида шаҳар ва туманлар хокимиятлар улар бюджетининг даромад ва ҳаражатлари шунингдек юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган дотация ва субвенциялар ҳажми тўғрисидаги маълумотни етказади.

Тасдицланган даромад ва ҳаражатларнинг хажми бўйича маълумот бериш.

Давлат бюджети хақидаги қонун қабул қилингандан кейин Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги бир хафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кўмитаси ва Божхона қўмитасини тасдиқланган даромадлар ҳажми бўйича маълумотни беради. 10 кунлик муддат пчлда Молия вазирлиги Республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларни белгиланган даромад ва ҳаражатлар хажми бўйича маълумотнн беради. Махаллий даражадаги корхона ва ташкилотларга бюджет даромад ва ҳаражатлари тўғрисидаги маълумотни бериш худди шу тарзда бир хафталик муддат ичида амалга оширилади.

4.Бюджетни ижро этиш.

Давлат бюджетни бажарилиши ва уни бажариш устидан назорат.

1. Барча турдаги бюджет даромадлари мазкур қонунда кўзда тутилилган муддатларда ва тартибда шунингдек солиқ ва божхона кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик актларда кўзда туттилган тарзда шакилланади.

2. Бюджетга даромадларни ўз вақтида келиб тушиши учун солиқ ва божхона органлари маъсулдирлар.

3. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга ўтказиш муддати қонунлар билан белгиланади. Юридик шахслардан тўланмаган солиқни сўзсиз ундириб олиш солиқ органлари зиммасига юклатилади.

4. Жорий йилнинг 31 декабригача бюджетга ўтказилмаган даромадлар кейинги йилда ўтказилади.

Давлат бюджетидан ҳаражат қилишнинг асосий қоидалари.

1. Давлат бюджети ҳаражатлари бюджет маблағларини олувчилар томонидан давлат бюджети тўғрисидаги қонунда аниқланган смета ҳаражатлари ва йўналтирилиш сертификатларига асосан бюджет ассигнованияси чегарасида амалга оширилади.

2. Хўжалик шартномалари бўйича ҳаражат қилинмаган бюджет маблағлари кейинги молия йилда бюджет ассигнованияси ҳисобидан тўланади.

3. Республика бюджет ташкилотлари счётида қолган бюджет маблағлари молия йилининг охирги иш кунида Республика бюджет счётига ўтказилади. Махаллий бюджетлардан молиялаштириладиган корхоналар учун ҳам шу тартаб амал қилинади.

4. Барча даражадаги бюджетларнинг счётларида қолган бюджет маблағлари касса айланмасини шакллантириш учуи йўналтирилади.

5. Тасдиқланган касса айланмасидан қолган қолдиқ маблағ хукумат органларининг қарорига кўра бошқа йўналишларга ҳаражат қилиниши мумкин. Давлат бюджетини касса бажарилншини назорат қилиш Олий мажлис томонидан ваколатланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади, чунки давлат бюджетини даромад ва ҳаражатлари бўйича ўтказмалар марказий банк қошида очилгаи хисоб - китоб счётидан амалга оширилади.

6. Молия вазирлиги ҳар чоракда Вазирлар Махкамасига давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади. Вазирлар Махкамаси вазирликлар, ассоциялар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, Тошкент шахри ва вилоятлар хокимиятларининг давлат бюджетини бажарилишини бориш тўғрисида ҳар чоракда хисоботини тинглайди.

7. Мажабдор шахслар молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органларига тафтиш ва текширувлар ўтказишда ёрдам беришга мажбурдирлар. Ҳаракати текширилаётган шахслар керакли маълумотларни ёзма ёки электрон шаклда тақдим этишга мажбурдир.

8. Ҳар йили 1 апрелгача Молия вазирлиги Вазирлар Махкамаси ва Олий Мажлисга ўтган молия йилидаги ўзининг тафтиш фаолияти натижалари бўйича хисобот беради.

Давлат бюджети Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва махаллий бюджетларни ижроси юзасидан хисобот:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия органлари ўтган молиявий йил бўйича ҳар йили 20 февралдан кечикмасдан ҳисоботларни ўзларининг қуйи органларидан қабул қилади ва бир вақтнинг ўзида Молия вазирлигига ҳисоботлар нусхасини тақдим этади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри хокимиятлари мос равишда Қорақалпоғистон Республикасининг Жокаргў Кенгеси ва махаллий халқ органларга 25 февралгача кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун хисоботлар тақдим этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи майгача хисобот тузади ва Вазирлар Махкамасига тақдим этади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси бу хисоботни кўриб чиқиб тасдиқлагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига тақдим этилади. Давлат бюджетини бажарилиши тўғрисидаги хисобот Олий Мажлис қарори билан тасдиқланади ва бир ойлик муддат ичида матбуотда эълон қилинади.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ва унинг бўғинлари?
2. Бюджет тузилиши ва унинг мазмуни?
3. Консолидациялашган бюджетнинг таркиби ва функциялари?
4. Бюджет жараёнининг босқичлари?
5. Бюджет бўғинлари бўйича бюджетни ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари?

Асосий адабиётлар:

21. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
22. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
23. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
24. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.
25. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.
26. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
27. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
28. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.
29. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
30. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.

31. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
32. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
33. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.
34. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
35. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.
36. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.
37. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
38. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
39. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.
40. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

8. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
9. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
10. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,-160с.
11. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. -180с.
12. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. -325с.
13. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.

Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

12-мавзу: Нобюджет фондлар.
Режа:

1. Бюджетдан ташқари фондларнинг моҳияти.

2. Бюджетдан ташқари фондлар - умумдавлат молиясининг бўғини сифатида.

3. Ўзбекистон иқтисодиётада бюджетдан ташқарн фондларнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти.

Таянч иборалар:

- ***Бюджетдан ташқари фондлар;***
- ***Пенсия фонди;***
- ***Пенсия фондининг функциялари;***
- ***Давлат бандлик фонди;***
- ***Ягона йўл фонди;.***
- ***Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисоб рақами;***
- ***Инвестиция фонди;***
- ***Траст фондлари;***
- ***Давлатнинг мақсадли махсус фондлари.***

1.Бюджетдан ташқари фондларининг моҳияти.

Бозор муносабатларига ўтиш - иқтисодий дастуримизниинг асосий мазмунини ташкил этади. Бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишга, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эгалик туйғусини қайта тиклашга имкон беради. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, республиканинг ғоят катта бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади.

Шу борада муҳим масалалардан бири: давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли, янги пайдо бўлаётган нодавлат, яъни ишлаб чиқариш фаолияхи билан шуғулланаётган ва аҳолига хизмат кўрсатаёгган хусусий, акционерлик, коллектив ва бошқа корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан аралаш, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришдир. Мамлакатимизда бюджетдан ташқари фондларнинг ижтимоий аҳамияти катта. Тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ташкил этиш, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда бўлиб, инвестицияларни жалб этиш ва бошқалар бюджетдан ташқари фондларнинг вазифаси хисобланади.

Республикамизда «Бизнес - фонд» 1995 йилдан бери фаолият кўрсатмокда, инвестиция фонди ва бошқа фондларнинг ҳам ўтиш даврида ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти катта.

Давлат молияси давлатни керакли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий функцияларини бажариш учун пул маблағлари билан. таъминлашга ундалган молия тизимининг муҳим буғиндир. Давлат молияси таркибига қуйидагилар киради:

Давлат бюджети.

Бюджетдан ташқари фондлар.

Давлат кредитлари.

Давлат корхоналар молияси.

Давлат молиясининг санаб ўтилган турли хилдаги бўғинлари бўйича давлат иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг тармоқ ва ҳудудий муаммоларнинг ечимларини кенг миқёсда ҳал этади.

Давлат молияси таркибида алохида ўринни эгаллайдиган бюджетдан ташқари фондлар тегишли ҳукумат органларининг бюджетига боғлик булмайди ва мустақил юридик шахс ҳуқуқига эгадирлар. Бюджетдан ташқари фондлар ҳукумат органлар кабул қилган қонун доирасида ташкил этилади.

Бюджетдан ташқари фондлар - умумдавлат молиясининг муҳим бўғини бўлиб, уларнинг фаолияти қатъий белгиланган, манбаларни ташкил этиш йўллари кўрсатилган, пул фондлари билан фойдаланиш йўлларининг тартиби аниқлаб берилган, давлат ҳукуматининг юқори органларини тегишли актлари асосида ўз фаолиятини амалга оширадилар.

Бюджетдан ташқари фондларни:

Консолидациялашган бюджетга қўшиладиган фондлар

Коисолидациялашган бюджетга қўшилмайдиган фовдларга ажратиш мумкин.

Функционал жиҳатига кўра ва бошқарув даражасига кўра бюджетдаи ташқари фондлар турли хил бўладилар. Уларни функционал жиҳатига кўра иқтисодий ёки ижтимоий фондларга бўлиш мумкин. Бошқарув даражасига қараб эса умумдавлат, республика ва регионал фондларга бўлиш мумкин.

Ҳозирги кунда республикамизда бир нечта бюджетдан ташқари фондлар фаолият кўрсатмокда:

- Пенсия фонди (ижтимоий суғурта фонди билан биргаликда);
- Бандлик жамғармаси;
- Ягона йўл фонди;
- Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисоб рақами;
- Давлатнинг бошқа мақсадли фондлари.

Ўзгаришга бой иқтисодий шароит кўпинча бошқарув қарорларини тез қабул қилиш зарурлигини белгилаб қўяди, шу қаторда молиявий ресурсларни қайта тақсимланишида ҳам. Бюджет маблағларидан фойдаланишни ҳукумат органлари қонун асосида қатъий тасдиқлаб берса, бюджетдан ташқари фондлар эса ижроия органлари орқали белгиланади. Қонун асосида тасдиқланган бюджет парламент томонидан назорат қилийади, бюджетдан ташқари фондлар эса қонун чиқарувчи органлар томонидан назорат қилинмайди. Бу ҳам бюджетдан ташқари фондларни иқтисодий шаротга оператив мослашишини тезлатади.

Бюджетдан ташқари фондларни ташкил этилишининг зарурлигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминловчи яна бир муҳим омил - бу бюджет тақчилигидир. Ҳаражатларнинг даромаддан ўсиб кетиши молиявий ресурсларни фақат қидириб топишни эмас, балки корхоналар, ташкилотлар ва аҳолидан тушган маблағларни қайта гурухланишини ҳам талаб этади. Ва ниҳоят хўжаликни ва хусусийлаштиришни кўп қиррали шакллари, бюджет шакллари билан бир қаторда жамиятда пул маблағларни

қайта тақсимлашни янги усулларини қўллаш заруриятини қатъий талаб этади.

Шундай қилиб, бюджетдан ташқари фондлар - бу, жамиятнинг айрим мақсадли ҳаражатларини молиялаштириш ва комплекс . равишда оператив мустакиллик асосида маблағларни сарфлаш учун, давлат оркали жалб қилинадиган молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ва фойдаланиш усулидир. /арб мамлакатларида бундай фондларнинг сони 30 дан 80 гачадир.

Бюджетдан ташқари фондлар уз мақсадлар йўналишлари бўйича иқтисодий ва ижтимоийга бўлинади. Бошқариш даражаси бўйича эса давлат ва махаллий фондларга бўлинади.

Бюджетдан ташқари фондларни ташкил этиш манбалари, кўп жиҳатдан уларнинг ҳарактери ва мақсадларини амалга ошириш учун белгиланган вазифаларнипг масштаблари билан аниқланади. Манбаларнинг турли хиллигига ва уларнинг миқдорига давлат учун ёки бу ривожланиш даврида иқтисодий ва молиявий ахволи таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, бюджетдан ташқари фондларни ташкил этиш манбалари бирмунча доимий бўлгандай вақтинчалик ҳарактерга ҳам эга бўлади. Улар маъмурий-территориал бирлиги билан ажралиб давлат территорияларида бўлиши мумкин.

2.Бюджетдан ташқари фондлар - умумдавлат молиясининг бўғини сифатида.

Бюджетдан ташқари фондларга тушадиган маблағларнинг фойдаланиш йўналишлари, бу фондларни мақсадларига, конкрет иқтисодий шароитга караб ишлаб чикилган ва амалга ошириладиган режалар асосида белгиланади. Маблағларнинг бир қисми таъсис фаолиятга йўналтирилади, ҳамда қимматли қоғозларни олиш учун ҳам йўналтирилиши мумкин. Бюджетдан ташқари фондлар инвесторлар ва молиявий бозорнинг қатнашчиси бўлиши мумкин, чунки:

Биринчидан, одатда пул маблағлари билан фойдаланиш вақти уларнинг вужудга келиши билан тўғри келмайди.

Иккинчидан, инвестицион фаолият натижасидаги даромадлар тегишли фондларнинг ҳаражатларни молиялаштириш учун қўшимча манба бўлади.

Бюджетдан ташқари фондларни ташкил этиш хукуқга республика ва махаллий органлар эга. Республика даражасида ташкил этилган бюджетдан ташқари фондлар, одатда махаллий хукумат органлар ихтиёрига бир қисмини ажратиш билан ҳарактерланади.

Бу республика ва махаллий бюджетдан ташқари фондларга тушадиган солиқларниг улушини аниқлаш йўли билан амалга ошириладн.

Бундай йўл билан нафақа фонди, давлат ижтимоий суғурта фонди, аҳолининг бандлик фонди ва бошқалар ташкил этилади.

Махаллий манбалар эвазига махалла даражада ўз бюджетдан ташқари фондлар ташкил этилади. Уларнинг ичида махаллани ривожлантириш учун, кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фондларни, табиатни сақлаш фондларни ва бошқаларни ажратиш мумкин.

Мақсадли бюджетдан ташқари фондлар одатда давлат хукумат органлари ихтиёрида бўлади, лекин улар оператив бошқарилиши турли ва шу қаторда махсус маъмурий аппарат орқали олиб борилиши мумкнн.

Бошқарув тузилмалар, фондлар билан фойдаланиши учун қонун билан белгиланган маълум хуқуқларга ва мажбуриятларга эга.

Бюджетдан ташқари фондлар ёрдамида қуйидаги вазифалар амалга ошириладн:

Корхоналар, ташкилотларга кредитлар, субсидиялар бериш молиялаштириш йўллари билан ишлаб чиқариш жараёнига таьсир кўрсатади;

Умуман, ижтимоий иифраструктурани молиялаштириш, субсидия, пенсия ва нафақалар бериш йўллари аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш;

Чет эл давлатларига шу қаторда хорижий партнёрларга заёмлар бериш ва бошқалар.

Бюджетдан ташқари фондларни ўз фаолиятини амалга оширишни ташкил этиш давлат хукумат органларининг ихтиёрида бўлади. Уларни жамлаш ва фойдаланиш тартиби эса тегишли қонунлар билан қатъий белгиланади.

Инвестиция фонди (ИФ) - юридик шахс бўлиб, учун кўпчилик капитал эгаларининг жамоа инвестицияларини бошқаради. Инвестиция фондлари кредит тизими ривожланган молия муассасаларининг жуда муҳим кўринишларидан биридир.

Инвестиция фонди акцияларининг бозордаги қиймати фонднинг барча қўйилмалари (активлари) соф бозор қийматига (мажбуриятларни чегириб), ўзи чиқарган акциялари микдорига таксимланган қийматга мувофик келади. Бошқача айтганда, инвестиция фонди эгалик килаётган қимматли қоғозлар қиймати канчалик усиб борса, инвестиция фондига тегишли акциялар қиймати ҳам кутарилади ва аксинча..

Инвестиция фондлари очик ва ёпик турда булиши мумкин. *Ёпиқ турдаги фондлар* уз акцияларини унинг эагаларидан сотиб олишга мажбур эмас, очик турдаги фондлар эса биринчи талабдаёқ сотиб олади.

Дастлаб инвестиция фонди ёпиқ шаклда тузила бошлади. Бундай инвестиция фондларининг қимматли қоғозлар мажмуаси бир маротаба шаклланади, шунга мувофиқ тарзда акцияларнинг маълум конунисми чиқарилади. Ҳар кандай корпорацияда бўлгани каби бирламчи эмиссия акциялари ҳам фақат муассислар ўртасида тақсимланади.

Кейинчалик четдан акциядорларни жалб қилиш мақсадида қўшимча эмиссиялар ўтказилади, бироқ бундай жараён аввал чиқарилган акциялар батамом жойлаштирилиб бўлгандан сўнггина рўй беради. Эмиссиялар ўртасидаги вақт ичида акциялар сони доимий бўлади, аммо акциядорлар таркиби тўхтовсиз ўзгариб туриши мумкии. Улар биржада ҳамиша муомалада бўлиши ҳамда биржадан ташқари бозорда сотилиши ва сотиб олиниши мумкин, бироқ инвесторлар томонидан фонднинг ўзига уларнинг бозордаги қиймати бўйича топширилиши мумкин эмас.

Очиқ инвестиция фонди акцияларишшг доимий эмиссияларини бажаради, буниг учун учун бошқарувчи органнинг махсус рухсатномасига эга. Бундай фондларда акциядорлар сони ўзгариб туради. Шу хил фондларни ўзаро фондларни ўзаро фондлар деб ҳам юритишади.

Бундай инвестиция фонднинг акциялари «сотиб олинган» ёки «қайтарилган» деб аталади, улар биржада котировкаланмайди, балки инвестиция фондининг ўзи қийматни тўлайди. Бу акциялар фондга тегишли қимматли қоғозлар мажмуасидаги улушга даъвогар ҳисобланади. Бунингмаъноси шуки, агар инвестор уз акциясини очик турдаги фондда сотишни истаса, у холда сотиш пайтидаги акциялар мажмуаси қийматидан тегишли улушни олади. Инвестиция фонди акциясининг нархи ҳар куни ёки ҳар хафтада инвестиция фонди мажмуасидаги қимматли коғозларнинг бозор қийматига кўра суммага бошқа активларни кўшиб, пассивларни булардан чиқариб акцияларнянг умумий сонига бўлиш йўли билан аникланади. Очиқ инвестиция фонди ўз ахцияларини сотиб олиши учун ҳамма вақт ликвидли маблағлар захирасига эга бўлиши лозим.

Худди оддий акциядорлнк жамиятлари каби инвестиция фонди акциядорлари ҳам овоз хуқуқи ва ахборот олиш хуқуқидан фойдаланади. чиқарилган барча акциялар уларнинг эгаларига тенг хуқуқлар беради.

Фонднинг ҳар бир акциядори акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан ёки ваколат олган вақили оркали иштирок этиш ҳамда фонд низомига мувофик тарзда мухокама қилиш учун таклифлар киритиш хуқуқига эга.

Фонд тугатилган такдирда кредитчи эътирозини қондиришдан қолган унинг мулки акцияларни сақлаётганлар ўртасида фонднинг устав капиталидан тегишли акциялар улушга мувофик холда тақсимланади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда хусусий инвестиция фондлари кўпрок учрайди.

Траст фондлар .

Траст фондлар алохида шахслар ва ташкилотларнинг мулки ҳамда қимматли қоғозларини ишончномалар оркали бошқариш мақсадида тузила бошлади. Мулкни ишониб топширувчиларииг ўзлари молия бизнесининг нозик томонларини тушунмаганликлари сабабли траст компания билан контракт ахднома тузади, унга хаёт даврида ёки меросхурлар фойдасига ўз активларини бошқаришни топширади. Траст-компаниялар уй хужаликлари ва жамоат ташкилотларининг активларинигина эмас, хатто ўрта ва йирик корпорацияларнинг киммали коғозларини ҳам бошқаради. Одатда корпорация траст компанияларга сақлаб туриладиган фонд деб ном олган фонд ташкил этиш учун мунтазам равишда маблағ ўтказиб боради. Траст- компаниялар унинг ёрдамида корпорациялар облигацияларининг муддати тугаганидан кейин уларнинг қийматини коплайди. Траст-компаниялар хайрия ва пенсия фондларини ҳам бошқаришлари мумкин. Тупланган маблағларни траст-компаниялар одатда гаров билан қўйилган кредитлар сингари тургун киммали коғозларга сарф этади. Траст-компанияларнинг узини одатда тижорат банкларининг траст бўлинмалари бошқаради, бу эса уларга факат кредит эмас, балки инвестиция фаолияти билан ҳам шуғулланиш имконини беради.

Ўз операцияларининг хусусиятига кўра траст-компаниялар бошқалардан кўра банкларга яқин туради, шунинг учун ҳам уни «ярим банк» дейишади, чунки улар худди банкларники каби, лекин бироз бошқача хусусиятли хизматлар таклиф этади.

Траст-компанияларнинг барча активлари 3 гурухга бўлинади.

Компания фондлари улар траст-компанияларнинг ўз акция маблағларини ҳамда тақсимланмаган фойдани камрайди.

Фойда ва курсатилган хизмат учун воситачилик. тушумлари ҳамда трасг-компаниялар инвестициялардан келадиган даромад суммасидан иборат маблагдан хосил бўлади.

Кафолатли фондлар булар ишончномалар асосида кабул қилинган фондлардир. Траст-компаниялар бундай фондларнинг мулкдорларшга маълум фоизлар кўринишида аниқ қайд этилган даромад олишни кафолатлайди. Кафолатли фондлар - бу деярли мутлок муддатли фондлар тузилиши конун билан тартибга солиб турилади. Одатда улар биринчи гаров билан берилган инвестициялар, давлат облигациялари ва фойда кўраётган компанияларнинг қиммали қоғозларидан вужудга келади.

Траст-компаниялар активларининг учинчи гурухи, мерос, агентлик ва траст-фондларда намоён бўлади.

Мерос гурухи траст-бизнес ривожланишининг дастлабки босқичини ўз ичига олади. Одатда булар кўчмас мулк бўлиб, уни траст-компания мулкдорнинг меросхур манфаатлари йўлидаги васияти асосида чиқаради. Траст-компанияларнинг агентлик вазифалари қиммали қоғозларнинг якка тартибдаги мажмуасини сақлаш ёки бошқариш, компанияларнинг акциялари ва облигацияларининг утказишдан (мақсад) иборат ва хоказолар. Траст-компаниялар траст-фондларни сармоя билан тула таъмннлайди, трас фондлар эса хеч кандай чайковчилик масадиспз аник йуналишларда иш олиб боради. Бу уларнинг юксак даражадаги тургунлигини белгилайди. Траст фондларнинг аксарият қисми урта муддатли хусусият касб этгани сабабли худди шундай хусуснят траст-компанияларнинг инвестицияларига ҳам хос.

Траст фондлар турар-жойларни гаровга олиб инвестициялашга ихтисослашади.

3.Ўзбекистон иқтисодиётида бюджетдан ташқари фондларнинг ижтимоий ва иқгисодий аҳамияти.

Пенсия фонди - бу пенсия билан таъминловчи давлат молия бошқарувининг органидир. Бу фонд мустакил молиявий - банк системаси бўлиб хисобланиб, бу фонднинг маблағлари билан бюджети таркибига кирмайди.

Пенсия фонди билан давлат бюджетининг фарқли томони шундан нборатки, ўз ресурсларининг хиссаси баландлиги ва марказлаштирилган манбалардан катта маблағ ва дотацияларни рад этади. Махсус пенсия туловлари ижтимоий суғурта доирасида шахсий функционал вазифага эга бўлиб, тушумлар ва наблағлар билан қўшилмаган холда пенсия фондида тўпланади.

Пенсия фондининг ташкил этиш манбалари ҳар хил. Улар қуйидагилардир:

Иш хакя фондининг 37,3% микдоридаги Суғурта бадаллари;

Мулкчилик шаклларидан катъий назар корхоналар, муассасалар ва таппсилотларнинг сотилган махсулотларнинг амалдаги хажмининг 0,5% микдоридаги мажбурий ажратмалари суммаси;

Фукароларнинг иш хакининг 1,5% микдорқдаги мажбурий суғурта бадаллари;

Белгиланган тартибда суғурта бадаллари хисобига кабул қилинмаган пенсия таъминоти ва ижтимоий Суғуртага доир нафақаларни тулаш бўйича ҳаражатлар суммаси;

Бадалларнинг белгиланган муддатда туланмаганлиги холларида хисобланган пениялар ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига солинадиган жарималар суммалари ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги хузуридаги пенсия жамгармасига Суғурта бадаллари микдорлари Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан мехнатга хак тулаш жамгармасининг умумий суммасига % ларда белгиланади.

Суғурта бадалларинииг хисоблаш ижтимоий Суғурта жорий қилинган ишловчиларини барча категорияларини иш хаки фондига ббелгиланган тарифдан келиб чиккан холда амалга оширилади.

Суғурта бадаллари солиқларни ушлашни хисобга олмаган холда, молиялаштириш манбаларидан катъий назар амалдага конунчиликка мувофик чиқарилган низомлар, карорлар ва бошқа меъёрий хужжатларга кура мазкур корхона томонидан аникланадиган иш хакларининг барча турларига хисобланади. Суғурта бадаллари қуйидаги турдаги туловларга хисобланмайди:

Фойдаланилмаган таътил учун компенсациялар;

Ишдан бушаш чогидаги чиқиш нафақаси;

Моддий ёрдам куринишида бериладиган пул нафақаларини ҳар хил турларига;

Компенсация тўловларига;

Бепул овкатлар қийматларига ва бошқалар.

Пенсия фондининг асосий вазифалари:

Пенсияларни ва болалар нафақасини тулаш ҳамда уларни молиялаштиришни ташкил этиш учун маблагларнн марказлаштириб йиғиш ва жамлаш.

Узоқ муддат асосида республика ва махаллий режаларида аҳолинн ижтимоий куллаб-кувватлаш учун молиялаштиришда катнашиш.

Ўз-ўзини молиялаштириш принциплари ва тижорат фаолияти асосвда фокд маблагларини кенгайтириб кайта ишлаб чиқариш.

Пенсия фондининг функциялари:

Давлат ижтимоий Суғуртанинг бадаллар микдорини аниклашда катнашади;

Суғурта бадалларинй уз вақтида ва тулик келиб тушшшши, ҳамда тугри сарфланипгани назоратини таъминлайди;

Нафақа таъминотини ривожлантириш ва ижтимоий режаларни ишлаб чикиш бўйича таклифларни тайёрлашда катнашади;

Фондга карашли вазифалар компенсациясига халкаро ҳамкорликни амалга оширади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли миграцияси тенденцияси тез одпиб бормокда. Шунинг муносабати билан маблагларни тез орада аник бир худудга ўтказиш зарур бўлади. Тижорат фаолиятининг хисобида фондга қўшимча маблаг топишга ҳам рухсат берилади. Маошларнинг ўсиб бориши ва яшаш шароити қимматлашиб бораётганлиги муносабати билан пенсияларнинг микдори ҳам узгариб туради. Пенсия фондининг маблаглари махаллий банклар счётларида тупланади, марказдан эса факатгнна керакли тулов топширикномалари берилади.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазпрлиги хузуридага пенсия фондишгаг маблаглари банк муассасаларидаги жорий хисоб варакаларида сакланади. Хисоб вараклар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки пенсия жамгармаси билан келишилган холда белгилайдиган тартибда очилади. Пенсия фондининг маблагларидан пенсиялар, вақтинчалик мехнатга лаёкатсизлик, хомиладорлик ва фарзандни тугиш, фарзанднинг тугилишидаги ва дафн қилиш маросими учун нафақаларнинг туланиши ҳаражатлари маблаг билан таъминланади.

Пенсия фонди ядоралари пенсия фонди бюджетининг ижро этилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиклаган бюджетдаги корхона ва ташкилотлар учун бухгалтерлик хисобининг хисоб вараклари режасини кўллаган холда хисоб юритадилар ва йилнинг ҳар чорагида пенсия фонди бюджетининг ижро этилиши хакида молиявий хисоботларни тузадилар.

1994 йил охирида республикамизда Миллий хусусийлаштириш инвестиция фонди ташкил этилди.

Инвестиция фондишнг асосий вазифаси кўпчилик инвесторларнинг маблагларини сафарбар қилиш ва уларни фонд номидан хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларига, бошқа киммали қоғозлар ва омонатларга жойлаштиришдан иборат.

1995 йил 1 августга кадар Инвестиция фонди республиканинг турли вилоятларида ўзининг 10 тақсимоти филиалини ташкил этди.

Миллий Инвестиция фонди ва унинг филиалари хузурида 13та фонд дўкони очилди. Фонд филиалари ва фонд дукоялари тармоғи янада кеняди.

Миллий хусусийлаштириш Инвестиция фондиниг ўзига хос хусусияти (учун узаро фонд хисобланганлиги учун) янги эмиссиялари жойлатириш йўли билан капиталини тўхтовсиз ошириб бориш, ўз акцияларини сотишдан тушган пул хисобига кўпчилик эмитентларнинг қиммали коғозларидан ташкил топадиган мажмуани шакллантириш имкониятига эгалигидадир.

Инвестиция фондининг менежерлари мижозлар учун даромад келтиришнинг турли йўлларини таклиф этмокда.

Масалан, инвестор ҳар йили ё акциялар ҳарид қилиб дивидевд олиши, ё орадан бир қанча вақт ўтгач, акцияларни қайтариб топширгач, сотиш курси ўртасидаг фарқ хисобига даромад кўриш мумкин.

Хозирги кунда республикамизда траст операциялар яхши ривожланмаган. Бу кўп жихатдаи мазкур масала юзасидан конунчиликнинг ишлаб чикилмаганлиги билан боглик. Уз навбатида бу ана шундай операцияларниг янгилиги ва ўзига хос хусусиятлари билан изохланади.

1995 йил 26 июль Президентимиз карорларига мувофик («Кичик бизнсс ва хусусий тадбиркорликни куллаб-кувватлаш хакида») АЖ «Бизнес-фонд»и ишга тушди. Бизнес фонд республикамизнинг 174 туманида, Коракалпогистон Республикасқда фаолият курсатиб келмокда.

АЖ “Бизнес фонд“ тизими



Очик турдаги АЖ «Бизнес-фонд» 1600 акционерни жалб килди. Устав фонди 250 млн сўмни ташкил этади, киммали қоғозлар бозорида ўз урнига эга.

Бизнес-фонд олтита устувор тармоққа хизмат курсатади:

Кишлок хужалиги махсулотларини кайта ишлаш;

Фермалар;

Сайёхлик (туризм);

Қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;

Махаллий саноат;

Хизмат кўрсатиш сохаси.

Фаолиятини 1995 йилда бошлаган Бизнес-фонд хусусийлаштиришдан келадиган тушумларнинг 50%ини ва кичик хусусий корхоналарни кредитлаш учун бандлик фондига ажратмаларнинг 10%ини олади. Фондга маблағларини акцияларга куйишга рухсат берилган, лекнн учун хозирча кредитлар бериш билан шуғулланади.

Кредитлар узок муддатга (10 йилгача), 2 дан 5 йилгача имтиёзли давр билан, йилига 15дан 40%гача самарали % бўйича берилади.

Бизнес-фонд учун тўловлардаги воситачилик вазифасини Тадбиркорбанк бажаради. Фовд операцияларининг таваккалчилиги шу мақсадлар учун махсус тузилгая "Мадад" давлат суғурта агентлиги томонидан химояланади.

Бизнес-фонд кредит операцияларидан ташқари техник-иқтисодий асосларни тайёрлашда техникавий ёрдам кўрсатади. Бизнес-фонд Осиё-Европа траст-компанияси билан биргаликда лизинг асосида бўлган етти корхона учун чет эл техника ва технологияларини 5 млн АҚШ доллари хисобида жалб қилди, шулардан олти корхона техника ва технологиялар самарали ишлатилмоқда. Бу ерда Бизнес-фонднинг тутган улуши 1,8 млн АКШ долларини ташкил этгая.

1995-1997 йилларда ва 1998 йилнинг бириичи ярмида кредит ажратиш учун Бизнес-фондга 4652 тадбиркор мурожаат килди. Уч йил ичида Бизнес фондда 3046та кредит линиялари, 4,1 млрд сумлик очилди.

Шу жумладан:

- хусусий тадбиркорчилик - 920 проект;
- коллектив хужаликлар - 510 проект;
- дехкон-фермер хужаликлари - 995 проект;
- кичик тадбиркорлик - 456 проект.

Ажратилган кредит ресурслари қуйидагиларни ривожлантиришда ишлатилади:

- қишлок хужалиги махсулотларини қайта ишлаш - 16,1%;
- фермер хужаликлари - 26,4%;
- жойлардаги саноат - 24,7%;
- хизмат кўрсатиш сохасида - 18,7%;
- қурилиш - 13.1%;
- туризм - 1% .

бизнес-фонд республикамиз қимматли қоғозлар бозорида ўз ўрнини эгаллаб, фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда Бизнес-фонд II эмиссия акциялари чиқариб (устав капитали 250 млн сўмни ташкил этади), III эмиссия акцияси чиқарилиши режалаштирилмокда. Бизнес-фондни ривожлантиришда: 1999 йилга 600 млн сўмга, 2000 йилга эса 1 млрд сўмга устав фондни олиб чикишга аҳамият берилмокда. Канада компанияси «Раонани Холдингс Иитернейшнл» билан лизинг асосида 5 млн АКШ доллари микдорида республика тадбиркорчилигига янги техника ва технологияларни жалб этиш; чет элликлар билан ҳамкорликда битта лизинг ёки инвестиция компаниясини уюштириш ва бошқалар.

Фондни тузиш тўғрисидаги карорда шунингдек асосан хусусий банкларнинг фаолият сохасига тегишли бошқа фаолият турлари: лизинг, киммали коғозларни бошқариш, трас фондларни бошқариш, омилянг хизматлар, брокерлик хизматлари билан шуғулланишга рухсат берилган.

Бозор иқгисодиётига ўтиш биринчи навбатда хаётимизда, иқтисодиёгамизда баркарорликка эришиш билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни, молиявий ахволини барқарорлаштириш - иқтисодий ислохотларимшцни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Бозор муносабатларини нормал ривожлантириш учун ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришга кўмаклашиш, ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш керак. Ишлаб чиқаришни қайтадан тикламай туриб, ички молиявий ва ижтимоий барқарорликка умид боғлаб бўлмайди.

Инвестиция базасини ривожлантириш ва чукурлаштириш ислохотларимиз стратегиясининг жуда муҳим шартидир.

Бутун инвестиция сиёсатида асосий эътибор корхоналарни ишлаб чиқаргашЯа кенгайтириш, қайта қуриш ва техника билан қайта қуроллантириш учун маблағ кидириб топишга рагбатлантиришга каратилмоги лозим.

Инвестиция фонди кўпдан-кўп кичик инвесторларнинг маблағларини кабул килади ва уларни бирлаштириб, акцияларнинг йирик мажмуасига сарф этади. Инвестиция фондларнинг асосий вазифаси инвестицияларни мажмуасини бошқаришдан иборат.

Республикада «Тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва урта бизнесни ривожлантирйш»га кумаклашиш учун Бизнес-фонд ташкил қилинди. Бу фонд тадбиркорларни техника, ахборот, хукук ва бошқа томонлардан қўллаб-кувватлайди, халкаро алокани кучайтириб, инвестицияларни жалб этади ва хоказо.

Республикамиз пойтахти Тошкентда давлат уй-жой фовдини хусусийлаштиришга оид тажрибани хисобга олиб, бу жараён бутун республикада авж олиб кетди.

Умумаи бюджетдан ташқари фондлар иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг дастлабки белгилари десак муболаға бўлмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу фондларни ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий аҳамияти катта.

Давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари (БТФ) - бу давлат ихтиеридаги катъий мақсадли йўналишга эга бўлган молиявий ресурслар йиғандиси. БТФларни шакллантириш воситасида хокимият органлари томонидан миллий даромадни аҳамияти маълум ижтимоий гурухлари ва иқтисодиетнинг алохида сохалари манфаатларида кайта тақсимлаш руй беради.

БТФ Ўзбекистон республикаси молия тизимининг таркибий қисми хисобланади ва Ўзбекистон республикасининг конунига асосан ташкил этилади. БТФни ташкил қилишдан асосий мақсад -ривожланишнивг маълум боскичида жамият учун муҳим бўлган баъзи ҳаражатларни мустакил даромад манбалари билан таъминлашдир.

Хозирги кунда Ўзбекистонда бир нечта БТФлар амал қилмокда. Бу фондларни уларнинг мақсадий йуналиши бўйича **икки** гурухга бўлиш мумкин: ижтимоий фондлар ва иқтисодий фондлар.

БТ ижтимоий фовдларга пенсия фонди ва бандлик фонди киради.

БТ иқтисодий фондларга ягона йўл фондини мисол қилишимиз мумкин.

БТФлар давлат мақомига эга. БТФларни шаклланиш манбалари қуйидагилар хисобланади:

- ⇨ пенсия фондлар учун ўрнатилган мақсадли ажратмалар;
- ⇨ бюджет маблағлари;
- ⇨ корхоналар фойдасидан ажратмалар;
- ⇨ фонд томонидан амалга оширилган тижорат фаолиятидан олинадиган фойда;
- ⇨ фукаролар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари.

Ўзбекистон Рреспубликасида 1996 йилдан БТФлар бюджет таркибига киритилди. Бирок, уларнинг даромад манбалари ва ҳаражат йуналишлари

сақлаб колинди. Бу БТФларнинг даромадлари ва ҳаражатларини тартибга солган ҳамда назорат олиб бориш имкониятини енгиллаштиради.

Пенсия фоади. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий кафолатлаш борасида жуда катта ўзгаришлар содир булди. Бизда анъанавий шаклда бўлган ижтимоий таъминот ўрнига хорижда ўз ютукларига эга бўлган пенсия Суғуртаси жорий қилинди. Амалдаги конунчиликка биноан пенсия суғуртасини мусткаил молия - кредит муассасаси, яъни пенсия фонди амалга оширади.

Пенсия фондини шакллантириш манбалари қуйидагилар хисобланади:

- ⇨ иш берувчиларнинг суғурта бадаллари;
- ⇨ ишловчиларнинг суғурта бадаллари;
- ⇨ давлат бюджетидан
- ⇨ Вақтинча бўш пул маблағларини қимматли коғозларга йуналтиришдан олинадиган даромадлар;
- ⇨ фуқаролар ва хуқукий шахсларнинг ихтиерий бадаллари;
- ⇨ қарз маблағлари;
- ⇨ Бошқалар

Пенсия фондини шакллантиришнинг асосий манбалари суғурта бадаллари хисобланади. Унинг тўловчилари қуйидагилар:

1.Иш берувчилар :

мулк шакли ва ташқилий хуқуқий шаклидан қатъий назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар; дехкон фермер хўжаликлари.

2. Бошқа бадал тўловчилар:

юридик шахс бўлмаган, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган фукаролар;

ишловчи фукаролар.

Суғурта бадалларини тўлашдан ногиронлар ва турли жамоатчилик ташкилотлари, ҳамда уларнинг ихтиёридаги корхоналар бирлашмалар ва муасасалар.

Суғурта бадаллари тўловчилари ПФ вакилликларида рўйхатдан ўтишлари керак. ПФ га суғурта бадалларининг ғуйидагича тарифлари мавжуд:

- хуқуқий шахслар учун улардаги иш хаки фондига нисбатан 36%;
- хуқуқий шахслар учун ялпи даромадидан 0,5 %;
- ишловчилар учун иш хақларидан 2,0%

Иш берувчилар бадаллар бўйича ҳаражатларни махсулот таннархига киритадилар. Хуқуқий шахслар бадалларни бир ойда бир марта, тўлаш ойга хак олиш учун белгилавган муддатда тўлайдилар. Шундай тартибда иш берувчилар ишловчилардан мажбурий суўурта бадалларини хисоблайдилар ва ушлаб ғоладилар. Ортикача тўланган бадал суммалари кейинги тўловлар хисобига ўтказилади ёки туловнинг оризасига биноан ариза бёрилган кундан бошлаб ун кунлик муддат ичида унинг хисоб рақамига кайтарилади.

Фонднинг маблағлари қуйидаги йўналишлар бўйича сарфланади:

- пенсиялар тўлаш;

• икки ёшдан катта болалар учун нафақалар тўлаш;
• ногиронлар ва кариялларга моддий ёрдам кўрсатиш;
• ногаронлар, пенсионерлар, болаларни ижтимоий қўллаб- қувватлаш бўйича дастурларни молиялаштиргап;
• чернобилчиларга компенсацион тўловлар;
• вақтинча мехнатга лаёқатини йўқотиш бўйича нафақа тўловлари;
• хомиладорлик ва тугиш билан боғлик нафақалар;
• бола туғилгандаги бир марталик мукофот пули;
• бола икки ёшга тўлгунча тарбиялаш билан боғлик таътил давридаги ойлик нафақалар;
• дафн учун ижтимоий нафақалар;
• санатория, курортларда даволаниш ва дам олиш учун йўлланмаларга тўлаш;
• суғурталанувчилар балансидаги санатория-профилакторияларни, болалар ва ўсмирлар учун санатория ва соғламлаштириш оромгохларни сақлаш.

Мазкур ҳаражатлар суғурталанувчи бухгалтерияси орқали амалга оширилади. ПФнинг бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажяиси томовидан тасдикланади.

Давлат бандлик фонди. Бозор иқтисодиети шароитида давлат ҳар бир ишчи ва хизматчини маълумотига қараб, малакасига қараб иш билан таъминлаб беришни ўз кафолатига олмайди. Шунинг учун давлат иқтисодиетда ва ижтимоий хаётда номутаносиблик бўлмаслиги учун ва ҳар бир шахсни мехнат қилишга хақлилиги ва эркин соха шаклланишига хуқуқи борлигини хисобга олиб махсус молиявий муассаса яратди. Ушбу тадбирларни хаётга тадбиқ қилишни давлат бандлик фонди амалга оширади. Бандлик фонди вазифаси:
• иқтисодий тизимга малакали ишчи ва хизматчилар билан таъминлаш,
• бир тармоқдаги ортикча мехнат ресурсларини кайта малакасини ошириш;
• махсус мехнат биржаларини ташкил этиш;
• ишсизларни моддий таъминлаш.

Давлат бандлик фондини шакллантирувчи асосий молия манбалари :
• хўжалик субъектларини мажбурий тўловлари;
• махаллий ва республика бюджетини маблағлари;
• хорижий ва республика ичидаги хужалик субъектлари ҳамда жисмоний шахсларни ихтиерий ажратмалари.

Ушбу манбалар ичидаги хужалик субъектлари мажбурий тўловлари асосий молиявий манба блиб хисобланади ва қарийиб 80%ни ташкил этади.

Шаклланган бандлик фонди қуйидаги йўналишда фойдаланилади:
- фукароларнинг мехнат жойи билан таъминлаш;
- ишсизлик учун нафақалар бергап;
- кадрларни қайта ўқитиш ва қайта тайерлаш ишларини ташкил этиш учун;

- бандлик фондини бошқарув органини иш хаки билан таъминлаш.

Назорат учун саволлар:

1. Бгоджетдан ташқари фондларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларн?
2. Умумдавлат молиясшшнг бўғини сифатида бюджетдан ташқари фондларнинг вазифалари?
3. Ўзбекистон иқтисодиётида бюджетдан ташқари фондларнинт ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти?
4. Бюджетдан ташқари фондларнинг даромадлари ва ҳаражатлари тизими, улар фаолиятининг молиявий асослари?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
2. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
3. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
4. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.
5. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.
6. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
7. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
8. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.
9. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
10. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.
11. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
12. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
13. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.
14. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
15. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.

16. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.
17. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
18. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
19. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.
20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
2. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
3. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,- 160с.
4. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. -180с.
5. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. -325с.
6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.
7. Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

13-мавзу: Давлат кредити.

Режа:

1. **Давлат кредитининг шакллари.**
2. **Заёмлар классификацияси.**

3. Заёмларни тарқатиш ва қоплаш йўллари.
4. Халқаро кредит.

Таянч иборалар:

- ***Давлат кредити;***
- ***Давлат қимматли қоғозлари;***
- ***Давлат хазина мажбуриятлари;***
- ***Давлат ички ва ташқи қарзлари;***
- ***Давлат заёмлари;***
- ***Облигацияли ва облигациясиз заёмлар***

1.Давлат кредитининг шакллари.

Давлат даромадларини молиявий йўл билан кўпайтиришнинг яна бир тури - бу давлат заёмларидан, яъни давлат кредитидан келадиган даромаддир. *Давлат кредити* бу шундай пул муносабатлар тартибики, унда давлат қарздор бўлиб, кредитор бўлиб эса юридик ёки жисмоний шахслар чиқадилар.

Давлат кредити биринчи марта капиталиинг дастлабки жамғарилиши даврида, яъии XVI-XVШ асрда пайдо бўлган эди. Европа йирик мамлакатларини ҳарбий юришлари орқали давлат ҳаражатлари, хазинага тушадиган солиқлардан анчагина кўпайиб кетди. Ҳаражатларни даромадлар билан тенглаштиришда давлат кредити дастак бўлиб хизмат қилганди.

Ҳозирги даврда эса давлат кредитлари ўзининг энг юқори даражасига кўтарилдилар, чунки тараққий этган давлатларнинг ҳаражатлари беқиёс даражада ўсиб кетади, уни қоплаш учун давлат доим солиқ билан биргаликда давлат кредитларига мурожаат қилади. Айниқса давлат кредити ҳисобига давлат бюджети тақчиллигини қоплашга уринилади.

Давлат кредитлари орқали олинган маблағлар ривожланган давлатлар томонидан фақат ўзи эмас, балки уларни фоизлари билан қайтариб бериши керак. Лекин ривожланган мамлакатларда кредитни қайтариш учун уларнинг фақатгина битта манбаи - у ҳам бўлса солиқдан келадиган даромадлари мавжуддир. Шунинг учун заёмлар қанчалик кўп чиқарилса, уларни қайтариш учун шунча кўп солиқ даромадлари талаб этилади. Давлат кредити, худди солиқлар каби қўшимча моддий неъматлар яратилишини ёки таъминланганликни талаб этади. Лекин уларнинг бу моҳияти яширин хилдадир, чунки кредитор ривожланган давлатдир.

Давлат кредити билан хусусий кредит ўртасидаги фарқни тушуниб олиш лозим.

Маълум давр ичқда *бўш* ётган капитални банкка қуйиб, ундан фойда кўрадилар, яъни саноат капитали соҳасидаги инвестор бошқаларга қарз бериб, улардан устама фоизи билан қайтариб оладилар. Олган маблағ хусусий капитал эгалари томонидан ишлаб чиқаришга сарф этилади. Натижада ишлаб чиқариш узлуксиз давом этади, моддий неъмат ишлаб

чиқариш кўпаяди, оқибатда мамлакатлар миллий даромадига ижобий таъсир этилади. Бу кредитдан унумли фойдаланишдир ва бундай кредит унумли кредит деб аталади.

Давлат кредити орқали тўпланган даромадлар давлатнинг ҳарбий ҳаражатларига, давлат аппаратини сақлашга, бюджет тақчиллигини қоплашга сарф этилади. Бу эса кредитдан унумсиз фойдаланишдир. Шунинг учун ривожланган давлат ҳаражатларини қоплашда асосан 2 манбадан, яъни солиқларни кўпайтириш ва янги заёмларни чиқариш йўлвдан фойдаланилади.

Янги заёмларни чиқариш янги солиқларни жорий этиш каби давлат молияси барқарорлигига таъсир этади. Давлат заёмлари қанча кўп чиқарилса давлатнинг қарздорлиги шунча ўсиб боради. Шу боис қатор ривожланган мамлакатларда давлат қарзлари тинмай ўсмоқда.

Юқорида кўрсатилган қарзлар фақатгина марказий давлат қарзларидир. Бозор иқтисодисти шароитида маҳаллий хукумат органлари ҳам ўз заёмлариии чиқарадилар. Бу эса ўз навбатида давлат қарзларини янада ошириб юборади.

Давлат қарзларининг бу ҳолдаги систематик ўсиши, муомаладаги пул ва қимматли қоғозларнинг кўпайишига олиб келади, бундан мамлакат молияси ёмон аҳволга тушади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат қарзларининг, солиқларнинг, пул эмиссиясининг ўсиб кетиши биринчи навбатда мамлакатдаги ижтимоий аҳволга таъсир этади, борган сари уларнинг кўп қисмини давлатнинг, унумсиз ҳаражатларни қоплаш учун олинишига сабаб бўлади.

Бир вақтнинг ўзида давлат кредити капиталга қўшимча фойда келтиради, улар учун бозор доирасини кенгайтиради, инвестицион фаолликни молиялаштиришнинг қўшимча манбаини яратади. Давлат кредетининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги роли ана шуларда намоён бўлади.

Ривожланган давлат қарзлари иккига бўлинади - ички ва ташқи. Ривожланган мамлакатларда давлат ички қарзларининг улуши кўпдир. Давлат қарзининг умумий ҳажмида ташқи қарз улушининг кўп бўлиши шу мамлакатнинг ташқи дунёга иқтисодий, сиёсий томондан тобе қилиб қўяди.

Ҳозирги замон тараққиётининг хусусиятларидан бири - йирик ривожланган давлатлар бир вақтнинг ўзида қарздор, кредитор ва гарант берувчи, яъни кафил бўлиши мумкин.

Давлатларнинг қарздорлик фаолиятларини биз юқорида кўрдик. Ривожланган давлатлар йирик кредитор сифатида ишлаб чиқаришга қарз берадилар, берилган қарз устама фоизи билан қайтариб олинади. Баъзида давлат кредитор сифатида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳисса қўшади. Оқибатда давлат кредити орқали мамлакат ялпи махсулоти ва миллий даромадини кўпайишига озми-кўпми миқдорида таъсир этади. Ривожланган давлат бу фаолиятини махсус кредит ташкилотлари орқали олиб боради.

Баъзи мамлакатларда капитал қўйилмалар учун қарз бериляпти, яъни уй-жой қурилиши, маориф, соғлиқни сақлаш ва коммунал хўжаликларни

молиялаштиряпти чунки хусусий тадбиркорлар бу соҳаларда иш олиб бормайдилар.

Францияда хусусий сектордаги саноат тармоқларига давлатнинг кредит бериши анчагина ривожланган.

Англияда давлат бюджети маблағларидан миллий иқтисодиёт тармоқларига кредит бериш кенг тарқалган.

АҚШда халқ хўжалигини электрлаштириш, қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига кредит бериш бошқа мамлакатларга нисбатан кенгроқ ривожланган.

Ҳозирги замон ривожланган давлатларида давлатнинг кафолатчи сифатидаги фаолияти ҳам ривожланаётир. Давлат кафил бўлиш орқали кредитнинг йўналишига ва ҳажмига таъсир кўрсатади. Давлат кредити таркибпни ўрганувчи айрим иқтисодчилар давлат кафиллигини яширин давлат қарзпдир деб атаяптилар, чунки бу кафкллик жавобгарлик демакдир. Бозор иқтисодиёти шароитидаги маҳаллий ҳукумат органларининг, махсус кредит ташкилотлари ва банк кредитлари бўйича ҳам ривожланган давлат жавобгардир. '

Шуидай қилиб, давлат кредити бюджет тақчиллигини қоплашга, ссуда капитали бозорини тенглаштиришга, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиялангГириш манбаларини вужудга келтиришда, ишлаб чиқаршп кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришга сарф этилади.

2.Заёмлар классификацияси.

Давлат кредитининг асосий шакллари қуйидагилар:

1.Давлат заёмлари.

2.Омонат кассадаги жамғармалар.

3.Эмиссион ва бошқа банкларнинг ссуда ва авансларн.

Бу шакллар ичида энг асосийси- давлат заёмларидир.Улар давлат кредитининг 80 фоизини ташкил этади.

Давлат заёмлари - бу давлат билан жисмоний ва юридик шахс ўртасидаги кредит муносабатларини бўлиб, бунда давлат улардан устама фоиз билан қайтариб бериш шарти билая маълум даврга қарз оладн. Давлат зса олинган қарз эвазига облнгация берадв. ***Облигация***-давлатнинг қарздорлик мажбурияти бўлиб, унинг эгасига маълум муддатдан сўнг ўз пулини устама фоизи билан қайтариб олиш хуқуқини беради. Облигация-сузи ***"мажбурият"*** маъносини беради, облигация ўзи давлатнинг қимматли қоғозидир.

Давлат заёмлари облигацияси сохта капитал формаларини бир туридир, чунки ишлаб чиқаришга хеч қандай алокаси йўқ, қиймати йўқ, лекин ўз эгасига даромад келтиради.Шунинг учун сохтанинг сохтасидир.

Давлат томонидан олинган қарзлар аллақачон бирон мақсадга сарф этилган, облигация эса узоқ вақт муомалада юради ва эгасига даромад келтиради.Ривожланган мамлакатларда облигациянинг турлари кўпдир. Масалан, АҚШ-200 ҳил; Англияда-50 ҳил; Италияда-40 ҳилдан ортикдир.

Ривожланган давлат ҳаражтларини коплашга фақатгина давлат заёмларидан фойдаланиб колмасдан, балки вақтинча бўш ёттан аҳолининг

омонат кассадаги жамғармасидан ҳам фойдаланади. Капитализм мамлакатларида аҳолининг жамғармаси мажбурий ҳарактерга эгадир.

Давлат омонат кассалари орқали аҳоли жамғармасини ўз қўлида тўплайди. Мехнаткаш аҳолининг кенг табакаси жамғармалар орқали ривожланган давлат ихтиёридадир. Шунинг учун К.Маркс капитализм шароитндагн омонат кассаларни аҳолини уч ёклама эксплуатация қилувчи олтин занжир деб бахолаган. Бу шундай занжирки, аҳоли қанчалик уринмасин, барибир бу занжирни ўзиб чика олмайди, уч ёқлама эксплуатация қилишга махкум этилган.

Давлат заёмлари таркатиш жойларига караб ички ва ташки заёмларга бўлинади:

а) ички-заёмлар миллий валюта мамлакат ичкарисида таркатилади;

б) ташки заёмлар-чет эл пул бозорида мамлакат валютасида ёки чет эл валютада чиқарилган заёмлардир.

Ривожланган мамлакатларда ички заёмлар биринчи уринда туради. Масалан, Японияда- 96 фоиз; Италияда- 90%; Францияда- 96%; Англияда- 97%; АқШда ички заёмлар асосийдир. Лекин баъзи молиявий қийинчаликлар туфайли давлат бошқа давлатлардан катта суммада қарз олишга мажбур этади.

Ривожланган мамлакатларда заёмлар марказий хукумут ҳамда махаллий хукумат орқали чиқарилади. Марказий хукумат томонидан чиқариладиган заёмлар конун чиқарувчи органлар томонидан чегаралади. Баъзида ривожланган мамлакатларда маблағларда бўлган талаб кучийиши натажасида махаллий хукумат ҳамда баъзи ташкилот орқали ҳам заёмлар чиқариладиган. Бу заёмлар қонун чиқарувчи органлар томонидан назорат килинмайди.

2.Келтирадиган даромадларига кўра заёмлар фоизи ва лотереялрга бўлинади.

а) Фоизли заёмларда, заём эгалари облигацияда кўрсатилган фоиз ставкасида ҳар йили тенг даромад оладилар.

б) Лотереяни заём эгалари заёмнинг умумий суммасини ютуқ чиккандан кейин олади. Бу ерда заёмнинг ўз баҳоси ва ютуғи бирга тўланади. Кўп ҳарижий мамлакатларда фоизли заёмлар асосий уриндадир. Бу эса давлатга ҳам кулай, чунки қарз билан аста- секин хисоблашнинг имкониятини беради.

3. Муамолада юриш муддатига кўра заёмлар қуйидагиларга бўлинади:

а) жорий заёмлар - бир неча хафта, йил ,3 йилгача;

б) киска, муддатли заёмлар - 1 йил, 2 йил, 3 йилгача;

в) ўрта муддатли заёмлар -3 йилги, 5, 10 йилгача;

г) узоқ муддатли займлар- 10 йил ва юқори.

Хозирги даврда узоқ муддатли, яъни муддатсиз заёмларга талаб кам, шунинг учун баъзи мамлакатларда кам чикариляпти.

Хозирги замон капитализмнинг сиёсий ва молиявий .барқарорлиги сабаъли бу заёмлар ичида киска муддатли заёмлар миқдорини кўпайишига имкон яратиляпти.

Ривожланган мамлакатларда пул муомаласида қимматли коғозларнинг турли хиллари мавжуд.

1.хазина вексели - бюджет касса тақчиллигини коплаш мақсадида 91 кунга чиқарилади;

2.хазнна нотапари - 1,5 баъзи мамлакатларда 3 йилгача чиқарилади.

4.Заёмлар таркатилишига караб ихтиёрий ва мажбурий бўладилар:

а)кўп мамлакатларда заёмлар ихтиёрий бўлади, улар сотиб олинишига мажбур этилса, уларга бўлган ишонч йуколади;

б)баъзан уруш йилларида маблагта бўлган талаб органлиги учун заёмлар мажбуран сотилиши мумкин.

5.Заёмлар *облигацияли* ва *облигациясиз* чиқарилади:

а)мамлакатлар ичкарисида ссуда капитал бозорида заёмлар облигация орқали муомалада юради;

б)давлатлароро кредит муносабатларида заёмлар облигациясиз чиқарилади.

Облигациялар уч турга бўлинади:

1.бозор қимматли коғозлари- бемалол сотилиши ва сотиб олинади.

2.бозорга алоқасиз қимматли коғозлар- сотилмайди ва сотиб олинмайди.

3. урушдан кейинги йилларда суғурта, пенсия ташкилотлари учун махсус заёмлари чиқарилади. Улар 1 гача муддатли эдилар.

Заёмлар ўз турларига караб ҳар йул билан тарқатилади.

Ички заёмлар давлатнинг банкири хисобланган марказий эмиссион банклар орқали таркатилган. Марказий банк ўз навбатида облигацияни коммерция банки, суғурта компаниялари, омонат кассалар орқали тарқатилади.

–

Ташки заёмлар - мамлакатлар ўртасида тузилган шартномалар асосида облигацияли ёки облигациясиз тарқатилади.

Заём тарқатишнинг йуллари ривожланган мамлакатлар тарихида қуйидагича бўлган:

1.Хусусий ривожланган корхоналар ёрдамида;

2.Банк бирлашмалари орқали;

3.Ёзилиш (обуна) йули билан;

4.Эмиссион банк орқали.

Юқорида санаб угилган йуллар ичида охирги иккитаси ривож топди.

Назорат учун саволлар:

1. Давлат кредитининг турлари ва шаклларининг фарқи?
2. Заёмларнинг туркумланиши?
3. Заёмларни тарқатиш ва қоплаш йўллари?
4. Халқаро давлат кредитининг мохияти?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
2. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
3. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
4. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.
5. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.
6. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
7. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
8. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.
9. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
10. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.
11. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
12. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
13. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.
14. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
15. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.
16. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.
17. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
18. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
19. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.
20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
2. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
3. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,- 160с.
4. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. -180с.
5. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. -325с.
6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.
7. Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

14-мавзу: Маҳаллий молия.

РЕЖА:

1. **Махаллий иолиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятн ва аҳамияти.**
2. **Мақаллий бюджетларнинг даромадлари таркиби ва тузилиши**
3. **Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини такомиллаштириш масалалари.**

Таянч иборалар:

- ***Маҳаллий молия;***
- ***Маҳаллий бюджет ва унинг бўғинлари;***
- ***Маҳаллий бюджет бириктирилган даромадлари;***
- ***Маярллий бюджетларга юқори бюджет бўғинидан тушадиган маблағлар;***
- ***Бюджетлараро муносабатлар;***
- ***Бюджетлараро муносабатларни мувофиқлаштириш;***

1.Маҳаллий молиянинг ижтимоий-иқгисодий моҳияти ва аҳамияти.

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар орқали ҳудудлариипг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши молиявий маблағлар билан таъминланиб борилади. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг асосий қисми сифатида ўзида 14 та мустақил бюджетни мужассамлаштиради.

Маҳаллий бюджетларнинг ҳукуматни ижтимоий-иқтасодий сиёсатини амалга оширишдаги салмоғли мавқеи қуйидаги жадвал маълумотлари орқали яққол намоён бўлади.

1- жадвал

Ўзбекистон республикаси маҳаллий бюджетлари ҳаражатлариниш динамикаси ва умумбюджет ҳаражатларидаги салмоғи (1994-1997 й.й.).

(млн. сўм)

№		1994	1995	1996	1997
1.	Республика давлат бюджети ҳаражатлари	21621,6	98600,0	202600,0	317256,0
2.	Маҳаллий бюджетларнинг	8936,9	46759,7	108393,3	171874,0
3.	Маҳаллий бюджетлар ҳаражатларининг давлат бюджети ҳаражатлари ҳажмидаги салмоғи	41,2	47,5	53,6	54,1

Жадвал маълумотларидан яққол кўринадики, Республика давлат бюджетининг ўртача 50 фоиздан ортиқ қисми маҳаллий бюджетларнинг ҳиссасига тўғри келади. Шуниси ҳарактерлики, маҳаллий бюджет ҳаражатларининг умумбюджет ҳаражатларидаги салмоғи ўсиш

тенденциясига эга. Ушбу ўсиш сурати 1994-1997 йиллар мобайнида 12,9% ни ташкил этди. Бу эса, шубҳасиз ссзиларли даражада ўсишдир.

Маҳаллий бюджетларнинг мавқеини янада ошириш ҳукуматнинг бюджет сиёсатини самарадорлипши оширишга хизмат қиладигаи муҳим омил эканлиги шубҳасиздир. Айниқса бу борада Президеитимизнпиг фикр-мулоҳазаляри диққатга сазовордир: «Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, бюджетларни мустаҳкамлаш зарур, Бу эса минтақалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлиги ва бу борадига маъсулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбааларини қидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди» (И.А.Каримов. Ўзбекистон иқгисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. - 208 бет).

Президентимизнинг фикр мулоҳазаларидан ва бюджет ижросининг амалдаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетларнинг хукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишдаги

мавқеини янада ошишига сабаб бўлаётган қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Маҳаллий молия органларининг бюджет ижросидан манфаатдорлигини ошириш ва шунинг асосида бюджет ҳаражатларини тўғри ва оқилона тарзда сарфланишини ва бюджетга тушумларнинг янги манбааларини қидириб топишга ва рағбатлантиришни таъминлашнинг зарурлиги. Ҳақиқатдан ҳам, бюджет харажатларини амалга оширишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Хусусан бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб олинадиган товарлар баҳосини сунъий равишда ошириш, бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш холлари кўплаб учрамоқда.

2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласининг устиворлиги. Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бозор иқтисодиётига ўтиш дастурининг энг устивор йўналиши сифатида тан олинди. Республика Президенти И.Каримов томонидан илгари сурилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилларидан бири - аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ҳисобланади. Шу сабабли, аҳолининг кам таъминланган қатламларига тўланаётган ижтимоий тўловлар ҳажми ошиб бормоқда. 1994 йилда Республика бюджетининг ҳаражатларини умумий суммаси 21621,6 млн. сумни ташкил этгани ҳолда, унинг 45,2 фоизи ижтимоий ҳаражатлар ҳиссасига тўғри келди. 1995 йилда бу кўрсаткич 51,1 фоизни ташкил қилди. Ушбу харажатларнинг асосий қисми маҳаллий бюджетлар орқали ўтади. Масалан, Қашқадарё вилояти бюджетининг

ҳаражатлари ҳажмида ижтимоий-маданий ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳаражатларининг салмоғи 1994 йилда 85,6 фоизни, 1995 йилда 77,8 фоизни, 1996 йилда эса 79,3 фоизни ташкил қилди. (Қашқадарё вилояти молия бошқармасининг ҳисобот материаллари, 1994-1996 й.й.).

Республика Давлат бюджетида ижтимоий ҳаражатларнинг ўсиши давом этаяпти. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 мартдаги «Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, иш ҳақи, пенсиялар ва талабаларнинг стипендиялари 1/4 баробар оширилди, меҳнат пенциясининг энг кам миқдори 900 сум қилиб белгиланди.

3. Маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштириладиган тадбирларнинг кўпайиб бориши. Масалан 1994 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлар томонидан олдинги йилларда республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилган кадрлар тайёрлаш, яъни ўрта махсус ўқув юртлари ҳаражатларини молиялаштиришни амалга оширилишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари давлат капитал қўйилмаларининг маҳаллий бюджетлардаги ҳажми ошиб бормоқда. Масалан, 1997 йилда давлат капитал қўйилмаларининг маҳаллий бюджетлар харажатлари таркибидаги салмоғи 19,8 фоизни (34049 млн. сўм) ни ташкил қилди. Ҳолбуки бу кўрсаткич 1994 йилда 3,3 фоизни ташкил қилган эди. 1994-1997 йиллар мобайнида ушбу кўрсаткич узлуксиз ўсиш тенденциясига эга бўлди. 1995 йилда 18,7 фоизни, 1996 йилда эса 19,6 фоизни ташкил қилди. (Ўзбекистан Республикаси Молия вазирлиги маҳаллий бюджетлар бошқармасининг ҳисобот материаллари, 1994-1997 йил, Тошкент. 1997 и.). Қашқадарё вилоят маҳаллий бюджетнинг 1997 йилги харажатлар ижросини таҳлил қилганимизда социал-маданий тадбирлар учун ажратилган маблағлар умумий ҳаражатларни 63,1 фоизини ташкил этган бўлса, кам таъминланган оилаларга бериладиган компенсация ҳаражатлари 25,8 фоизни капитал қўйилма эса 7,9 фоизни ташкил этган ушбу тўғрисида жадвал кўрсатмалари қаралсин.

млн. сўмда

Харажатлар	1997 йил ажратилган маблағ	1997 йилнинг ижроси	% бажарилиши
Халқ хўжалиги бўйича	352,2	414,6	117,7
Маорифга	3604,5	4164,6	115,5
Маданият ва фанга	78,6	106,8	139,5
Соғлиқни сақлашга	1603,3	1804,3	112,8
Ижтимоий соҳага	50,6	57,2	116
Бошқарув аппаратини сақлашга	157,8	213,9	135,6
Бошқа харажатлар	238,6	157,9	86,0
Кам таъминланган оилаларга нафақалар	2936,6	2146,6	73,1

Капитал қўйилмалар	719,1	736,4	102,4
Жами	9741	9802,8 ,	100,6

2. Маҳаллий бюджетларни даромадларини таркиби ва тузилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдага фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан «Солиқ кодекси» тасдиқланиб 1998 йил 1 январдан ижро этилиши кучга кирганлиги муносабати билан ушбу Кодекс солиқ тазимининг-ҳуқуқий асослари солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини белгилайди, солиқ ишларини юритиш тартиботини ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бўзганлик учун жавобгарликни тартибга солиб туради.

Ҳар бир шахс ушбу Кодексда кўрсатилган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт.

Солиқ солиш юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъий назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади:

Белгиланаётган солиқлар ва йиғимлар товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси худуди доирасида эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўйиш ёҳуд солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқа тарзда чеклаб қўйиши ёки унга ғов бўлиши мумкин эмас.

Олинган манбааларидан қатъий назар барча даромадларга солиқ солиниши шарт.

Солиқ имтиёзларини бслгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак.

Ушбу Кодексга асосан солиқлар 2 хил турда мавжуддир:

- Умумдавлат солиқлари
- маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Умумдавлат солиқларига қуйидагалар киради;

1. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;
2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
3. Қўшилган қиймат солиғи;
4. Акциз солиғи;
5. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
6. Экология солиғи;
7. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради:

1. Мол-мулк солиғи
2. Ер солиғи
3. Реклама солиғи
4. Автотранспорт воситаларини олиб сотганлиги учун солиқ;

5. Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;
6. Юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билаи шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;
7. Автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим.
8. Ободончилик ишлари учун йиғим.

Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан жорий этилади ва республиканинг бутун худудида ундирилади. Бу солиқлар ва йнғимлар ставкаларнинг миқдорлари (ставкаси ушбу Кодекс билан белгиланадиган юридпк шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бундаи мустасно) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Янги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш Ўзбекистои Республикаси Вазирлар маҳкамаси билан мувофиқлаштирилиши лозим. Шунга мисол қилиб маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг 1998 йилдаги ставкалари Вазирлар маҳкамасининг 1997 йил 5 декабрдага 540 сонли қарори билан қуйидагича тасдиқланган;

№	Солиқлар ва йиғимларни номи	Белгиланган ставкалар
1.	Ободончилик ишлари учун йиғим	Хўжаликни ўзида қоладиган фойдасидан 2%
2.	Реклама солиғи	қилинган ишни нархидан 10% миқдори
3.	Автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ	10% сотилгандан
4.	Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим	Минимал иш ҳақидан икки марта
5.	Айрим турдага товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари	3 минимал иш ҳақи баробарида
б.	Юридик ва жисмоний шахсларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш	3 минимал нш ҳақи баробарида
7.	Автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим	1 соатга 25 сўм
8.	Социал инфраструктурани ривожлантиришга солиқ	Корхонани ўз иҳтиёрида қолган фойдадаи 6%

Шунингдек маҳаллйй бюджетга тушадиган умумдавлат солиқларни меъёрий ажратмалари қуйидагича қилиб 1998 йилга белгиланган.

Минтақалар номи	Қўшимча қиймат солиғи	Корхона даромад (фойда) солиғи	Жисмоний шахсларни даромад солиғи
Қорақалпоғистон Республик.	100	100	100
Андижон вилояти	100	100	100
Бухоро вилояти	38	40	50
Жиззах вилояти	100	100	100
Қашқадарё вилояти	43	45	100
Навоий вилояти	23	20	50
Наманган вилояти	100	100	100
Самарқанд вилояти	100	100	100
Сурхандарё вилояти	100	100	100
Сирдарё вилояти	100	100	100
Тошкент вилояти	19	15	50
Фарғона вилояти	16	20	50
Хоразм вилояти	100	100	100
Тошкент шаҳри	13	15	20

Юқоридаги жадвалдан шу нарса кўринадики Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри худудларида умумдавлат солиқларни тўловчн корхона ва ташкилотлар кўплиги туфайли катта миқдордаги даромадлар Республика бюджетига тушаётганлиги маълум бўлди.

Юқорида солиқлар (даромадлар)ни, қандай тартибда ставкалари белгиланишини кўриб чиқдик аммо солиқ нима ва улар қайси тартибда жойланишига тўхталиб ўтамиз.

Амалиётда солиқ деганда баъзи бюджетга тушадиган пул ёки мажбурий тўлов деб таъриф берилади. Бу тўлиқ бўлмаган илмий асосланмаган таърифдир. Аҳир бюджетга пул солиқсиз ҳам тушиши ва солиқсиз ҳам мажбурий тўлов борлиги кўпчиликка маълумку. Биз солиқларга уйидаги таърифни берган эдик.

Солиқлар бу бюджетга тушадиган пул (иқтисодий) ва қонун билан белгиланган мажбурий муносабатлардир. Бу муносабатлар содиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) билан давлат ўртасидаги муносабатларни ифода этади.

Солиқлар энг аввало давлатнинг ижтимоий зарурий вазифаларини молиявий маблағлар билан таъминлашнинг зарурлигидан келтириб чиқарилади. Давлат олдида турган умумий жамият вазифаларига ҳозирги шароитда қуйидагилар киради:

1. Аҳолининг кам таъминланган табақаларини (тадабалар, нафақаҳўрлар, ногиронлар ва бошқалар) ижтимоий ҳимоя қилиш;
2. Мамлакат мудофаасини таъминлаш;
3. Мамлакат фуқароларининг тинч меҳнат қилиш ва эркин яшаши муҳофозасини таъминлаш.

4. Мамлакат ичида ўзлуксиз ижтимоий маданий тадбирларни (маъориф, маданият, соглиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва бошқалар) амалга ошириш.

5.Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, маданий, сиёсий алоқалар ўрнатиш ва ҳакозо;

6.Бозор инфраструктурасини яратиш.

Бу вазифаларни ошириш нихоятда кўп молиявий ресурсларни талаб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу ресурсларни фақат соликлар ва солиқ характерига эга бўлган тўловчилар орқали амалга ошириш мумкин.

Солиқ солинадиган даромадларни (фойдаларни) белгилашда жами даромаддан қуйидаги чегирмалар амалга оширилади;

Қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдалангаилик учун солиқ, экологзтя солиғи, сув ресурсларндап фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек, божхона божлар суммалари.

Банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг қисқа муддатли кредитлари бўйича фоиз тўловлари суммалари муддати ўтган ва тўлов муддати узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар бундан мустасно.

Ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар (банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар, видеокўрсатувлар, видео ва аудио ёзув пунктлари аукционлар, давлатга қарашли бўлмаган органлар томонидан ўтказиладиган лотерея ўйинлари ҳамда оммавий концерт тамоша тадбирларининг харажатлари бундан мустасно);

белгиланган тартибда киритиладиган рента тўловларининг суммаси;

ижара ҳақи (лизинг тўлови)

асосий воситаларни таъмирлаш ҳаражатлари ва кўрсатган хизматлар қиймати;

мажбурий суғурта тўловлари бўйича ўтказиладиган қонун ҳужжатларига мувофиқ; иш ҳақига ҳисобланган суммалари.

Маҳсулотни (хизматларни) серификатлаш ишларига ҳақ тўлаш харажатлари суммалари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ; нормалари бўйича хизмат сафари ҳаражатлари суммалари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ; нормалар бўйича вакиллик мақсадларидаги ҳаражатлар суммалари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ; нормалар бўйича реклама ҳаражатлари суммалари;

қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа мажбурий тўловлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган харажатлар ва мажбурий тўловлардан ташқари қуйидаги харажатлар ва ажратмалар жами даромаддан чегириб ташланиши лозим.

1. Банклар бўйича;

кредит ресурслари учун тўловлар, операция харажатлари, пул маблағлари ҳамда бойликларни ташиш ҳамда сақлаш ҳаражатлари;

мижозларнинг ҳисоб варақалари шу жумладан жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар;

таваккалчилик операциялари бўйича заҳира ҳисобидан ўчирилган умидсиз ссуда суммалари;

2. Суғурта ташкилотлари бўйича:

қайта суғурта шартномалари бўйича берилган тўлов суммалари;

амал қилиш ҳисобот йили оҳиригача тугамаган суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича тўлов суммалари;

суғурта ва кайта суғурта мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ва ҳисобланган тўлов суммалари;

ўтган йиллардаги суғурта ҳодисалари бўйича тугалланмаган тўлов суммалари, шу жумладан даъво муддати доирасида мажбуриятлар суммалари;

суғурта холатининг рўй берганлиги ҳақида маълум қилинган, лекин зарари миқдори тақдим этилмаган шартномалари бўйича суғурта суммалари.

Суғурта ташкилотлари суғурта ҳодисалари рўй беришини бартараф этиш ва унинг олдини олишга доир тадбирларни (превентив тадбирларни) молиялашга сарфлайдиган маблағлар суммалари;

Суғурта ташкилотларининг заҳира фондлари бу ташкилотлар устав фондининг 25 фоизига етгунига қадар суғурта ташкилотлари ўз даромадларининг йигирма фоизи миқдорида заҳира фондларига қиладиган ажратмалар.

Жами даромаддан чегириб ташланадиган харажатлар мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмаларни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Агар амалга оширилган харажат(лари) харажатларнинг бир неча тоифасига киритилган бўлса, у фақат бир марта жами даромаддан чегириб ташланиши мумкин.

Шунингдек солиқ Кодексида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкаларига бир қанча имтиёзлар белигиланган . Жумладан:

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда-солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг қийматига камайтирилади:

- солиқ тўловчининг балансида бўлган уй-жой коммунал ва ижтимоий маданий соҳа объектларининг;
- табиатни муҳофаза қилиш санитария-тозалаш мақсадида ва ёнғинга қарши ҳавфсизлик учун фойдаланиладиган объектларнинг;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларнинг селекцияси, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган объектларнинг;
- маҳсулот ўтказгичлар, алоқа йўллари (шу жумладан автомобиль йўллари) алоқа ва энергия ўзатиш линияларнинг, шунингдек уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида кўрилган иншооатларнинг;
- алоқа йўлдошларининг;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фондларининг;

- шаҳар йўловчилар транспортининг (таксидан шу жумладан йўналиши таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортинииг (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари);

- йўл хўжалиги корхоналари ва ташкилотлариниig йўлларни таъмирлаш ва сақлаш ишларида банд бўлган транспорт воситаларининг;

янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида.

Солиқ бўйича мазкур имтиёз тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек корхоналар хузурида ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар ана шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар қўлланилмайди.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги мол-мулкига солиқ солинмайди:

1. қуйидагиларнинг транспорт воситаларига хизматни харакатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, шунингдек собиқ партизанлар жумласидан бўлиб 1941-1945 йиллардаги уруш ҳамда собиқ СССР ни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговор операция қатнашчиларининг хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговор ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг;

мотоаравачалари ва қўлда бошқариладиган автомобиллари бўлган ногиронларнинг;

«Ўзбекистон қаҳрамони», «Совет Иттифоқи қаҳрамони» унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланган шахсларнинг.

2. Қуйидагиларнинг иморатлари, бинолари ва иншоатларига:

«Ўзбекистон қаҳрамони», «Совет Итгифоқи қаҳрамони» унвонларига сазовор бўлган, учала даражали шуҳрат ордени билан тақдирланган шахсларнинг;

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва паритзанлари уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркиби ва хизмат қилган шахсларнинг, харакатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахсларнинг;

Қаҳрамон оналар, шупнигдек ўн нафар ва ўндан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг;

Чернобўль АЭСидаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлнк учун имтиёзлар олаётган фуқароларниig (шу жумладан, у ерга вақтинча ёки хизмат сафарига юборилган шахсларнинг);

пенсионерларнинг, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг;

муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг хизматини ўташ даврида;

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда яradор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик оқибатида ҳалоқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва бошқа турмуш қурмаган рафиқаларнинг (эрларининг);

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, фавкулотда вазиятлар вазирликлари, Миллий ҳавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари жумласидан бўлган ногиронларнинг ички ишлар органларининг хизмат вазифаларини адо этаётганда яradор, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлик оқибатида ногирон бўлиб қолган бошлиқлар ва оддий хизматчилар жумласидан бўлган шахсларнинг.

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ўз мулкида эгалигида ёки фойдалинишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи тўловчиларидир.

Юридик шахслар учун қуйидаги (солиқ) ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади;

1. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда-мулк қилиб олинган ер участкалари;
2. Қишлоқ ёки ўрмон хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга берилган ер участкалари;
3. Корхоналар, бинолар ва иншоатлар қуриш учун ёки қишлоқ хўжалигига таалуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилган ер участкалари;
4. Корхоналар, бинолар ёки иншоатларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтиши билан бирга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

Жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

1. Турар жойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
2. Якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қолдирилган ер участкалари;
3. Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган ер участкалари;
4. Хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлар;
5. Мерос бўйича ҳадя қилиниши ёки сотиб олипнши натижасида уй-жой, дала ҳовли билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам бўлган ер участкалари;
6. Қонун хужжатларида белгаланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;
7. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Ер солиғи солинмайдиган ер участкаларига қуйидаги ерлар киради:

1. Шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдалашдаги ерлари (майдонлари, кўчалар, тор кўчалар, йўллар) соҳил бўйлари, ариқ тармоқлари қабристонлар ва бошқалар;

2. Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигининг жамоа гражданларининг умумий фойдаланишдаги ерлари;

3. Табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятга молик ерлар (давлат қўриқлари, миллий ва дендрология боғлари, заказниклар, ов қилишга мўлжалланганлари бундан мустасно, табиат ёдгорликлари), ихота дарахтзорлари эгалланган ерлар;

4. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, ҳотира боғлари, саганалар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаганлар);

5. Сув фонди ерлари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, денгазлар, музликлар ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув ҳўжалиги иншоатлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув, сув ҳавзалари соҳилдаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун, корхоналар, муассасалар, ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар);

6. Электр узатиш линиялари, подстанция, умумдавлат алоқа линиялари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

7. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, темир йўлларнинг умумий тармоғи, умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти (шу жумладан метрополитен) ва уларнинг иншоатлари эгаллаган ерлар;

8. Спорт иншоатлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия соғломлаштириш жойлари, санатория-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув машқ базалари эгаллаган ерлар;

9 Магистрал сув қувурлари, нефть ва газ қувурлари, магистрал канализация коллекторлари ва уларнинг иншоатлари, сув олиш ва тозалаш иншоатлари, шунингдек, сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар эгаллаган ерлар;

10.Самолётларнинг I учиш-қўниш майдонлари, шу жумладан уларни ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларнинг радионавигация ва электр ёритиш ускуналари жойлашган ерлар;

11.Ишлаб чиқариш объектлари қурилиши учун ажратилган (ёки объектлари эгаллаган) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган ерлар;

12.Гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

13.Илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий тадқиқод ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, эксперимантал ва ўқув тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлар;

14.Янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошлангандан эътиборан кўпи билан беш йилга;

15.Заҳирадаги ерлар;

16.Рекреацион аҳамиятга молик ерлар аҳолининг оммавий дам олиш ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасаларга берилган ерлар; ўрмон боғлари, боғлар, хиёбонлар, пляжлар ва бошқалар);

17. Соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (касалликларнинг олдини олиш ва одамларни даволаш ишлари ташкил этиш учун қулай табиий омилларга эга бўлган ерлар;

18. Якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ерлар, ер участкалари берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга.

Ерлардан ўз ўрнида фойдаланилмаган тақдирда ушбу моддада белгаланган имтиёзлар қўлланилмайди.

Қуйидаги юридик шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

1. Тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар (бюджетдан молиявий таъминланадиган бошқарув органларн ва илмий тадқиқот муассасалари бундан мустасно) ер участкаларидаи тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганларидан ташқари;

2. Маданият, маъориф, соғлиқни сақлаш ва нжтимоий таъминот муассасалари, бўйсинувидаи қатъий назар, ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун уларга ажратилган ер участкалари учун;

3. Деҳқон (фермср) хўжаликлари давлат рўйҳатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

4. Чет эл инвестициялари иштирокидаги, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида;

5. Ишловчилар умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил эттан юридик шахслар, савдо, воситачилар, таъминот, сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно;

6. «Соғлом авлод учун» халқаро ҳайрия жамғармаси, Ўзбекисон Респбуликаси қизил ярим ой жамияти, Нуроний жамғармаси корхоналари бўшатиб олинаётган маблағлардан ўзларининг устивор белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланиш шарти билан;

7. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган пайтдан эътиборан биринчи фойда олгунига қадар бироқ бу муддат улар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан уч йилдан ошмаслиги лозим.

Қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

1. Яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеренар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;
2. «Ўзбекистон қаҳрамони», «Совет Иттифоқи қаҳрамони», меҳнат қаҳрамони унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланганлар 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;
3. Хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговор ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг

чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

4. Хақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари - хизмат муддатига;
5. I ва II гуруҳ ногиронлари;
6. Ёлғиз пенсионерлар;
7. Боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар;
8. Концентрацион лагерларнииг собиқ ёш тутқинлари, Чернобўль АЭС даги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;
9. Кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача;

Ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили январгача бўлган холатга қараб мустақил ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ер участкаси жойлашган ҳудуддаги солиқ органига жорий йилнинг 1 февралигача тақдим этилади.

Йил давомида юридик шахсларда ер участкаларига мулк ҳуқуқи, ердан фойдаланиш ҳуқуқи, ерга эгалик қилиш ҳуқуқи вужудга келган тақдирда, шунингдек улар фойдаланаётган ер майдони кенгайган ёки ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари тўхтатиб қўйилган холларда улар ер участкаси ажратилган ёки имтиёзлар тўхтатилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай солиқ органларига ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишлари шарт.

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкалари олиб қўйилган камайтирилган) ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган ойдан эътиборан тўхтатилади (камайтирилади)

Юридик шахсларга ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланганда улар бундай ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан эътиборан солиқ тўламайдилар. Ер солиғи бўйича имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқи тўхтатилган тақдирда улар бундай ҳуқуқ тўхтатилгандан кейинги ойдан эътиборан ер солиғи тўлай бошлайдилар.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси биркитилган ва тартибга солувчи даромадларидан ташкил топади.

Биркитилган даромадлар деб маҳаллий молия органи жойлашган ҳудуддан олинувчи ва тўлиқ шу ҳудуднинг бюджетига тушадиган солиқлар ва ажратмалар тушунилади.

Тартибга солувчи даромадлар деганда маҳаллий бюджетларга юқори бюджетлардан ёки Республика бюджетидан ажратиладиган даромадлар тушинилади.

Республика маҳаллий бюджетларининг даромад базасини 1994-1997 йиллар мобайнидаги ҳолатини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, маҳаллий бюджет даромадларининг давлат бюджети даромадларининг ҳажмидаги салмоғи ўсиб бормоқда. Чунончи, 1994 йилда бу кўрсаткич 31,7 фоизни мутлоқ суммада 6010,9 млн. сўмга ташкил қилди. 1997 йилда эса ушбу кўрсаткичнинг миқдори 47,3 фоизни ёки мутлоқ суммадан 136704,8 млн. сумни ташкил қилди. Демак, ўсиш сурати 16 фоизни ташкил қилди. Бу асосан маҳаллий бюджетларга биркитилган даромадлар сонини ошиши ҳисобига ҳамда тартибга солувчи даромадлардан маҳаллий бюджетларга ажратмалар ҳажминп кўпайиб бориши

билан боғлиқдир. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари таркибида тартибга солувчи солиқларнинг салмоғи 1995 йилда 78 фоизии 1996 йилда эса 80 фоизни ташкил қилди. 1997 йилда эса уларнинг салмоғи 44 фоизга тушиб қолди. Айни вақтда биркитилган даромадларнинг салмоғи 56 фоизни ташкил қилди. Ҳолбуки бу кўрсаткич 1994 йилда 27 фоизни ташкил қилган эди. Бунинг асосий сабаби маҳаллий бюджетларга биркиталган даромадлар сони ва ҳажмининг ошишидир.

1997 йилда Давлат бюджети тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан фақат икки солиқ тури қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тартибга солувчи солиқлар сифатида сақлаб қолинди. Биркитилган даромадлар сони ва ҳажмининг ҳукумат томонидан оширилиши икки муҳим вазифани бажариш имконини беради: биринчидан маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси мустаҳкамланади; иккинчидан маҳаллий ҳокимият органларининг ҳудудларда солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида йиғиб олишдаги манфаатдорлигини оширади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини амалдаги ҳолатига аниқлик киритиш мақсадида Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетининг даромадларини кўриб чиқамиз

2-жадвал

Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетлари даромадларининг таркиби ва динамикаси (1994-1996 й.й.)

(млн сўм)

		1994	1995	1996
1.	Вилоят ҳудудида тушган ва маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қоладиган умумдавлат ва биркитилган даромадларнинг жами	391,9	2869,6	6577,5
Шу жумладан:				
1.1.	Вилоят бюджети даромадлари	218,2	1717,0	3402,8
1.2.	Уларнинг вилоят маҳаллий бюджет даромадлари (ВМБД) даги салмоғи, %	55,7	59,8	51,7
1.3.	Туман шаҳар бюджетларининг даромадлари	173,7	1152,6	3147,7
1.4.	Уларнинг ВМБД лаги салмоғи,%	44,3	40,1	48,3

Маълумотлардан шу нарса яққол кўринадики, даромадларининг асосий қисми вилоят бюджети ҳиссасига тўғри келаяпти. Вилоят миқёсида молиялаштирилаётган тадбирларнинг сони ва ҳажмининг юқори эканлиги натижасида шундай ҳол юз бераётиб. Таҳлил натижасида туман бюджетларининг даромад базасини заиф эканлигининг гувоҳи бўлдик. 1994 йилда туман бюджетлари (Қашқадарё вилояти)нинг даромадларининг умумий суммаси 497,2 млн. сўмни ташкил этгани ҳолда, унинг 482,8 млн сўми ёки 97 фоизи тартибга солувчи даромадларнинг ҳиссасига тўғри келди. 1996 йилда эса вилоят туманлари бюджетларининг даромадлари суммаси 3873,4 млн. сўмни ташкил эттани холда, унинг 2644,6 млн. сўми ёки 68 фоизи тартибга солувчи

даромадларнинг ҳиссасига тўғри келди. Умуман олганда тартибга солувчи даромадлар салмоғининг юқорилигича қолаётганлиги ташвишли ҳолдир. Айни вақтда тартибга солувчи даромадлар салмоғининг камайиши тенденциясига эга эканлиги ижобий ҳолдир.

Маҳаллий бюджетларга айрим даромадларнинг биркитилиши маҳаллий ҳокимиятларнинг бюджет маблағларини ўз вақтида ва тўлиқ йиғиб олишни таъминлашга, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлашга бўлган қизиқишини кучайтиради. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетларга бириктирилган солиқлар ва тушумлар ҳар йили янги бюджет йили учун тасдиқланади. Чунончи, «Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил давлат бюджети» тўғрисидаги Вазирлар маҳкамасининг 1996 йил 31 декабрдаги 489 сонли қарорига асосан 1997 йилда маҳаллий бюджетларга биркитилган даромадлар қилиб қуйидаги солиқлар белгиланади: аҳолидан олинадиган даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, сув учун тўлов, транспорт солиғи, экология солиғи, акциз солиғи.

Аҳолидан олинадиган даромад солиғи ва акциз солиғи 1997 йилга қадар давлат томонидан тартибга солувчи даромад ҳисобланади. 1997 йилга давлат, бюджетига маҳаллий бюджетларнинг бпркитилган даромадларининг салмоғи 48,1 фоизни ташкил қилди Бу кўрсаткич 1994 йилда атиги 7,6 фоизни ташкил қиларди. Биркитилган даромадлар салмоғининг бу қадар сезиларли ўсишининг асосий сабаблари қуйидагалардан иборат:

1. Аҳолидан олинадиган даромад солиғининг маҳаллий бюджетларнинг биркитилган даромадлари таркибига киритилганлиги.

Аҳолидан олинадиган даромад солиғининг маҳаллий бюджет даромадларидаги салмоғи 1997 йилда 10,2 фоизни ташкил қилди.

2. Акциз солиғининг биркитилган даромадлар таркибига киритилганлиги.

Акциз солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги салмоғи 22,7 фоизни ташкил қилади (1997 йил).

1. 1997 йилда экология солиғини жорий қилиниши ва маҳаллий бюджетларга бириктирилишидир.

Ривожланган ҳорижий мамлакатларда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари таркибида тўғри солиқларнинг ҳиссаси каттадир. Скандинавия мамлакатларида фойда солиғи, аҳолидан олинадиган даромад солиғиининг биркитилган жами солиқлар суммасидаги салмоғи 80-90 фоизни ташкил этади.

Белгия, Германия, Австрия давлатларида худди шу кўрсаткич 50% дан ортиқдир. Ирландияда эса мол-мулк солиғи ягона биркитилган солиқ ҳисобланади. Нидерландияда зса мулк солиқлари ҳисобига барча биркитилган солиқларнинг 2/3 қисми тўғри келади. Японияда эса маҳаллий бюджетларга биркитилган солиқлардан тушадиган даромадларнинг 48 фоизи уй-жой солиғи ҳиссасига, 21 фоизи эса кўчмас мулк солиғига тўғри келади (Л.А.Дробозина. Обҳая теория финансов, Москва: Банки и биржи 1995).

Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетларининг биркитилган даромадлари тўлиқ тўғри солиқлардан иборат эди (1997 йилга қадар). 1997 йилги бюджетда тўғри солиқларнинг биркитилган даромадлар ҳажмидаги салмоғи 53,0 фоизни ташкил қилди. Эгри солиқлар эса 47,0 фоизни ташкил қилди.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини ташкил топишини амалдаги тизимини асосий камчилиги шундаки, у ҳудудий молия, яъни ўша ҳудудда жойлашган хўжаликларнинг молияси билан заиф боғланган. Маҳаллий саноат, озиқ-овқат саноати маҳаллий бюджетлар даромаднинг асосий қисмини бериш керак. Қашқадарё вилояти асосан қишлоқ хўжалигига иҳтисослашганлиги сабабли, қишлоқ хўжалиги корхоналаридан олинадиган солиқлар ва ажратмалар бюджетнинг биркитилган даромадларининг асосий манбааларидан бирига айланиши керак. Аммо қишлоқ хўжалик корхоналарининг рентабеллик даражаси паст бўлиб, уларнинг ссзиларли қисми зарарга ишлайди.

Маҳаллий хўжаликларнинг кўпгина тармоқлари зарарга ишлайди. Масалан, маҳаллий транспорт, уй-жой, коммунал хўжалиги ва бошқалар. Уй-жой коммунал хўжалигининг айрим шаҳобчалари (канализация, таъмирлаш-қурилиш идоралари ва бошқалар). Рентабеллик бўлишига қарамасдан уй-жой коммунал хўжалиги зарарга ишловчи хўжалик сифатида қолаяпти. Уй-жой фондини сақлашга ҳар йили бюджетдан катта маблағ сарфланади. Уй-жой фондини хусусийлаштиришни ушбу маблағлар ҳажмини сезиларли даражада қисқартириш имконини берди.

Маҳаллий бюджетларга тартибга солувчи даромадларни қатъий белгаланган ва нисбатан узоқ муддат ўзгармайдиган кўрсаткичлар шаклида берилмаслиги маҳаллий молия муассасасаларида лоқайдлик текинхўрлик каби хислатларни шаклланиб олшпига сабаб бўлади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини таҳлили қилишда республика бюджетидан бериладиган субвенция масаласи ҳам асосий ўринни эгаллайди.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харажатларини тенглаштириш мақсадида дотация ва субвенциялардан фойдаланилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда дотация маҳаллий бюджетларни даромадларини тартибга солишда қўлланилмайди.

Бундай восита сифатида Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга бериладиган субвенциядан фойдаланилади. Субвенции ўз моҳияти жиҳатидан давлат бюджетидан муҳим хўжалик ва ижтимоий маданий тадбирларни амалга ошириш учун маҳаллий ҳокимият органларининг иштирокини тегишли пул маблағлари билан таъминлаш мақсадида берилаяпти. Кейинги вақтларда субвенциялар маҳаллий бюджетларни даромадлари ва ҳаражатларини тенглаштириш мақсадида берилмоқдаки, бу субвенцияларнинг бюджет сиёсатининг самарадорлигига салбий таъсир қилишига сабаб бўлаяпти.

Чунки субвенция боқимандалик кайфиятини юзага келтиради.

1997 йилда Республика бюджетида маҳаллий бюджетларга берилгаи субвенциялар улар даромаднинг 23,2 фоизини ташкил қилди.

Субвенциялардан бирдан воз кечиб бўлмайди. Чунки субвенциялардан воз кечиш мақсадида доимий тушмайдиган даромад манбааларидан ажратмаларни ошириш маҳаллий бюджетларни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бу доимо молиялаштиришга маблағ етишмаслигига, юқори бюджетга арз сўраб мурожаат қилишга олиб келади. Шу сабабли субвенцияларни аниқ мақсадлар ва шароитлардан келиб чиқиб ишлатиш лозим.

3. Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини такомиллаштириш масалалари.

Ўттан бўлимларда маҳаллий бюджетларнинг даромад базасининг амалдаги ҳолатини ўргандик ва мавжуд камчиликлар хусусида тўхталдик. Ушбуда маҳаллий бюджетларниг даромадларини оширишнинг амалиётда қўлланилган усуллари (йўллари) мавжуд.

а) Маҳаллий бюджетларга ажратиладиган тартибга солувчи даромадлар миқдорини қатъий фоизларда ва нисбатан узоқ вақт мобайнида ўзгартирилмайдиган қилиб белгилаб қўйиш.

б) Бюджет идораси давомида маҳаллий бюджетларнинг даромад режасини ўзгартириш орқали маҳаллий бюджетлар томонидан амалга оширилаётган ҳаражатларни даромадлар билан таъминлаш амалиётидан воз кечиш. Мисол учун Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджети даромадлар қисмига ўзгартиришлар натижасида 1996 йилда 2414,7 млн. сўмга 1997 йилнинг дастлабки олти ойида эса 310,4 млн. сўмга оширилган.

в) Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ва бюджет тушумлари ҳисобидан қоплашга асосланган қимматбаҳо қоғозларни чиқариш. Бунда облигациялардан кенг кўламда фойдаланиш мумкин. Чунки облигациялар қатъий белгиланган фоизларда даромад келтиради. Уларни қисқа муддатли қилиб чиқариш, фоиз тўловларини ўз вақтида амалга ошириш облигацияларнинг бозор баҳосининг ўсишига олиб келади. Бунда маҳаллий бюджетга облигацияларнинг бозор баҳоси ва номинали ўртасидаги фарқ кўринишида соф даромад келиши мумкин. Бюджетни бажарилиши жараёнида юзага келадиган қисқа муддатли пул етишмаслигининг олдини олиш мақсадида облигациялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини кўпайтиришкинг яна бир имкониятларидан бири - маҳаллий ҳокимиятларни бюджетларга қарз маблағларини жалб қилишнинг қонуний асосларни яратиш билан боғлиқдир. Яъни бунда маҳаллий бюджетларга тижорат векселларини чиқариш ҳуқуқини бериш назарда тутилаяпти. Масалан, Россия федерациясида маҳаллий ҳокимият органлари векселлар чиқариш йўли билан бюджет ташкилотларининг бошқа хўжалик ташкилотлари олдидаги қарздорлиги муаммосини ҳал қилиш имконига эга бўладилар.

г) Ҳозирги кунда кўп корхона ва ташкилотлар ўз ҳодимлари ва уларнинг оилалари учун ижтимоий хизматларни амалга ошириб келмоқдалар. Бу, ўз навбатида, уларни маблағларини ишлаб чиқаришдан чиқиб кетишига олиб келиб, молиявий аҳволига салбий таъсир қилмоқда. Шу сабабли корхоналар томонидан амалга оширилаётган ижтимоий ҳаражатларини маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилиши ушбу корхоналар учун ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшимча маблағлар йўналтириш имконини беради. Бунинг учун талай имкониятлар мавжуд. Мисол учун Қашқадарё вилояти бюджетини ҳисобидан молиялаштирилаётган болалар боғчаларига болалар қатнови режалари 1996 йилда бор йўғи 28 фоизга бажарилди. Шу сабабли корхоналар балансидаги болалар боғчаларини улар билан келишилган

ҳолда маҳаллий ҳокимиятларни балансига ўтказиб, маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Назорат учун саволлар:

1. Ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий молия муаммолари?
2. Маҳаллий молиянинг ижтимоий-иқтисодий мохияти ва аҳамияти?
3. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари таркиби ва уларнинг манбалари?
4. Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш масалалари?
5. Бюджетлараро муносабатларни мувофиқлаштаришнинг долзарб муаммолари?

Асосий адабиётлар:

41. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
42. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
43. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
44. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.
45. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.
46. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
47. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
48. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.
49. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
50. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.
51. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
52. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
53. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.
54. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
55. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.

56. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.
57. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
58. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
59. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.
60. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

14. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
15. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
16. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,- 160с.
17. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. -180с.
18. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. -325с.
19. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.
20. Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

15-Мавзу: Суғурта

Режа:

1. **Суғуртанинг моҳияти ва функциялари.**
2. **Суғурта турлари.**
3. **Суғурта бозори ва унинг таркибий тузилишн.**
4. **Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта иуносабатларининг ривожланиши.**

Таянч иборалар:

- ***суғурта ҳолати***
- ***суғурта турлари***
- ***суғурта объекти***
- ***суғурта функциялар***
- ***суғурта риски***
- ***суғурта бозори***
- ***суғурта таърифи***
- ***суғурта фонди***
- ***суғурта воситачилари***
- ***Шаҳсий ва иҳтиёрий суғурта***
- ***Мажбурий суғурта***

I. суғуртанинг моҳияти ва функциялари.

Табиий ва бошқа стихияли кучлар таъсири натижасида юзага келадигаи зарарларни қоплаш,олдини олиш хамда огоҳлантириш учун мақсадли йумалишдаги пул фондларинн шакллантириш ва улардаи фойдалаиш бнлап боғлиқ иктисодий муносабатлар шшшдисига суғурта дсйилади.

Суғуртанинг характерли белгилари қуйидагилардап иборат: - *суғурта ҳавфининг* мавжудлиги. Ҳавф - суғурта муиосабатларнни пайдо бўлишининг асосий шартидир. Ҳавф бўлмас экан, суғуртанинг бўлиши мумкин эмас. Ҳавфнинг ҳажми, миқдори эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усуллари ёрдамида аниқланади. суғурта ҳавфларини таҳлил килиш уларни 2та йирик гуруҳга бўлишни тақазо этади. Яъни, ҳавфнинг суғуртавий ва суғуртасиз бўлади. суғурта шартномаларида ўз аксини топган ҳавфлар суғуртавий ҳавфлар дейилади. Ҳавф бахосини пулда ифодаланиши суғурта ставкасини ташкил этади. Ҳавф доимий кўрсаткич эмас, балки у доимо ўзгариб туради. Бу ўзгаришлар иқтисоддаги ва бошқа соҳадаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир. суғурта ташкилоти ҳавфни ривожланишини, ҳолатини доимо кузатиши лозим, яъни тегишли статистик учет олиб бориши, йиғилган маълумотларни қайта ишлаши ва таҳлил килиши керак.

Ҳавфни баҳолаш учун уни қуйидаги турларга бўлиш мумкин :

I) суғурталаниши мумкин бўлган ҳавфлар.

II) суғурталаниши мумкин бўлмаган ҳавфлар.

Ҳавфнинг энг катга гуруҳини суғурталаниши мумкин бўлган хавфлар ташкил этади. Қуйида келтирилган критерийларда суғурта хавфини суғуртасиз ҳавфлардан фарқ қилади:

а) Ҳавф тасодифий характерга эга бўлмоғи керак;

б) суғурта ходисаларини рўй бериш фактининг вақти ва маъносини номаълум бўлиши;

в) Хавф солиш манбасига кўра ҳавфлар : табиатнинг стихик кучлари билан боғлиқ ҳавфлари ва моддий бойликни ўзлаштириш оқибатида инсониятни табиатга таъсири билан боғлиқ ҳавфлар. Ҳавфларни туркумлашда катастрофик ҳавфлар алоҳида ўрин тутади. Чунки катастрофик ҳавфлар руй бериши натижасида кўплаб объектлар йирик миқдорда зарар кўриши мумкин. Катастрофик ҳавфларга зилзила, цунами, кучли шамол мисол бўлиши мумкин. Юқорида айтилган катастрофик ҳавфлардан ташқари экологик, сиёсий ва махсус ҳавфлар бўлиши мумкин.

Ҳавф менежмент (ҳавфни бошкариш) - ҳавфни чегаралаш ёки камайтириш билан боқлик тадбирлар йиғиндиси. Амалиётда ҳавф қуйидаги тартибда амалга оширилади:



Ҳавфни аниқлашда ҳавф даражаси аниқланади. Кредитни суғурталашда кредит олувчи шахснинг молиявий ҳолати қандай активларга эга эканлиги, лойиҳада ҳисоб-китоб қанчалик асосланганлиги ва ҳакозолар аниқланади.

Ҳавфни баҳолашда ҳавф ҳолатлари аниқланади, ҳавфнинг содир бўлиш эҳтимолийлиги тегишли ҳисоб - китоблар, статистик кузатувлар, эҳтимоллар назарияси асосида баҳоланади ва суғурталанаёгган объектга нисбатан ҳавф даражаси аниқланиб суғурта таърифи ҳисобланади. суғурта таърифининг ставкаси - бу ҳавф баҳосидир.

Ҳавфни назорат этишда - суғурта компаниясининг вакили томонидан суғурталанган объектнинг ҳолатини, унинг сақланиши устидан кузатув ишларини олиб бориш амалга оширилади. Шунингдек, унинг сақлаш хавфсизлиги талабларига жавоб бериши текширилади. Зарур қатор объектларни яхши сақлаш учун тавсия ва маслаҳатлар берилади.

Ҳавфни молиялаштириш - ҳавфни аниқлаш, баҳолаш ва назорат этиш билан боғлиқ ҳамма харажатларни қоплаш демакдир.

Суғурта муносабатларининг тақсимлаш характерига эга эканлиги шунда намоён бўладики, молия тушунчаси каби, суғурта хам ялпи ички маҳсулотни ва миллий даромадни қайта тақсимлашда иштирок этади.

Суғуртада зарарларни ҳудудлар бўйича ва муайян бир вақтда тақсимланиши суғуртанинг асосий белгиси бўлиб, ҳудудлар бўйича суғурта фондини суғурталанган хўжаликлар ўртасида тақсимлаш учун катта ҳудуд ва кўплаб суғурталаниши мумкин бўлган объектлар зарур бўлиши талаб этилади. Зарарларни маълум бир вақтда тақсимланиши суғурта ҳодисаларини тасодифий рўй бериш характерига эга эканлигидан келиб чиқади. Қатор йиллар мобайнида фавқулодда ҳодисалар эҳтимол рўй бермаслиги мумкин. Бу ҳолат суғурта ҳодисалари содир бўлмаган вақтда тегишли миқдорда суғурта резервларини ташкил этишни талаб килади.

Суғурта фондларига жалб этилган взносларни қайтариб бериш. суғурта взнослари суғурта таърифи асосида аниқланади. суғурта таърифи икки қисмдан иборат бўлиб, нетто-ставка (суғурта ҳодисалари руй берганда зарарларни қоплашга ишлатилади) ва нетто-ставкача устамалардир (суғурта компаниясини ишини ташкил этиш билан боклиқ харажатлар қопланади). Нетто-ставка, асосан, суғурта ҳодисаси руй берганда суғурталанувчига қайтариб берилади.

Суғурта таърифлари мажбурий суғурта тўғрисидага қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади. Ихтиёрий суғурта турларига доир суғурта таърифларининг миқдори томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

Суғурта фонди маблағларнинг, фақат, шу фондни ташкил этишда қатлашган субъектлар ўртасида тақсимланади.

Суғурта муносабатларида қуйидаги томонлар қатнашадилар: суғурталовчи - суғурта операцияларини олиб боришга ихтисослашган ҳуқуқий шахслар. Тадбиркорлик фаолиятининг муҳим сфераси. Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган ҳамда суғурталаш ўзи учун асосий фаолият тури ҳисобланган юридик шахслар суғурталовчилар дейилади.

Суғурталовчилар турли мулк шаклига эга бўлиши мумкин (давлат суғурта ташкилотлари, акционерлик суғурта ташкилотлари ҳамда ўзаро суғурталаш жамиятлари) . суғурта фаолиятини олиб борувчи ташкилотлар

давлат ҳокимиятининг тегишли рухсатномаларига (лицензиясига) эга бўлиши зарур.

Суғурталанувчи - суғурталовчи билан конкрет суғурта муносабати ўрнатган ва тегишли суғурта взносларини тўловчи юридик физик шахс. Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта тўғрисида"ги нида суғурталанувчи қуйидагича таърифланган: "Суғурта тўловларини тўлаётган ва суғурталовчилар билан муайян суғурта осабатларига киришаётган, фуқаролик салоҳиятига тўлиқ эга лган жисмоний шахслар ёки юридик шахслар суғурталанувчилар ҳисобланади".

Суғурта воситачилари - суғурталовчи ва суғурталанувчи ида воситачилик вазифасини бажарувчи юридик ёки физик шахс. Статуси буйича воситачи суғурталанувчининг манфаатларини имоя қилади. Кўрсатган хизматлари учун воситачи суғурталанувчидан эмас, балки суғурта компаниясидан тегишли комиссия йиғимини олади.

Суғурта фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш.

Табиий ва бошқа стихияли ҳодисалар содир бўлиши натижасида келтирилган зарарларни қоплаш учун суғурта фондлари ташкил этилади. Суғурта фонди ташкил этиш манбаасига ва фойдаланиш йўналишига қараб, суғурта фондлари уч кўринишда бўлади:- ўзини ўзи суғурталаш (самострахования) фондлари. Бу фонд ҳар бир хўжалик субъектида ташкил этилади ва ишлаб чиқаришда вақтинча юзага келган қийинчиликларни олдини олишга хизмат қилади.

- давлатнинг марказлашган суғурта (резерв) фондлари. Марказлашган суғурта (резерв) фондлари умумдавлат ресурсларн хисобидан ташкил этиши мумкин. Бу фонддан асосан фавқулодда ходисалар рўй берганда пайдо бўлган зарарларни қоплашга ишлатилади.)

-Суғурта йўли билан ташкил этиладиган суғурта фондлари. Бу фонд суғурталанувчилар томонидан тўланган взнослар ҳисобидан ташкил қилади. суғурта фонди фақат пулли шаклда ва у қатъий мақсадли уналишда фойдаланилади, яъни суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, суғурта қопламаси ёки суғурта суммасини тўлашга ишлатилади.

Суғурта турларини туркумлаш ва суғурта қилншнинг асосий шакллари.

Кўплаб суғурта турларини мавжудлиги, суғурталаниши мумкин бўлган объектларни турли-туманлиги суғурта турларини маълум бир критерийлар асосида туркумлашни талаб этади. Суғуртанинг тармоқлари, тармоқчалари ва турлари бир-бирига узвий боғланган иерархия кўринишида, объектига қараб қуйидагича туркумланади (Схемага қаралсин).

Мулкий суғурталашда суғурта объекти сифатида моддий бойликлар (ҳосилдорлик, автомабиль, қурилмалар) ҳисобланади.

Шахсий суғурталашда суғурта объекти сифатида фуқароларнинг соғлиги, ҳаёти ҳисобланади.

Масъулиятни суғурталашда асосий объект - бу суғурталанувчиларнинг учинчи шахсга келтирган зарарларни қоплаш мажбуриятидир.

Суғурта - ишлаб чиқариш муносабатларининГ зарурий элементидир. У ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги моддий зарарларни қоплаш билан боғликдир. Нормал такрор ишлаб чиқариш жараёнининг муҳим шарти унинг узликсизлиги ва тўхтовсизлиги ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг доимий - янгиланиб бориши инсонларнинг барча ижтимоий-иқтисодий формацияларда, шу жумладан ривожланган жамиятда ҳам мавжуд эҳтиёжларини қоидириш учун зарурдир.

Агарда ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни табиий офатлар ёки бошқа фавқулодда ходисаларнинг (ёнғинлар, портлашлар, эпидемиялар ва б.) салбий оқибатлари таъсирида тўхтаса ёки бузулса, у ҳолда жамият аввало турли олдини олиш тадбирларини амалга оширишга, мабодо улар кўзланган натижани бермаса, у ҳолда етказилган моддий зарарни қоплашга, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг нормал шароитларини қайта тиклашга мажбур бўлади.

Инсон ва табиий офатлар ўртасидаги қарама-қаршилик билан асосланган ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таваккалчилик характери, биринчи навбатда, табиий ва башқа офатларнинг салбий окибатларини олдини олиш, бартараф қилиш ва локализация қилиш, ҳамда етказилган зарарни сўзсиз қоплаш бўйича инсонлар ўртасидаги муносабатларни юзага келтиради. Бу объектив муносабатлар инсонларнинг эришган ҳаёт даражасини сақлаб қолишга бўлган реал ва мавжуд эҳтиёжини акс эттиради. Мазкур муиосабатларни алоҳида ҳусусиятлар ажратиб туради ва уларнинг йиғиндиси ижтимоий ишлаб чиқарншпи суғуртавий химоялаш иқтисодий категориясини ташкил этади.

Суғурта иқтисодий категори сифатида молия категориясининг таркибий қисми ҳисобланади. Аммо, молия тўлалигича даромадларни тақсимлаш билан боғлиқ бўлса, суғурта эса фақатгина қайта тақсимлаш муносабатларинигина қамраб олади.

Суғуртанинг ҳусусиятларини очиб берувчи белгиларини қуйидагича келтиришимиз мумкин:

Суғуртада тўсатдан, олдиндан кўзда тутилмаган ва енгиб бўлмайдиган ҳолатлар, яъни суғурта ҳолатлари эҳтимоли мавжудлиги билан асосланувчи қайта тақсимлаш пул муносабатлари юзага келади.

Суғуртада кўрилган зарарни суғурта иштирокчилари, яъни суғурталанувчилар ўртасида қоплаш амалга оширилади. Зарарни бундай қоплаш усули зарар кўрувчи хўжаликлар сони доимо суғурта иштирокчилари сонидан кам бўлиш эҳтимоллигига асосланади, айниқса иштирокчилар сони етарлича катта бўлганда.

Зарарни -бундай қоплашни ташкил қилиш учун мақсадга йўналтирилган суғурта фонди ташкил қилинади. Бу фонд суғурта иштирокчиларининг бадаллари ҳисобидан шакллантирилади. Суғурта фондининг маблаклари фақатгина уни ташкил қилган ўртасида ишлатилади, суғурта бадалининг ҳажми эса ҳар бир қатнашчининг зарарни қоплашдаги улушини билдиради. Шунииг учун, суғурта қатнашчиларининг доираси қанчалик кенг бўлса, суғурта бадалининг ҳажми шунчалик оз ва суғурта ҳам самарали бўлади. Агарда суғуртада миллионлаб суғурталанувчилар иштирок этса ва юз миллионлаб объектлар суғурталанса, у ҳолда минимал бадаллар ҳисобига максимал зарарларни қоплаш имкони пайдо бўлади.

Суғурта зарарларни қоплашни ҳудудий бирлик ва малум вақт давомида амалга оширишни кўзда тутади. Бунда йил давомида суғурталанувчи хўжаликлар ўртасида суғурта фондини ҳудудлар бўйича самарали қанта тақсимлаш учуи етарлича катта ҳудуд ва анчагина суғурталашга тегишли объектлар талаб қилинади. Фақатгина мазкур шартга риоя қилиш билангина катта ҳудудларни қамраб олувчи табиий офатлар етказган зарарларпи қоплаш имкони бўлади.

Зарарни суғурта ёрдамида қоплаш маълум вақт давомида амалга оширилади, чуики ихтиёрир суғурта доимо муддат билан чегараланади.

Суғурта - бу унинг қатнашчилари ўртасида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган мақсадли суғурта фондларини бадаллар ҳисобидан шакллантириш билан боглиқ бўлган қайта тақсимлаш муносабалтари йиғиндиси.

Суғуртанинг иқтисодий моҳиятига унинг функциялари мос келади. Улар суғуртани молия тизимининг бир бўрини сифатида ҳусусиятларини ойдинлаштиришнинг ташқи шакллари ҳисобланади.

Суғуртанинг тўртта функцияси мавжуд:

1. Таваккалчилик.
2. Олдини олиш.
3. Жамғарма.

4. Назорат.

Асосийси таваккалчилик функцияси ҳисобланади, чунки суғуртавий таваккал зарар эҳтимоллиги сифатида талофат кўрган хўжаликларга пуллик ёрдам кўрсатиш бўйича суғуртанинг асосий йўналиши билан бевосита боғлиқ. Айнан таваккалчилик функциясининг амал қилиш доирасида суғурта иштирокчилари ўртасида бўлиши мумкин бўлган суғурта ходисалари оқибатлари билан боғлиқ пул шаклидаги қийматнинг қайта тақсимланиши рўй беради.

Олдини олиш функцияси суғурта фонди маблағларининг бир қисми ҳисобидан суғурта таваккалчилигини камайтириш бўйича тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган.

Ҳаёт суғуртасида суғурта категорияси кредит категорияси билан ҳаётни маълум муддатгача суғурталаш шартномалари бўйича маблағларни жамғаришда анча яқинлашади. Ҳаёт суғуртаси орқали пул маблағларини жамғариш оилавий шароитда суғуртавий ҳимояга бўлган эҳтиёж билан боғлиқдир. Шу билан суғурта жамғариш функциясини ҳам бажариши мумкин.

Суғуртанииг назорат функцияси суғурта фондини қатъий мақсадли шакллантирилнши ва унинг маблағларидан тўғри фойдалаиишдан иборат. Мазкур функция юқоридаги уч специфик функциялардан келиб чиқади ва конкрет суғурта муносабатларида улар билаи бирга иамоён бўлади. Назорат функциясига мос равишда қонунчилик ва инструктив хужжатлар асосида суғурта амалларини тўғри бажарилиши устидаи молиявий суғурта назорати амалга оширилади.

2. Суғурта ишидаги асосий иборалар ва тушунчалар.

Суғуртани амалга ошириш жараёнида суғурта иштирокчиларининг турлича суғуртавий манфаатларини намоён бўлиши, суғуртага тегишли объектлариинг турличалиги, суғурта ходисаларининг кенг кўламлилиги ва бошқа омиллар билан боғлиқ бўлган мураккаб специфик муносабатлар йиғиндиси юзага келади. Шу муносабат билаи у ёки бу конкрет суғурта муносабатларини махсус терминология ёрдамида акс эттариш зарурияти табиийдир.

Суғурта терминологаяси ёрдамида суғурталовчи ва суғурталанувчилар ўртасида бир тилда сухбат олиб бориш, суғурта шартларини тушуниш, унда иштирок этаётган томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлариии аниқлаш, шериклар билан амалий муносабатларни олиб бориш, реклама ва бошқа суғурта ишларини амалга ошириш мумкин бўлади.

Суғуртада қўлланиладиган иборалар ва тушунчаларни шартли равишда иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

- **ички суғурта бозорида қўлланиладиган иборалар ва тушунчалар;**
- **халқаро иборалар ва тушунчалар.**

Ички суғурта бозорида қўлланиладиган иборалар ва тушунчалар.

Суғурталовчининг активи - суғурталовчининг пулда ифодаланган мулки (асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлар, молиявий қўйилмалар, материаллар, кассадаги пул маблағлари, ҳисоб рақамидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва б.), бухгалтерия балансининг бир қисми.

Актуар ҳисоб-китоблар - таъриф ставкаларини ҳисоблашнинг иқтисодий-математик ва эҳтимолли-статистик усуллари.

Суғурта шартномаси - суғурталовчн ва суғурталанувчи ўртасидаги суғурта тури шартларига мос равишда уларнинг ўзаро мажбуриятларшш тартибга солувчи келишув (ҳуқуқий битим).

Суғурта лимити - моддий қийматликлар ва суғуртавий маъсулиятларни суғурталаш мумкин бўлган максимал пул суммаси.

Суғурта ҳимояси - конкрет объскт томонидан кўрилган зарарни бартараф қилиш ёки қоплаш бўйича муносабатлар.

Суғурталовчи - суғуртани амалга оширувчи ихтисослаштирилган ташкилот.

Суғурта қилдирувчи - суғурта бадалларини тўловчи ва конкрет суғурта муносабатларида қатнашувчи жисмоний ёки ҳуқуқий шахс.

Суғурталанувчи - ҳаёти, соғлиги ёки меҳнатга лаёқати суғурта объекти бўлган шахс.

Суғурта объекти ва предметлари - суғурталашга тегишли бўлган моддий қийматликлар, инсон ҳаёти, соғлиги, меҳнатга лаёқати, жавобгарликлар ва маъсулиятлар.

Суғурта маъсулияти - суғурталовчининг суғурта холатлари рўй берганда суғурта қопламалари ёки суғурта суммаларини тўлаш бўйича мажбурияти.

Суғурта гувоҳномаси - суғурта амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжат.

Суғурта таърифи - суғурта суммасига нисбатан фоиз ставкаси.

Суғурта бадали - суғурта суммасига нисбатан белгиланган суғурта таърифи бўйича пул тўлови.

Суғурта муддати - суғурта объектининг суғурталанган даври.

Суғурта холати - суғурта қопламаси ёки суғурта суммаси тўланиши керак бўлган турли салбий ва бошқа келишйлган оқибатларга олиб келувчи ҳақиқатда содир бўлган холатлар.

Суғурта далолатномаси - ўрнатилган тартибда расмийлаштириладиган ва. содир бўлган суғурта холатини ҳамда сабабларини тасдиқловчи хужжат.

Суғурта портфели - суғурта компанияси томонидан олинган бадаллар йиғиндиси ёки тузилган ва тўланган шартномалар сони.

Суғурта қоидалари -иҳтиёрий суғурта шартларини белгиловчи меъёрий хужжатлардан бири.

Суғурта бозори - суғурта хизматлари олди-сотдиси бўйича иқтисодий муносабатдар тизими.

Суғурта - кўрилиши мумкин бўлган зарарларни манфаатдор жисмоний ҳуқуқий шахслар ўртасида қоплаш.

Суғурта суммаси - суғурта объектини хақиқатда суғурталанган қисмининг пул шаклидаги хажми.

Суғурта агенти - суғурта ташкилотининг унинг номидан ва унинг топшириғи билан шартномалар тузувчи штатсиз ходими.

Суғурта резервлари - суғурта ташкилотлари томонидан ташкил қилинадиган ҳамда суғурта қопламалари ва суғурта суммаларини тўлаш кафолатини таъминловчи фондлар (резерв фонд, суғурта фонди, заҳира фонди ва б).

Суғурта фонди - суғурта бадаллари ҳисобидан шакллантириладиган ҳамда суғурта ҳолати патижасида суғурталанувчининг кўрадигаи зарарини олдини олиш, локализацня қнлиш ва қоплашга мўлжаллапган суғурта резервларн йиғиндиси.

Халқаро суғурта иборалари.

Абандон (фр.Abondon) - суғурталанувчинипг тўла суғурта суммасини олгандан сўнг суғурталовчи фойдасига суғурталанган объектга нисбатан ҳуқуқлардан воз кечиш.

Авуар (фр.Avoir) - «активлар»нинг синоними (пул маблағлари, векселлар, аккредитивлар, қимматли қоғозлар, банкдаги ҳисоблар ва б.) - суғурта балансининг бир қисми.

Аддендум (лат.Addere) - расмийлаштирилган шартномага қўшимчалар киритиш.

Аквизитор (лат.Acquisitor) - янги суғурталанувчиларни жалб қилиш билан шуғулланувчи суғурта агенти ёки брокери.

Андеррайтер (Underwriter) - суғурта компанияси ёки синдикат томонидан суғурта таваккалчилигини олиш ваколати берилган шахс.

ЛлойЬ (Lloyd`s) - ҳусусий суғурталовчилар корпорацияси (Англия),

Полис (Police) - суғурта шартномасининг хуқуқий тасдиғи.

Пул (Poo1) - барча суғурта портфели ёки алоҳида суғурта тури бўйича қайта суғурталаниши лозим бўлган таваккалчиликлар йиғиладиган умумий қозон.

Слип (Slip) - қайта суғурталанувчи томонидан қайта суғурталовчига қайта суғурталашни таклиф қилиб юбориладиган хужжат.

Сюрвейр (Surveyor) - суғурталанувчи ёки суғурталовчи илтимоси билан транспорт ва юкларни кўрикдан ўтказувчи ва уларнинг холати тўғрисида маълумотнома берувчи эксперт.

Тантьема (Profit commission) - қайта суғурталовчи фойдасидан қайта суғурталанувчига қайта суғурталаш шартномасида қатнашганлиги учун бериладиган комиссион ҳақ.

Форс-мажор (Forse major, Act of God) - суғурталанувчи ва суғурталовчини ўз мажбуриятларидан озод қилувчи енгиб бўлмайдиган кучлар, фавқулодда холатлар (уруш, ижтимоий-сиёсий тузумнинг алмашуви ва б.).

Франшиза (franchise) - суғурталанувчининг суғурталовчи томонидан қопланмайдиган зарарлари қисми.

Шомаж (Shomage) - суғурта ҳолатиии рўй бериши натижасида ишлаб чиқаришнинг тўхташи билаи боғлиқ молиявий йўқотишлар суғуртаси.

3. Суғурта бозори ва унинг таркибий тузулиши.

Суғурта бозори - бу суғурта холатлари рўй берганда жисмоннй ва ҳуқуқий шахсларни мулкий мафаатларини суғурталанувчиларнинг пул маблаглари ҳисобидан ҳимоя қилишда акс этувчи суғурта хизматлари олди-сотдиси бўйича иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.

Суғурта бозорини амал қилишининг асосий шарти суғурта хизматларига эҳтиёж (талаб) ва бу эҳтиёжларни қондиришга лаёқатли суғурталовчиларнинг мавжудлигидир.

Суғурта бозори таркибий жиҳатдан ташкилий-ҳуқуқий ва ҳудудий аспектлари бўйича бўлиниши мумкин.

Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан акционер, биргаликдаги, хусусий ва давлат суғурта ташкилотларидан иборат бўлади.

Худудий жиҳатдан эса миллий, минтақавий ва халқаро суғурта бозорларига бўлинади.

Миллий суғурта бозори бирон-бир мамлакат худудидаги суғурта муассасаларини ва уларнинг фаолиятини қамраб олади. Бунга Ўзбекистон суғурта бозорини мисол қилиб олишимиз мумкин, ҳозирги кунда миллий суғурта бозоримизда юзга яқин суғурта ташасилотлари фаолият кўрсатмоқда. Улардан энг йириклари давлат мулки иштирокидаги суғурта компаниялари бўлиб, улар «Ўзагросуғурта» ДАСК, "Кафолат" ДАСК, «Узбекинвест» ЭИМСК ва «Мадад» суғурта агентликларидир. Булардан ташқари бир нечта чет эл компаниялари билан хамкорликда ташкил этилган, ҳусусий суғурта компаняялари ҳам ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар. Жаҳондаги энг , йирик суғурта бозори Америка Қўшма Штатлариникидир. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда йиғиладиган суғурта тушумларининг қарйиб қирқ фоиздан ортиғи АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

Минтақавий суғурта бозори деганда савдо-иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан ўзаро яқин муносабатда бўлган бир нечта мамлакатлар худудларини қамраб олувчи бозор тушунилади.

Халқаро суғурта бозори сифатида дунё миқёсида суғурта фаолиятини олиб борувчи мамлакатларнинг суғурта бозори тушунилади.

Суғурта бозори бозор мупосабатлари субъектларннипг мустақиллнпиш, уларшшг суғурта хизматлари олди-сотдиси бўйича тенг ҳуқуқли ҳамкорлигини кўзда тутади.

Суғурта бозорининг субъектлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўз манфаатларпдан келиб чиқиб суғурта ҳимояси буйича хизматларин сотиб олувчилар (суғурталанувчилар).
2. Бундай хизматларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар(суғурталовчилар).
3. Мазкур шахслар ўртасидаги воситачилар (суғурта агентлари ва брокерлари).
4. Суғурталанган шахслар.
5. Манфаатдор шахслар.
6. Учинчи шахслар.

Ички суғурта бозорини молиявий таркибини суғурта ташкилотларининг моддий ва молиявий ресурслари ташкил қилади. Суғурта бозорииг асосий вазифаси суғурта хизматларига талабни шакллантириш (маркетинг, реклама), шартномалар тузиш ва суғурта полисларини сотиш, мақсадга мувофиқ ва эгилувчан таъриф сиёсатини олиб бориш, ўз инфратузилмасини тартибга солиш ҳисобланади.

Бозорнинг ташқи ўрами бу - бозорнинг ички тизимини қамраб турувчи ва унга таъсир. ўтказувчи бирТаликда харакат қилувчи кучлар тизими (давлатнинг иқтисодий сиёсати, молиянинг инфляцион холати, валюта курси ва б.).

4. Суғурта таърифи ва унинг моҳияти.

Суғурта таърифи ёки таъриф ставкаси суғурталанувчиларнинг суғурта суммаси ёки суғурта объекти бирлигига нисбатан пул тўлови, ёҳуд суғурта суммалари йиғиндисига нисбатан фоиз ставкасидир. Суғурта таърифларини белгилашдаги асосий мақсад ҳар бир суғурталанувчи ва суғурта суммаси бирлигига тўғри келиши мумкин бўлган зарар суммасини аниқлаш ва қоплаш билан боғлиқдир.

Агар таъриф ставкаси кўрилиши мумкин бўлган зарарни ҳаққоний акс эттирса, у холда зарарни суғурталанувчилар ўртасида биргаликда қоплаш таъминланади.

Жаҳон амалиётида суғурта бадали асосида ётувчи таъриф ставкаси **брутто-ставка** деб номланади. Брутто-ставка икки қисмдан -иборат бўлади: **нетто-ставка ва юклама**.

Тариф ставкасининг тузилиши.



ООТ - олдини олиш тадбирлари;
ИЮХ - иш юритиш харажатлари;
Ф - режалаштирилган фойда.

Брутго-ставкани нетто-ставка ва юкламага бўлишнинг асоси - шундан иборатки, нетто-ставка суғурталовчиларнинг суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларини бажаришга, юклама эса суғурта ташкилоти фаолиятини молиялаштиришга мўлжаллангандир.

Тариф ставкасини ишлаб чиқиш ва асослаш жараёни **таъриф сиёсати** дейилади. Унинг остида суғурталовчининг суғуртани муваффақиятли ва зарарсиз ривожлантириш мақсадида суғурта, тарифларини ўрнатиш, аниқлаштириш ва тартибга солиш бўйича фаолияти тушунилади.

Бу сиёсат қуйидаги асосий принципларга таянади:

1. **Томонларнинг (суғурталовчи ва суғурталанувчи) суғурта муносабатларини эквивалентлиги.** Бу нетто-ставкалар зарар эҳтимоллигига максимал мос келиши зарурлигини билдиради. Шу билан бирга таъриф давридаги суғурта фондининг маблағларини суғурта таърифи кўрилган масштабдаги суғурталанувчилар йиғиндисига кайтарилиши таъминланади. Шундай қилиб эквивалентлик принципи суғуртанинг қайта тақсимлаш моҳиятига мос келиши зарур.

2. **Суғурта таърифларининг кенг кўламдаги суғуртала-нувчилар учун қулайлик припципи**. Таъриф ставкаларининг ўта юқори бўлиши суғуртанинг риволжланиш йўлига тўсиқ ва бефойда бўлиши мумкин.

3. **Суғурта таърифлари ҳажмининг узоқ муддат давомида стабиллиги.** Доимий таърифларга суғурталанувчилар ҳам, суғурта ҳодимлари ҳам кўникиб қоладилар. Бу билан суғурталанувчиларнинг суғурта ншига ва суғурта компашшларининг тўловга қобилиятига бўлган ишончи мустаҳкамлана боради.

4. **Суғурта маъсулияти ҳажмини кенгайтириб бориш**. Бу принцинга асосан суғурталовчилар ўзларининг маъсулият чегараларини кенгайтириб боришлари ло-зим.(Масалан, ҳаётни суғуртаси бўйича қўшимча кўнгалсиз ходисалардан суғур-талаш, турли сабаблар натижасида ҳаёт даражасининг пасайиши суғуртаси ва б).

5. **Суғурта операцияларини ўзини-ўзи қоплаш ва рентабеллигини таъминлаш**. Мазкур молиявий принциплар тўлалигича олинган суғурта бадаллари ҳисобидан суғурта тўловларини ва бошқа ҳаражатларни амалга оширадиган суғурталовчиларга тегишли. Мазкур принципдан келиб чиқиб, суғурта таърифлари шундай кўрилиши керак-ки, олинган бадаллар суғурталовчининг харажатларини (зарарни қоплаш, солиқлар, ходимларга ҳақ тўлаш ва б.) қоплабгина қолмасдан, балки даромад(фойда)нинг харажатлардан ортиқ бўлишини ҳам таъминлаши лозим. Бу эса суғурталовчиининг кейинги фаолиятинй кенгайтириш ва ривожлантириш имконини беради.

Ўзбекистонда - суғурта қонунчилигига мувофиқ суғуртанинг мажбурий шакли бўйича таърифлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгнланади, иҳтиёрий суғурта бўйича эса суғурта ташкилотларининг ўзлари белгилайдилар. Бироқ, суғурта таърифларининг белгиланиши Ўзбекистон Республикаси Давлат суғурта назорати томонидан назорат қилиб борилади.

Суғурта бозорининг ривожланиш босқичлари.

Ўзбекистонда суғурта бозорини шаклланиш иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш жараёни билан чамбарс богликдир. Мазкур жараён халқ хўжалигида узоқ йиллар ҳукм сурган яккаҳокимлик принципидан воз кечишини, мулкларни давлат тасарруфидан чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни тақозо этаётнр. Бундай шароитда, шубхасиз хар хил мулк шаклларига асосланган хўжалик субъектларининг молиявий хизматларга, шу жумладан, суғурта хизматига бўлган талаби кескин ошади. Хўжалик ташкилот ва муассасалар ўзлариинг эҳтиёжига мос келадиган суғурта хизматини фақат суғурта бозорига мурожаат қилиш патижасидагина олишлари мумкин.

Суғурта бозори жойлашувига қараб қуйидагиларга бўлинади.



Миллий суғурта бозори бирон-бир мамлакат ҳудудидаги суғурта муассасаларини ва уларни фаолиятини ўз таркибига олади. Бунга Ўзбекистоннинг миллий суғурта бозорини мисол сифатида келтириш мумкин. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз бозорида 50 га якин суғурта компаниялари фаолият кўрсатпшмоқда. Уларнинг энг йириклари "Ўзагросуғурта" ва "Кафолат" давлат-акциядорлик суғурта компаниялари, "Ўзбекинвест" экспорт импорт миллий суғурта компанияси ва "Мадад" суғурта агентликларидар. Бундан ташқари, Ўзбекистон суғурта бозорида 4 та чет мамлакатларнинг компаниялари ҳам бор. Бу компанияларнинг фаолияти, асосан, "суғурта тўғрисида"ги қонун доирасида тартибга солиб борилади. Жаҳондаги энг миллий суғурта бозори Америка Қўшма Штатларидадир. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда йиғиладиган суғурта тушумлариниг 43% дан ортиғи АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда ҳаётни суғурта қилувчи 2600 дан ортиқ ва бошқа суғурта хизматларини кўрсатувчи 3800 та суғурта компаниялари фаолият кўрсатмокда. Улардан баъзи бирлари дунё суғурта бозорида ҳам олдинги ўринлардадир. Масалан, 1993 йил бошларида "Прунденшиал оф Америка" компанияси мамлакат ички бозорида биринчи вд 1992 йил бошида мавжуд активлари, тўпланган суғурта взнослари буйича жаҳонда учинчи ўринни эгаллади.

Минтақавий суғурта бозори деганда савдо иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан ўзаро муносабатда бўлган бир нечта мамлакатлариинг кчкн бозори тушунилади. Европа ҳамжамиятининг суғурта бозори жаҳондаги йирик минтақавий бозордир. Шу ўринда таъкидлаш ксракки, келажакда Марказий Осиё давлатлари миллий суғурта бозорларини ўз ичига олувчи миитақавий суғурта бозори ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу

фикрни мазкур минтақада жойлашган мамлакатлар рахбариятларинипг иқтисодий яқинлашув хақидаги қатор келишувлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Халкаро суғурта бозори сифатида дунё миқёсида суғурта фаолиятнии олиб борувчн алоҳида мамлакатларнинг ички бозорини мисол қилиб кўрсатнш мумкин. Жумладан, ҳозирги вақтда Япония; суғурга бозорининг халкаро даражада муҳим ўрни бор ва кейинги ўн йилликда Япония суғуртачилари дунё бозорида етакчилик қилиб келишмокда. Маълумотиларга қараганда, 1992 йили жаҳондаги энг йирик 20 та ҳаётни суғурта қилувчи компаниялар ичида 9 таси ёки 45% Японияга тегишлидир. Бу компанияларнинг молиявий салоҳияти 869 миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳоланган.

Суғурта бозорлари ҳудудий бўлиниш билан бир қаторда суғурта турларига қараб хам хилма-хил бўлиши мумкин. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, суғурта бозори фуқаролар ҳаётини суғурталовчи хизматлар ва бошқа суғурта хизматлари бозорларига бўлинади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, суғурта бозорининг субъектлари нафақат суғурта компаниясидан ва суғурталанувчилардан иборат балки, яна шундай субъектлардан ташкил топганки, уларнинг иштирокисиз бозорни тасаввур қилиш қийин. Буни қуйидаги схемадан ҳам кўриш мумкин.

Сўзсиз суғурта бозорида суғурта компанияларининг мавқеи ниҳоятда каттадир. Ўз навбатида суғуртачилар ҳам шаклига қараб нечта турда бўлади (давлат, акциядорлик, давлат-акциядорлик, жамоа мулки ва хоказолар). Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида битта давлатга қарашли суғурта ташкилоти - "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси фаолият кўрсатмокда. Узоқ йиллар мамлакатимизда яккаҳоким бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат суғурта Бош бошқармаси Республика Президентининг 1997 йил 26 февралдаги Фармонига асосан "Ўзагросуғурта" давлат-акциядорлик суғурта компаниясига ҳамда республика Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 14 мартдаги қарорига асосан "Кафолат" давлат-акциядорлик суғурта компаниясига айлантирилди. Акциядорлик суғурта ташкилотлари Ўзбекистоннинг "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларига биноан ташкил этилади. Бунга мисол сифатида "Мадад" суғурта агентлигини ва "АРК суғурта гуруҳи"ни келтириш мумкин. Акциядорлардан қатор жамғармалари акция чиқариш йўли билан ҳосил қилинади ва бу ҳолат йирик миқдорда пул маблағларини йиғиш имкониии берадн. Натижада компаиия молиявий жиҳатдан бақувват бўлади ва мижозлар олдидаги ишончи янада ошади.

Назорат учун саволлар:

1. Молия тизимида суғуртанинг ўрни, моҳияти ва вазифалари?
2. Ўзбекистон Республикаси амалиётида қўлланилаётган суғурта турлари?
3. Суғурта бозорининг таркибий тузилиши ва уни ривожлантириш муаммолари?
4. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта муносабатларининг ривожланиши?

Асосий адабиётлар:

61. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
62. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
63. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
64. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.
65. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.
66. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
67. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
68. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.
69. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
70. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.
71. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
72. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
73. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999- 527с.
74. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
75. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.
76. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.
77. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
78. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
79. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.

80. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

21. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
22. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
23. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,- 160с.
24. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. -180с.
25. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. -325с.
26. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.
27. Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

16-мавзу: Мулкий ва шахсий суғурта.

Режа:

1. **Суғуртанинг туркумлашнинг умумий асослари.**
2. **Суғурта соҳалари, тармоқлари, турлари ва шақиллари.**
3. **Мулкий ва шахсий суғурта принциплари.**

Таянч иборалар:

- ***Суғурта соҳалари, тармоқлари, турлари.***
- ***Ижтимоий суғурта,***
- ***Тадбиркорлик тавакқалчиликлари суғуртаси,***
- ***Мулкий суғурта;***
- ***Фукаролар хаёт даражаси суғуртаси;***
- ***Жавобгарлик суғуртаси;***
- ***Мажбурий суғурта;***
- ***Ихтиёрий суғурта.***

1.Суғуртанинг туркумлашнинг умумий асослари.

Суғурта ихтисослаштирилган суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилади.Улар давлат ва нодавлат ташкилотлар бўлиши мумкин. Уларнинг фаолият доираси ички, ташки ёки аралаш суғурта бозорларини камраб олган бўлиши мумкин. Шу билан бирга ривожланган суғурта бозори шароитида хам давлат ичкарисида, хам четда амалга оширилиши мумкин. Бу суғуртанинг ташкилий туркумланишидир. Аммо, суғурта муносабатларининг мазмуни суғурта обьекти ва хавф-хатар турлари бўйича туркумланиши ёрдамида намоён бўлади. Суғурта суғурталанувчиларнинг турли тоифаларини камраб олади. Унинг шартлари суғурта маъсулиятининг хажмлари бўйича фарк қилади; қонун кучида ва ихтиёрий равишда амалга оширилиши мумкин. Суғурта муносабатларининг турличалигини тартибга солиш ва узаро боғлиқ ягона тизимни шақиллантириш учун суғуртани туркумлаш зарурдир.

Суғуртанинг туркумланиши натижасида бугинлар хосил бўлади. Барча бугинлар шундай жойлашганки, хар-бир навбатдаги бугин аввалгисининг таркибий қисми ҳисобланади. Юқори бугин сифатида- соха, урта бугин-тармоқ, куйи бугин-суғурта турлари ҳисобланади. Туркумланишнинг барча бугинлари суғуртани амалга ошириш шақилларини камраб олади, яъни мажбурий ва ихтиёрий.

2. Суғурта соҳалари, тармоқлари, турлари.

Суғуртани соҳаларига бўлиш асосида уларнинг объектлари бўйича фаркланиш ётади. Бу омилга моил равишда барча суғурта муносабатлари йигиндисини туртта сохага бўлиш мумкин.

1. ***Мулкий суғурта.***
2. ***Фукоролар хаёт даражаси суғуртаси.***
3. ***Жавобгарлик суғуртаси.***
4. ***Тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртаси.***

Мулкий суғуртада объект бўлиб моддий қийматликлар ҳисобланади; фукоролар хаёт даражаси суғуртасида-уларнинг хаёти, соглиги, мехнатга лаёкати; жавобгарлик суғуртасида объект бўлиб суғурталанувчиларнинг турли жавобгарликлари, маъсулиятлари, мажбуриятлари ҳисобланади; тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртасида эса, объект вазифасини тадбиркорлик ишлари бўйича турли таваккалчиликлар бажаради.

Бирок, суғуртани юқорида санаб утилган соҳаларга бўлиниши корхоналар, ташкилотлар ва фукороларнинг суғуртани амалга ошириш имкониятларини берувчи аниқ суғурта манфаатларини очиб бера олмайди. Бу манфаатларини аниқлаштириш мақсадида суғурта соҳаларини суғурта тармоқлари ва турларига бўлиш зарур.

Мулкий суғурта мулксилик шакли ва суғурталанувчилар тоифаларидан келиб чикиб, бир-нечта тармоқларга бўлинади: давлат корхоналари мулки суғуртаси, жамоа хўжаликлари, ижарачилар,

ширкатлар, хиссадорлик жамиятлари ва жамоатчилик ташкилотлари мулки суғуртаси ва фукоролар млки суғуртаси.

Фукороларнинг хаёт даражаси суғуртаси иккита тармоққа эга:

Ишчилар, хизматчилар ва жамоа хўжаликлари аъзоларининг ижтимоий суғуртаси хамда фукоролар шахсий суғуртаси.

Жавобгарлик суғуртаси эса қуйидаги тармоқларга эга: карз суғуртаси хамда етказилган зарарни коплаш суғуртаси. Бу фукоролик жавобгарлиги суғуртаси хам деб юритилади. Тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртасида иккита тармоқ мавжуд: даромадларнинг бевосита ва билвосита йўқотилиш таваккалчиликлар суғуртаси.

Сугурталанувчиларнинг сугурталовчилар билан суғурта муносабатларига кириши ва сугурталанувчиларга қулайлик яратиш мақсадида суғурта тармоқларини конкрет суғурта турларига бўлиш зарурият пайдо бўлади.

Мулкий суғуртанинг бундай конкрет турларига қурилмалар, чорва, рўзғор буюмлари, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалик экинлари хосили ва бошқа турли хўжалик категориялари суғуртаси мисол бўла олади.

Ижтимоий суғуртанинг конкрет турларига пенсия ва турли нафақалар суғуртаси киради.

Шахсий суғурта бўйича суғуртанинг қуйидаги турлари амалга оширилади: хаётнинг аралаш суғуртаси, ўлим холати ва меҳнатга лаёқатини йўқотишдан сугурталаш, болалар суғуртаси, қўшимча пенция суғуртаси, бахтсиз ходисалардан сугурталаш ва бошқалар.

Жавобгарлик суғуртаси бўйича-кредитни ёки бошқа қарзларнинг қайтара олмаслиги сугурталаш, юқори хавф-хатар манбалари эгаларининг фуқоролик жавобгарлиги суғуртаси, хўжалик фаолияти жараёнида зарар етказиш холати бўйича фуқоролик жавобгарлиги суғуртаси ва бошқалар.

Тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртаси дастгохларини тўхтаб қолиши, савдодаги тўхталишлар натижасида зарар кўриш фойда оломаслик суғуртаси, янги техника ва технологияларни қўллаш таваккалчиликлари суғуртаси ва бошқа турларга бўлинади.

3. Мажбурий ва ихтиёрий суғурта принциплари.

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида» ги Қонунга мувофиқ Мажбурий суғурта амалга оширилади. Мажбурий суғурта турлари, шартлари ва уларнинг амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

Мажбурий суғуртани амалга ошириш хукуқига давлат суғурта ташкилотлари эгадирлар. Шу билан бирга суғурта ташкилотлари мажбурий суғурта қилиниши лозим бўлган объектларнинг буд сақланиши устидан назорат ўрнатишга хақлидирлар.

Мажбурий суғуртани ажратиб турувчи принциплар қуйидагилар:

1. Мажбурий суғурта қонун йўли билан ўрнатилади.

Шунга мос равишда суғурталанувчи тегишли объектларни суғурталашга, суғурталанувчилар эса, суғурта ходисалари рўй берганда тегишли суғурта тўловини тўлашга мажбурдирлар.

Қонунчилик одатда қуйидагиларни белгилаб беради:

-мажбурий суғурталаниши лозим бўлган объектлар таркибини;

-суғурта жавобгарлиги хажмини;

-суғурта таъминоти даражаси ва меъёрлари;

-таъриф ставкалари миқдорлари ва уларни ўрнатиш тартибини;

-суғурталовчи ва суғурталанувчиларни асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини.

2.Қонунда кўрсатилган мажбурий суғурта объектларини ёппасига суғуртага қамраб олиш.

Бунинг учун суғурта органлари мамлакатда хар йили суғурталанган объектларни, ҳисобланган суғурта бадалларини ва уларни ўрнатилган муддатларда ундирилишини ҳисобга олиб борадилар.

3.Қонунда кўрсатилган объектларга мажбурий суғуртанинг автоматик равишда қўлланилиши.

Суғурталанувчи хўжаликда суғуртага тегишли янги объект пайдо бўлганлиги хақида суғурта органларига хабар бериши шарт эмас. Бу мулк суғурта соҳасига автоматик равишда қўшилади. Навбатдаги рўйхатга олиш даврида ҳисобга олинади ва суғурталанувчига тўланиши керак бўлган суғурта бадаллари кўрсатилади.

4. Мажбурий суғуртани суғурта бадаллари тўланишидан қатъий назар амал қилиши.

Агарда суғурталанувчи тегишли суғурта бадалларини тўламаган холларда суд орқали ундириб олиниши мукин. Суғурта бадаллари тўламаган мулкни талофат кўриши ёки шикастланиш холларда суғурта тўловлври тўланаверади, фақатгина суғурта бадаллари бўйича қарз ва кечиктирилган кунлар учун жарима сўммаси ушлаб қолинади.

5. Мажбурий суғуртанинг муддатсизлиги.

Мажбурий суғурта суғурталанувчи суғурталанган объектдан фойдаланиш давринининг тўла қисмида амал қилади. Мулкни бошқа шахсга ўтиши билан ҳам суғурта тўхтатилмайди. У фақатгина суғурталанган мулк тўла талофат кўргандагина ўз кучини йўқотади.

6. Мажбурий суғурта бўйича суғурта таъминотининг меъёрлаштирилиши.

Суғуртавий баҳолаш ва суғуртавий қоплаш тартибини соддалаштириш мақсадида суғурта баҳосига нисбатан фоизларни ёки бир объектга сўмларидан суғурта таъминотининг меъёрлари белгиланади. Мисол учун, шахсий ўтга чидамсиз уйлар учун амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баробари миқдорида.

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида» ги Қонунга мувофиқ томонларнинг хохиш иродасига кўра амалга ошириладиган суғурта ихтиёрий суғурта ҳисобланади.

Ихтиёрий суғутанинг шартлари томонларнинг келишувига асосан белгиланади. Суғурталанувчи ва суғурталовчининг ҳуқуқлари ва бурчлари, шунингдек, хар-бир суғурта турининг аниқ шартлари тегишли суғурта шартномалари билан белгилаб қўйилади.

Суғуртанинг ихтиёрий шакли қуйидаги талаблар асосида кўрилган.

1. *Ихтиёрий суғурта қонун асосида ва ихтиёрий равишда амал қилади.* ***Қонун ихтиёрий суғуртага тегишли объектларни ва суғуртани умумий шартларини белгилаб беради. Конкрет шартлар эса суғурталовчилар томонидан ишлаб чиқиладиган суғурта қоидалари орқали тартибга солинади.***

2. *Суғуртада ихтиёрий қатнашиш тўла холда фақат суғурталанувчилар учун характерлидир.* ***Агар суғурталанувчининг хохиши суғурта қоидаларига зид келмаса, суғурталовчи объектни суғурта қилишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас. Бу принцип суғурталанувчининг биринчи талаби бўйича суғурта шартномаси тузилишини кафолатлайди.***

3. *Ихтиёрий суғуртани танлаб қамраб олиши.* ***Барча шахслар ҳам унда иштирок этиш истагини билдиравермайдилар. Бундан ташқари, шартномалар тузишда суғурта шартлари бўйича чегаралашлар хам амал қилади.***

4. *Ихтиёрий суғурта доимо суғурта муддати билан чегараланади.* ***Бунда муддатнинг бошланиши ва тугаши шартномада қатъий келишиб олинади. Шундан келиб чиқиб, суқғурта қопламаси ёки суғурта сўммаси суғурта холати фақатгина суғурта даврида содир бўлгандагина тўланади. Ихтиёрий суғуртанинг узлуксизлиги фақатгина янги муддатга қайта шартнома тузиш йўли билангина таъминлаш мумкин.***

5. *Ихтиёрий суғурта фақатгина бир марталик ёки даврий суғурта бадаллари тўлангандагина амал қилади.* ***Ихтиёрий суғурта шартномасининг кучга кириши бир марталик ёки биринчи суғурта бадалини тўланиши билан асосланади. Узоқ муддатли суғурта бўйича навбатдаги бадалнинг тўланмаслиги натижасида шартноманинг амал ўилиши тўхтайди.***

6. *Ихтиёрий суғурта бўйича суғурта таъминоти суғурталанувчи истагидан келиб чиқади.* ***Мулкий суғурта бўйича суғурталанувчи суғурта сўммаини суғурта бахоси чегарасида белгилаши мумкин. Шахсий суғурта бўйича суғурта сўммаси шартномада тамонлар келишуви орқали белгиланади.***

Назорат учун саволлар:

1. ***Суғуртани туркумлашнинг умумий асослари?***
2. ***Суғурта соҳалари, тармоқлари,турлари ва шақиллари?***
3. ***Суғурта муносабатларининг ташкилий тамойиллари?***
4. ***Мулкий суғуртанинг объекти ва субъектлари?***
5. ***Шахсий суғуртани объекти ва субъектлари?***

Асосий адабиётлар:

81. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
82. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
83. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
84. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.
85. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.
86. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
87. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
88. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.
89. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
90. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.
91. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
92. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
93. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.
94. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
95. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.
96. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.
97. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
98. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
99. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.
100. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

28. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
29. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
30. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,- 160с.
31. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. -180с.
32. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. -325с.
33. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.

17-Мавзу. Ижтимоий суғурта.

Режа:

1. **Ижтимоий суғуртанинг моҳияти ташкилий тамойиллари ва вазифалари.**
2. **Ижтимоий суғурта фондининг шақилланиш манбалари, моддий асоси ва улардан фойдаланиш шақиллари.**
3. **Пенсиялар мазмуни ва турлари.**

Таянч иборалар:

- ***Ижтимоий суғурта объекти;***
- ***Ижтимоий суғурта функциялари;***
- ***Ижтимоий суғурта фонди;***
- ***Ижтимоий суғурта фонди манбалари;***
- ***Ижтимоий суғурта фонди моддий асоси;***
- ***Пенсия турлари;***

1. Ижтимоий суғуртанинг моҳияти, ташкилий тамойиллари ва вазифалари.

Ўзбекистонинг ўз янгиланиш тараққиёт йўлига асос бўлган энг мухим қоидаларидан бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсатни ўтказишдир. Қолган барча қоидалар ижтимоий вазифаларни ҳал этишга, аҳолииижтимоий ҳимоялаш сохасида қатъий кафолатни вужудга келтиришга бўйсундиришади.

Тарих сабоғи шундаки, унинг айнан кескин бурилишларида ижтимоий ижтимоий муаммолар ва зиддиятлар ғоят кескинлашади миллий ва барқарорликка таҳдид солувчи омилга айланади.

Бу холни нималар келтириб чиқаради, ўтиш даврида ижтимоий барқарорлик масалаларига алоҳида эътибор беришнинг қандай муҳим сабаблари бор? «Менинг назаримда, бу сабаблардан энг муҳимлари қуйидагилар:» -дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов.

Биринчи: Ижтимоий зиддиятлар ўз мохиятига кўра хамиша сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг харакатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилади. Ўзгаришларнинг қай тарзда ё изчил, тажрибавий йўл билан бориши, ё бўлмаса, кескин шақилларга кириши: ижтимоий норозиликлар, стихияли портлашлар, хатто фуқаролар урушлари ва инқилоблар тусиниолиши тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларнинг қай даражада кескинлигига, ҳукмрон тузилмаларнинг бу муоммаларни ҳал қила олиши ёки ҳал қила олмаслиги боғлиқ.

Шу сабабли тараққиётнинг ҳамма босқичларида одамларнинг ижтимоий кайфиятларини, ижтимоий муаммоларни назар-писанд қилмаслик барқарорликка ва миллий хавфсизликка катта хавф туғдиради.

Иккинчи: одамларнинг даъват этувчи ижтимоий сабабларнинг рўёбга чиқиши жуда муҳим ахамиятга эгадир. Заминимизда яшаётган одамларнинг муносиб ва эркин, фаробон хаётини таъминлаш ҳар-бир киши ҳуқуқ ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун барча зарур шароитларни яратиш-

жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш пайтида олдимизга қўяётган ғоят муҳим вазифалардандир. Шу боис эски тоталитар, мафкуравий буйруқбозлик-тақсимот тузимига ҳамда сохта тенглик ва меҳнатни қадирлаш учун соғлом негиз бўлмаган бир ҳолатга қайтиш биз учун мақбўл эмас.

Агар ўтиш даврида провард мақсадга эришиш-жамиятни демократлаштириш ва бозор иқтисодиётини рўёбга чиқариш учун айрим босқичларда одамларнинг моддий ахволи ёмонлашувига олиб келадиган номақул, баъзан кескин қарорлар қабўл қилишга тўғри келиши ҳисобга олинса, аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламларини қўллаб-қувватлашга доир чоралар кўриш қанчалик ахамият касб этиши аён бўлиб қолади.

Юқорида кўрсатиб ўтилгандек, ислохотларнинг моҳиятига тураларга путур етказиш, ижтимоий адолатни бузиш, ҳокимиятни турли поғоналаридаги коррупция аҳолини шундай ҳам танг ахволини янада оғирлаштириб, жиддий ижтимоий зиддиятларга олиб келиши мумкин.

Бу хол ўтмишни қумсаш кайфиятлари уйғониши учун қулай замин яратади, шовинизм ва сохта ватанпарварликдан тортиб то муросасиз социалистик кайфиятдаги турли харакатларгача озиқ берувчи муҳит бўлиб хизмат қилади. Бундай холатда аҳоли орасида ижтимоий норозилик кайфиятларининг ғаразли, тор сиёсий манфаатларини кўзлаб муттасил қўзғатиб турилиши ҳам фуқоролар тенглигига, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солади.

Учинчи ,Кенг куламдаги узок муддатли ислох қилиш жараёнинг даслабки босқичи-«мен энг қийин ижтимоий портлаш хавфи бўлган босқич деб аталган булардим »- дейди И А Каримович. Бунинг сабаби шундаки утиш даврининг узи куп холларда бир канча ҳал қилинмаган ижтимоий муаммоларнинг келтириб чикаради. Хамда учунлар замиридаги ларзага соладиган кучни узида сақлабтуради. Шу билан бирга бир сиёсий ва иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш ҳам янги муаммоларни туғдириши ва муайян ижтимоий камчиликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Кўп мамлакатларнинг тажрибаси бозор муносабатларига ўтиш силлиқ, ижтимоий қийинчиликларсиз. Осон кечмаслигини кўрсатади. Бу объектив жараёндир.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши айниқса истеъмол нархлари ва тарифларининг «Эсанкиратадиган» тарзда қўйиб юборилиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, тўловларни амалга оширмаслик билан боғлиқ танликнинг кескинлашуви, пул муомиласининг бузилиши кўпчилик янги мустақил давлатларда истеъмол нархларининг кескин ўсишига, жамғармаларнинг қадирсизланишига, аҳолининг анчагина қимси турмуш даражасининг пасайишига, бутунлай ёки қисман ишсизлар сонининг ўсишига олиб келади. Бу даврда аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган чораларга еткрли эътибор бермаслик аҳолининг анча қисми қашшоқлашувига, уларнинг люмпенлашувига олиб келиши мумкин. Бир қанча мамлакатларда шундай бўлди ҳам. Маълумки, бундай холат ижтимоий бекорликни вужудга келтирувчи мухит бўлиб хизмат қилади.

Тўртинчи. Ўтиш даврининг кескин ижтимоий муаммоси кўп кишилар учун қарор топган турмуш тарзининг бузилишидан, хаётий мўлжалларнинг, фикрлаш тарзи, ижтимоий феъл- атвор, боқимандалик кайфиятининг ўзгаришидан иборат. Унинг даврида одамларнинг тафаккур юритиш психологияси ўзгаради, бу эса аёнки ҳамма вақт ҳам осон кечавермайди. Собиқ иттифоқ шароитида учдан зиёд авлод вақиллари нафақат хусусий мулкни тан олмайдиган ва мустақил хўжалик фаолият кўникмаларини бермайдиган мафкуравий акидлар асосида, балки, устига-устак, марказдан туриб тақсимлаш ғоялари, ижтимоий адолат тушунчаси ҳақида соҳта тасаввурлар асосида тарбияланган эдилар.

Ўтиш даврида эскича ва янги фикрлаш устидаги, ўтмиш ва ҳозирги замоннинг қадирятлар тизими ўртасидаги зиддиятлар янада кескинлашади.

Ҳалқимизнинг маънавий бойликларининг, жаҳон цевилиацияси энг яҳши ютуқларини ўзида мужассамлаштирган янги авлодни шақиллантириш бугуннинг энг муҳим вазифасидир. Фақат ана шу асосидагина, олдимизга қўйилган юксак мақсадлар барчамиз учн хаётимизнинг мазмунига айланиб қолган миллатнинг онгли ватанпарварлик руҳини юксалтириб, ривожланган илғор мамлакатлар каби тараққиёт йўлидан илдам қадам ташлаш имкони туғилади.

Ҳар-қандай мамлакатда турли кўринишдаги тенгсизликлар кўпайса ёки уларнинг ўсишга имкон пайдо бўлса, уларнинг ижтимоий барқарорлик учун хавф туғдиради. Ижтимоий муаммоларни кескинлиги кимларнингдир камбағаллиги ёки бойлигида эмас, балъки ушбу ижтимоий табақалар ўртасида хаддан ташқари катта фарқ пайдо бўлишидадир. Бу эса беихтиёр уларнинг қарама-қаршиликларига олиб келади.

Аёнки, агар жамият манфаатлари ва интилишлари мутлақо қарама-қарши бўлган одамлар гуруҳидан иборат бўлса, ҳамма вақт ижтимоий зиддият хавфи, демакки, миллий хавфсизликка таҳдид ҳам мавжуд бўлади. Ижтимоий зиддиятларнинг хаддан ташқари кескинлашуви жамиятда ижтимоий барқарорликни барҳам топишига, ички можороларга ва ҳатто фуқоролар урушига ҳам олиб бориши мумкин.

Шунинг учун ҳам ўтиш даврида демократик давлатнинг энг муҳим вазифаси ижтимоий зиддиятларнинг кескинлигини камайтиришдан, бу даврнинг муқаррар қийинчиликларини эҳтиёт чоралари ҳисобига юмшатишдан ва одамларнинг янги турмуш шароитларига мослашишни осонлаштиришдан иборат. Аслини олганда, Ўзбекистон амалга ошираётган сиёсатни бозор муносабатига ўтаётган бошқа давлатлар сиёсатидан энг муҳим афзаллигидан бири ҳам шундадир.

Ижтимоий келишувни қандай таъминлаш мумкин, ижтимоий хамжихатликка, шу жумладан минтақалараро тотувликка қандай эришиши мумкин, деган мураккаб саволларга жавоб топишга қодир бўлган давлат демократиква иқтисодий ривожланишига умид боғлаши мумкин.

Ижтимоий бирдамликни таъминлаш-ижтимоий зиддият ва тенгсизликларни ўзларини адолатсиз равишда хамма нарсадан бебахра бўлиб

қолган ёки хақ-хуқуқлари камситилган деб ҳисобловчи бутун аҳоли гурухи ва табақалари вужудга келадиган даражага етмаслигига эришиш демакдир.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойиллардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборатдир. Бу демократик ва иқтисодий ислохотларнинг муваффаққиятли амалга оширишнинг, улар орқага қайтмаслигининг жуда мухим шарти ва гаровидир.

Ишончли ижтимоий кафолатлари ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чораларини таъминлаш бозор ўзгаришларининг хамма босқичлари орқали ўтади ва жамиятимизнинг янгилашдан иборат ғоят кенг жараённинг бошқа йўналишларини ҳам қамраб олади:

Фуқороларнинг меҳнат қилиш борасидаги конституцияви ҳуқуқларини таъминлаш
Ижтимоий ҳимоялашни мақсадли ва аниқ йўналтирилганлиги
Аҳолининг ижтимоий жихатидан энг мухтож табақаларининг қўллаб-қувватлаш
Иқтисодий жихатдан фаол аҳоли меҳнатини рағбатлантириш
Реал меҳнат бозорини шақиллантириш
Ижтимоий соха, соғликни-сақлаш, таълим, маданият ва санъат, илм-фаннинг мушкул ахволига тушиб қолишига йўл қўймаслик

Бозор муносабатларининг шақиллантиришнинг турли босқичларида Ўзбекистон ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари.

Кўрсатгичлар		1997 й	%	1998 й	%	1999 й	%
1	Мақсадсиз пул фондлари харажатлари жами	317756,2	100	437769,5	100	601899,4	100
1	Ижтимоий маданий тадбир харажатлари жами	108430,3	34,8	152554,7	34,8	223209,2	37,1
А	Маориф харажатлари	67013,0	61,8	93444,9	61,2	14008,1	64,1
Б	Соғликни-сақлаш ва жисмоний тарбия	32030,0	20,5	43352,6	28,4	58000	26
В	Маданият, фан, оммавий ахборот воситалари харажатлари	7454,5	6,8	11488,4	7,5	17400	7,8
Г	Ижтимоий таъминот	1932,8	1,7	3502,2	2,3	4801,1	2,1

	харажатлари						
2	Аҳолини ижтимоий химоч тадбир харажатлари	40000,6	12,6	46505,3	10,6	65006,6	10,8
А	Бпҳолар ўрганишдаги фарқни бюджетдан аниқлаш	7907,9	19,8	8990,2	19,3	19344,2	29,8
Б	Кам таминланган ва ёш болаларга нафақа	32092,7	80,2	37515,1	80,7	45662,4	70,2
3	Ҳалқ хўжалиги харажатлари	28225,3	8,9	47315,2	10,8	65453,8	10,8
4	Марказлашган инвес-тицияни молиялаштириш харажатлари	60000,0	18,8	90000	20,5	136000	22,6
5	Гиология разветика ишлари	4100,0	1,2				
6	Давлатни бошқариш харажатлари	5000,0	1,6	8000	1,8	13000	2,1
7	Вазирлар махкамаси вазаирлар фонди	9600,0	3	8400	1,9	8000	1,3
8	Бошқа харажатлар	624000,0	19,6	93994,3	21,4	111629,8	18,5

II давлат бюджетининг ижтимоий маданий харажатлари тўрт қисимдан иборат. Булар:

- Маориф харажатлари;
- Соғлиқни-сақлаш ва жисмоний тарбия;
- Маданият, фан, оммавий аҳборот воситалари харажатлари;
- Ижтимоий таъминот харажатлари.

Бу кўрсатгичларнинг қиймати III схеманиннг бўлимида берилган.

1999 йил биринчи чорагида ижтимоий ссохани устун даражада ривожлантириш. Аёллар йилига тайёргарлик кўриш бўйича давлат давтури, кадирлар тайёрлаш миллий дастурида, соғлиқни-сақлаш тизимининг ислоҳ қилиш давлат дастурида, қишлоқ хўжалигини ижтимоий хукуматини бошқа дастури қарорларида белгилаб берилган тадбирлар доирасида амалга ошди.

2. Ижтимоий суғурта фондининг шақилланиш манбалари, модий асоси ва улардан фойдаланиш шақиллари.

Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий суғурта жамғармаси ихтисослаштирилган молия кредит муассасаси бўлиб, учун республика давлат ижтимоий суғурталаш маблағларини бошқариши керак. ИСЖ нинг асосий вазифалари вақтинча меҳнат қобилиятсизлик, хомиладорлик ва туғиш, бола ярим ёшга етгунча уни парваришлаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санатория кротларида даволанишининг ташкил этиш, қонун хужжатларини

назарда тутилган бошқа мақсадлар учун давлат томонидан кафолатланган нафақаларни таъминлашдан иборат.

Корхона ва ташкилотларнинг суғурта бадаллари	Давлат бюджети маблағлари	Ижтимоий суғурта йўлидан сотилган санаторияларга йўлланмалардан тушумлар	Бошқа даромадлар

Ижтимоий суғурта жамғармаси

Нафақа тўлаш: вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича; -хомиладорлик ва туғиш бўйича; -болаларга.	Санатория кротларида даволанишга харажатлар	Ногиронларни ўқитиш ва қайта ўқитиш	Ногиронлар ва кексалар учун интернатларнинг сақлаб туриш	Жамоа хўжаликлари аъзоларини ижтимоий суғурталаш

3. ***Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати*** -бу давлатнинг фуқоролар шахсий хаётига аралашув эмас, балъки инсон ҳақ-ҳуқуқларини, жумладан, инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро хужжатларда ёзиб қўйилган, хар-бир кишининг турмуш даражаси етарли даражада юқори бўлишини, озиқ-овқат, уй-жой иш билан таъминлашга яхшилашга, саломатлигини тиклашга, маданий-маиший эхтиёжларини қондириш ва пенсия таъминотини йўлга қўйишга қаратилган тадбирлар мажмуасидир.

Аҳолини пул даромадлари 1998 йил 919,7 миллиард сўмга тенг бўлди ва 1997 йилга нисбатан 45,6 % га ошган.

Пул харажатлари ва омонатлари 884,9 милиард сўмга тенг бўлдива 1997 йилга нисбатан 45,1 % га кўпайди.

Бутун ўтган йил давомида аҳолининг пул даромадлари ўсиши кузатилди. Аҳоли пул даромадлари ва ҳаражатлари баланси динамикаси қуйидаги маълумотларда акс этади:

- 1998 йилда пул даромадлари умумий хажмининг 791,4 млрд сўм ёки 1997йилга қараганда 45,7 % га ортиқ қисман товарларни харид қилиш ва хизматлар учун хақ тўлашга сарфлади.
- Айрим кузатишлар ҳам кузатилади:

1.Ялпи даромад бўйича аҳоли қатламларининг табақаланиши. Ҳалқ хўжалиги тармоқларидаги юқори иш хақи кўрсатгичларига эга саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида бандлиги тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сонининг ошиб бориши билан юқори даромад оладиган аҳоли тоифалари ошиб боради ва маълум табақаланиш пайдо бўлади.

2. Ишсизликнинг пайдо бўлишива вақтинчалик иш билан банд бўлмаганлиги учун тўловларни жорий этилиши. Баъзи-бир корхоналарнинг махсулот сифатсизлиги оқибатида бозор талаби ва конъюнктураси жавоб

бера олмаяпти, ишлаб чиқариш қисқаряпти. Янги технология жорий этилиши натижасида қўл меҳнатига бўлган талаб камаймоқда. Ижтимоий ҳимоя объектини аниқлаб олиш-ижтимоий ҳимоянинг муҳим шартлари ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя объектига қуйидаги аҳоли гуруҳлари киради:

1. Ногиронлар.
2. Нафақахўрлар.
3. Ёш болалар.
4. Бошқарувчисини ёқатган оилалар.
5. Ёлғиз ва ҳомиладор оналар.
6. Қашшоқлик чегарасидан кам даромад олувчи оилалар
7. Вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлар.
8. Вақтинча ва умуман ишсизлар.
9. Ўқитувчилар
10. Талабалар

Ўзбекистон аҳолининг ижтимоий ҳимоялашнинг яҳшилаш, учун самарасининг кўтариш қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга боғликдир.

Биринчи. Бу-ишлаб чиқаришнин барқарорлаштириш ва мутассил ривожлантириш. Пул қадирсизланишига қарши самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, миллий валютани ва ички истеъмол бозорини мустахкамлаш натижасида ислохотларнинг бошланғич босқичдаёқ турмуш даражасини сақлаб қолиш ва кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имкони яратилди.

Умр кўриш даражаси узайди, гўдаклар ўлими жиноятчилик камайди. Бизда жиноятчилик МДҲ мамлакатлари орасида энг паст даражада.

Иқтисодиётнинг барқарорлашуви, инвестиция фаолиятини кучайиши, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш йўли янги ишчи ўринларини ташкил этиш, иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилиш, иш ҳақи сақланиб қолмаган ёки қисман сақланиб қолган ҳолда тўлиқсиз иш кунида ишлаётган ва мажбуран меҳнат татилида юрган шаҳслар сонини кескин қисқартириш учун қулай замин яратди.

Гарчи Ўзбекистон нуфус сохасидаги вазият мураккаб бўлган, ишга жойланиши муаммолари ҳамма вақт кескин тўрган мамлакат бўлса, даромад, хозир республика иқтисодиёт барқарор ривожланиб бораётганлиги туфайли бу ердаги ишсизлик энг паст даражада дейиш мумкин. Айни чоғда биз бундан буён ҳам иқтисодиётда таркибий жиҳатдан ўзгаришлар қилиш энг аввало қишлоқ жойларида иҳчам ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, кичик ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсатни фаол амалга оширмоқчимиз.

Иккинчидан. Бу давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари жамоат ва ҳайрия ташкилотлари ва жамғармаларнинг маблағларини кенг жалб этиш.

Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқлари анча кенгайтирилиши ҳамда масъулиятни ошириш

лозим. Улар минтақаларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида қўшимча чора-тадбирларини амалга оширишга хақлидир. Маҳаллий органларнинг асосий вазифаси-одамларга ўз фаровонликларини юксалтириш мақсадида меҳнат қилиш учун кенг имкониятлар яратиб беришдан иборат.

Ижтиомий сиёсат, уни амалага ошириш меҳанизмлари одамларнинг меҳнатдаги фаоллигини ва тадбиркорлигини ўстириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилиши даркор.

Учинчидан. Бу-одамларнинг куч ва қобилиятлари тўла-тўкис фаолашувин таъминлашга қодир бўлган кучли меҳанизмнинг вужудга келтириш. Бу меҳанизмни биринчи навбатда ҳар-бир кишининг иқтисодий эркинлиги, унинг ўзи ва оиласининг баҳт-саодати учун иқтисодий жавобгарлиги билануйғунлашадиган шарт-шароитларни яратиш ҳисобига шақиллантириш лозим. Уз қобилият ва меҳнатига таяниб иш тутиш фаровонликнинг бирдан-бир ва энг барқарор манбаи бўлиб, қоладиган муносабатни вужудга келтириш. Бунинг учун ҳусусий мулк институтининг ривожланишини тезлаштириш жуда муҳим.

Бозор шароитларига мослашиш ҳозирги куннинг ўзидаёқ аҳоли жами даромадининг анча қисми тадбиркорлик фаолияти хамда мулкдан келган даромад ҳисобига вужудга келишини таъминламоқда.

Тўртинчидан. Бу-аҳолининг даромадларида ва турмуш даражасида асоссиз катта фарқларга йўл қўймаслик. Жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган қатламларни шақиллантириш.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг даромадлар даражаси бўйича кескин. Агарда ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни табиий офатлар ёки бошқа фавқулодда ходисаларнинг (ёнғинлар, портлашлар, эпидемиялар ва ҳ-к.). салбий оқибатларни таъсирида тўхтаса ёки бузилса, у ҳолда, жамият аввало турли олдини олиш тадбирларини амалга оширишга, мобода уалар кўзланган натижани бермаса, у ҳолда, етказилган моддий зарарни қоплашга, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришин нормал шароитларини қайта тиклашга мажбур бўлади.

Инсон ва табиий офатлар ўртасидаги қарама-қаршилик билан асосланган ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таваккалчилик характери, биринчи навбатда, табиий ва бошқа офатларнинг салъбий оқибатларини олдини олиш, бартараф қилиш ва локализация қилиш, хамда етказилган зарарни сўзсиз қоплаш бўйича инсонлар ўртасидаги муносабатларни юзага келтиради. Бу объектив муносабатлар инсонларнинг эришган хаёт даражасини сақлаб қолишга бўлган реал ва мавжуд эҳтиёжини акс эттиради. Мазкур муносабатларни алоҳида ҳусусиятлар ажратиб туради ва уларнинг йиғиндиси ижтимоий ишлаб чиқаришни суғуртавий ҳимоялаш иқтисодий категориясини ташкил этади.

Суғурта иқтисодий категорияси сифатида молия категориясини таркибий қисми ҳисобланади. Аммо, молия тўлалигича даромадларни тақсимлаш билан боғлиғ бўлса, суғурта эса фақатгина қайта тақсимлаш муносабатларигина қамраб олади.

Суғурта ихтисослаштирилган суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Улар давлат ва нодавлат ташкилотлар бўлиши мумкин. Уларнинг фаолият доираси ички, ташқи ёки аралаш суғурта бозоларини қамраб олган бўлиши мумкин. Шу билан бирга ривожланган суғурта бозори шароитида ҳам давлат ичкарисида, ҳам четда амалга оширилиши мумкин. Бу суғуртанинг ташкилий туркумланишидир. Аммо, суғурта муносабатларининг мазмуни суғурта муносабатларининг мазмуни суғурта объекти ва ҳавф-ҳатар турлари бўйича туркумланиши ёрдамида намоён бўлади. Суғурта суғурталанувчиларнинг турли тоифаларини қамраб олади. Унинг шартлари суғурта масъулиятининг ҳажмлари бўйича фарқ қилади; у қонун кучида ва иҳтиёрий равишда амалга оширилиши мумкин. Суғурта муносабатларининг турличалигини тартибга солишва ўзаро боғлиқ ягона тизимни шақиллантириш учун суғуртани туркумлаш зарурдир.

Суғуртанинг туркумланиш натижасида бўғинлар ҳосил бўлади. Барча бўғинлар шундай жойлашганки, ҳар-бир навбатдаги бўғин **соҳа** , ўрта бўғин-**тармоқ**, қуйи бўғин-**суғурта турлари** ҳисобланади. Туркумланишнинг барча бўқинлари суғуртани амалга ошириш шақилларнини қамраб олади, яъни мажбурий ва иҳтиёрий.

Суғурта соҳалари, тармоқлари, турлари.

Суғуртани соҳаларга бўлиш асосида уларнинг объектлари бўйича фарқланиши ётади. Бу омилга мос равишда барча суғурта муносабатлари йиғиндисини тўртта соҳага бўлиш мумкин:

1. Мулкий суғурта.
2. Фуқоролар хаёт даражаси суғуртаси.
3. Жавобгарлик суғуртаси.
4. Тадбиркорлик таваккалчилик суғуртаси.

Мулкий суғуртада объект бўлиб, моддий қийматликлар ҳисобланади; фуқоролар хаёт даражаси суғуртасида-уларнинг хаёти, соғлиғи, меҳнатга лаёқати; жавобгарлик суғуртасида объект бўлиб, суғурталанувчиларнинг турли жавобгарликлари, масъулиятлари ҳисобланади; тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртасида эса, объект вазифасини тадбиркорлик ишлари бўйича турли таваккалчиликлар бажаради.

Бироқ, суғуртани юқорида санаб ўтилган соҳаларга бўлиниши корҳоналар, ташкилотлар ва фуқоролар суғуртани амалга ошириш имкониятларни берувчи аниқ суғурта манфаатларини очиб бера олмайди. Бу манфаатларни аниқлаштириш мақсадида суғурта соҳаларини суғурта тармоқлари ва турларига бўлиш зарур.

Мулкий суғурта мулкчилик шакли ва суғурталанувчилар тоифаларидан келиб чиқиб, бир нечта тармоқларга бўлинади: давлат корхоналари мулки суғуртаси, жамоа ҳўжаликлари, ижарачилар, ширкатлар, хиссадорлик жамиятлари ва жамоатчилик ташкилотлари мулки суғуртаси ҳамда фуқоролар мулки суғуртаси.

Фуқораларнинг хаёт даражаси суғуртаси иккита тармоққа эга:

Ишчилар, хизматчилар ва жамоа хўжаликлари аъзоларининг ижтимоий суғуртаси ҳамда фуқоролар шаҳсий суғуртаси.

Жавобгарлик суғуртаси эса қуйидаги тармоқларга эга: қарз суғуртаси ҳамда етказилган зарарни қоплаш суғуртаси. Бу фуқоролик жавобгарлиги суғуртаси ҳам деб юритилади.

Тадбиркорлик тавакkалчиликлари суғуртасида иккита тармоқ мавжуд: даромадларни бевосита ҳамда билвосита йўқотилиш тавакkалчиликлари суғуртаси.

Суғурталанувчиларни суғурталовчилар билан суғурта муносабатларига кириш ва суғурталовчиларга қулайлик яратиш мақсадида суғурта тармоқларини аниқ суғурта турларига бўлиш зарурати пайдо бўлади.

Мулкий суғуртани бундай аниқ турларига қурилмалар, чорва, рўзғор буюмлари, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалик экинлари хосили ва бошқа турли хўжалик категориялари суғуртаси мисол бўла олади.

Ижтимоий суғуртанинг аниқ турларига пенсия ва турли нафақалар суғуртаси киради.

Шахсий суғурта бўйича суғуртанинг ғуйидаги турлари амалга оширилади: хаётни аралаш суғуртаси, ўлим ҳолати ва меҳнатга лаёқатини йўқотишдан суғурталаш, болалар суғуртаси, қўшимча пенсия суғуртаси, бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, юқори хавф-хатар манбалари эгаларининг фуқоролик жавобгарлик суғуртаси, хўжалик фаолияти жараёнида зарар етказиш ҳолати бўйича фуқоролик жавобгарлиги суғуртаси ва бошқалар.

Тадбиркорлик тавакkалчиликлари суғуртаси дастгоҳларни тўхтаб қолиши, савдодаги тўҳташлар натижасида зарар кўриш ёки фойда ололмаслик суғуртаси, янги техника ва технологияларни қўллаш тавакkалчиликлари суғуртаси ва бошқа турларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида» ги қонунига мувофиқ Мажбурий суғурта амалга оширилади. Мажбурий суғурта турлари, шартлари ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мажбурий суғуртани амалга ошириш ҳуқуқига давлат суғурта ташкилотлари эгадирлар. Шу билан бирга суғурта ташкилотлари мажбурий суғурта қилиши лозим бўлган объектларнинг бут сақланиши устидан назорат ўрнатишга ҳақлидирлар.

Мажбурий суғуртани ажратиб турувчи принциплар қуйидагилар.

Шунга мос равишда суғурталанувчи тегишли объектларни суғурталашга, суғурталовчилар эса, суғурта ҳодисалари рўй берганда тегишли суғурта тўловни тўлашга мажбурдирлар. Қонунчилик одатда қуйидагиларни белгилаб беради:

- мажбурий суғурталаниши лозим бўлган объектлар таркибини;
- суғурта жавобгарлиги ҳажмини;
- суғурта таъминоти даражаси ва меёрларини;
- таъриф ставкалари миқдорлари ва уларни ўрнатиш тартибини;

- суғурталовчи ва суғурталанувчиларни асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини.

Қонунда кўрсатилган мажбурий суғурта объектларини ёппасига суғуртага қамраб олиш. Бунинг учун суғурта органлари мамлакатда ҳар-йили суғурталанган объектларни, ҳисобланган суғурта бадалларини ва уларни ўрнатилаган муддатларда ундирилишини ҳисобга олиб борадилар.

Қонунда кўрсатилган объектларгамажбурий суғуртанинг автоматик равишда қўлланилиши. Суғурталанувчи хўжаликда суғуртага тегишли янги объект пайдо бўлганлиги ҳақида суғурта органларига хабар бериши шарт эмас. Бу мулк суғурта соҳасига автоматик равишда қўшилади. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминотвазирлиги ҳузуридаги пенсия фонди.

3.Пенсиялар мазмуни ва турлари

Пенсия фонди - ***бу пенсия билан таъминловчи давлат молия бошқарувининг органидар. Бу фонд мустақил молия институтиҳисобланиб, бу фонднинг маблағлари давлат бюджети таркига кирмайди.***

Пенсия фонди билан давлат бюджетининг фарқли томони шундан иборатки, ўз ресурсларини хиссаси баландлиги ва марказлаштирилган манбалардан катта маблағ ва дотацияларни рад этади. Махсус пенсия тўловлари ижтимоий суғурта доирасида шахсий функционал вазифага эга бўлиб, тушумлар ва маблағлар билан қўшилмаган ҳолда пенсия фондида тўпланади.

Пенсия фондининг ташкил этиш манбалари ҳар-ҳил. Улар қуйидагилардир:

Иш ҳақи фондининг 37,3% миқдоридаги суғурта бадаллари;

Мулкчилик шаклларидан қатъий назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг сотилган махсулотларнинг амалдаги хажмини 0,5% миқдоридаги мажбурий ажратмалар сўммаси;

Фуқороларнинг иш ҳақининг 1,5 % миқдоридаги мажбурий суғурта бадаллари;

Белгиланган тартибда суғурта бадаллари ҳисобига қабўл қилинмаган пенсия таъминоти ва ижтимоий суғурта доир нафақаларни тўлаш бўйича ҳаражатлар сўммаси;

Бадалларнинг белгиланган муддатда тўланмаганлиги ҳолларида ҳисобланган пенсиялар ва ташкилотларнинг мансабдор шаҳсларига солинадиган жарималар сўммалари ва ҳоказолар.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорлари.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг умумий сўммаси % ларда белгиланади.

Суғурта бадалларининг ҳисоблаш ижтимоий суғурта жорий қилинган ишловчиларини барча категорияларини иш ҳақи фондига белгиланган тарифдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Суғурта бадаллари солиқларни ушлашни ҳисобга олмаган ҳолда, молиялаштириш манбаларидан қатъий назар амалдаги қонунчиликка

мувофик чикарилган низомлар, қарорлар ва бошқа меъёрий хужжатларга кура мазкур корхона томонидан аниқланадиган иш ҳақларининг барча турларига ҳисобланади. Суғурта бадаллари қуйидаги турдаги тўловларга ҳисобланмайди:

Фойдаланилмаган таътил учун компенсациялар;

Ишдан бушаш чогидаги чиқиш нафақаси;

Моддий ёрдам курнишида бериладиган пул нафақаларини хар хил турларига;

Компенсация тўловларига;

Бепул овкатлар қийматларига ва бошқалар.

Пенсия фондининг асосий вазифалари:

Пенсияларни ва болалар пенсиясини тўлаш, ҳамда уларни молиялаштиришни ташкил этиш учун маблағларни марказлаштириб йигиш ва жамлаш.

Узоқ муддат асосида республика ва маҳаллпй режаларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун молиялаштиришда катнашиш.

Ўз-ўзини молиялаштириш принциплари ва тижорат фаолияти асосида фонд маблағларини кенгайтириб кайта ишлаб чиқариш.

Пенсия фондининг функциялари:

Давлат ижтимоий суғуртанинг бадаллар микдорини аниқлашда катнашадн;

Суғурта бадалларини уз вақтида ва тўлиқ келиб тушишини, ҳамда тўғри сарфланишини назоратини таъминлайди;

Нафақа таъминотини ривожлантириш ва ижтимоий режаларни ишлаб чиқиш бўйича таклифларни тайёрлашда катнашади;

Фондга қарашли вазифалар компенсациясига ҳалқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли миграцияси тенденцияси тез ошиб бормоқда. Шунииг муносабати билан маблағларни тез орада аниқ бир худудга утказиш зарур бўлади. Тижорат фаолиятининг ҳисобида фондга қўшимча маблағ топишга ҳам рухсат берилади. Маошларнинг ўсиб бориши ва яшаш шароити кимматлашиб бораётганлиги муносабати билан пенсияларнинг миқдори ҳам ўзгариб туради. Пенсия фондининг маблағлари маҳаллий банклар счётларида тўпланади, марказдан зса фақатгина керакли тўлов топшириқномалари берилади.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги хузуридаги пенсия фондининг маблағлари банк муассасаларидаги жорий ҳисоб варақаларида сақланади. Ҳисоб вараклар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки пенсия жамғармаси билан келишилган ҳолда белгилайдиган тартибда очилади. Пенсия фондининг маблағларидан пенсиялар, вақтинчалик мехнатга лаёқатсизлик, хомиладорлик ва фарзандни тутиш, фарзанднинг туғилишидаги ва дафн қилиш маросими учун нафақаларнинг тўланиши харажатлари маблағ билан таъминланади.

Пенсия фонди идоралари пенсия фонди бюджетининг ижро этилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган бюджетдаги корхона ва ташкилотлар учун бухгалтерлик ҳисобининг ҳисоб варақлари режасини қўллаган ҳолда ҳисоб юритадилар ва йилнинг хар чорагида пенсия фонди бюджетининг ижро этилиши ҳақида молиявий ҳисоботларни тузадилар.

1994 йил охирида республикамизда Миллий хусусийлаштириш инвестиция *фонди* ташкил этилди.

Инвестиция фондининг асосий вазифаси купчилик инвесторларнинг маблағларини сафарбар қилиш ва уларни фонд номидан хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларига, бошқа қимматли қоғозлар ва омонатларга жойлаштиришдан иборат.

1995 йил 1 августга кадар Инвестиция фонди республиканинг турли вилоятларида узининг 10 таксимоти филиалини ташкил этди.

Миллий Инвестиция фонди ва унинг филиалари хузурида 13та фонд дўкони очилди. Фонд филиалари ва фонд дўконлари тармоғи янада кенгаяди.

Миллий хусусийлаштириш Инвестиция фондининг ўзига хос хусусияти (учун узаро фонд ҳисобланганлиги учун) янги эмиссиялари жойлатириш нули билан капиталини тухтовсиз ошириб бориш, *уз* акцияларшш сотишдан тушгап пул ҳисобига купчилик эмитентларнинг киммали қоғозларидаи ташкил топадиган мажмуани шакллантириш имкониятига эгалигидадир.

Инвестиция фонднинг менежерлари мижозлар учун даромад келтиришнинг турли йўлларини таклиф этмоқда.

Масалан, инвестор хар йили ё акциялар харид қилиб дивиденд олиши, ё орадан бир канча вақт утгач, акцияларни кайтариб топширгач, сотиш курси уртасидаг фарк ҳисобига даромад куриш мумкин.

Хозирги кунда республикамизда траст операциялар яхши ривожланмаган. Бу куп жихатдан мазкур масала юзасидан қонунчиликнинг ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ. Уз навбатида бу ана шундай операцияларнинг янгилиги ва ўзига хос хусусиятлари билан изохланади.

1995 йил 26 июль Президентимиз қарорларига мувофик («Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш ҳақида») АЖ «Бизнес-фонд»и ишга тушди. Бизнес фонд республикамизнинг 174 туманида, Коракалпогистон Республикасида фаолият курсатиб келмокда.

Пенсия фонди. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий кафолатлаш борасида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Бизда анъанавий шаклда бўлган ижтимоий таъминот урнига хорижда уз ютукларига эга бўлган пенсия суғуртаси жорий қилинди. Амалдаги қонунчиликка биноан пенсия суғуртасини мусткаил молия - кредит муассасаси, яъни пенсия фонди амалга оширади.

- ⇨ Пенсия фондини шакллантириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

- ⇨ иш берувчиларнинг суғурта бадаллари;
- ⇨ ишловчиларнинг суғурта бадаллари;
- ⇨ давлат бюджетидан
- ⇨ Вақтинча буш пул маблағларини қимматли қоғозларга йуналтиришдан олинадиган даромадлар;
- ⇨ фукаролар ва хуқуқий шахсларнинг ихтиерий бадаллари;
- ⇨ карз маблағлари;
- ⇨ бошқалар

Пенсия фондини шакллантиришнинг асосий манбалари суғурта бадаллари ҳисобланади. Унинг тўловчилари қуйидагилар:

1.Иш берувчилар: мулк шакли ва ташкилий хуқуқий шаклидан катьий назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар; дехкон фермер хўжаликлари.

2. Бошқа бадал тўловчилар: юридик шахс бўлмаган, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган фуқаролар; ишловчи фуқаролар.

Суғурта бадалларини тўлашдан ногиронлар ва турли жамоатчилик ташкилотлари, ҳамда уларнинг ихтиёридаги корхоналар бирлашмалар ва муасасалар.

Суғурта бадаллари тўловчилари ПФ вақилликларида рўйхатдан утишлари керак. ПФ га суғурта бадалларининг қуйидагича тарифлари мавжуд:

- • хуқуқий шахслар учун улардаги иш ҳақи фондига нисбатан 36%;
- • хуқуқий шахслар учун ялпи даромадидан 0,5 %;
- • ишловчилар учун иш ҳақларидан 2,0%

Иш берувчилар бадаллар бўйича харажатларни махсулот таннархига киритадилар. Хуқуқий шахслар бадалларни бир ойда бир марта, тўлаш ойга ҳақ олиш учун белгиланган муддатда тулайдилар. Шундай тартибда иш берувчилар ишловчилардан мажбурий суғурта бадалларини ҳисоблайдилар ва ушлаб қоладилар. Ортикача туланган бадал сўммалари кейинги тўловлар ҳисобига утказилади ёки тўловнинг оризасига биноан ариза берилган кундан бошлаб ун кунлик муддат ичида унинг ҳисоб ракамига кайтарилади.

Фонднинг маблағлари қуйидаги йуналишлар бўйича сарфланади:

- ❑ пенсиялар тўлаш;
- ❑ икки ёшдан катта болалар учун нафақалар тўлаш;
- ❑ ногиронлар ва карияларга моддий ёрдам кўрсатиш;
- ❑ ногиронлар, пенсионерлар, болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича дастурларни молиялаштириш;
- ❑ чернобўлчиларга компенсацион тўловлар;
- ❑ вақтинча мехнатга лаёкатини йўқотиш бўйича нафақа тўловлари;
- ❑ хомиладорлик ва тугиш билан боғлиқ нафаклар;
- ❑ бола тугилгандаги бир марталик мукофот пули;
- ❑ бола икки ёшга тулгунча тарбиялаш билан боғлиқ таътил давридаги ойлик нафақалар;
- ❑ дафн учун ижтимоий нафақалар;
- ❑ санатория, курортларда даволаниш ва дам олиш учун йўлланмаларга тўлаш;

- суғурталанувчилар балансидаги санатория профилакторияларни, болалар ва усмирлар учун санатория ва согламлаштириш оромгохларни сақлаш.

Мазкур харажатлар суғурталанувчи бухгалтерияси орқали амалга оширилади. ПФнинг бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдикланади.

Давлат бандлик фонди. Бозор иқтисодиети шароитида давлат хар бир ишчи ва хизматчини маълумотига караб, малакасига караб иш билан таъминлаб беришни уз кафолатига олмайди. Шунинг учун давлат иқтисодиетда ва ижтимоий хаетда номутаносиблик бўлмаслиги учун ва хар бир шахсни мехнат қилишга ҳақлилиги ва эркин соха шаклланишига хуқуқи борлигини ҳисобга олиб махсус молиявий муассаса яратди. Ушбу тадбирларни хаётга тадбик қилишни давлат бандлик фонди амалга оширади. Бандлик фонди вазифаси:

- иқтисодий тизимга малакали ишчи ва хизматчилар билан таъминлаш;
- бир тармоқдаги ортикча мехнат ресурсларини кайта малакасини ошириш;
- махсус мехнат биржаларини ташкил этиш;
- ишсизларни моддий таъминлаш.

Давлат бандлик фондини шакллантирувчи асосий молия манбалари:

- хўжалик субъектларини мажбурий тўловлари;
- маҳаллий ва республика бюджетини маблағлари;
- хорижий ва республика ичидаги хўжалик субъектлари ҳамда жисмоний шахсларни ихтиёрий ажратмалари.

Ушбу манбалар ичидаги хўжалик субъектлари мажбурий тўловлари асосий молиявий манба бўлиб ҳисобланади ва карийиб 80%ни ташкил этади.

Шаклланган бандлик фонди қуйидаги йуналишда фойдаланилади:

- фукароларнинг мехнат жойи билан таъминлаш;
- ишсизлик учун нафақалар бериш;
- кадрларни кайта ўқитиш ва кайта тайерлаш ишларини ташкил этиш учун;
- бандлик фондини бошқарув органини иш ҳақи билан таъминлаш.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий сукурта тараққиётининг хозирги замон вазифалари?
2. Ижтимоий суғурта фондининг шаклланиш манбалари, моддий асоси ва улардан фойдаланиш шакллари?
3. Ижтимоий суғурта ва пенсия фонди боғлиқлиги?
4. Пенсия фонди фаолиятининг молиявий асослари?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
2. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
3. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
4. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.
5. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.
6. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
7. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
8. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.
9. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
10. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.
11. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
12. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
13. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.
14. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
15. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.
16. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.
17. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
18. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
19. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.
20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
2. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
3. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,- 160с.
4. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. - 180с.
5. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. - 325с.
6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.
7. Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

18-мавзу. Молнянинг ижтимоий тараққиётга таъсири.

Режа:

1. **Молиянинг жамиятдаги ўзгаришлар объектив ва субъектов шарт-шароитларининг ривожланишига таъсири.**
2. **Суғурта тизими еркали ижтимоий ҳимоя қилиш усуллари.**
3. **Ижтимоий ислохотларни олиб боришнинг молиявий дастаклари.**

Таянч иборалар:

- ***Ижтимоий ислохотларнинг молиявий дастаклари;***
- ***Ижтимоий тараққиёт;***
- ***Ижтимоий тараққиёт;***
- ***Ижтимоий ҳимоя;***
- ***Ижтимоий таъминот;***
- ***Ижтимоий суғурта жамғармаси;***
- ***Ижтимоий суғурта жамғармаси манбалари.***

1.Молиянинг жамиятдаги ўзгаришлар объектив ва субъектив шарт шароитларининг ривожланишига таъсири.

Ижтимоий соха инсониятнинг куп кирраларини узида мужассамлаштиради. Унинг асосий вазифаларидан бири одамларнинг турмуш даражасини оширишдан иборат. "Турмуш даражаси" тушунчаси кенг ва тор маънода ишлатилади. Кенг маънода турмуш даражаси - жамиятнинг инсонга бўлган комплекс равишдаги эътиборидир. У истеъмолни тартиби ва хажми, иқтисодий ва техник ишлаб чиқариш шароитлари, буш вақтнинг хажми ва сифати, демографик жараёнларнинг бориши, жамиятнинг аъзолари ва оиланинг моддий жихатдан таъминлашнинг кафолатлари, фукаролар мулкининг таркиби ва улчами, унинг кенгайиш истикболлари ва имкониятларини синтез қилади. Тор маънода турмуш даражаси инсон эхтиёжларини кондиришни сифати ва даражасини курсатувчи курсатгичлар тизимидан иборат бўлади. Турмуш даражасини характерлаш учун натурал ва қиймат кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Биринчиси: барча мамлакатлардан солиштиришни гуёки бу мамлакатлардаги нарх ва даромадларни ҳисобга олмаган ҳолда олиб боради. Аммо натурал кўрсаткичларда камчилик мавжудлиги -комплекслиликнинг йуклиги, бир ёкламалилик. Бу камчилик қиймат кўрсаткичларни куллаш билан бартараф қилинади: аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад, оиланинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромади, истеъмол саватининг минимал қиймати, аҳоли реал даромадларининг индекси ва бошқалар. Натурал ва қиймат кўрсаткичлари илмий асосланган нормалардан фарк қилади. Бундай фарк. қилиш юқори турмуш даражасидаги этолонга яқинлашишни улчаш имконини беради. Масалан: керакли даражадаги медицина хизматига қилинадиган харажатлар ялпи миллий махсулотнинг 5 - 7 % ни ташкил этиши керак. Аммо бизнинг мамлакатимизда бу курсагкич 1 - 1,5 фоизни ташкил этган ҳолда талаб қилинадиган даражадан 5 марта оз. Худди шу холатни сила бюджетида истеъмол харажатлари таркибини бошқа ривожланган давлатлар билан солиштиришда ҳам куриш мумкин. Ривожланган мамлакатларда озик-

овкатга кетадиган харажатлар оила бюджетининг 15дан 30 фоизгача ташкил этади, бизда эса бу кўрсаткич 75 фоизни ташкил этади. Бундан шу нарса куринадики бизда оилалар узоқ, муддатда фойдаланиладиган предметларни харид қилишда тежашга мажбур бўлади.

Турмуш тарзини шаклланиши бевосита ва актив равишда молияни аралашуви билан амалга оширилади. Фукороларнинг моддий ва номоддий истеъмоллари улар даромадларига ва давлатнинг ижтимоий сиёсатига боғлиқ, бўлади.

Аҳолининг турмуш даражасини номинал эмас балки реал пул даромадлари ташкил этади. Бу пул даромадларнинг қуйидагилардан иборат бўлади: иш ҳақининг хажми, тадбиркорлик натижасида келадиган хажми, кимматбахо қоғозлардан келадиган даромадлар ва шунингдек амалдаги солиқ тизими, нархлардан тартибга солиш инфляция даражаси, дотациялар хажми ва бошқалар. Фукороларнинг реал даромадлари қийматииг таксимланиши ва кайта таксимланиши натижасида юзага келади. Масалан, солиқлар натижасида аҳолининг пул даромадлари киркиб олинади шунинг натижасида уларнинг реал даромадлари қисқаради. Аммо солиқ.лар натижасида тупланган молиявий ресурси бюджет орқали маданият, таълим, соғликни сақлаш, социал ҳимоя, хар хил компенсацион тўловларни тўлашга йуналтирилади ва шу орк,али аҳолининг реал даромадларини ортишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, гуёки бундай кайта таксимлаш натижасида аҳолидан олинган ва бериладиган маблағлар баланслилиги сақлангандек куринсада, аммо айрим олинган фукоролар ва социал гурухлар учун бу нарса эквивалент эмас.

Демак, аҳолининг реал пул даромадлари асосий мехнат даромадаларндан ташқари яна бошқа қўшимча ва тўловлардан ташкил топади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу молиявий қўшимчалар сезиларли даражада ортади ва аҳоли пул даромадлари учун молиявий регулятор характерини олади.

Пул даромадларини молиявий тартибга солишнинг шакл ва усулларидан қатъий назар қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш зарур:

- ⇨ Аҳолини умумий турмуш даражасини ошириш;
- ⇨ Аҳолини турли табақалари гурухлари, категориялари ўртасида ижтимоий адолатни ўрнатиш;
- ⇨ Барча фукоролар учун уларнинг жинси ва ёши, миллати, яшаш жойи, шугулланаётган касби ва даромад топшпни (қонуний йўллар билан) қатъий назар яшаш минимуми билан таъминлаш;
- ⇨ Аҳолини мехнат фаолиятини рағбатлантириш, қонундан ташқари даромад топишга карши кураш;
- ⇨ Мехнатга лаёкатли аҳолини умумдавлат тадбирларига молиявий катнашишга жалб этиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларини асоси бўлган иш ҳақини тартибга солишда факат молиявий дастаклардан фойдаланиш зарур. Бундай тартибга солишнинг куроли сифатида биринчи навбатда юзага чикади. Мамлакатимизда солиқ кодексини қабул қилиниши билан яратилаётган даромадларни ва иш ҳақини оптимал даражасини таъминловчи янги солиқ механизмини юзага чицарди. Бунинг асосий мазмуни шундан иборатки, иш

ҳақи харажатларини махсулот тан нархига киритиш имконияти юзага чиади. Бу курсатгич хажми хукумат томонидан белгиланади, ортган қисми эса корхона умумий даромадидан солиқларни тўлаш билан ҳисобга олинади.

Солиқ механизми аҳолининг пулли даромадларини молиявий тартибга солишида бир кадам олдинга силжиш бўлди. Лекин шунга карамасдан у узида утиш даврини хусусиятларини ҳам акс эттирди, масалан мехнат жамоаларини юқори хўжалик кўрсаткичларига эришишини рағбатлантирмайди. Шунинг учун солиқ тўловларини мехнат ҳақи даражасига қуйилган асосланмаган хар хил тусиклардан озод қиладиган шаклига эришишига харакат к;илиш зарур. Мехнат жамоаларини мулкчиликка утиш шароитида умумий даромадларни солиққа тортишни куллаш мақсадга мувофик бўлади. Бундай шароитда мехнат ҳақининг ортиши давлат даромадларини камайтирмайди, бу факат корхона ихтиёрида қоладиган даромадларга салбий таъсир курсатади.

Аҳоли даромадларига кушилган қиймат ва бошқа билвосита солиқлар салбий таъсир курсатади. Бу ерда аҳолини айрим табақаларини ҳисобга олмаган ҳолда даромадларни бюджетга олиш амалга оширилади. Бу турдаги солиқлар жуда киска муддатда амалга оширилгани учун фукороларни, биринчи навбатда кам таъминланганларни турмуш тарзини пасайишига олиб келади. Бундай холатдан кам таъминланганларни бюджетдан туланадиган мақсадли дотациялар ҳам ҳимоя қила олмайдилар.

Аҳоли пулли даромадлари хажмига молиявий таъсир қилишнинг бевосита солиқлар усу ли самаралидир. 90 йиллардан бошлаб мамлакатимизда даромад солиқининг прогрессив ставкалари кулланилмокда.

Прогрессив ставкалар аҳолини куп қисми учун ишлаб чиқаришни усиши ва сифатини яхшиланишига нисбатан тез суратда табиий равишда даромад олишини чеклаш асосида курилган. Бу принципни мувофаккиятли амалга ошириш учун давлат даромадларни шундай нуктасини топиш керакки,- шу нуктадан аҳоли даромадларига солинадиган солиқ прогрессив равишда бўлсин. Бу қонунни бузилиши солиқ. тўлашдан оммавий равишда кочишга, юқори даражадаги даромад олишга интилишни сусайтиради иқтисодий ривожланган мамлакатларни тажрибасини ўрганиб таниқли Америкалик иқтисодчи А Леффер, гарбда «таклиф иқтисодий» нинг автори, юқоридаги хулосага келди.

Амалдаги аҳоли даромадларидан солиқ. олиш учун пул даромадлари, мех,нат учун олинган рағбатлантиришда ёки тадбиркорлик натижасида олинган даромадлар бўлиши мумкин. Шунинг билан бирга бозор иқтисодиёти шароитида молиявий таъсир к,илиш доирасига девидентлар, процентлар, кимматбахо қоғозларга қилинган инвестициядан олинадиган хар хил даромадлар киради. Бу санаб утилган даромадларини мамлакатимизда айримларини солиқлардан озод этилганлиги, солиқ муносабатларининг ривожланмаганлигидан дарак беради.

Солиқлардан ташқари аҳолининги турмуш даражасига таъсир курсатадиган мухим кўрсаткичлардан бири бу умумистеъмол фондидир. Улар аҳолига бепул хизматлар кўрсатиш, пулли тўловлар тўлаш ва хар хил имтиёзлар бериш билан шугулланади. Умумистеъмол фондлари давлат социал сохада берадиган констнцион хуқуқ ва кафолатларни амалга оширилиши

молиявий база сифатида юзага чикаради. Бу фондлар томонидан таксимланадиган бойликларнинг хусусияти унинг аҳолини аниқ гурухлари истеъмолини кондиришга каратилганлиги ва социал хизматларпинг тури, хажми ва мақсадли бўлишидадир.

Солиқлар орқали тартибга солишдан фаркли ижтимоий истеъмол фондлари механизми фукаролар истеъмол харажатлари таркибига аҳоли турли табақалари холатларини тенглаштириш мақсадида таъсир кўрсатишга имкон беради. Ижтимоий истеъмол фондларидан тўловлар ва имтиёзлар микдори нафақат жами истеъмол фондининг мухим таркибий қисми ҳисобланади, балки

... Ижтимоий прогресс ривожланишнинг икки шаклда - революцион еки эволюцион бўлиши мумкин. Инсониятга паст ижтимоий-иқтисодий формациялардан юқориларига революцион утишнинг куп мисоллари маълум. Буржуа ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳам революцион йўл билан қарор топган холлар ҳам учрайди. Капиталистик жамиятда ҳам революциялардан холи эмас. Революцион холатларни шакллантириш ва революцион ўзгаришларни амалга оширишда молия мухим рол уйнайди.

2.Суғурта тизими орцали ижтимоий ҳимоя қилиш усуллари.

Ўзбекистонда суғурта ишини ривожлантиришда давлат алохида ташаббус курсатиб, 1993 йилда Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этди. Вазирлар. Махкамаси 1994 йил 31 декабр 615 сонли қарори билан суғурта бадаллари сифатида иш ҳақи жамғармасидан 32,5 фоиз микдорда утказиш белгиланган.

Республикамизда иқтисодий ислохатлар хаётимизга чукур сингиб бормокда. Бозор муносабатлари самаралий кун сайин ёркинрок кузга ташланмокда. Бирок, бу жараён уз-узидан ва осон кечаётгани йук. Шунинг учун ҳам утиш даврида фуқарорларнинг ижтимоий, мехнат хуқуқлари турлича бузулишларнинг олдини олиш касаба уюшмаларининг диккат марказида бўлиши керак. Ижтимоий таъминот давлатнинг вазифаси бўлиб, у жамиятнинг мехнатга яроксиз аъзолари турмуш даражасини кўтаришга каратилган ижтимоий истеъмол жамғармаси орқали амалга оширилишини очик- ойдан маълумдир.

Ана шу вазифани бажариш мақсадида 1994 йилда 28 августида Республика Президентининг "Кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш чоралари тўғрисида"ги фармон эълон қилинганди.

Унда Республика ва маҳаллий бюджетлар маблағларидан кам даромадли оилаларга энг кам иш ҳаққининг 1,5 да 3 баробаригача хажмда моддий ёрдам курсатиб бериш кузда тутилган.

Суғурта тизими орқали ижтимоий ҳимоя қилиш усуллари.

Дунёдаги мамлакатларшшг аҳолиии ижтимоий мухофаза этишда ижтимоий суғурта жамғармаларини урни мухим бўлиб, фукорорларига моддий ёрдам кўрсатишда, уларни икгисодий эхтиёжларини кондирилиб боришда катта хисса кушиб келмокда.

Республикада ижтимоий бўйича кафолатларни руёбга чиқариш мақсадидаҳамда ижтимоий таъминот тизими маблағларидан самарали фойдаланиш учун назаротни амалга оширишни кузлаб Республика Вазирлар Махкамаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг 1993

йил 1 августдан 391-сонли қарорига мувофик собик пенсия фондининг Республика бўлими асосида бошқарув органи Вазирлар Махкамаси хузурида Ижтимоий Суғурта жамғармаси ташкил этилди.

Умуман, давлат ижтимоий суғурта жамғармаси қуйидаги манбалардан шаклланади:

1. Турли мулк шаклидаги корхоналар, ташкилот, муассасалари фондга утказадиган бадаллари;
2. Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахслар тулайдиган бадаллар ҳисобидан;
3. Жисмоний ва юридик шахслар тулайдиган маблағлар;
4. Санатория, дам олиш уйларига путёвкаларни сотишдан келган маблағлар;
5. Давлат бюджети маблағларидан;
6. Бошқа турдаги маблағлардан келиб тушадиган молиявий маблағлари ҳисобидан ижтимоий суғурта жамғармаси ташки л этилади.

Ижтимоий суғурта қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ⇨ пенсия таъминоти, хомиладорлик ва фарзанд кўрганда вақтинча мехнатга лаёкитли бўлмаганда бериладиган маблағларни тўлаш учун маблағларни туплаш;
- ⇨ жамғарма маблағлари ҳисобидан давлат пенсиялари ва нафақалари билан таъминлаш;
- ⇨ жамғарма маблағларини тўғри сарф этилиши устидан назоратни урнатиш;
- ⇨ жамғарма фаолиятида, шу жумладан, жамрарма бюджетининг ижросини х,ар йили эълон қилиш билан молиявий ошкораликни амалга ошириш.

Республика ижтимоий суғурта бюджети даромадининг 28 фоизини туланадиган бадаллари ташкил этади, қолган даромадлари путёвкаларни қисмаи пулини тўлашдан тушадиган маблағалрдан, ҳамда бошқа пул тушимларидан ташкил топади. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий суғурта бюджети харажатлари таркибида нафақалар 78 фоизни, санаторий, курорт ва болаларни согломлаштириш харажатлари 19 фоиз маблағ, ижтимоий суғурта сохасида ишловчи ходимларни иш жойларини штатлар билан таъминлаш учун 1 фоиз маблар сарфланади.

3.Ижтимоий ислохотларини олиб боришнинг молиявий дастаклари.

Молия жамият тараққиётининг объектив ва субъектив шарт-шароитларининг ривожланишига кумаклашади. Унинг таъсири саноатда, кишлок хўжалигида, курилишда ва ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқларида усиш суръатини кучайтиришга ва технологияларни янгиланишига туртки бериши, корхоналар, иқтисодиетнинг янги тармоқлари ва қуйи тармоқлари курилишида бевосита катнашиши орқали амалга ошади. Молия илмий изланишларни олиб бориш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун замин яратади. У жамиятнинг асосий ишлаб чикарувчи кучи-унинг ишчиларини шакллантиришда ва сифатий ўзгартиришда иштирок этади. Бундай иштирок кадрлар тайерлаш жараенининг амал қилишини ва

мукаммаллаштириб борилишини, ишчиларнинг ижтимоий, тиббий ва нафақа билан таъминланишини молиявий таъминлаш.

Молия ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишининг тезлашишига, ижтимоий ишлаб чиқариш таркибининг ўзгаришига, унинг концентрациялашинининг кучайишига ва сармояларнинг марказлаштирилишига таъсир этади. Иш кучи янги холатга киради: унинг малакаси, таркиби, эхтиежи узтаради. Ишлаб чиқариш сохасидаги ва унинг мутахассислар билан таъминланишидаги бу ўзгаришлар молиянинг ишлаб чиқариш кучлари томонидан шундай даражага эришишига кумаклашишини билдирадики, бунда инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий хаетининг ижтимоий шаклларининг бошқа ташкилий куринишларига утиши аниқдир.

Бундай утишга моддий заминни тайерлаш билан бирга молия ижтимоий тараққиёт субъектив омилларининг етилишини таъминлайди. Биринчи уринда бу таъсир жамиятнинг янги холатга утишини амалга оширишга ва эришилган натижаларни сақлаб қолишга каратилган кучлар узлигини англашининг ва уйгунлашишининг ортишида уз аксини топади. Бу асосан солиқ тизимининг демократиялаш сохасида, бюджет харажатларини ихчамлаштиришда, ижтимоий ва тиббий суғуртанинг ривожланишида, нафақа билан таъминланиш ва хоказоларда талабларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараенида руй беради. Мос келувчи молиявий шаклларни урнатиш учуй кураш кучларни уйгунлаштиради ва уларнинг харакатини ижтимоий хаетнинг янги ташкилий шаклларига йуналтиради.

Молия янги сиесий харакатлар ва фирка (партия)ларнинг вужудга келишига замин яратади, уларнинг ижтимоий хаетда, мамлакатнинг ижтимоий тараққиётий ислох қилинишида самарали катнашишини таъмннлайди. Хар бир фиркага молиявий база керак, негаки фирка узининг ташкилий бирлигинн мустахкамлаш, узинин дастурий қарашларининг хар хил ижтимоий гурухлар ва ижтимоий харакатлар уртасида кенг ейилиши мақсадида даромадлар ва харажатлар тизимини куллайди.

Жамият тараққиётининг объектив ва субъектив омилларини тайерлашдан ташқари, молия ривожлаиш жараенини тезлаштирувчи зиддиятларнинг (иқтисодий, ижтимоий ва сиесий) кескинлашишида мухим рол уйнайди. Ижтимоий хаетнинг ҳамма соҳаларида прогрессив ходисаларнинг вужудга келиши ва ривожланишига объектив таъсир курсатиб, молия иқтисодиет ва давлат ташкилий таркибларининг тўлиқ автоматик равишда ислох қилинишини еки нобуд бўлишини, хокимиятнинг бошқа ижтимоий кучларга еки фиркаларга утишини таъминламайди. Ана шу асосда янги зиддиятлар вужудга келади ва эскилари кескинлашади.

Ижтимоий тараққиёт - бу ижтимоий хаетни радикал кайта тузишга каратилган сиесий, иқтисодий ва ижтимоий тадбирларнинг маълум йигиндиси ва янада мукаммал ижтимоий-иқтисодий тизим томонидан талабанинг мустахкамланишидир. Ижтимоий тараққиёт давридаги иқтисодий ўзгаришларнинг мухим элементи сифатида хркимият тепасига келган сиесий кучлар фаолиятининг молиявий дастури ҳисобланади. Бу молиявий дастур янги сиесий ускуртманинг мустахкам молиявий негизини яратишга

каратилганки, бу негиз нафақат шакллантирилаетган давлат тузилишининг амал қилишини, балки хокимият тепасига келган сиесий кучларнинг ижтимоий хаетнинг барча соҳаларидаги ижтимоий тараққиётий тадбирларини молиялашни таъминлайди.

Ижтимоий тараққиётнинг молиявий дастури мамлакат хаетининг иқтисодий асосини радикал кайта куришни таъминлаши керак. Бунинг учун дастурда молия сохасидаги шундай ўзгаришларни эътиборга олиш зарурки, улар прогрессив иқтисодий шаклларнинг, илгор укладларнинг тезкор ривожланишиии, ишлаб чиқариш муносабатларининг янги эхтиежларга карама-карши, самарасиз элементларининг йуқолиб кетишига туртки берадиган молиявий иклимнинг шаклланишига имконият ярата олеин. Мазкур дастур жамият хаетини тубдан кайта куришга уз улушини кушиш истагини билдирган жамият ҳамма қатламларннинг эркин ва махсулдор ривожланишиии таъминлаш борасада жамият ижтимоии тузилишини кайта ташкил этишга каратилган.

Ижтимоий тараққиёт молиявий дастурнинг мазмуни унинг мохияти, ижтимоий тараққиётининг тарихий тури, ижтимонй тараққиётий утпш давридаги иқтисоднй ўзгаришлар тизимида молиявий тадбирларкинг мухим урни билан белгиланади.

Жамият хаетининг молиявий томони галаба козонган ижтимоий тараққиётий кучлар кулида ижтимоий хаетнинг барча соҳаларидаги туб ўзгаришларнинг кучли дастаги (ричаги) ҳисобланади. Бунда дастурнинг баъзи коидалари бошланғич молиявий-иқтисодий шарт-шароитларга, ижтимоий тараққиёт амалга оширилаетган муайян молиявий вазиятга (молиявий танглик (кризис), эски сиёсий режим молиявий холатининг нисбатан макбўллиги ва бошқалар) боғлиқ ҳолда ўзгартирилади.

Ижтимоий тараққиётнинг молиявий дастури молия тизимини катьий демократиялашга каратилган. Ижтимоий тараққиётнинг кечишида солиқ сиесати ва давлат бюджети харажатларида глобал ўзгаришлар кузда тутилади; маҳаллий бюджетларнинг мустахкамланиши ва ривожланиши, давлат кредита сохасида муносабатларнинг тартибланиши, давлат корхоналари молиясининг демократияланиши юз беради; мол-мулк суғурта тизими барча ҳалқ хўжалиги тармоқлари ва мулк шаклларига оид хўжалик ташкилотлари талабларига хизмат кўрсатишга каратилади, мехнаткашлар манфаати йўлида ижтимоий ва пенсия суғуртаси тизими ривожланади.

Солиқ сиёсати жамиятнинг бадавлат қатламлари даромадларининг шаклланишида суғурта тизими орқали ижтимоий ҳимоя қилиш усуллари купрок катнашишини ва аҳолининг ночор гурухларига маълум имтиез (енгиллик)лар беришини таъминлаш борасида кайта куриб чиқилади. Мунтазам солиқ тушумларининг етишмовчилиги холларида фавкулодда солиқларни куллаш мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Молиянинг жамиятдаги ўзгаришлар объектив ва субъектив шарт-шароитларининг ривожланишига таъсири?

2. Молиянинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий таъминот усуллари?
3. Ижтимоий ислоҳотларни олиб боришнинг молиявий дастаклари?
4. Фан-техника тараққиёти муаммоларини ҳал этишда молиянинг роли?
5. Экологик муаммоларни ҳал этишда молиянинг роли?
6. Молиянинг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдаги роли?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
2. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
3. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
4. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.
5. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.
6. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
7. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
8. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.
9. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
10. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.
11. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
12. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
13. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.
14. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
15. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.
16. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.

17. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
18. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
19. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.
20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
2. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
3. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,- 160с.
4. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. - 180с.
5. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. - 325с.
6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.
7. Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

19-мавзу: Молиянинг иқтисодиётга таъмири.

Режа:

1. Молия механизмининг иқтисодиётга таъсир этишининг асосий йўналишлари.
2. Солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантиришдаги роли.
3. Бюджет маблағларида фойдаланишнинг иқтисодиё тни тартибга солиш ва ривожлантиришдаги аҳамияти.
4. Ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришда суғуртанинг роли.

Таянч иборалар:

- **Молия механизмининг таркибий бўғинлари;**
- **Молия механизими амал қилиши самарадорлиги;**
- **Солиқ меҳанизми;**
- **Солиқларнинг фискал функцияси ва солиқ оғирлигини енгиллаштириш;**
- **Бюджетдан молиялаштириш имкониятлари ва хусусиятлари;**
- **Таваккалчилик турлари ва уни мухофаза этиш усуллари;**
- **Иқтисодиётни тартибга солиш ва бошқаришда молиявий меъёрлар.**

1. Молия меҳанизмининг иқтисодиётга таъсиир этишининг асосий йўналишлари.

Молия механизми пул маблағларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш учун ўз ичигга кенг моддий жихатдан рағбатлантирадиган таркибий қисмларни олади. Улар даромаддан ушлаб қолинган маблағлар, пул маблағларининг фондлари, тўловлар ва солиқларни миқдорий аниқлаш усулларидир.

Молия сиёсатини амалга ошириш ва ҳаётга тадбиқ қилиш учун молия механизми қўлланилади. Молиявий механизмнинг мохияти, жамият томонидан иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантиришни таъминлаш мақсадида молиявий алоқаларни ташкил этиш усуллри билан ифодаланади. Молиявий механизм, молиявий алоқаларни тури, шакли, уларнинг ташкилий ва миқдорий белгилаш усулларини ўз ичига олади.

1-схема

Хўжалик механизми

Баҳо меҳанизми	**Молия механизми**	**Кредит механизми**	**Ривожлантириш ва прогнозлаштириш механизми**	**Таъминот механизми**

Молиявий механизм-бу хўжалик механизмининг бир қисми бўлиб, усуллар ва шақиллар мажмуи билан тақсимлаш ва қайта тақсимлаш

муносабатларини кенг амалга оширишни таъминлашдир, даромадлар ва жамғармаларни ташкил қилиш, марказлашган ва марказлашмаган пул фондларни тузиш ва фойдаланишдир.

Ишлаб чиқариш шақиллари орқали молия механизми мазмуни очилади. Молия механизмининг харакати давлатнинг иқтисодий фаолияти ва ишлаб чиқаришнинг режали ташкил этишда ифодаланади. Шу билан бирга молия механизми қайта ишлаб чиқаришнинг муносабатларида катта ахамиятга эга бўлган элемент ҳисобланади ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим мақсадига эришиш учун ёрдам бериб, жамиятнинг ўсиб бораётган маънавий ва моддий эхтиёжини тўлиқ қондиришга имкон яратади.

Молия механизми тушунчаси **субъектив** тушунча бўлиб, ва объектив мавжуд бўлган молия муносабатларини маълум шақиллар ва усуллар ёрдамида ташкил қилиш натижасидир.

Молия механизми молиявий муносабатларнинг ташкил қилишнинг турлари, шақиллари ва усуллари, уларни миқдор жиҳатдан аниқлаш йўлларини ўз ичига олади.

Молия механизми структураси анча мураккаб бўлиб, унга турли молиявий муносабатларга иос элементлар киради.

Давлат ўзининг ижро қонун чиқарувчи органлари орқали:

- қтисодий қонунлар таъсирини чуқур ўрганиш;
- молиянинг ривожланиш қонунларини ўрганиш;
- иқтисодий ва молиявий сиёсат вазифаларини ўрганиш;

асосида ижтимоий махсулот ва миллий даромадни тақсимлаш усулларини қўллайди, пул жамғармаларини шақилларини белгилайди, тўлов ва ажратмалар турларини ишлаб чиқади, давлат молиявий ресурслардан фойдаланиш йўллари ва принципларини ишлаб чиқади.

Молия механизми ўз ичига қуйидаги таркибий қисмларни олади.

2-схема.



Молия кўрсаткичлар- бу корхонани фаолиятини ҳар томонлама таърифлашга, пул фондларининг ва жамғармаларини яратиш ва сарфлашни таърифлайдиган режали, ҳисоботли ва ҳисоб-китобда ишлатиладиган кўрсатгичлардир.

Молиявий режалаштириш ва молиявий прогнозлаштириш-хўжалик режасини бир қисми ва молия меҳанизмини асосий қисми бўлиб, пул маблағларини яратиш , тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ва фойдаланишни режали равишда бошқаришдир. Молиявий режалаштриш иқтисодий пропорционал ва балансни ривожлантиришга йўналтририлган ва умумий ҳалқ хўжалигини комплекслар фаолиятини ҳамма бўғинларини координаталаштириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни юқори ўсиш суратини таъминлаш ва ҳалқни моддий фаровонлигини тўхтовсиз ўсиб боришига қаратилган чора-тадбирлардир.

Молиявий бошқариш-бу субъектларни молиявий муносабатлар тузилган тартиб орқали амалга оширилади ва улар тарихий, иқтисодий ва сиёсий шартлар билан таъминлабдавлат сиёсатига бўйсинади.

Молиявий ричаклар ва рағбатлантириш дастаклари –уларга фойдани тақсимлаш усуллари, солиқлар, турли фондларга тўловлар, санкциялар, жарималар пул маблағлари фондлари, фондларни ва тўловларни миқдорий тўловларни аниқлаш усуллари киради.

Молиявий резервлар - деб, кутилмаган ҳодисалар ва махсус эхтиёжларни таъминлаш учун давлат бошқариш органларида, корхоналарда йиғиладиган пул маблағларига айтилади.

Молия механизмининг соҳа ва бўғинлари мураккаблик даражаси билан ва айрим элементларини сертармоқлиги билан ажралади.

Масалан: бюджет механизми:

-солиқ турларининг кўплиги;

-уларни ундириш усулларни турли-туманлиги;

-молиялагтириш усулларининг турличалиги;

-бюджет маблағларидан фойдаланишнинг кўп йўналишлари мавжудлиги билан характерланади.

Корхона молия механизми орқали эса:

-корхона пул жамғармалари шақиллари белгиланади;

-фойда ва даромадлар тақсимланади.

-молиявий ресурслар жалб қилади;

-турли мақсадли фондлар тузилади ва улардан фойдаланиш таъминланади.

Молия механизмининг ҳар-бир соҳа ва алоҳида бўғини бир бутуннинг таркибий қисми. Улар ўзаро боғлиқдир ва ўзаро қарам. Шу билан бирга, соҳалар ва бўғинлар бир-бирига нисбатан мустақил фаолият қилади. Бу шарт молия механизмининг доими таркибини мослаштиришга зарурият туғдиради. Молия механизмининг таркибий қисмларини ички боғликлигини уни амалий таъсирини муҳим шартидир.

Моливий механизм элементлар таркибида:

-фондлар ва тўловларни миқдор жиҳатдан аниқлаш усуллар қисми энг ҳаракатчан ва тез ўзгарувчан бўлиб,улар ишлаб чиқариш шарт-шароитлри-нинг ўзгаришига қараб тез-тез ўзгариб,корректировка қилиниб туради.

Масалан,пул маблағлари фондларининг шакллари ўзгармаган ҳолда, фойдани

Тақсимлаш усуллари бир неча бор ўзгаради.(қолдикларни таксимлаш усуллари ва норматив усули).

Солиқ турлари узгармагани ҳолда, уларни ставкалари, улар бўйича имтиёзлар, санкция ва жарима каби жазо чоралари иқтисодий талаблари бозор талабларига кўра тез-тез қайта қурилиб,ўзгариб туради.

Ҳар бир давлат молиявий меҳанизмни ташкил этар экан у албатта бу механизмнинг у ёки бу даврдаги молия сиёсатига мос туширишга интилади. Бу эса ўз навбатида шу молиявий сиёсат олдига қўйилган мақсад ва вазифаларнинг амалга ошиши гарови ҳисобланади. Ҳар доим ҳам молия механизми ва унинг элементларининг шахс ва жамият манфаатларига мос келтиришга интилади. Юқоридагиларни ўзаро мос келиши ўз навбатида молиявий механизмнинг самаралигини таъминлайди. Давлат даромадини жалб этиш усуллари.

Давлат ва давлат корхоналари ихтиёридаги молиявий ресурслари шақиллантириш билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатлар йиғиндисига давлат даромадлари дейилади.

Давлат ихтиёрида шақилланаётган молиявий ресурслар мажмуаси марказлашган пул ресурслари ва давлат корхоналари иҳтиёридагилар эса, марказлашмаган пул фондларидир. Марказлашган давлат даромадлари асосан солиқлардан, ажратмадлардан ва ташқи иқтисодий фаолият даромадларидан ташкил топади. Корхоналар ўзларининг даромад ва жамғармаларида шақилланаётган молия ресурслари йиғиндиси марказлашмаган пул даромадларини ташкил этади.

Давлат даромадларини иккига бўлишдан мақсад, ҳозирда умумдавлат ва жамоа истеъмолларини қоплаш ҳамда малга оширилишини назорат қилиш билан боғлиқдир.

2. Солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантиришдаги роли.

Давлат молиясининг ассосий даромад манбаи бўлиб, миллий даромад ҳисобланади. Аммо, айрим ҳолларда яъни бехостан уруш табиий офат ва пайтида давлат даромади манбаи бўлиб олдин жамғарилган миллий бойликлар

(олтин захира, пуллик хусусийлаштириш) ҳам бўлиши мумкин. Давлат даромадига молиявий ресурслар жалб этиши шартли ҳолатда учта гаруҳга бўлиш мумкин.

1. Маҳаллий ва республика солиқлари ҳамда солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўловлар.
2. Давлат заёмлари.
3. Қоғоз пулларни эмиссия қилиш.

Давлат даромадлари тизимида марказий молиявий манба бўлиб, солиқлар хизмат қилади.солиқлар бюджет билан бирга, бир қаторда нобюджет фондларининг хам даромад манбаи ҳисобланади. Солиқ турлари, бюджетга таълуқли махсусқонун билан тасдиқланиб хаётга тадбиқ этилади. Солиқлар асосан фискал, иқтисодий ва социал ахамиятини касб этади. Хукуматга керак бўлган молия ресурсларини етиштириб бериш билан солиқлар фискал функциясини касб этса, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида айрим тармоқлар иқтисодига молик имтиёзларини бериш билан иқтисодий йўналиши касб этилади ва нихоят кам даромадли аҳолини солиқлардан озод қилиш ҳисобига ижтимоий вазифалар ҳал этилади.

Давлат даромадини давлат заёмлари орқали таъминлаш нафақат бюджет камоматини молиялаштиршга балки, ранг-баранг капитал харажатларига иқтисодиётнинг давлат секторига йўналтирилади. Давлат заёмларидан фойдаланишга асосан танглик даврларида кенг ёндашилади, айрим холларда эса , унинг миқдори солиқларга нисбатан ҳам ошиб кетиши мумкин, чунки солиқлар сонини ва ставкаларини оширишга қаршилик кўрсатади.

Давлат даромадига молиявий ресурсларни эмиссия ҳисобига жалб қилиш энг ноилож пайтларда амалга оширилади. қачонки солиқлардан тушадиган даромадлар ва заёмлар давлат харажатларини қоплай олмаса, яъни молиявий бозорда давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш имконияти бўлмаган тақдирда қоғоз пуллар эмиссия қилинади. қоғоз пкллар эмиссияси қачонки хўжалик субектлари ишлаб чиқариш обороти билан боғлиқ бўлган тақдирда иқтисодий самара беради.

Агарда бюджет камоматини қоплаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш мақсадида қоғоз пул эмиссияси амалга оширилса, миллий валютани қадирсизланиш жараёни тез суратлар билан кўтарилади. Провардида даромадни чекланган аҳоли қатлами бундан катта молиявий азият чекади.

3. Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг иқтисодиёт ни тартибга солиш ва ривожлантиршдаги аҳамияти.

Марказлашган ва марказлашмаган давлат даромадларини фойдаланиш билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатларга давлат харажатлари дейилади.

Давлат харажатларининг хусусиятли томони давлат соҳалари молиявий ресурслар билан таъминлаш тадбирлари ила ажралиб туради давлат харажатларининг мазмуни, хусусияти бевосита давлатнинг иқтисодий,

ижтисоий, сиёсий экологик, бошқарув ва мудофаа функциялари билан боғлиқдир.

Мустақилликка эришилгандан сўнг давлат харажатларининг салмоқли қисми аҳолини ижтимоий-иқтисодий талабларини қондиришга йўналтирилмоқда. Бугунги кунда мазкур соҳанинг 3.4 қисмини давлат бюджети ва нобюджет фондлар ҳисобига молиялаштирш амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда нодавлат секторидаги корхоналар ўз даромадларини бир қисмини ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий маданий тадбирларга йўналтирилса, уларга нисбатан давлат иқтисодий рағбатлантириш усулларини қўлламоқда.

Давлат харажатлари ичида тармоқлар иқтисодийи иқтисодий ривожлантиришда ҳам тубан ўзгаришлар содир бўлди. Иқтисодиётни экстенсив ривожлантиришдан мос кечиб интенсив ривожлантиришга ўтилди. Фақат айрим холларда, агарда умумжамият учун устивор ахамиятга эга бўлган тақдирдагина, қурилишларига давлат маблағлари харажат қилинмоқда. Аксарият харажатлар олдин бошланган қурилишларни нихоясига етказишга сарфланмоқда.

Давлат харажатларининг маълам бир қисмини давлат бошқаруви ва мудофаа харажатлари ташкил этади. Аммо, молия сиёсатининг асосий йўналиши ушбу йўналишларга давлат харажатларининг босқичма-босқич қисқартиришидир ва йўналтирилаётган маблағлардан ҳам оқилона фойдаланишдир. Зеро, мудофаа харажатларини камайтириш айрим холларда давлат компенсиясида бўлмасада, лекин бошқарув харажатларини камайтиш давлат ихтиёридадир. Бунга ёрқин далил бўлиб, 1999 бюджет йили бошидан бошқарув харажатларини карийб 30% га қисқартириш кўзда тутилган.

Давлатни ўз иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий функцияларини амалга оширишга зарур бўлган пул маблағлар билан таъминлаш учун белгиланган давлат молиялари, давлат молия тизимини муҳим соҳаларидан биридир. Иқтисодий мохияти бўйича давлат молиялари-бу ижтимоий махсулотни қийматини ва қисман миллий бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабати билан, давлат ва унинг корхоналари ихтиёрида бўлган молиявий ресурсларни ташкил этиш, ва давлат маблағларини кенгайтирилган ишлаб чиқариш харажатларига, жамиятни ўсиб бораётган ижтимоий ва маданий талабларини қондиришга, давлатни ҳимоя қилиш ва бошқаришга сарфлаш билан боғлиқ бўлган пул муносабатларидир. Ёки давлат молиялари -давлат орқали вужудга келган пул муносабатларининг мажмуи бўлиб, улар жараёнларида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларини бажариш учун, пул маблағларининг фондларини тузиш ва фойдаланишни амалга оширадилар.

Давлат, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, аҳоли бу сохадаги пул муносабатларини субъектларидир.

Давлат молиясининг бўғинлари: давлат бюджети: бюджетдан ташқари фондлар: давлат корхоналари молияси: давлат кредит. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Бозор шароитида ялпи ички махсулот ва милий даромад қийматини давлат молияси бўғинлари ўртасида тақсимлаш нисбатларининг ўзгариши. Давлат молиясининг ижтимоий ишлаб чиқаришга таъсири.

Давлат молияларини иқтисодий мазмуни бир-ҳел эмас, улар таркибида алоҳида ажралган бўғинлар мавжуд ва хар-бири ўзига функцияларни бажаради. Давлат молияларини таркибига қуйидагилар киради:

- Давлат бошқарувининг турли даражадаги бюджетлари;
- Бюджетдан ташқари фондлар;
- Давлат кредити;
- Давлат корхоналарининг молияси;

Юқоридаги бўғинларини функционал йўналишлари турли бўлганлиги учун, давлат, тармоқ ва территориал муаммоларни ҳал этишда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларидаги кенг спектларига ўз таъсирини кўрсатади.

Агар, моиявий муносабатларни гурухланишда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларини давлат бошқарувини даражасига асосланса, Ўзбекистон Республикасини Давлат молиясини қуйидаги тузилишда кўришимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг давлат молияси

Давлат бюджети	**Бюджетдан ташқари мақсадли фондлар**	**Давлат кредити**	**Давла корхоналари молияси**

Давлат молиялари таркибида республика ва маҳаллий даражада ташкил этилаётган бюджетни ўзаро боғликлари муҳим аҳамиятга эга. Бюджет муносабатлари ёрдамида давлат тузмлари ихтиёрида молиявий усуллари билан қайта тақсимланаётган миллий даромадни асосий қисми йиғилади. Турли даражадаги бюджетлар-республика, маҳаллий, ҳар-бир ўзига тегишли равишда тегишли равишда республика ва маҳаллийхукумат бошқарув органларининг фаолиятини молиявий баъзасидир. Бозор ислоҳотлари (реформалари) шароитида бу бюджетлар ўзаро боғланган. Бюджет даромадлари ва харажатлар таркибидаги хар-бир даражасини белгиланиши республика вамаҳаллий давлат хукумат бошқарув органларининг орасидаги функцияларини бир-биридан чегараланишига боғлиқ.

Давлат умумий функцияларини амалга ошириш учун республика бюджетини ташкил этади. Республика бюджетини бутун республика миқёсида ижтимоий вазифаларини тўғри ҳал этишга мухим ахамиятга эга. Унинг ресурсларини мақсади макроиқтисодий даражада ўз функцияларини бажариш учун боғлиқ бўлган давлат харажатларини молиялаштиришдир. Ҳамда уни ёрдамида иқтисодиётни барқарорлаш ижтимоий соҳани йўналтирилган умумдавлат чора-тадбирларини амалга оширилишини таъминланади.

Бюджет муносабатларини тизимида маҳаллий бюджетларга мухим ахамият берилмоқда. Улар, иқтисодий жараёнларни тартибга солишда, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда, территория инфраструктурани ташкил этишда, меҳнат ресурсларини қайта ишлаб чиқариш учун молиялаштиришда ва бошқаларда таъсирини кўрсатиб борган сари кўпроқ ишлатилмоқда. Ижтимоий

режаларни амалга оширишда ва ўсиб бораётган ижтимоий харажатларни молиялаштиришда ҳам маҳаллий бюджетлар муҳим аҳамиятга эга.

Давлат молияси таркибида бюджетдан ташқари фондлар алоҳида бугунни ташкил этади.

Уларга:

- Ижтимоий суғурта фонди;
- Пенсия фонди;
- Бандлик фонди ва бошқалар.

Хар-бир даражадаги бюджетдан ташқари фонднинг асосий мақсади -бу айрим мақсадли чора-тадбирларни махсус ажратмалар ва бошқа манбалари эвазига молиялаштиришдир.

Бюджетдан ташқари фонлар функционал мақсадларини вазифаларида каби бошқариш даражасида ҳам ҳилма-ҳилдир.

Давлат кредит муносабатлар корхоналар, ташкилотлар ва аҳолини вақтинча бўш бўлган пул маблағларини олиб, вақтинча давлат хукуматларига давлат харажатларини молиялаштиришни таъминлаш учун фойдаланишга берилганда вужудга келади. Давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини олиниши, молиявий бозорда облигацияларини, хазина мажбуриятларини ва бошқа давлатни қимматли қоғозларини сотиш орқали амалга оширилади. Давлат кредитини асосий шақилларидан- бу зайимлар ва хазина судлари. Иқтисодиётни мустаҳкамлаш ва уни соғломлаштиришда давлат кредити муҳим аҳамиятга эга. Улар ёрдамида молиявий бозорда йиғилган ресурслар иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш талаблврини моиялаштириш учун йўналтирилади. Давлат кредит ресурсларини бюджет камоматини қоплашга ҳам имконият яратади.

Умумдавлат молиялари корхона молиялари билан узвий равишда боғланган. Бир томондан модий ишлаб чиқариш натижасида вужудга келаётган миллий даромад, бюджет даромадларнинг асосий манбаидир. Иккинчи томонидан, кенг такрор ишлаб чиқариш ташкил топилишида фақат корхоналарни ўз маблағларидан эмас, балки умумдавлвт пкл маблағларининг фондларини, бюджет ассигнованиялар шаклида ва банк кредитларидан ҳам фойдаланилади.

4. Ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришда суғуртанинг роли.

Суғурта-ишлаб чиқариш махсулотларининг зарурий элементидир. У ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги моддий зарарларни қоплаш билан боғликдир. Нормал ишлаб чиқариш жараёнининг муҳимшарти унинг узлуксизлиги ва тўхтовсизлиги ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг доимий янгиланиб бориши инсонларнинг барча ижтимоий иқтисодий формацияларида,шу жумладан, ривожланган жамиятда ҳам мавжуд эхтиёжларни қондириш учун зарурдир.

Агарда ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни табиий офатлар ёки бошқа фавқулодда ходисаларнинг (ёнғинлар, портлашлар, эпидемиялар ва бошқалар) салъбий оқибатлари таъсирида тўхтаса ёки бузилса, у ҳолда жамият аввало

турли олдини олиш тадбирларини амалга оширишга мободо уларкўзланган натижани бермаса, у ҳолда етказилган моддий зарарни қоплашга, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришни нормал шароитларини қайта тиклашга мажбур бўлади.

Инсон ва табиий офатлар ўртасидаги қарама -қаршилик билан асосланган ижтимоий ишлаб ишлаб чиқаришни таваккалчилик характери, бирнчи навбатда, табиий ва бошқа оқибатларни одини олиш , бартараф қилиш ва локализация қилиш, ҳамда етказилган зарани сўссиз қоплаш бўйича инсонлар ўртасидаги муносабатларни юзага келтиради. Бу объектив муносабатлар инсонларни эришган хаёт даражасини сақлаб қолишга бўлган реал ва мавжуд эхтиёжини акс эттиради. Мазкур муносабатларни алоҳида хусусиятлар ажратиб туради. Ва улрни йиғиндиси ижтимоий ишлаб чиқаришни суғуртавий ҳимоялаш иқтисодий категориясини ташкил этади.

Суғурта иқтисодий категория сифатида молия категориясининг таркибий қисми ҳисобланади. Аммо,молия тўлалигича даромадларни тақсимлаш билан боғллиқ бўлса, суғурта эса қайта тақсимлаш муносабатларини қамраб олади.

Суғурта тўсатдан олдиндан кўзда тутилмаган ва енгиб бўлмайдиган ҳолатлар, яъни суғурта холатлари эхтимоли вужудлиги билан асосланувчи қайта тақсимлаш пул муносабатлари юзага келади.

Суғуртада кўрилган зарарни суғурта иштирокчилари яъни суғурталанувчилар ўртасида қоплаш амалга оширилади. Зарани бундай қоплаш усули зарар кўрувчи хўжаликлар сони доимо суғурта иштирокчилари сонидан кам бҳлиши эхтимолига асосланади. Айниқса иштирокчилар сони етарлича катта бўлган.

Зарарни бундай қоплашни ташкил қилиш учун йўналтирилган суғурта фонди ташкил қилинади. Бу фонд суғурта иштирокчиларининг бандлари ҳисобидан шақиллантиради. Суғурта фондининг маблағлари фақатгина уни ташкил этган ўртасида ишлатилади, суғурта бандлиги хажми эса хар-бир қатнашчининг зарани қоплашдаги улушни билдиради. Шунинг учн суғурта қатнашчиларининг доирасиқанчалик кенг бўлса, суғурта бандлигининг бандлигинг хажми шунчалик оз ва суғурта хам самарали бўлади. Агарда суғуртада миллионлаб суғурталанувчилар иштирок этса ва юз миллионлаб объектлар суғурталанса у ҳолда, минимал бандлар ҳисобга максимал зарарларни қоплаш имконияти пайдо бўлади.

Суғурта зараларини қоплашни худудий бирлик ва маълум вақт давомида амалга оширишни кўзда тўтади. Бунда йил давомида суғурталанувчи хўжаликлар ўртасида суғурта фондини худудлари бўйича самарали қайта тақсимлаш учун етарлича катта худуд ва етарлича анча суғурталшга тегишли объектлар талаб қилинади. Фақатгина мазкур шартга риоя қилиш билангина катта худудларни қамраб олувчи табиий офатлар етказган зарарларни қоплаш имконини беради.

Зарарни суғурта ёрдамида қоплаш маълум вақт давомида амалга оширилади. Чунки ихтиёрий суғурта муддат билан чегараланади.

Суғурта-бу унинг қатнашчилари ўртасида кўрилиши мумкин бўлган зараларни қоплашга мўлжалланган мақсадли суғурта фондларини бадаллар

ҳисобидан шақиллантириш билан боғлиқ бўлган, қайта тақсимлаш муносабатлар йиғиндисидир.

Суғуртанинг иқтисодий моҳиятига унинг функциялари мос келади.

Улар суғуртанинг молия тизимининг бир бўғини сифатида хусусиятларини ойдинлаштиришнинг ташқи шақиллари ҳисобланади.

Суғуртанинг тўртта функцияси мавжуд:

1. Таваккалчилик.
2. Олдини олиш.
3. Жамғарма.
4. Назорат.

Назорат функциясига мос равишда қонунчилик ва инструктив хужжатлар асосида суғурта амалларини тўғри бажарилиши устидан молиявий суғурта назорати амалга оширилади.

Суғуртани амалга ошириш жараёнида суғурта иштирокчиларининг турлича суғуртавий манфаатларини намоён бўлиши, суғуртага тегишли объектларни турличалиги, суғурта ходисаларининг кенг кўламлиги ва бошқа омиллар билан боғлиқ бўлган мураккаб специфик муносабатлар йиғиндиси юзага келади. Шу муносабат билан у ёки бу конкрет суғурта муносабатларини махсус терминология ёрдамида акс эттириш зарурияти табиийдир. Суғурталовчининг активи -суғурталовчининг пулда ифодаланган мулки (асосий воситалар ва иборатдан ташқари активлар, молиявий қўйилмалар, материаллар, кассадаги пул маблағлари, ҳисоб рақамидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқалар), бухгалтерия балансини бир қисми.

Назорат учун саволлар:

1. Молия механизми амал қилишнинг самарадорлиги?
2. Молия механизминг таркибий бўғинлари фаолиятидаги ўзаро яхлитликнинг зарурлиги?
3. Бюджетдан молиялаштириш амалиётининг ҳозирги замон муаммолари?
4. Иқтисодиётнинг ўтиш даврига хос муаммолар ва рақобат кураши шароитида таваккалчиликни олдини олиш усуллари?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
2. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
3. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
4. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.

5. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.
6. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
7. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
8. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.
9. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
10. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.
11. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
12. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
13. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.
14. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
15. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.
16. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.
17. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
18. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
19. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.
20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
2. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
3. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,-160с.
4. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. - 180с.

5. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. - 325с.
6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.
7. Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

20-Мавзу: Ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда молиянинг роли.

Режа:

1. **Ўзбекитонда ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари.**
2. **Ижтимоий-маданий харажатларнинг аҳамияти, туркумланиши ва ҳозирги замон хусусиятлари.**
3. **Ижтимоий кафолатларни молиявий таъминлаш.**

Таянч иборалар:

- *Ижтимоий сиёсат;*
- ***Ижтимоий мухофаза;***
- ***Ижтимоий таъминот;***
- ***Ижтимоий кафолат;***
- ***Ижтимоий истеъмол фондлари;***
- ***Ижтимоий сугурта;***
- ***Ижтимоий-маданий тадбир харажатлари;***
- ***Ижтимоий -маданий тадбир харажатларини молиялаштириш манбалари;***

1. Ўзбекитонда ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари.

Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидаларидан бири бозор иқтисодиётга ўтишнинг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсатни ўтказишдир. Қолган барча қоидалар ижтимоий вазифаларни ҳал этишга, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сохасида қатъий кафолатни вужудга келтиришга бўйсундиришади.

Тарих сабоғи шундаки, унинг айнан кескин бурилишларида ижтимоий муаммолар ва зиддиятлар ғоят кескинлашади, миллий ва барқарорликка таҳдид солувчи омилга айланади.

Бу ҳол нималар келтириб чиқаради, ўтиш даврида ижтимоий барқарорлик масалаларига алоҳида эътиблор беришнинг қандай муҳим сабаблари бор? «Менинг назаримда, бу сабаблардан энг муҳимлари қуйидагилар:» -дейди Ўзбекистон Республикаси президаенти И. А. Каримов.

Биринчи: Ижтимоий зиддиятлар ўз моҳиятига кўра хамиша сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг харакатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилади. Ўзгаришларнинг қай тарзда ё изчил тажрибий йўл билан бориши, ё бўлмаса, кескин шақилларга кириши: ижтимоий норозиликлар, стихияли портлашлар, хатто фуқоролар урушлари ва инқилоблар тусини олиши тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларнинг қай даражада кескинлигига, хукумрон тузилмаларнинг бу муаммоларни ҳал қила олиши ёки ҳал қила олмаслигига боғлиқ.

Шу сабабли тараққиётнинг ҳамма босқичларида одамларнинг ижтимоий кайфиятларини, ижтимоий муаммоларни назар-писанд қилмаслик барқарорликка ва миллий хавфсизликка катта хавф туғдиради.

Иккинчи: одамларни даъват қилувчи ижтимоий масалаларнинг рўёбга чиқиши жуда муҳим ахамиятга эгадир. Заминимизда яшаётган одамларнинг муносиб ва эркин, фаровон хаётини таъминлаш ҳар-бир киши ҳуқуқ ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун барча зарур шароитларни яратиш-жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш пайтида олдимизга қўяётган ғоят муҳим вазифалардандир. Шу боис эски тоталитар, мафкуравий, буйруқбозлик-тақсимот тузимига ҳамла соҳта тенглик ва меҳнатни қадирлаш учун соғлом негиз бўлмаган ҳар-бир ҳолатга қайтиш биз учун мақбўл эмас.

Агар ўтиш даврида провапд мақсадга эришиш-жамиятни демократлаштириш ва бозор иқтисодиётини рўёбга чиқариш учун айрим босқичларда одамларнинг моддий аҳволи ёмонлашувига олиб келадиган номатлуб, баъзан кескин қарорлар қабўл қилишга тўғри келиши ҳисобга олинса, аҳолини ижтимоий ҳимояланмаган қатламларини қўллаб-қувватлашга доир чоралар кўриш қанчалик аҳамият касб этиши аён бўлиб, қолади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ислоҳотларнинг моҳиятига турларига путур етказиш, ижтимоий адолатни бузиш, ҳокимиятнинг турли поғоналаридаги коррупция аҳолини шундай ҳам танг аҳволини янада оғирлаштириб, жиддий ижтимоий зиддиятларга олиб келиши мумкин.

Бу ҳол ўтмишни қумсаш кайфиятлари уйғониши учун қулай замин яратади, шовинизм ва соҳта ватанпарварликдан тортибто муросасиз социалистик кайфиятдаги турли харакатларгача озиқ берувчи мухит бўлиб, хизмат қилади. Бундай ҳолатда аҳоли ўртасида ижтимоий норозилик кайфиятларининг ғаразли тор сиёсий манфаатларини кўзлаб мутассил қўзғатиб турилиши ҳам фуқоролар тенглигига, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солади.

Учинчи: Кенг кўламдаги узоқ муддатли ислох қилиш жараёнинг дастлабки босқичининг-«Менг энг қийин ижтимоий портлпш хавфи бўлган босқич, деб атаган бўлардим»-дейди И. А. Каримов. Бунинг сабаби шундаки ўтиш даврининг ўзи кўп ҳолларда бир қанча ҳал қилинмаган ижтимоий муаммоларнинг келтириб чиқаради ва шулар заминидаги ларзага соладиган

кучни ўзида сақлаб туради. Шу билан бирга бир сиёсий ва иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш хам янги муаммоларни тўғдириши ва муайян ижтимоий камчиликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Кўп мамлакатларнинг тажрибаси бозор муносабатларига ўтиш силиқ ижтимоий камчиликларсиз осон кечмасликни кўрсатади. Бу объектив жараёндир.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, айниқса истеъмол нархлари ва таърифларнинг «эсанкиратадиган» тарзда куйиб юборилиши ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, тўловлврни амалга оширмаслик билан боғлик тангликнинг кескинлашуви, пул муомиласининг бузилиши кўпчилик янги мустақил давлатларда истеъмол нархларида кескин ўсишига, жамғармаларнингқадирсизланишига, аҳолининг анчагина қисми турмуш даражасини пасайишига, бутунлай ёки қисман ишсизлар сонини ўсишига олиб келди. Бу даврда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган чораларнинг етарли эътибор бермаслик аҳолининг анча қисми қашшоқлашувига, уларнинг люмпенлашувига олиб келиши мумкин. Бир қанча мамлакатларда шундай бўлди ҳам. Маълумки, бундай холат ижтимоий барқарорликни вужудга келтирувчи мухит бўлиб хизмат қилади.

Тўртинчи: ўтиш даврининг кескин ижтимоий муаммоси кўп кишилар учун қарор топган турмуш тарзининг бузилишидан, хаётий мўлжалларни, фикрлаш тарзи, ижтимоий феъл атвор, боқимандалик кайфиятини ўзгаришидан иборат. Ўтиш даврида одамларнинг тафаккур юритиш психологияси ўзгаради, бу эса аёнки ҳамма вақт хам осон кечавермайди.

Собиқ СССР шароитида учдан зиёд авлод вақиллари нафақат хусусий мулкни тан олмайдиган ва мустақил хўжалик фаолият кўникмаларини бермайдиган мафкуравий ақидалар асосида, бадки, устига-устак марказдан туриб тақсимлаш ғоялари, ижтимоий адолат тушунчаси хақидаги сохта тасаввурлар асосида тарбияланган эдилар.

Ўтиш даврида эскича ва янгича фикрлаш ўртасидаги, ўтмиш ва хозирги замоннинг қадирятлар тизими ўртасидаги зиддиятлар янада кескинлашади.

Ҳалқимизнинг маънавий бойликларини жахон свилизацияси энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштирган янги авлодни шақиллантириш бугуннинг энг муҳим вазифасидир. Фақат анашу асосдагина, олдимизга қўйилган юксак мақсадлар барчамиз учун хаётимизнинг мазмунига айланиб қолганлигини миллатни онгли ватанпарварлик рухини юксалтириб, ривожланган илғор мамлакатлар каби тараққиёт йўлидан илдам қадам ташлаш имкони туғилади.

Ҳар ғқандай мамлакатда турли кўринишдаги тенгсизликлар кўпайса ёки уларнинг ўсишга имкон пайдо бўлса, улар ижтимоий барқарорлик учун хавф туғдиради. Ижтимоий муаммоларнинг кескинлиги кимларнингдир камбағаллиги ёки бойлигида эмас балки, ушбу ижтимоий табақалар ўртасида ҳаддан ташқари фарқ пайдо бўлишидадир. Бу эса беихтиёр уларнинг қарама-қаршилигига олиб келади.

Айёнки, агар жамият манфаатлари ва интилишлари мутлақо қарама-қарши бўлган одамлар гуруҳларидан иборат бўлса, ҳамма вақт ижтимоий зиддият хавфи, демакки миллий хавфсизликка таҳдид ҳам мавжуд бўлади. Ижтимоий зиддиятларнинг ҳаддан ташқари кескинлашуви жамият ижтимоий барқарорликнинг барҳам топишига ички можароларга ва ҳатто фуқаролар урушига ҳам олиб бориши мумкин.

Шунинг учун ҳам ўтиш даврида демократик давлатнинг энг муҳим вазифаси ижтимоий зиддиятларнинг кескинлигини камайтиришдан, бу даврнинг муқаррар қийинчиликларини эҳтиёт чоралари ҳисобига юмшатишдан ва одамларнинг янги турмуш шароитларига мослашишни осонлаштиришдан иборат. Аслини олганда, Ўзбекистон амалга ошираётган сиёсатнинг бозор муносабатларига ўтаётган бошқа давлатлар сиёсатидан энг муҳим афзалликларидан бири ҳам шундадир.

Ижтимоий келишувни қандай таъминлаш мумкин, ижтимоий ҳамжихатликка, шу жумладан минтақалараро тотувликка қандай эришиш мумкин, деган мураккаб саволларга жавоб топишга қодир бўлган давлат демократик ва иқтисодий ривожланишга умид боғлаши мумкин.

Ижтимоий бирдамликни таъминлаш - ижтимоий зиддият ва тенгсизликларнинг ўзларини адолатсиз равишда ҳамма нарсадан бебахра бўлиб қолган ёки ҳақ-ҳуқуқлари камситилган деб ҳисобловчи бутун-бутун аҳоли гурухи ва табақалари вужудга келадиган даражага боиб етмаслигига эришиш демакдир.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойилардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборатдир. Бу демократик ва иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг, улар орқага кайтмаслигининг жуда муҳим шарти ва гаровидир.

2.Ижтимоий-маданий харажатларнинг аҳамияти, туркумланиши ва ҳозирги замон хусусиятлари.

Ишончлн ижтимоий кафолатлари ва аҳолиии ижтимоий ҳимоялаш чораларини таъминлаш бозор ўзгаришларшшнг ҳамма босқичлари орқали ўтади ва жамиятимизни янгилашдан иборат ғоят кенг жараённинг бошқа йўналишларини ҳам қамраб олади.

Фукароларнинг мехнат қилиш борасидаги конституциявий хуқуқларини
Ижтимоий ҳимоялашнинг мақсадли ва аниқ йуналтирилганлиги
Аҳолининг кувватлаш ижтимоий жихатдан энг мухтож табақаларини куллаб
Иктисодий жихатдан фаоли аҳоли мехнатини рағбатлантириш
Реал мехнат бозорини шакллантириш
Ижтимоий соха, соғликни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, илм-

фаннинг мушкул ахволга тушяб қолишига йўл қўймаслик

Бозор муносабатларини шакллантнришнинг турли босқичларида Ўзбекистон ижтимоий сиёсатнинг асосий йуналишлари

Схема III.

Кўрсаткичлар		1997 й	%	1998 й	%	1999 й	%
I	Мақсадсиз пул фондлари харажатлари жами	317756,2	100	437769,5	100	601899,4	100
1	Ижтимоий - маданий тадбир харажатлари жами	108430,3	34,8	152554,7	34,8	223209,2	37,1
А	Маориф харажатлари	67013,0	61,8	93444,9	61,2	143008,1	64,1
Б	Соғликни сақлаш ва жисмоний тарбия	32030,0	20,5	43352,6	28,4	58000	26
в	Маданият, фан, оммавий ахборот воситалари харажатлари	7454,5 .	6,8	11488,4	7,5	17400	7,8
г	Ижтимоий таъминот харажатлари	1932,8	1,7	3502,2	2,3	4801,1	2,1
2	Аҳолини ижтимоий ҳимоя тадбир харажатлари	40000,6	12,6	46505,3	10,6	65006,6	10,8
	Бахолар ўрганишдаги фарқни бюджетдан қоплаш	7907,9	19,8	8990,2	19,3	19344,2	29,8
б	Кам таъминланган ва ёш болаларга нафақа	32092,7	80,2	37515,1	80,7	45662,4	70,2
3	Ҳалқ хўжалик харажатлари	28225,3	8,9	47315,2	10,8	65453,8	10,8
4	Марказл ашган инвестиц ияни молиялаштириш харажатлари	60000,0	18,8	90000	20,5	136000	22,6
5	Геология разведка пшлари	4100,0	1,2				
6	Давлатни бошқариш харажатлари	5000,0	1,6	8000	1,8	13000	2,1
7	Вазирлар Махкамаси резервлар фонди	9600,0	3	8400	1,9	8000	1,3
8	Бошқа харажат лар	624000,0	19,6	93994,3	21,4	111629,8	18,5

II. Давлат бюджетини ижтимоий маданий харажатлари тўрт қисмдан иборат. Булар:

- маориф харажатлари;
- соғликни сақлаш ва жисмоний тарбия;
- маданият, фан, оммавий ахборот воситалари харажатлари;
- ижтимоий таъминот харажатлари.

Бу кўрсаткичларнинг қиймати III - схеманинг биринчи бўлимида берилган.

1999 йил биринчи чорагида ижтимоий сохани устун даражада ривожлантириш. Аёллар йилига тайёргалик кўриш бўйича давлат дастурида, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, соғликни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастурида, кишлокнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурида ва республика хукуматининг бошқа дастурий карорларида белгилаб берилган чора-тадбирлар доирасида амалга ошди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида берилган топшириқларни бажариш юзасидан 348та давлат таълим стандартлари, шу жумладан, умумий урта таълим 23 та, махсус касб таълими учун 50 та ва олий таълим учун 275 та стандарт ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқилаётган таълим стандартлари негизида 74 ихтисослик бўйича 350та ўқув дастури тайёрланди. Барча турдаги ўкув юртлари учун дарсликлар табирлаш давом этмоқда. Умумий таълим мактаблари учун 17та янги дарслик нашр этилди ва мавжуд 712та дарслик экспертиза қилинди. Шулардан 521 таси ижобий бахо олди. Олий ўқув юртлари учун 243та янги ўқув қўлланмаси тузилди ҳамда 16 мингта мавжуд қўлланма экспертизадан ўтказилди.

Соғликни сақлаш тпзимини ислох қилиш юзасидан қабул қилинган. Давлат дастури доирасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Шошилинч тиббий ёрдам Республика марказини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Барча соғликни сақлаш бўлимларида амалга оширилаётган ислохотлар тиббий ёрдам олганларнинг умумий сони ўсган, стационал шароитларда даволанганлар сонини амбулатория муассасаларида қабул қилишни кўпайтириш ҳисобига қисқартириш имконини берди. Соғлиқни сақлашга қилинган харажатларнинг умумий хажмида амбулатория-поликлиника хизмати кўрсатишга харажатлар улуши 50%гача ошди.

Яна булардан ташқари Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуси билан «Умид» жамғармаси, «Камолат» фонди. «Устоз» жамғармаси ва бошқа фондлар фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг асосий вазифаси иқтидорли талабалар ва устозларни чет мамлакатларга юбориб, учунларни етук мутахассис қилиб етишириб олиб келишяпти. Булар чет элнинг илми, маданияти, иқтисоди, сиёсати ва маънавиятин Ўзбекистонга мослаштириб тадбиқ қилишлари керак ва шундай қиляптилар ҳам. Бу одамлардан Ўзбекистон ҳалқи ва шахсан мен ҳам ишончим катта. Ишонаманки бу кишилар Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшади. Яна шуни таъкидлашни хохлайманки XXI асрда биз талабалар чет эллик талабалардан эмас, балки улар биздан ўрнак олишлари шарт.

3.Ижтимоий кафолатларни молиявнй таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий суғурта жамғармаси ихтисослаштирилган молия-кредит муассаси бўлиб, республикада давлат ижтимоий суғурталаш маблағларини бошқариши керак. ИСЖнинг асосий вазифалари вақтинча мехнат қобилиятсизлик, хомиладорлик ва туғиш, бола-

бир ярим ёшга етгунча уни парваришлаш, ходимлар ва учунларнинг оила аъзоларини санаторий, курортларда даволанишини ташкил этиш, қонун-хужжатларда назарда тутилган бошқа мақсадлар учун давлат томонидан кафолатланган нафақаларни таъминлашдан иборатдир.

Корхона ва ташкилотларнин суғурта бадаллари	Давлат бюджети маблағлари	Ижтимоий суғурта йўлидан сотилган санаторийларга йўлланмалардан тушумлар	Бошқа даромадлар

Ижтимоий суғурта жамғармаси

Нафақа тулаш: -вақтиича мехнатга лаёқатсизлик бўйича; -хомиладорлик ва тугиш бўйича; -болаларга.	Санаторий-курортларда даволанишга харажатлар	Ногиронларни ўқитиш ва қайта ўқитиш	Ногиронлар ва кексалар учун иитсрпатларни сақлаб турши	Жамоа хўжаликлари аъзоларинл ижтимоий суғурталаш

З.Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати - бу давлатнинг фукаролар шахсий хаётига аралашиши эмас, балки инсон ҳақ-хуқуқларини, жумладан, инсон хуқуқлари умумий декларацияси ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро хужжатларда ёзиб қўйилган, ҳар бир кишининг турмуш даражаси етарли даражада юқори бўлишини, озиқ-овқат, уй-жой, иш билан таъминлашни яхшилашга, саломатлигини тиклашга, маданий-маиший эхтиёжларини қондириш ва пенсия таъминотини йўлга қўйишга қаратилган тадбирлар мажмуасидир.

Аҳолииинг пул даромадлари 1998 йил 919,7 млрд сўмга тенг бўлди ва 1997 йилга нисбатан 45,6%га ошган.

Пул харажатлари ва омонатлари 884,9 млрд сўмга тенг бўлди ва 1997 йилга нисбатан 45,1%га кўпайди.

Бутун ўтган йил давомида аҳолининг пул даромадлари ўсиши кузатилди. Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси динамикаси қуйидаги маълумотларда акс этади:

- 1998 йилда пул даромадлари умумий хажмининг 791,4 млрд сўм ёки 1997 йилга караганда 45,7%га ортик қисмини товарларни харид қилиш ва хизматлар учун ҳақ тўлашга сарфлади.
- Айрим ўзгаришлар ҳам кузатилади;

1 . Ялпи даромад бўйича аҳоли қатламларининг табақаланиши. Ҳалқ хўжалиги тармоқларидаги юқори иш ҳақи кўрсаткичларига эга саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида бандлиги тадбиркорлик билан шугулланувчилар сонининг ошиб бориши билан юқори даромад оладиган аҳоли тоифалари ошиб боради ва маълум табақаланйш пайдо бўлади.

2. Ишсизликнинг пайдо бўлиши ва вақтинчалик иш билан банд бўлмаганлиги учун тўловларнинг жорий этилиши. Баъзи бир

корхоналарнинг махсулот сифатсизлиги окибатида бозор талаби ва конъюнктурасига жавоб беролмаяпти, ишлаб чиқариш қисқарияпти. Янги технология жорий этилиши натижасида кул мехнатига бўлган бўлган талаб камаймокда.

Ижтимоий ҳимоя объектини аниқлаб олиш - ижтимоий ҳимоянинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя объектига қуйидаги аҳоли гурухлари киради:

1 . Ногиронлар.
2. Нафақахўрлар.
3. Ёш болалар.
4. Боқувчисини йўқотган оилалар.
5. Ёлғиз ва хомиладор оналар.
6. Қашшоқлик чегарасидан кам даромад олувчи оилалар.
7. Вақтиича мехнат қобилиятин йўқотганлар.
8. Вақтинча ва умуман ишсизлар.
9. Ўқитувчилар, талабалар

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг яхшилаш, учун самарасини кўтариш қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга боғлиқдир.

Биринчи. Бу - ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва муттасил ривожлантириш. Пул қадрсизланишига қарши самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, миллий валютани ва ички истеъмол бозорини мустаххамлаш натижасида ислохотларнинг бошланғич босқичидаёқ турмуш даражасини сақлаб қолиш ва учуннинг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имкони яратилди.

Умр кўриш даражаси узайди, гўдаклар ўлими, жиноятчилик камайди. Бизда жиноятчилик МДХ мамлакатлари орасида энг паст даражада.

Иқтисодиётнинг барқарорлашуви, Инвестиция фаолиятининг кучайиши, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-кувватлаш йўли янги шичи ўринларини ташкил этиш, иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилиш, иш ҳақи сақланиб қолмаган ёки қисман сақланиб қолган холда тўлиқсиз иш кунида ишлаётган ва мажбуран мехнат таътилида юрган шахслар сонини кескин қисқартириш учун қулай замин яратди.

Гарчи Ўзбекистон нуфус сохасидаги вазият мураккаб бўлган, ишга жойланиши муаммолари ҳамма вақт кескин турган мамлакат бўлса-даромад, ҳозир республикада иқтисодиёт барқарор ривожланиб бораётганлиги туфайли бу ердаги ишсизлик энг паст даражада дейиш мумкин. Айни чоғда биз бундан буён ҳам иқтисодиётда таркибий жихатдан ўзгаришлар қилиш, энг аввало, кишолк жойларда ихчам ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлнкни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсатини фаол амалга оширмоқчимиз.

Иккинчидан. Бу - давлат маблағлари билан бир қаторда мехнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ва жамғармаларининг маблағларшш кенг жалб этиш.

Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда маҳаллий хокимият ва бошқарув органларининг хуқуқлари анча кенгайтирилиши ҳамда маьсулияти оширилиши лозим. Улар минтақаларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш сохасида қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишга ҳақлидир. Маҳаллий органларнинг асосий вазифа - одамларга ўз фаровонликларнни юксалтириш мақсадида мехнат килиш учун кенг имкониятлар яратиб беришдан иборат.

Ижтимоий сиёсат, уни амалга ошириш механизмлари одамларнинг мехнатдаги фаоллигини ва тадбиркорлигини ўстириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилиши даркор.

Учинчидан. Бу - одамлариииг куч ва қобилиятлари тўла-тўкис фаоллашувини таъминлашга қодир бўлган кучли механизмни вужудга келтириш. Бу механизмни биринчи навбатда, ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлиги, унинг ўзи ва оиласининг бахт-саодати учун иқтисодий жавогарлиги билан уйғунлашадигаи шарт-шароптларни яратиш ҳисобига шаклантириш лозим. Ўз қобилият ва мехнатига таяниб иш тутиш фаровоиликнинг бирдан-бир ва энг барқарор манбаи бўлиб қоладиган муносабатни вужудга келтириш. Бунинг учун хусусий мулк институтининг ривожланишини тезлаштириш жуда муҳим.

Бозор шароитларига мослашиши ҳозирги куннинг ўзидаёқ ҳоли жами даромадининг анча қисми тадбиркорлик фаолияти ҳамда мулкдан келган даромад ҳисобига вужудга келишини таъминламокда.

Тўртинчидан. Бу - аҳолининг даромадларида ва турмуш даражасида асоссиз катта фарқларга йўл қўймаслик. Жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган қатламларни шакллантириш.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг даромадлар даражаси бўйича кескин табақаланиши мумкинлигининг олдини олди. Бугунги кунда аҳолининг энг яхши таъминланган гурухи билан энг кам таъминланган қисми олаётган даромадлар ўртасидаги фарқ юқори ҳисобланувчи 8 баробардан 7,5 баробарга тушди. Бу фарқнинг 8 баробардан юқори бўлиши жамият ижтимоий жиҳатдан кескин табақаланганлигидан дарак беради.

Бешинчидан. Бу-қашшоқликка қарши кураш. Аҳоли энг мухтож қатламининг давлат томонидаи қўллаб-қувватланишини кучайтириш.

Ҳозирги жамиятиинг асосий иллатларидан бири қашшоқликдир. Жаҳондаги бирорта ҳам мамлакат, хатто энг бой мамлакат ҳам хозирча ундан қочиб қутула олмагаи. БМТ Бош Ассамблеяси 1996 йилни қашшоқликни тугатиш Ҳалқаро йили деб эълон қилганлиги бежиз эмас.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қашшоқлик муаммоси янада чуқур хис этилади. Бу хол, энг аввало, камбағаллар тоифасига ижтимоий ночор гурухларидан ташқари, аҳолининг илгари улар жумласига кирмаган

гурухлари, шу жумладан даромадлари ўртача ёки ўртадаи юкори даражада бўлганлар гурухга мансуб кўплаб кишилар ҳам кириб қолиши билан боғликдир.

Қашшокликни тугатиш муаммоларини ҳал этишда аҳолининг вужудга келган ва вазиятлар туфайлл камбағаллик даражасига тушиб қолиши мумкин бўлган «ночор гурухлар»и: ногиронлар, ёлғиз оналар, етим болалар, кексаларга алохида эьтибор бериш талаб қилинади. Бирок бунда кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги якқол кўрилиб туриши лозим.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган холда, зиммага олган вазифаларни амалга оширишда аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш жуда мухим аҳамият касб этаётгаллигиии алоҳида таъкидлашни истар эдик.

Республикада хозирги ижтимолй ахволни ана шу нуктаи назардан бахолаб дадил айтишимиз мумкинки, ҳалқимиз чекига тушган ва ўтиш даврида муқаррар бўлган энг қийин синовлар ортда қолди. Тор фикр юртиш, мафкуравий махдудлик билан боғлиқ бўлган ҳамма ҳолатлар ўтмишга айланмоқда. Мамлакат ичидагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам юз бераётган барча ҳодисаларга дахлдорлик хисси кучайиб бормоқда. Мустақиллик йилларида нафақат ўзимизнинг, балки бошқа мамлакатлар мисолида тўпланган оз, аммо аччиқ тажриба кўп масалаларда одамларнинг кўзини очди, уларни янада донороқ ва сабр-токатлироқ қилиб қўйди.

Инсон маънавиятининг, юксак ахлок ва маданиятининг, гўзал миллий анъаналари қайта тиклашнинг муаззам қатламлари очилди.

Бугунги кунда аҳолининг моддий фаровонлигига салбий таъсир кўрсата оладиган омиллар деярли йўқ. Аксинча, барқарорлаштирувчи, аҳолининг турмуш даражаси ўсиши учун шарт-шароит ва ишончли кафолатлар яратиб берувчи омиллар тобора ортиб бормоқда.

Энг муҳими эса инсон ва фуқаронинг фикрлаши ва дунёқараши ўзгармоқда, сиёсий ва ижтимоий онги, унинг умумий савияси тухтовсиз ўсиб бормоқда. Бугун биз бундан саккиз йил олдинги хол билан солиштирадиган бўлсак ўзгариш ижобий тарафга кўпаймоқда.

Назорат учун саволлар:

1. Ижтимоий сиёсат ва унинг молиявий асослари?
2. Ўзбекистон Рсспубликасида ижтимоий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ва вазифалари?
3. Ижтимоий-маданий харажатларнинг аҳамияти, туркумланиши ва ҳозирги замон хусусиятлари?
4. Ижтимоий кафолатларни молиявий таъминлаш?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.

2. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
3. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
4. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.
5. Родионова В. М. Финансм. М. : "Финансм и статастика", 1995, - 432с.
6. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
7. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
8. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финанси", 1997г., №2.
9. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
10. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.
11. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
12. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
13. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.
14. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
15. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.
16. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.
17. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
18. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
19. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.
20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
2. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
3. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,- 160с.
4. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. - 180с.
5. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. - 325с.
6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.
7. Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.

21-Мавзу: Ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида молиянинг роли.

Режа:

1. **Молиянинг ҳалқаро интегацион жараёнларга таъсири. Ҳалқаро алоқаларнинг ривожланишида молиянинг роли.**
2. **Ўзбекистон Республикасининг, ҳалқаро интеграция тузилмаларидаги иштироки.**
3. **Корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усуллари.**
4. **Хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳалқаро фондлар роли ва аҳамияти.**

Таянч иборалар:

- ***Иқтисодий интеграция;***
- ***Ҳалқаро алоқаларнинг ривожида молиянинг роли;***
- ***Хорижий сармоядорларни маблағларини жалб этиш;***
- ***Марказлаштирилган валюта фондлари;***
- ***Иқтисодий интеграциянинг асосий шакллари;***
- ***Марказий банк валюта резерви;***
- ***Эркин савдо худуди;***
- ***Божхона иттифоқи;***
- ***Умумий бозор;***
- ***Тўла иқтисодий итпгпифоқ.***

1. Ҳалқаро интеграцион жараёнга молиянилг таъсири.

Ўзбекистоннинг ҳалқаро иқтисодётга қўшилуви.

Молия-хўжалик юритшшпшг иқтисодлй фаолиятида ўзишшг молиявнн сиёсатини юргазшида асосий қуроли ҳалқаро иктисодй алоқаларда шакланадиган молиявий механизм ҳисобланади.

Молия- ҳалқаро сферадан -унинг иштирокчиларининг иқтисодий манфаатларига таъсир қилувчи ва ўз навбатида ҳалқаро иқтисодий қўшилув жараёни тезлаштиради.

Ҳалқаро алоқаларнинг ривожида молиянинг роли уч йўналишда намоён бўлади:

1. Турли хил йўналишдаги ҳалқаро ҳамкорликни молиялаштирнш учун керакли манбалар қидириш ва мобилизациялаш.

2. Ҳалқаро интеграцион жараёнларни мувофиқлаштириш.

3. Хар қайси ҳалқаро муиосабатларнинг тури ва бевосита иштирокчиларини ривожлантиришга рағбатлантириш.

Аввало молия - экспорт-импорт операцияларига таъсир этади. Бу эса жаҳон бозорида талаб катта бўлган рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга рағбатлантиради.

Молия - миллий даромаднинг ташқи иқтисодий фаолият натижасида келадиган қисмини шаклланишига таъсир кўрасатади.

Ҳалқаро ҳамкорликнинг аҳамиятли шакли бу Ўзбекистоннинг ҳалқаро ташкилотлар ва фондларга аъзо бўлиш, иштирок этишидир. Бу ташкилотларга аъзо бўлиш ўша ташкилотларнинг устав капиталига ва бюджетига маълум квоталар киритиш билан бўлади.

Бадалларнинг манбалари аъзо бўлаётган миллий ташкилотлар ва давлат структурасининг валюта ва бошқа молиявий фондлар бўлади.

Ҳалқаро ташкилотлар маблағлари маълум фондларда жамланади ва мақсадли программаларни бажариш учун сарфланади.

Молиянинг ҳалқаро алоқаларга таъсир этувчи яна бир йўналиши бу - х*орижий сармоядорларни маблағларинп жалб этиш.*

Хорижий сармоялар хорижий давлат - инвестор маблағларини ёки хорижий тижорат ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш кўринишида бўлади.

Кредит ҳисобига кўрилган корхоналар ва объектлар Ўзбекистонниг миллий мулки бўлиб ҳисобланади.

Хорижий тадбиркорлар ўзларининг маблағлари ёки хорижий давлат бюджет маблағларидан молиялаштирилаётган бошқа корхоналар қўшма корхона ва бошқа хорижий юридик шахс сифатида фаолият кўрсатади. Ўзбекистон иқтисодиётига қилинадиган хорижий сармоялар (инвсстициялар) иқтисодий ривожига ва жаҳон иқтисодиётига қўшилиши учун шароит яратади.

Хорижий инвесторларнн рағбатлантириш учун молиявий валюта ва бож имтиёзлари белгиланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятларда молиявий жараёнларшшг қонуний ва ҳаққоний бўлишини таъминлаш учуи молиявий валюта ва божхона назорати ташкил этиладп.

Ноқонуний холатлар аниқланганда хуқуқий ташкилотлар ўрнатилган қонуний санкциялар, жарималар қўллаиилаб, шу тарзда, молиявий муносабатлар назорат қилиииб турилади.

Марказлаштирилгаи валюта фондларини ташкил килиш ва улардан фойдаланиш.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланишида миллий валюта фондини ташкил зтиш ва улардан фойдаланиш орқали ташқи иқтисодий муносабатларни бошқариш муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда бозор механизми валюта ресурслари ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик субъектлари уртасида катта таксимлаш механизми

шаклланганлиги сабабли бу каби қайта таксимлаш қўшимча шароитларни вужудга келтириш орқали амалга оширилади.

Барча корхоналар мулкий шакли ва рўйхатга олинганидан катъий назар, товарлар ва хизматларни экспорт қилишдан ва ички валюта бозорида амалга ошириладиган операцияларниг эркин алмаштириладиган валютадан тушган тушумни белгиланган нормативларга кура мажбурий равишда сотиш керак.

Марказий банк валюта резерви корхона ва ташкилотларда эркин алмаштириладиган валюта тушуми тушган вақтдаги Марказий банк томонини белгиланган курс бўйича сотишдан шаклланади. Валюта резерви икки қисмга бўлинади:

1-қисми -стабилизация фонди, бу маблағлар ички бозорда миллий валюта курсини барқарорлигини таъминлаш ва миллий валютани алмашуви учун шарот яратиш мақсадида тузилади.

2-қисми-молия вазирлигига сотилади. Бу маблағлар хукумат эхтиёжларини қондириш мақсадида сарфланади.

Нормативда белгиланган миқдордаги валюталарни сотгандан сўнг, корхоналар валюталарни қолган қисмини ички бозордаги ўз ишлаб чиқариш фаолиятига валюта тушумига эга бўлмаган бошқа корхоналар ва маҳалий хокимият органларига ваколатли банклар билан келишилган курс бўйича сотилади.

Маҳаллий хокимият органлари ваколатли банклари орқали тегишли бюджет ҳисобидан валюта сотиб олади, ва уни узларини валюта фондларини шакллантиришга йўналтирадилар. Бу фонд маблағлари аҳоли ва бюджет қаромоғида бўлган ноишлаб чиқариш корхоналари учун зарур будган товарлар олиш учун ишлатилади.

Иқтисодий интеграция - миллий хўжаликлар ўртасида чуқур, барқарор ўзаро алоқалар ва меҳнат тақсимоти, уларнинг турли босқич ва ҳар хич шаклдаги такрорий ишлаб чиқариш тузилмаларининг ўзаро алоқалари асосида мамлакатларнинг хўжалик- сиёсий жиҳатдан бирлашуви жараёни.

Иқтисодий интеграциянинг асосий шакллари қуйидагилардир.

1. Эркин савдо худуди доирасида қатнашчи мамлакатлар ўзаро савдо тўсиқларини бекор қилади, лекии уларнинг ҳар иккаласи учинчи мамлакатга нисбатан савдо тўсиқларини бузмайди.

Бундай ҳудудда қатнашчи мамлакатлар чегараларида божхона назорати сақлаб қолиниши керак. Улинг мақсади - қўшни қатнашчи мамлакатларнинг сустроқ божхона тўсиғи орқали учинчи мамлакатлардан худудга кириб келиши мумкин бўлган импорт моллар учун солиқ ундириш ёки уни таъқиқлашдан иборат.

Бунга 1960 йилда ташкил топган Европа эркин савдо уюшмаси (УЭСУ) мисол бўла олади.

МДҲ мамлакатлари ўртасидаги битим эркин савдо зонасига иккинчи мисолдир. Ўзбекистон эркин савдо тўғрисида Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия ва Украина билан шартномалар тузган. Шу асосда Ўзбекистон шартнома тузилган давлатлардан

чиқариладиган ва республика худудида олиб кириладиган товарлар учун бож олмайди.

2. **Божхона иттифоқида** қатнашчи мамлакатлар ўзаро савдода барча чеклашларнн бартараф этибгина қолмай ташқи савдо тўсиқларини ягона тузилишини таъсис этадилар, бу билан ички чегараларда божхона хизмати сақлаш, заруратини соқиб қиладилар. Европа Иттифоқи (ЕИ) божхона иттифоқига мисолдир.

Е.И сингари божхона иттифоқи тузилганида нима бўлади? Божхона иттифоқининг тузилиши иттифоқ аъзоси бўлган мамлакатлар ахволини яхшилаши ҳам, ёмонлаштириши ҳам мумкин экан.

3. **Умумий бозор** доирасида қатнашчилар савдодан ташқари ишлаб чиқариш омилларннинг барчасини бемалол кўчириш эркинлигига ҳам эга бўладилар. Бунга яна ўша Европа иқтисодий иттифоқи ёки Европа умумий бозори, мисол бўла оладп, униг хозирги расмий номи-Европа иттифоқидир.

4. **Тўла иқтисодий иттифоқда** қатнашчи мамлакатлар ўз иқтисодий сиёсатларини, шу жумладан пул, солиқ ва ижтимоий сиёсатини, шунингдек савдога ва ишчи кучи ва сармоя оқимига таалуқли сиёсатни бирхиллаштиради. Бельгия билан Люксембург 1921 йилда қонуний иттифоқда бирлашди, Европа ҳамжпхати мамлакатлари учун эса бу иқтисодий иттифоқ -пировард мақсаддир.

Дунеда давлатларнинг неча унлаб иқтисодий бирлашмалари мавжуд.

АСЕАН (Жанубий-шарқий Осиё) мамлакатлари ўртасида кооперация алоқалари фаол ривожланмоқда. МДХ мамлакатлари доирасидаги иқтисодий ҳамкорлик, айниқса Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўтасида тузилган Марказии Осиё умумий бозорни ташкил этиш ҳақидаги битимни ҳам тилга олиб ўтиш керак. Шимолий Америка иқтисодий иттифоқи (НАФТА) тўғрисидаги битимга катта умид боғламоқда.

Интеграция турли мамлакатлардаги ихтиёрий, тенг хуқуқли, ўзаро фойдали асосда иш олиб борувчи хўжалпк субъектларининг ўзаро таъсир кўрсатшп ва бир-бирининг ичига кириб боришдан иборат объектив жараён сифатида ривожланиши керак.

Уни иқтисодий сиёсати ва вазиятп турлича бўлган мамлакатлар ўртасида амалга ошириш йўлидаги уринишлар бехудадир.

Шунинг учуи ҳам Ўзбекистон Республикасининг интеграция сиёсати, унинг жаҳон хўжаликдаги ўз ўрнини топиш йўлидаги саъй-харакатлари шунга асосланадики, дунёдаги барча мамлакатлар билан ўзаро муносабатлар мамлакат мустақиллиги ва миллий -давлат манфаатлари негизида белгиланиши керак.

1. Европа иттифоқи

Ягона бозорнинг вужудга келтирилиши 1957 йилдаёқ ЕИИ нинг энг муҳим мақсадларидан бири сифатида бахоланган эди. Лекин бу сохадаги тараққиёт унга сезиларли бўла олмади.

1987 йил 1 июлда Европа акти кучга киргачгина ахвол ўзгарди, бу хужжатда товарлар, хизматлар, сармоялар, ва одамлар ҳамжамият доирасида

эркин харакат қиладиган бозорга ўтиш муддати 1992 йил 31 декабр деб белгиланган эди.

1991 йил декабрида ЕИ қатнашчиси бўлган 12 мамлакатнинг давлат ва хукумат бошликлари Голландиянинг Маастрит шахрида Европа Кенгашининг навбатдаги мажлисига тупланиб, интеграциянинг чуқурлаштириш ва унга барқарор тус бериш йўлида ҳал қилувчи қадам қўйдилар: улар Европа ҳамжамиятларига асосланган ва ҳамкорликнинг янги шакллари билан тулдирилган Европа иттифоқини тузишга карор қилдилар. Шу гарзда, 1993 йил 1 январдан ЕИ мамлакатлари ўртасида муносабатлар 1957 йилги ЕИИ ни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномага эмас, балки Европа Итгифоки тўғрисидаги янги Шартномага асосланмокда.

Янги шартномага мувофик қуйидагилар таъсис этилади:

1. Ягона умумевропа фуқоролиги.
2. Иқтисодий ва валюта иттифоқи.
3. Сиёсий иттифоқ .

Ягона бозор сари харакатни жадаллаштиришга каратилган хуқуқий хужжатлар ва қарорлар компаниялар тўғрисидаги қонунчилик, андозаларни мувофиқлаштириш, солиқ, транспорт, шунингдек олий маълумот ҳақидаги дипломларни ўзаро тан олиш сингари соҳаларда қабул қилинди.

Европа курилиши Европа мамлакатларини бирлаштириш йўлида илгари қилинган барча уринишлардан иккита хусусияти билан тубдан фарк қилади.

Шу тарзда, Европа Иттифоқи узининг карийб 350 млн. аҳолиси билан дунёда энг катта бирлашган бозорга айланмокда. Ўз махсулотини ғоят катта микёсдаги ягона бозорда сота оладиган тадбиркорлар учун ишлаб чиқарпш харажатлари камаймокда. Миллий иқтисодиётлар ҳам, ЕИ мамлакатлари аҳолиси ҳам манфаати кураётир.

Европа иттифоқи муассасалари '

Европа ҳамжамиятиии тл.сис этиш тўғрисидаги Шартномаларда белгиланган вазифаларни бажариш учун бир қатор Европа муассасалари тузилган.

1. Европа ҳамжамияти комиссияси.

Унинг 17 аъзосини миллий хукуматлар тайинлайди, лекин улар ўз фаолиятларида бу хукуматларидан тамомила мустақилдир.

Комиссиянинг роли ҳамжамиятни таъсис этиш тўгрисидаги Шартнома бажарилиши ни таъминлашдан иборат.

У шунингдек, хусусан, рақобат сохасидаги сиёсат борасида ва иқтисодиётнинг қишлок хўжалиги, транспортва хоказо секторларда ягона сиёсат ўтказиш борасида ҳам катта хуқуқларга эга . комиссия ҳамжамиятнинг турли фондлари ва дастурларини, шу жумладан ЕИ қатнашмайдиган давлатларга ёрдам кўрсатишга каратилган фондлар ва дастурларни бошқаради.

Вазирлар кенгаши - бу қарорлар қабул қилиш органидир. Унинг доирасида миллий хукуматларнинг аъзолари музокоралар ўтказдилар, ҳамжамият қонунчилик хужжатларини мухокама қиладилар ва уларни овозга куйиш йўли билан қабул қиладилар ёки рад этадилар.

Европа парламенти - Европа ҳалқларининг демократик жарчиси. Унда умумий овоз бериш йўли билан сайланадиган 518 депутат бор. Асосий вазифаси - Комиссия фаолиятини назорат қилиш, ҳамжамият бюджети ва қонунларини маъқўллаш ва уларга ўзгартиришлар киритишдир.

Юзаки караганда, ЕИ да қарор қабул қилиш жараёни жуда мураккабга ўхшайди. Бундай мураккаблик мазкур жараёнга бир қатор тартибга солиш ва назорат қилиш тадбирларини "жорий этиш" имконини берадики, бу нарса унга демократик тус бағишлайди, мунозараларга асосланиш имконини беради.

Европа суди:

ҳамжамиятнинг бошқа ҳалқаро ташкилотлардан фарки шуки, ЕИ га аъзо мамлакатлар имзолаган шартномаларни ижро этиш улар учун мажбурий эканлигидандар. Шартномаларнинг моддалари ва улардан келиб чиқадиган юридик хужжатлар қатнашчи мамлакатлар миллий қонунларга қўшилиб кетади. Уларнинг бажарилиши равшан ва аниқ талкинни талаб этади. Шу муносабат билан Европа судининг фаолияти алохида аҳамият касб этади.

Европа судини кўпиича интеграция мотори деб атайдилар.

Унинг мавжудлиги ЕИ қонунчилипши қатнашчи мамлакатлар нотўғри талқин қилишлариининг олдини олади Европасуднинг қарорларини бажарилиши мажбурий. Унинг ихтиёрида бирор мажбур қилиш воситаси йук, лекин аксарият холларда ҳамжамиятда катнашувчи давлатлар унинг қарорларига қўшиладилар.

Европа кенгаши: 1974 йилда тузилган бўлиб, унинг доирасида бундай кенгашларни мунтазам ўтказиб турилиши кераклиги ҳақида карор қабул қилдилар. Европа кснгаши олий босқич аҳамиятиникасб этиб, муракаб холатларда ҳамжамиятнинг бошқа муассасалари билан келишишга эришишнинг иложи бўлмаган холларда ЕИК ва Вазирлар кенгаши унга мурожаат этишлари мумкин.

2.Ўзбекистон республнкасида ҳалқаро интеграция тузилмаларидаги иштироки.

Ўзбекистон аъзо бўлиб кирган энг муҳим бирлашмалардан бири - Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) булаб, у 1991 йил декабрида тузилган. Хозир МДХга Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Козоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Украина ва Ўзбекистон давлатлари киради.

Ҳамдўстлик қатнашчиларининг ўзаро муносабатлари тенглик асосида шакллантириладиган ва давлат ҳам, ғайридавлат тузилма ҳам бўлмаган ҳамдустлик қатнашчилари ўртасидаги битимлар билан белгиланган тартибда иш олиб борадиган мувофиклаштирувчи муассасалар орқали тенг хуқуқлик принципи асосида амалга оширилади.

Ҳамжамиягг давлатларининг умумий манфаатлари сохасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун ҳамжамиятнинг олий органи- давлатлар бошликлари Кенгаши, шунингдек хукуматлар бошликлари Кенгаши тузилди.

1993йилда 22 январда Минскда қабул қилинган МДХ Уставининг энг муҳим моддаларидан бири умумий иқтисодий майдонни умумевропа ва

евроосиё бозорларини шакллантириш ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилишдир.

Уставда шунингдек асосий мувофиқлаштирувчи хужжатлар -мустақил давлатлар ўртасидаги узаро муносабатларни белгилайдиган икки томонлама шартномалар бўлади, деб белгаланган.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг МДХ га аъзолиги унга бир қатор муҳим вазифаларни миллат иқтисодиёт манфаатларига мувофиқ ҳал этиш имконини беради

- ишлаб чиқаришни, аҳоли таъминотини қўллаб-қувватлашни таъминловчи кўламда кооператив хўжалик алоқаларини ривожлантириш ва такомиллацггириш .
- МДХ нинг бир қатор товарларнинг бозорда, айникса анъанавий махсулотларни сотиш сохасида етакчи мавқеини сақлаш.
- Собик иттифоқчи республикалар эга бўлган хом-ашё ресурсларидаи бахраманд бўлишни таъминлаш.
- Ўзбекистоннинг учинчи мамлакатларга экспорт-импорт товар оқимига хизмат кўрсатувчи транспорт коммуиикацияларидан соғломлаштириш ва уни жадал ривожлантириш учуп шароит яратиш омилларидан бири деб қаралиши керак.

Ўзбекнстоннинг МДХ давлатлари билан иқтисодий ҳамкорлик механизмини такомиллаштирншнинг асосий йўналишлари иқтисодиётни эркинлаштирнш уни бозор тамойилларига изчиллик билан ўтказиш, хўжалик тизилмасини қайта-қуришдан иборат умумий йўл билан белгиланади.

Тўлов ҳисоб-китоб ва кредит-молия муносабатлари Ўзбекистон яқин жануби давлатлар билан тўлов балансини босқичма-босқич мувозанат холатига келтириш ва молиявий нобудгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида ҳалқаро тажрибада қабул қилинган қоидаларга ўтказишни тугаллаш йўлида изчиллик билан бормокда.

Давлат ва хукумат бошлиқлари Кенгашида қабул қилинган норматив хужжатлар орасида 1992 йил октябрида Бишкекда тузилган "Мулк муносабатларини ўзаро тан олиш ва тартибга солиб туриш тўғрисида" битимни алохида кўрсатиб ўтиш керак. Бу хужжатда СССР парчаланиб кетган мулк хукуқларини таърифлашдаги кўпгина англашилмовчиликлар барҳам топди.

Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти.

Ўзбекистон 1992 йил Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) аъзоси бўлди.

ИХТ Афғонистон давлати, Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркия, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаларини бирлаштирди.

Иқтисодий ҳамкорлик Ташкилоти эътибор марказида - транспорт, алоқа, савдо, инвестиция, ва энергетика сингари устивор соҳаларни ривожлантириш масалалари туради.

Бу соҳалардаги ҳамкорлик ИХТ аъзоси бўлган мамлакатлар ўртасидаги минтақавий иқтисодий ҳамкорлик жараёнларини тезлаштириш имконини беради.

Марказий Осиё ягона иқтисодий макони.

1994 йилда Ўзбекистон ва Қирғизистон ягона иқтисодий майдон вужудга келтириш ҳақида шартнома туздилар. Бу шартноманинг аҳамияти нихоятда катта. У интеграция жараёнларини музокаралар сохасида амалий харакатлар йўлига ўтказишни бошлади, аниқ интеграция режаларини босқичма-босқич амалга ошириш, биргаликда бозор инфратузилмасини вужудга келтириш ва қабул қилинган қарорлар ижросини таъсирчан назорат қилиш мақсадида хўжалик -хуқуқий ва ташкилий тусдаги омилларни ишлаб чиқаришга киритишни имконини беради.

Марказий Осиё иқтисодий макони вужудга келтириш тўғрисида имзо чеккан давлатлар кўплаб мақсадларипи амалга ошириш учун ва иқтисодий-сиёсий, мудофаа ва инсонпарварлик жихатларида куч-ғайратларини мувофиклаштнриш учун тузилгаи Давлатлараро кенгаш Бош вазирлар кенгашини, Ташқи ишлар вазирлиги кенгашини, Мудофаа вазирлари кенгашини ўз ичига олади. Уларнинг ички органи сифатида доимий ишлаб борувчи ижроия кўмитаси тузилган.

Шартномада имзоланган , кейинроқ божхона тартиботи ихчамлаштирилади, бу эса Қозоғнотон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларинииг фукороларининг юкларини божхона кўригидан ўтказиш бекор қилиш имконини беради.

3. Корхоналар ташқи иқтисодий фаолнятини давлат томонидан тартибга солиш усуллари.

Ташқ иқтисодий фаолиятини давлатларнинг савдо, иқтисодиёт, техника, маданият, сайёхлик соҳаларида бошқа давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Бундай ҳамкорликнинг асосий хуқуқий шакли ҳалқаро шартномалар, хусусан мазкур соҳаларда давлатлар ўзаро ҳамкорлиганинг энг муҳим тамойиллари ва йўналишини белгиловчи кўп томонлама шартномалардир. МДХ қатнашчиси бўлган давлатларининг ташқи иқтисодий фаолият сохасидаги ҳамкорлиги тўғрисида 1992 йил 15 майда имзоланган битим бунга мисол бўла олади.

Давлат энг қулай тартибдан ташқари бошқача имтиёзли тартиб ўрнатиш мумкин. Ўзбекистон ўз ташқи иқтисодий стратегиясини амалга учун ана шу шаклдан унумли фойдаланмокда. Дунёдаги энг катта мамлакатлар билан товарлар ва хизматлар экспортини енгиллаштирувчи, эл инвествоияларни жалб қилишга ёрдам берувчи шартномалар имзоланди. Мисол-учун:

1992 ййл оқгябрида Америка чет элларга хусусий инвестиция берувчи коорпорацияси (ОПИК) билан инвестицияларга кўмаклашиш хақида битим имзоланди, бу битим Америка компанияларини Ўзбекистон сармоя сарфларида нотижорат таввакалчилиги бўйича кафолатлар билан таъминланиши керак.

1993 йил ноябрида Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги савдо муносабатлари ҳақида имзоланган хукуматлараро Битим Томонларнинг бир-бирига энг қулай шароит яратишларини кузда тўтади.

1994 йилда Вашингтонда Ўзбекистон Республикасининг хукумат делегацияси сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш гуғрисида битим имзоланди.1995 йил 20 июнда Вашингтонда Ўзбекистон ва АҚШ хукуматлараро хужжат - хар иккала давлат худудида фуқороларнинг эркин харакат қилишлари тўғрисида меморандум имзоланди.

Республикадаги иккита катта лойихани: Зарафшонда "НЬЮМОНТ МАЙНИНГ" компанияси томонидан таркибида олтин бўлган маъдан конини ишлаш ва Тошкентда "ИНТЕРНЕЙШНЛ ТЕЛСЕТ" компанияси, "Камалак Тв" қўшма корхонаси билан биргаликда кабелли телевидение шохобчаларини тузиш ва бошқариш лойиҳаларини суғурта қилувчи чет эллардаги хусусий инвестицияларни ҳимоя килиш корпорацияси (ОПИК) Ўзбекистонда Америка компаниялари фаолиятини қўллаб-қувватлашда фаол мадад кўрсатмоқда.

Америка компаиялари томонидан таклифларнинг асосий қисми маъдан ресурслари, ёқилғи қазиб чиқариш йирик лойиҳаларга банк кредитлари бериш, республикага турли ускуналар етказиб бериш.

Ўзбекпстон Республикаси хукумати иштирокида тузилган икки томонлама комиссиялар ва кўмиталар.

Республика хукумати ана шундай муассасалардан бир канчаси билан.

Европа мамлакатлари билан: Германия, Швецария, Буюк Британия, Финляндия, Франция, Польша мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича идораларо кенгаш.

Бундан ташқари Корея, Хитой, Япония, Миср, Эрон, Хиндистон, Покистон мамлакатлари билан савдо, илмий тохникавий ҳамкорлик тўғрисида хукуматлараро комиссиялари тузилган.

АҚШ билан Ўзбекистон савдо палатаси тузилган. Яна бир мамлакат бу Корея республикаси бўлиб, мамлакатимимз ва Корея ўртасида 16 та давлатлараро ва хукуматлараро хужжатлар имзоланди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Ўзбекитон Республикаси учун Корея республикасининг энг йирик банклари: "Корея Эксчейндж Банк", ИКХА- Жаҳон банки хузурида 1988 йилдагина тузилган энг янги тузилмадир. Унинг асосий вазифаси-нотижорат таваккалчиликдан келиб чиқиш мумкин бўлган зарарларда инвесторларга бериладиган кафолат ҳисобига, шунингдек, сармоя оқимини йўналтирувчи ва рағбатлантирувчи қулай инвестиция мухитини ва ахборот базасини яратишда кўмаклашувчи аъзо мамлакатлардга маслахат хизмати кўрсатиш йўли билап ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини мустахкамлаш мақсадида инвестициялар окимига ердам беришдир.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий стратегиясини амалга оширишда Европа таъмирлаш ва тараккиёт банки (ЕТТБ) муҳим роль уйнайди. Унинг асосий вазифаларидан бозор иқтисодиётига ўтмоқчи мойил давдатларга, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, бундан ташқари, монополияни ва марказлаштиришни бартараф этишда яқиндан ёрдам беради.

ЕТТБ нинг Ўзбекистондаги фаолияти: Хозирги вақтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган умумий қиймати 536 млн. АҚШ долларига тенг 9 та лойихада ЕТТБ иштирокининг улуши 253,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Яна 1116,5 млн. АҚШ доллари сарфланадиган 10 та лойиха кўриб чиқилмокда.

ЕТТБ кредитлари асосида қуйидаги мамлакатлардап инвестициялар жалб қилинган холда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи дастлабки қўшма корхоналар тузилган:

АҚШ-"Ньюмонт майшшг " (олтин казнб олиш) Гсрмания-"Саламандер" (попафзал ишлаб чиқарнш) Германия-"Сенаско" (кшплок хўжалик ускуналарн ишлаб чиқариш)

- Ягюния-" Марубеип" (niiJi/ia чиқимларипи КаііТа ишлаш) Кап;.1да-"Варт;ғ Имдпстри^ Корпорейшн" (чорвачилик учуп озука)

- Голландия-"АБИ-АМРО- Ўзбекистон Миллпй банки" Малайзи^! -"Узбсклизинг Иптернсшпл" (қўшма лизинг компаицяси)

1995 йилда ЕТТБ савдога ердам дастурн доирасида Ташқи иқтпсодий Миллий банк билан мамлакатимиз банкларшпшг махсус танланган .гурухи учун таъсис этилгаи 39 млн. ЭКЮ микдорида узининг дастлабки битимини имзолади.

Ҳалқаро тажириба шуни курсатдики, молия билан таъминлашнинг лизинг шакллари тузилиши хусусий сохага жуда катта фойда келтириб, макбўл шартлар асосида ускуналар ва хизматлар харид қилиш имконини беради. ЕТТБ Ўзбекистондаги дастлабки лизинг компанияси "Узбек лизинг Интернсйшнл АЖ" тизимида иштирок этди. ЕТТБ дастлабки сарфланган сармояси комания акционерлик сармоясини 15% ни ташкил қилади, бу компанияниинг муассислари Ҳалқаро Молия корпорациясн, Малайзия МАТ банки, Узбекистоп ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкиднр.

ИКХА- Жаҳон банки хузурида 1988 йилдагина тузилган энг янги тузилмадир. Унинг асосий вазифаси-нотижорат таваккалчиликдан келиб чиқиш мумкин бўлган зарарларда инвесторларга бериладиган кафолат ҳисобига, шунингдек, сармоя окимини йўналтирувчи ва рағбатлантирувчи кулай инвестиция мухитини ва ахборот базасини яратишда кумаклашувчи аъзо мамлакатлардга маслахат хизмати кўрсатиш йўли билан ривожланаетган мамлакатлар иқтисодиетини мустахкамлаш мақсадида инвестициялар окимига ердам беришдир.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий стратегиясини амалга оширишда Европа таъмирлаш ва тараккиет банки (ЕТТБ) муҳим роль уйнайди. Унинг асосий вазифаларидан бозор иқтисодиетига утмокчи мойил давлатларга, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, бундан ташқари, монополияни ва марказлаштиришни бартараф этишда яқиндан ердам беради.

ЕТТБ нинг Ўзбекистондаги фаолияти: Хозирги вақтда Ўзбекистонда амалга оширилаетган умумий қиймати 536 млн. АҚШ долларига тенг 9 та лойихада ЕТТБ иштирокининг улуши 253,1 млн. АҚШ долларини ташкил

қилади. Яна 1116,5 млн. АҚШ доллари сарфланадиган 10 та лойиха куриб чиқилмокда.

ЕТТБ кредитлари асосида қуйидаги мамлакатлардан инвестициялар жалб қилинган ходда ишлаб чиқариш фаолияти биланшугулланувчи дастлабки кўшма корхоналар тузилган:

- АҚШ-"Ньюмопт майиинг " (олтин казиб олиш)
- Гсрмания-"Саламандер" (пойафзал ишлаб чнқарнш)
- Германия-"Сенаско" (кншлок хўжалик ускуналари ишлаб чиқариш)
- Япония-" Марубени" (плл.ча чиқимларипи калта ишлаш)
- К;шада-"Варта Ипдастриз Корпорсйшн" (чорвачилпк учун озука)
- Голландия-"АБН-АМРО- Ўзбекистон Мнлллй банки"
- Малайзий -"Узбсклизилг ' Млтсрнсшлл" (қўшма лизинг компанияси)

1995 йилда ЕТТБ савдога ердам дастури доирасида Ташқи иқтисодий Миллий банк билан мамлакатимиз банкларининг махсус талланган.гурухи учун таъсис этилган 39 млн. ЭКЮ микдорида узининг дастлабки битимини имзолади.

Ҳалқаро тажириба шуни курсатдики, молия билан таъминлашнинг лизинг шакллари тузилиши хусусий сохага жуда катта фойда келтириб, макбўл шартлар асосида ускуналар ва хизматлар харид қилиш имконини беради. ЕТТБ Ўзбекистондаги дастлабки лизинг компанияси "Узбек лизинг Интернейшнл АЖ" тизимида иштирок этди. ЕТТБ дастлабки сарфланган сармояси комания акционерлик сармоясини 15% ни ташкил қилади, бу компаниянинг муассислари Ҳалқаро Молия корпорацияси, Малайзия МАТ банки, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкидир.

Булардан адЯрт Республикамиз мустақил бўлгач, "Осиё

І Ривожланиш Банкр" а*эоси бўлди. Бу банк Осиё ва Тинч океан минтақаларкда икгясодий ва ижтимоий тараққиётга кумаклашиш Мақсадида тузилган.

ОРБ кичиқ ва камрок ривожланган мамлакатларнинг муоммоларига алохида эътнборни каратиб, минтақашшг уйгун иқтисодий усишига ёрдам берувчи минтақавий, кичиқ, минтақавий ва миллий лойиҳалар ва дастурларни устивор куяди.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ- ГАТТ) билан ҳамкорлиги рвожланмокда. Бу ташкилот 1947 йилдан ишлаб келаёгган тарифлар ва савдо ҳақидаги Бош битим базасида тузилган.ГАТТ га ҳалқаро савдонинг куп асрлик тарихида вужудга келган 3-та коида асос қилиб олинган:

1. ГАТТ қатнашчиси бўлгаи барча мамлактлар бир-бирларига нисбатан экспорт ва импортии тартибга солишда бир хил тадбирларии куради, бир ски бнр нсча мамлакатнинг бошқаларга нисбатан камситилишига йўл куймайди.
2. Барча мамлакатлар узларининг нисбий устунликларидан туларок фойдаланиш учун йўл очиш ва ҳалқаро оқилона мехнат

таксимотига эришиш мақсадида божхопа божларими камантиришга интилади.

3. ГАТТ катнашчнси бўлган мамлакатлар уз бозорларини ҳимоя кнлишшшг энг кулам шаклндан- импорт ккоталаридан воз кечадилар.

Хозпр бу бнтимга 100 даи ортнк мамлакат имзо чсмскан АҚШ да божхопа божларпшшг камаптприлганлнгн унппг самарадор эканлиги ҳақпда мулохаза юрнтнш имконинп бсради.

Шупдай килпб, ҳзирги кунда мустакпл рсспубликамизнинг дуиспинг йирик молия ташкилотларн, ҳалқаро фопдлари билан алоқас» Кғ'Maiin6 бормокда. Бу эса уз иавбашда Узбекнстоп учун жахоп бозорига чнқпш, жаҳон стандартларнга мог товарларпи ншлаб чиқарнш. Республикада иқтисодий, ижтамоий фаровонлик янада рнвожланиб, рсспубликамиз катта ютукларга эришмокда.

Назорат учун саволлар:

1. Молиянинг ҳалқаро интегацион жараёнларга таъсири.Ҳалқаро алоқаларнинг ривожланишида молиянинг роли.
2. Ўзбскистон Республикасииикг ҳалқаро интеграция тузилмаларидаги иштироки.
3. Корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усуллари.
4. Хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳалқарио фондлари роли ва аҳамияти.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А., "Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан". Т. : "Ўзбекистон", 1995, - 234 б.
2. Каримов И. А., "Ўзбекистон XXI - аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. :"Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
3. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. "Экономические реформм Республики Узбекистан" - М. : ТОО "Люкс-арт", 1998. - 236 с.
4. "Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари", 1997й. 1-12 сонлари, 1998й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1999й. 1-12 сонлари ва иловалари, 2000й. 1-12 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти, Т. : 1997 - 2000Й.
5. Родионова В. М. Финансы М. : "Финансыи статастика", 1995, - 432с.
6. Гатауллин Ш. К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Т. : 1996, - 3046.
7. Ткачук М. Й. Государственньш бюджет. Уч. пос. Минск: "Вўсшая школа", 1995, - 240 с.
8. Лободенко Н.В.Аудит и диагностика банкротства. //"Финансы, 1997г., №2.

9. Бункина М. К., Семенов В. А. МАКРОЭКОНОМИКА (основў экономической политики)" Уч. пос. М.: АО"ДИС", 1996, - 320с.
10. Т. Маликов Молиявий қарор қилиш асослари. Т. : "Меҳнат", 1996.
11. А. Улмасов, Н. Тухлиев. Бозор иқгисодиёти. қисқа луғат маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
12. Ковалева А. М. Финансм. Уч. пос. для студентов экономичбских направлений и специальностей ВУЗов, М. : "Финансм и статистика", 1996. - 280с.
13. Дробозина Л. А. Обвдая теория финансов. М.:"Банки и биржи", 1999-527с.
14. Сумароков В. Н. Государственнме финансн в системе макроэкономического регулирования. М. : "Финансы истатистика", 1996 - 220с.
15. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта тўғрисида" ги қонуни. 1993 йил 6 май. Т. : 1993.
16. Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Август 1999 йил. Т. : 1999.
17. Страховое дело. Уч. под ред. проф. Л. И. Рейтмана. М.:"Банковский и биржевой научно-консультационнмй центр", 1992.-340с.
18. Краснова И. А. Страховме фондм и финансово-кредитнне отношение. М. : "Финансм и статистика", 1993. - 120с.
19. Финансы, денежное обравдение и кредит. Уч. под ред. В. К. Сенчагова и А. И. Архипова, М. : "Проспект", 1999. - 496с.
20. Финансы предприятий: Уч. для ВУЗов/Под ред. Н. В. Колчиной -М. : ЮНИТИ, 1998. - 325с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Русак Н. А. , Русак В. А. Основн финансового анализа. Минск: ООО Миркаванне, 1995, - 196 с.
2. Бородина Е. И. , Голикова Ю. С. и др. Финансы предприлтий. Под ред. к. э. н. Бородиной Е. И. Уч. пос. для студентов. М. : "Банки и биржи", ЮНИТИ, 1995, - 208 с.
3. Герасименко Г. П. Финансовьш анализ. Уч. пос. М. : "ПРНОР", 1996,-160с.
4. Ковалев В. В. Финансовьга анализ. Управление капиталом, вмбор инвестиций, анализ отчетности. М. : "Финансы и статистика", 1996. - 180с.
5. Настольная книга финансиста/Под ред. В. Г. Панского - М. :Международний центр финансово-экономического развития, 1995. - 325с.
6. Справочник финансиста предприятия/Под ред. А. А. Володина - М. :ИНФРА-М, 1996. - 237с.
7. Финансово-кредитнўй словарь. В 3 т. - М. : Финансы и статистика, 1994, 1996, 1998.